



«KAMOLOT»
KUTUBXONASI



66
H-545/54


Сиёсатнома

(Сиръ ю-мийн)

Низомулатмұлк




66, 3(39)
H-57



Низомулмулк

Сиёсатнома (Сияр үл-мұлұқ)



ЯНТЫ АСР АВЛЮДИ
ТОШКЕНТ
2017

УЎК: 94:321.01(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

Н - 57

Низомулмулк

Сиёсатнома (Сияр ул-мулук) / Низомулмулк. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 304 бет.

ISBN 978-9943-27-635-2

Мана, тўққиз асрдан ошибдики, қулимиздаги ушбу китоб турли тилларда кўпгина халқларнинг амир-у умаролари, мутафаккир-у ижодкорлари, умуман, зиёли аҳли диққатини ўзига тортиб келади. Ҳатто Farb мамлакатларида бу китоб барча даврлар учун давлатни, жамиятни бошқаришда, дин-у эътиқод поклигини, мамлакат яхлитлиги ва дахлсизлигини сақдашда, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ва осойишталигини ҳимоя қилишда, халқка шу талаблар даражасидаги салоҳиятли раҳбарлар бўйи булишида аскатадиган яхши қулланма, мароқли бадиий асар ва тарихий маинба сифатида эътироф этилган.

Китоб тарижчилар, сиёсатчи ва сиёсатшунослар, файласуфлар, шунингдек, бу соҳаларга қизиққан китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

УЎК: 94:321.01(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

Масъул мударрир:

Шариф ХОАМУРОД

Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари

Шодмон ВОҲИД, Афтондил ЭРКИНОВ

Тўлдирилган иккинчи нашри

МАДДАВ БАЙЛАМ ТОЛОВХА

ISBN 978-9943-27-635-2

© «Адолат», 1997 й.

© Низомулмулк, «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулук»). Иккинчи тўлдирилган, қайта ишланган нашри. «Янги аср авлоди», 2015.

УЛУФ ЗОТЛАР МЕХРИ ТУШГАН «ҚИЛИЧ ВА ҚАЛАМ СОҲИБИ»

Жаҳон маданиятининг бешикларидан бўлган Шарқ тарихи кўп воқеаларга шоҳид: саноқсиз жанг-у жадаллар натижаси ўлароқ салтанатлар алмашди, не-не буюк шоҳ-у саркардалар келиб кетдилар. Кимлардир ранж-у аламлар чекса, кимлардир зафарлар нашидасидан масрур бўлиб, давр-у даврон сурди. Лекин фақат яхши ишлар, уларни амалга оширган улут зотларнинг табаррук номлари, шуларнинг барчасидан бизни воқиф этган азиз китобларгина боқий ҳолди. Маънавият ва билим хазинаси, чашмаси бўлган талайгина асарлар бугунги кунимизгача етиб кедди.

Ана шундай хазина китоблар сирасида Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари ҳам бор. Салжуқий шоҳдарга 30 йил ҳалол вазирлик қилиб, ўз номини сўнмас шон-шуҳратга чулғаган Низомулмулк марказлашган кучли давлат учун кураш олиб бориш билан бирга бу борадаги ўз кузатувларини жамлаб, умумлаштирган ҳолда кўплаб амир-у умаролар, давлат арбоблари, сиёсатчилар учун зарур қўлланма хизматини ўтаб келган ажойиб китоб яратди. Унда давлатни бошқаришдаги энг майда масалалардан тортиб, ғоят йирик ва муҳим муаммоларгача ҳаммасини ўзи яшаб турган даврга қадар тўпланган сиёсий тажрибадан келиб чиққан ҳолда атрофлича ёритиб берди.

Албатта, кувваи хотирага энг аввало Шарқ ижтимоий тафаккури, маданияти маҳсули бўлган, ҳам

муҳим амалий аҳамиятта, ҳам юксак бадиий қий-матга эга бундай асарларни боболаримиз түккиз асрлар муқаддам ярата олган эканлар, улар қуруқ жойда пайдо бўлмаган, деган фикр келади. Шундай асарлар қалам учидан тўкилиши учун шунга яраша шарт-шароит, ижтимоий онг ва тафаккур, маданият ва маънавият даражаси, энг муҳими, умумлаштиришга, холоса чиқаришга арзигулик муайян амалий ижтимоий-сиёсий тажриба бўлмоғи зарур эди. Чиндан ҳам бугунги кунда юксак тараққиёти ҳақди равишда эътироф этиб келинаётган қитъя ва минтақаларнинг аксарияти ҳали уйку оғушида бўлганида Шарқда, жумладан, бизнинг қадимий юртимизда давлатчилик бобида каттагина тажриба тўпланган эди.

Мусулмон Шарқида уйғониш даври ўз чўққисига чиқиб, кейинги тараққиёт босқичини Farbga узатди. Шарқдаги бу жараён умумжаҳон цивилизациясининг ўспириилик ва балоғат даври эди.

Инсониятнинг шундан кейинги равнақи кўп жиҳатдан ўша даврдаги маънавий-сиёсий жўшиқинликда муҳрлаб, белгилаб берилганди. Биз тарих ғилдираги босиб ўтган бу тараққиёт босқичларини ўз вактида таҳлил қилиб, ўрганиб, узимизга жуда кўп фойдали сабоқлар олишимиз мумкин эди. Мана, ниҳоят, имкон туғилган экан, сиёсий, ҳукуқий ўтмишимиизга жиддийроқ назар ташлаб, уни теранроқ англашга ҳаракат қиласомиз мозим. Зоро, давлатчилик сиёсатининг илдизлари «Сиёсатнома» сингари ноёб асарларга бориб тақалади, улардан озиқ олади.

«Темур тузуклари»да ҳар қандай подшоҳ, ҳалқ орзу қилгулик ақд-заковат, валинеъмат соҳиблари бўлмиш вазирлар тўғрисида сўз юритилганида «Сиёсатнома» муаллифи Низомулмулк алоҳида меҳр-муҳаббат билан, ҳар жиҳатдан намуна қилиб курсатилади. Бундай «Қилич ва қалам соҳиби» бўл-

миш вазирларни эъзозлашга, қадрлашга даъват этилади.

Адолат, тентлик – ҳаққонийлик ва бошқа инсоний эзгуликлар манбаи, шубҳасиз, Куръони карим ва Ҳадиси шариф бўлса, «Сиёсатнома» сингари асаллар шу муқаддас китобларда баён этилган фикрлар ва уларни руёбга чиқариш бобида олиб борилган ишлар ифодасини аниқ бир фаолият доирасида кўрсатиб, шарҳлаб ва изоҳлаб беради. Давлат масаласи «Сиёсатнома»нинг ўзак томирини ташкил қиласди. Бу жиҳатдан унинг асосий ғоялари эзгу мақсадларни кўзлаган ҳар қандай тузум, давр, жумладан, бизнинг давлатимиз сиёсати билан ҳамоҳангдир.

Низомулмулк ўз китоби воситасида қуруқ панд-насиҳатни, кўрсатма беришни мақсад қилиб қўймайди. У турли давлатларнинг ҳукмдорлари, авлодлар тажрибасидан, жумладан, ўз шахсий тажрибасидан бизга мароқли ҳикоя қиласди. Шу жиҳатдан ҳам, гарчи асар асосан энг мураккаб ва масъулиятли инсоний фаолият жабҳаси бўлмиш сиёсатдан сўзласа-да, ғоят қизиқарли бадиий асар сифатида мароқ билан ўқиласди. Бошқача айтганда, муаллиф муҳим сиёсий муаммолар хусусидаги фикрларига бадиий ён босиб, уларнинг маъқуллигига ўқувчи ишончини мустаҳкамлайди, асар ибратини янада кучайтиради.

Буюк истиқболли мустақил Узбекистон тараққиётiga муносиб ҳисса қўшиш иши тиёқида бўлган ҳар бир давлат арбоби, масъул шахс, сиёсатшунос олим, зиёли, барча ватандошларимиз мазкур китобда баён этилган аждодлар тажрибасидан ўз фаолиятлари учун зарур сабоқ ва маънавий қувват олишлари аниқ.

ШАРИФ ХОЛМУРОД

НИЗОМУЛМУЛК ВА УНИНГ «СИЁСАТНОМА» АСАРИ

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018 – 1092) Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг 1091 йили ёзилган «Сиёсатнома» (ёки «Сияр ул-мулук») асари билан ўчмас из қолдирган.

Абу Али Ҳасаннинг бобоси Байҳақ қишлоғининг энг нуфузли деҳқоналаридан бўлиб, тўрт нафар уғилинииг отаси эди. Унинг катта ўғали Абулҳасан Али отаси вафотидан кейин Хурросон волийси Абулфазл саройига бориб, унинг хизматига киради. 1018 йилда унинг оиласида (Туснинг Родкон вилоятидаги Навғон қишлоғида) Абу Али Ҳасан оламга келади. У бошлангич таҳсилни шу ерда олади, кейин Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга етгач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматига киради. Кейинчалик у Довуд ибн Микоилга дабир бўлади. Дабирлик мансабидан салжуқийлар (1037 – 1194) шоҳи Алпарслон (1063 – 1072 йиллар) саройида вазирлик мансабигача кўтарилади ва «Низомулмулк», яъни мулкнинг низоми, тартиби маъносини англатувчи номи билан шуҳрат қозонади. Вазирлик даврида у қарийб давлатнинг бутун ишларини ўзи олиб боради.

Низомулмулк сарой ва давлатдаги шунчалик катта обрў-эътиборига қарамасдан ҳасадгўй, ғарзагўй кишилар ва мансабдорларнинг игволаридан хавфсираб яшарди. Ҳатто, Алпарслоннинг ўзи ҳам вазирини рофизийликда айблаб, унинг шофеий мазҳабида эмаслигидан афсусланарди. Шоҳнинг шундай муносабатини Низомулмулк ўз асарида таассуф билан эслайди.

1072 йили Алпарслон улдирилганидан кейин Низомулмұлк унинг ўғли, 17 ёшида таҳтта үтирган Маликшоқ (1072 – 1092 йиллар) саройида вазирлик қилиб, бу шоҳнинг давлатига ҳам катта мадад беради, мұлкини бошқарып туради. Маликшоқ уни ўз ҳомийиси отабек деб атаган. Вазирлиги даврида у күп олимлар ва машхұр кишиларга ҳомийлик қилиб, моддий әрдам күрсатди. Улут олим ва шоир Умар Ҳайём ҳам Низомулмұлкнинг муруватидан баҳраманд бұлғанлиги яхши маълум.

Шу құмронлар даврида Низомулмұлк Арабистондан то Туркистонгача бұлған үлкан мамлакатни бошқарған. Бу даврда ҳатто халифа пойтахти бұлмиш Бағдод ҳам Маликшоқ құлида эди ва уни бевосита вазири Низомулмұлк бошқарған. Тарихчи Мирхонд үзининг «Равзат ус-сафо» асарида (4-жылд, 107-бет) бир воқеани көлтирган. Бир куни Маликшоқ Низомулмұлкнинг ўғлидан хафа бўлади. У сulton шаҳнасини таҳқир қиласан әмиш. Вазири одига ўз одамларини юбориб, хафа бўлганини айтиб юборади: «Агарда мамлакат бошқарувида сен менга шерик бўлсанг, майли-я, бироқ менга тобе бўлсанг, нимага ўғлинг қиласан шарорат қиласан, у ҳаддидан ошиб кетибди-ку! Хоҳласам буюраман, олдингдан давотни оладилар (яъни вазирликдан тушираман сени). Низомулмұлк унга жавоб бердики, сенинг давлат-у тожинг менинг давотимга боғлиқ, вазирликни мендан олсанг, сендан тожингни оладилар.

Низомулмұлкнинг оқилона ва адолатли давлат бошқаруви туфайли Маликшоҳнинг номи тарихда қолди. У адл ва инсофнинг буюк меъмори эди. Вазирлиги даврида Бағдод, Басра ва Исфаҳонда «Низомия» номидаги мадрасалар бино қиласади.

Маликшоқ ва унинг вазири Низомулмұлк давлатида иқтисодий шароит яхшиланған даврда³⁰ ўшли Умар Ҳайём (1040 – 1123) таниқли астроном эди. Уни 1074 йили сосонийларнинг шамсий тақви-

ми (календари)ни ислоҳ этиш учун тузилган гурӯҳга раҳбарликка таклиф қилишади. Умар Ҳайём бу ишни бажариб, девоннинг илмий ва давлат ишларига таклиф қилинади. Бу таклифни Умар Ҳайём рад этса ҳам, Низомулмулк унга йилига 1200 туман ҳақ бериб, илмий ва адабий фаолиятини олиб бориши учун шароит яратиб беради.

Маликшоҳ салжуқийлар салтанати пойтахти бўлмиш Марвда катта обсерватория қурдиради. Саройда илмий-маданий мұжит шакланади. Бўлғуси буюк олим – Мұҳаммад Фаззолий (1058 – 1111) бу вақтда энди ижодга киришган, арабийнавис шоирлар Муизий, Тантароний, Туғроий кабилар Маликшоҳ саройи билан боғланган эдилар. Низомулмулк 1067 йили Бағдодда оламга машҳур «Низомия» мадрасасини қурдиради. Мұҳаммад Фаззолий ўз вақтида ана шу мадрасада дарс берган.

Низомулмулк ўз даврининг машҳур кишиларидан бўлмиш Ҳасан Сабоҳни ҳам Маликшоҳ саройига жалб этади. Аммо кейинчалик у билан келиша олмай, уни сарой хизматидан четлатади. Улар ўртасида очиқ душманлик муносабати пайдо бўлади. Ҳасан Сабоҳ Мисрга бориб таҳсил олиб, исмоилия мазҳабининг доийси – тарғиботчиси бўлиб қайтгач, куч билан Қазвин яқинидаги Аламут қалъасини босиб олади ва Маликшоҳ Салжуқий ва унинг вазири Низомулмулкка қарши ҳаракатларини бошлайди.

Бундан ташқари, Маликшоҳ ўлимидан кейин унинг авлодлари ўртасида таҳт учун кураш бошланади. Низомулмулк Маликшоҳнинг катта ўғли Барқаёриқнинг таҳт учун курашувига мадад беради ва бу билан Маликшоҳнинг хотини Турконхотуннинг ашаддий душманига айланади. Давлат ишларига таъсири жуда сезиларли бўлган Турконхотуннинг бевосита иштирокида Низомулмулк вазирликдан олиниб, ўрнига шу хотиннинг

яқин кишиси Тожулмулк Абулғаноим ибн Хусрави Фируз тайинланади.

Вазирликдан кетган Низомулмулк ана шу кишиларнинг иғволари ҳамда Ҳасан Сабоҳнинг иштироки билан Бағдод сафари йўлида, Наҳованд шаҳри яқинида Абу Тоҳир исмли ёлланган қотил тифидан 1092 йили 14 октябрда ўлдирилади.

Маликшоҳдан кейин меросхўрлар ўртасидаги тож-тахт учун талашувлар натижасида у бунёд этган обсерватория ёпилиб, Умар Ҳайём ҳам бу ерни тарк этади. Маданий муҳит таназзулга юз тутади.

Маликшоҳ Салжукъий ўз ҳукмронлиги даврида саройнинг фозил ва олимларига давлатни бошқариш қоидалари, тартиботи ва усуллари ҳақида бир рисола ёзиб, унда ўтган шоҳлар тарихи ва ҳаётий тажрибасидан мисоллар келтиришларини буюради. Бу рисола, аввало, давлат бошқаруви ишларида дастур вазифасини бажариши кераклигини таъкидлайди. Ўзига хос ушбу ижодий беллашувда Низомулмулк ҳам иштирок этади. Унинг сўзига қараганда, мазкур ишга Шарафулмулк (Абу Саид Муҳаммад бини Мансур бини Муҳаммад ал-Хоразмий), Тожулмулк, Маждулмулк (Абулфазл Асад бини Муҳаммад ал-Кумий) ва бошқалар қўл урадилар.

1091 йили Низомулмулк ёзган 39 бобдан иборат «Сиёсанома» ёки «Сияр ул-мулук» («Подшоҳлар турмушки») номли асар шоҳга манзур булади. Сўнгра Низомулмулк асарини қайта ишлаб, уни янги боб ва қисмлар билан бойитади. 1092 йили уни кўчириб, Султон Маликшоҳга бериб қўйиш учун саройнинг маҳсус котиби Муҳаммад Мағрибий ан-Носиҳга топшириб, узи Бағдод сафарига йўл олади.

1092 йили Маликшоҳ ҳам ўлдирилиб, тож-тахт учун кураш авж олиб кетади ва давлат ишлари тартибсизликка учраб, ҳалқнинг аҳволи ёмонлаша боради. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Мағрибий факат

1105 йиља келиб, яъни Фиёс уд-дин Муҳаммад бини Маликшоҳ даврида (1105 – 1118 йиллари) Низомулмulk асарини эълон қилишга муваффақ бўлади.

Шундай қилиб, котиб Муҳаммад Магрибийнинг Низомулмulkка садоқати ва шижоати туфайли унинг васиятномаси бизгача етиб келди.

«Сиёсатнома» асари яратилган даврдан бошлаб олимлар, тарихчилар, адиблар, энг асосийси, шоҳ-у ҳокимлар дикқатини ўзига тортиб келади. Бу асарни сultonлар ва бошқа мансабдорлар кўчиритириб олиб, ўз фаолиятларида фойдаланганлар. «Сиёсатнома» Шарқ маданиятини, салжуқийлар тарихи ва сиёсий ҳаётини ўрганишда энг ишончли манба булиши билан бирга форс адабиётининг дастлабки бадиий асарларидан саналади.

«Темур тузуклари» асарида улуғ вазир ва давлат арбоби Низомулмulk амаллари хурмат-эҳтиром билан эсланиб, жумладан, шундай дейилади: «Масалан, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низомулмulkни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабиҳ ишлари, зулм-ситами ва нафси бузуқлиги касофатидан салтанат биноси бузила бошлади». Бошқа бир жойида Низомулмulk давлатни бошқаришда ибрат қилиб кўрсатилиб, унинг фазилатларига таъриф берилади: «Низомулмulkning ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У Ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: «Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдаминг Ҳаж қилиш билан баробардир».

«Темур тузуклари»да ақлли, билимдон ва ҳушёр вазир мамлакат ҳаётининг турли жабжаларида жуда катта куч эканлиги, подшоҳининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлиги ва узок-

ин кўра билиш қобилияти билан осонлаштириши олижанобларча эътироф этилади. «Бундай вазирни съзозлаб, иззат-икром этсинлар, давлат шериги билиб, азиз тутсинлар. Зинҳор унинг сўзидан чиқмасинлар, у нима деган бўлса, бари ақд кўзгусидир», дея қайта-қайта таъкидланаар экан, шундай ҳурматга сазовор вазир сифатида яна Низомулмулк мисол сифатида келтирилади.

Асарнинг тарихий, сиёсий ва бадиий аҳамияти шундаки, у салжуқийлар хукмронлигига оид обручи манба булиб, бу силсила шоҳлари учун давлатни бошқаришда бир дастур тарзида яратилган. Асар адабий манба сифатида ҳам жуда қимматлидир. Шу сабабли асарга, Низомулмулк шахсиятига Алишер Навоий, «Дастур ул-мулук» муаллифи Самандар Термизий, «Осор ал-бидод» муаллифи Абу Яҳё Закариё ибн Муҳаммад ал-Қазвений ҳамда ибн Исфандиёр, ибн Биби, ибн Тиқтак, Хожа Халифа ва бошқа кўплаб улуғ аллома-ю давлат арбоблари юят юксак баҳо берганилар.

Ушбу асар машҳур шарқшунос олимлардан Ш.Риё, В.Дорн, Э.Брове, А.Кристенсен, Ч.Шеффер, Т.Нельдеке, В.В.Бартольд, А.Кримский, Муҳаммад Низомиддин, Файз ал-Ҳасан Файзий, Б.Фафуров, Б. Аҳмедов ва бошқалар дикқатини ўзига тортиб, уларнинг жиддий хуносаларига асос бўлган. Кўпгина хорижий нашрларда «Сиёсатнома» асари бугунги сиёсатчилар учун ҳам энг яхши қўлланма сифатида баҳоланади.

«Сиёсатнома» асари ва Низомулмулкнинг шахсияти кўп мутахассислар қатори ўзбек олимлари ҳамда Ўкувчиларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Бу асардан баъзи парчалар ва маълумотларни академик Бўрибой Аҳмедовнинг мақолаларида ҳамда «Ўзбекистон тарихига оид манбалар» китобида учратамиз.

«Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулук» асарини олимлар салжуқийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳолаганлар. Асарнинг асосий ғоялари ҳам шундан иборатки, вазир Низомулмулк шоҳ ва ҳокимларни адл-у инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқарib, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни вижданли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаронлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Ўқувчи Низомулмулк асарини ўқир экан, муаллифнинг ақл-заковати, ҳаётий тажрибаси, ҳикоя ва мисолларига мафтун бўлади, унда келтирилган илмий, ахлоқий-тарбиявий, диний далилларга ишонади, асар муаллифининг тилига, бадий тасвир маҳоратига қойил қолади.

Масалан, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Хожа Камолиддин Ҳусайн номли шоир ҳақида гапира туриб шундай ёзади: «Хожа Низомулмулкнинг ўғлидир. Отасининг таайюн ва иштиҳори бурунги Низомулмулкдин ортиқроқ бўлмаса, ўксук (кам) ҳам эмас. Эътибор юзидин анинг била тенг бор эди. Аммо мансаб юзидин ортти...» Навоийнинг гаплари шуни курсатадики, Ҳирот маданий муҳити учун салжуқийлар вазири таниқли шахс бўлган. Шу боисдан ҳам бошқани унга қиёслаб, нисбат бериб таърифляяпти.

Низомулмулк фикрича, адолат ва саҳоват хайрсадақадан, ноҷор, ноилож кишиларга мадад беришдан, бева-бечоралар, майиб ва ногиронларга ҳазинадан нафақа ажратишдан ва инсонларнинг ҳукуқларига риоя қилишдан иборатдир. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қулларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир.

Ҳар бир ишда амалдорларнинг маслаҳат билан иш кўришлари кўзда тутилади. Низомулмулкнинг шоҳ ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жаҳон кезган оқсоқоллар, олим-у мўтабар кишилар билан маслаҳатлашиб иш тутиши тарафдоридир.

Низомулмулкнинг яна бир фикри эътиборга сазовордир. Бу юя шундан иборатки, давлатда марказий ҳукумат (яъни шоҳ ҳокимияти) жуда ҳам кучли бўлиши лозим. Шундагина давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди.

XI аср вазири Низомулмулкнинг фикрича, раият аҳди, зулм-у ситам кўрган ҳар бир киши, умуман, норози бўлганилар амалдор ва ҳокимдан тортиб то вазир ва шоҳнинг ўзигача қабулларига бориб, шикояти ёки маслаҳатини баён қилишлари зарур. У ёзади: «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда худованд подшоҳ додхоҳдарини олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда ситам қилувчилар оқибатини ўйлаб кўркиб бедодлик қилмайдилар».

Низомулмулк ҳар бир юяни исботлаш учун муайян тарихий ва афсонавий шахслар, сулолалар ва салтанатлар тарихидан, ўтмишидан фойдаланиб, тегишли воқеалардан мисоллар келтиради. Давлат бошқаруви ва ҳукуматчиликка у 875 – 999 йилларда ҳукм сурган сомоний ҳамда газнавий сulton ва шоҳларни намуна қилиб кўрсатади. Бу сулолаларнинг намояндларини ниҳоятда улувлаб, бальзан уларга хос бўлган фазилат ва яхши хислатларни, хулқ-атворларни эъзозлаб, замона шоҳларида ҳам шундай сифатларни кўрмоқчи бўлади ва шу йўл билан уларга давлатни бошқариш борасида самимий маслаҳатлар беради.

Низомулмулк замонасидаги иллатларни баъзан очиқчасига баён қиласди, лекин оқил инсон, давлат арбоби бўлганлигидан баъзи ҳаракатлари зое кетаётганини яхши тушунади. Ўша давларда ҳам ҳасадчи ва фаразли амалдорлар борлигини, саройдаги макрлар, амалдорларнинг бир-бирларига қасд ва душманликлари давлат ишларига, ҳалқ ва салтанатга зиён эканилигини яширмайди. «Бизнинг замонда, – деб ёзади у, – амирлар бир ҳаром динордан чўчимайдилар, ҳақиқатни ёлғонга чиқариб, иш оқибатини ўйламайдилар». Бошқа жойда: «Ҳозир шундай замон бўлганки, юз мусулмоннинг қони тўкилса ҳам, бирорнинг заррача иши йўқ. Олтингларни олганда ҳам бирорни жавобгар қилмайдилар, ишни ҳам охиригача олиб боролмайдилар. Ажаб дунё, бундан кейин нима бўлар экан?!» деб ёзади.

Давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутишини яхши тушунган Низомулмулк уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни, ҳар бирига лойик амал бериб, асосий мақсад йулида тарбия қилишни муҳим бир талаб деб билади. Ҳар қайси амалдорни тарбиялашга кўп вақт кетиши ва бу мушкул иш эканини тушунтириб, ҳокимларга кўл остидагиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради. Амалдорнинг хатосини кўриб, уни дарров ишдан олиш тўғри эмаслигини, уни биринчи маротаба кечириб, яна хато қиласлиги учун ҳимоя қилиш кераклигини айтади.

Асарнинг баъзи қисмлари ва бобларида халифаларга қарши бўлиб ўтган қўзғолон ва урушлар, исломдаги ҳар хил мазҳаб ва жараёнлар, уларнинг намояндлари ва тарафдорлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, Маздак ҳаракати, Муқанна қўзғолони, Абу Муслим ҳаракати, Озарбайжонда афшин Бобакнинг чиқишлари ҳамда қарматий, ботиний, рофизий, қадария ва шиалар

ҳаракатлари билан борлиқ воқеалар ўз аксини топган. Муаллиф бу воқеаларни баён қилиб, уларнинг сабаблари ва оқибатларини очиб беришга ҳаракат қиласди. Муаллифнинг энг асосий холосаси шундан иборатки, марказий давлат ягона бир ғояга эга бўлмаса, ҳар хил ғоя ва фикрлар тарафдорлари ҳокимият учун курашадилар, бу мақсад эса қон тўкишлар ва зулм-у ситамларга сабаб бўлиши мумкин. Асарда Марказий ҳукумат, давлат, шоҳ-у ҳокимлар халқ бирлиги, давлат истиқдоли, қудрати ва мудофаасини таъминлаш учун куч-ғайратларини сарфлашлари зарур, деган ғоя етакчи ўринда туради.

«Сиёсатнома» мавзу жиҳатдан кенг қамровли ва сермазмун асар. Унда давлат бошқарувига алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилар-у посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айгоқчилик (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, хазина ва байтулмол, элчиларга муносабат, ҳатто, шоҳнинг оилавий ишлари, унинг базм ва мажлислари, хос ходим ва шахсий соқчилари ҳақида маълумот ва маслаҳатлар бор. Асарда молия ва хўжалик ишлари, солиқ ва хирож, закот ва вақф масалалари ҳам ўрин олган. Улар батъзан керакли даражада очиб берилган бўлмаса ҳам, муайян тадқиқотларга озуқа бера олади.

Асар ҳозирги давр сиёсатчилари, давлат амалдорлари ва мансабдор кишиларга, умуман, ўтмиш тарихимизга қизиқувчи барча ўқувчиларга маънавий руҳ ва куч беради, деб ўйлаймиз.

Асарнинг бадиий қиммати шундаки, унинг муаллифи ўз фикрларини турли ҳикоятлар воситасида исботлаб, мустаҳкамлаб боради. Қарашлари ўқувчи онгига етиб бориши, дикқатини жалб этиши учун

турли тарихий шахслар, ҳар хил қаҳрамонлар ва уларнинг ҳәёти билан боғлиқ ҳикоятларни келтиради. Салжуқий ҳукмдорларга панд-насиҳат қилаётган муаллиф, асосан, илгари ўтган ҳукмдорлар билан боғлиқ воқеаларни келтириш орқали уларнинг ижобий хусусиятларини замонаси шоҳларига, ўтмиш ҳукмдорларига намуна қилиб кўрсатишни истайди. Салбий жиҳатларни тилга оларкан, уларнинг оқибатларидан сабоқ беради. Асар тилининг соддалиги билан китобхонни ўзига тортади. Низомулмулкнинг баён услубидаги публицистик руҳ ҳам асарни ўқишили қиласан.

«Сиёсатнома», – деб ёзади профессор Б.Н.Заходер, – бу жиддий сиёсий ҳужожат бўлиб, марказий ҳукумат парчаланишига қарши қаратилган асардир. «Сиёсатнома» марказлашган давлат тузишга даъват этиб, кучли давлат маҳкамаси, армия ва бошқа текшириш воситаларини яратишга чақиради»^{*}.

«Сиёсатнома»нинг энг қадимий нусхаси Британия музейида (АДД 23516) ҳамда Берлинда сақданади. Бу нусхалар 1168 – 1169 йили Урмия шаҳрида амир-ҳожиб Алп Жамолиддин фармонига биноан кўчирилган, Чарлэ Шеффер 1291 йили кўчирилган бошқа нусхадан фойдаланиб, асарни француз тилига ўгириб, 1893 йили нашр этган. 1914 йили Калькутта шаҳрида асарнинг тошбосма нусхаси ҳам чоп қилинган. Кейинчалик, 1932 йили Техрон шаҳрида Иброҳим Халхолий иштирокида «Сиёсатнома» асари беш нусха асосида солиширилиб, босиб чиқарилган.

Низомулмулкнинг бу асарини Б.Н.Заходер кўп йиллик тадқиқотларидан сўнг 1949 йили рус тилига таржима қилиб, нашр эттирди. 1960 йили асар инглиз тилида чоп қилинди.

* Сиасатнаме. Книга о правлении визира XI столетия Низам аль-мулька. Москва – Ленинград, «Наука», 1949, с.242.

«Сиёсатнома»нинг яна бир нашри 1989 йили Душанбеда амалга оширилди. Асарни нашр этган олим А.Девонакулов ўз сузбошисида асарнинг асосан бадиий аҳамиятини умуминсоний қадриятлар жиҳатидан таҳдил этган. Аммо бу нашр баъзи камчиликлардан холи эмас: асарнинг баъзи боблари тушириб қолдирилган.

«Сиёсатнома»нинг ушбу таржимасига асарнинг 1932 йилги Эрон нашри асос қилиб олини. Китоб оммавий нашрга мўлжалланаётганинги назарда тутиб, айrim жузъий қисқартиришлар қилинди ва асар тили эса ўзбек тилидаги баён услубига яқинлаштирилган тарзда берилди. Асарни нашрга тайёрлашда бизга ёрдам берган барча шахсларга, жумладан, таржимани асл нусха билан солиштиришга кўмаклашган Олима Набиевага, ноширларимиизга миннатдорчилик билдирамиз.


JIZZAX DPI

INV № 135128

AXBOROT RESURS MARKAZI

БИСМИЛЛАХИР РАХМОНИР РАҲИЙМ

Алҳамдүлиллоҳи раббили оламин ва
салавоту ва салом ала хайри ҳалқи
Муҳаммадин ва Олиҳи ва сұхъубиҳи
ажмаъин, аммо баъд бу китобни
Низомулимук Аллоҳ инояти ила ўт-
тиз бобда қисқача баён қилган эди.
Кейинроқ қалбидан ранж-у азоб бўлга-
нидан ва шу давлат мухолифларига
ҳарши китобни қайта ишлаб, яна
ўн беш фасл қўшиди. Ҳар бир фаслда
нимайки лойик бўлса, шуни ёзди. Бу
фикрлар Багдод йўлида пайдо бўлган
эди. Аммо ботинийлар хуруж қил-
дилар ва одамларга кўп зиён етказ-
дилар. Ўша вақтларда банда шуни
ошкор ёзолмадим. Энди адолат ва
ислом олам ҳудованди – подшоҳи ҳала-
даглоҳу мулкаҳу даврида кучайиб ке-
тиб, ҳар куни зиёда бўлиб, тараққий
топаётганидан умид қиласизки,
Тангри таоло шу давлат устунлари-
ни қиёмат кунларигача мухаллад ва
муаббад тутади.



БИРИНЧИ ФАСЛ

ЗАМОНА ОДАМЛАРИНИНГ АҲВОЛЛАРИ ВА СУЛТОНИ ОДИЛ, ШАҲАНШОҲИ АЪЗАМ ХАЛАДАЛЛОҲУ МУЛКАҲУНИНГ МАДҲИ ҲАҚИДА

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳар аср ва давр-у замонда ҳалқ ичидан бир кишини подшоҳдикка кўтариб, унга ҳунарлар ва ёқимли сийрат-у фазилатлар беради, дунё тинчлиги ва бандалар оромини кўлига бериб, фасод-у ошуб эшигини у орқали ёпади, унинг имзо ва ҳашаматини ҳалойиқ қалби ва кўзларида тарқатади, токи одамлар унинг адолати соясида паноҳ топиб, тинч кун кўриб, омонликда унинг давлати абадий бўлишини тилайдилар. Ва агарда, худо кўрсатмасин, бандалардан бирор-бир исён зоҳир бўлса, шариат ишларига ҳавф ё бирор зарар тоат-у Ҳақ фармонларига тегса, уларга шу подшоҳдан жазо етади, қилган ишларига ажр берилади. Худо бизга шундай кунларни кўрсатмасин, шундай ҳокимлардан узокроқ бўлайлик. Бўлмаса, исён шумлигидан, одамларга ҳашм-у ҳазлон (серсонлик) етиб, одил подшоҳни ҳам бошларидан олиб ташлайди. Ҳар хил бало-ю қўзғолон кўтарилиб, ноҳақ қон тўкилади ва кимки кучли бўлса, истаган ишини қиласди. Шунда гуноҳкорлар шу фитна ва қон тўкишларда ҳалок бўладилар ва олам улардан тозаланади, аммо уларнинг касофатларидан бегуноҳ кишилар ҳам нобуд бўладилар. Бунга шундай мисол келтирса бўлади, агарда қамишзорға ут тушса, қуруқ нарсалар ҳаммаси ёниб кетади ва ҳул нарсалар ҳам олов таъсиридан ёниб йўқ бўлади.

Аллоҳ одамлардан бир кишига құдратини күрсатиб, давлат ва иқбол беради, Ҳақ таолодан билим ва ақд топиб, шу билим билан құл остидагилардан ҳар бирини ўзига тенг билади, ҳар бирига мартабасига мос қадр қилиб, мансаб беради, хизматкорларини ҳалқ үртасидан ажратиб олади, ҳар бирига бир мартаба ва манзала беради, дин ва дунё зарурати-ю муҳимоти билан уларни таъминлайди, раиятни муҳофазат қиласи, токи унинг адли соясида ҳалойик роҳат ила яшаб кун күрсин. Агарда хизматкор ва ё маҳрамлардан бирортаси нолойик иш тутса-ю, яхшиликдан тушуниб олса, ишга қайта қўйиш керак, агарда ҳүшёр бўлмаса-ю (йўлидан қайтмаса), вафо қилмаса, уни бошқа бир лойик кишига алмаштириш лозим. Раиятдан бирортаси неъмат ҳақини, омонлик ва тинчлик қадрини билмаса, хиёнат этишни андиша қилиб сотқиналик қиласа, номардлик кўрсатса, ҳаддидан ошиб кетса, гуноҳини бўйнига қўйиб, яраша жазо бериб, ишдан олиб, улардан воз кечиш керак.

Давлатни идора қилиш талабларидан яна бири бу четдан кориз қазиб сув келтириш, қишлоғ-у далалар ободонлиги учун катта ариқлар қазиш, қалъалар қуриш, шаҳарлар бино этиш, зебо бинолар-у кенг кўчалар, работлар курдиришдир. Толиби илмлар учун мадрасалар очиш ҳам зарур, чунки бунда шоҳнинг номи абадий қолади ва унинг савобидан мулкида сулҳ-у тинчлик ҳосил бўлади. Аллоҳ қудратидан шу кунлар ўтган тарихда қолади ва олдинги маликлар ҳаётларини безатади, ҳалойикқа ҳеч кимга ҳали насиб қилмаган бирор-бир саодатни ҳадя қиласи.

Худованди олам ва шаҳаншоҳи муazzзамнинг ота-боболарига подшоҳлик ва пешволикни раво кўриб, хонадонини, ҳамма вакилларини Афросиёбдан бошлаб юксалтириб, буюк тутган. Олам маликларидан узоқ бўлган кароматлар ва буюкликлар

билан уни безаттан. Масалан, унга чиройли ҳусн, ёқимли феъл-автор, жасорат, мардлик, ақл берди, от миниш ва ҳар хил аслаҳалардан фойдаланиш, ҳар хил ҳунарни билиш, Аллоҳ азза ва жалла яраттан бандаларига раҳм-у шафқат этиш, ваъдага вафо қилиш, динга тўғри эътиқод қўйиш, Аллоҳ таолога яхши имон келтириб, унга кўнгил қўйиш, намоз ўқиб, рўза тутиш, дин уламолари, зоҳид-у порсоларни ҳурмат қилиб, кетма-кет дарвеш-у гадоларга садақа бериш, хизматкорлар ва қўл остидагиларга яхшилик қилиш, ҳалқ билан хурсанд яшаш, раиятта ситам қидувчилар ситамини ман этиш фазилатларини ато қилди. Шунинг учун Аллоҳ таоло лойиқ мартабаси ва яхши эътиқодига яраша унга давлат-у мулк берди, жаҳонни унга тобе қилди, сиёсатини ҳаммага етказди, оламдагилар унга хирож берадилар ва шунинг учун унинг ғазабидан озоддирлар. Агарда баъзи ҳалифалар даврида мулклари бирор ривож ва тараққий топган бўлса ҳам, ҳеч қачон кўнгиллари ором топмаган. Ҳозирги муборак замонда, худога шукрки, дилида ёмон фикри бор ва итоатдан бош тортаётган бирор-бир киши йўқ. Аллоҳ таоло шу давлатни қиёматгача эҳтиёт қиласин, давлат камолотига ёмон кўз тегмасин, чунки ҳалойиқ шу подшоҳ адаб-у сиёсати соясида кун кечириб, дуойи хайр қилмоқда. Демак, давлат аҳволи шундай экан, давлат-у дониш ва эзгу расм-у одат ёруғ шамга ўхшайди. Ва одамлар шу ёруғликда йўлларини топиб, қоронгиликдан чиқадилар. Унга бирор мушовир (маслаҳатчи) ва йўлбошли керак мас. Худованд подшоҳ бандаларини синамоқчи ва аҳвол андазаси ила ақл ва билимларини билмоқчи бўлиб, менга буюрдики, подшоҳларга керак бўлган некусийрат фазилатлар ва зарарли бўлган нарсаар, ҳозирда бажарилиши шарт бўлмаган қоидалар, маъқул ва номаъқул ишлар ҳақида бир китоб ёз, мен

ҳам курганларим, билганиларим, эшигандарим ва ўқигандаримдан эслаб туриб, ушбу китобни ёздим.

Шоҳ олий фармонларига биноан шу бир неча фасал ихтисор қули или ёзилади ва ҳар фаслига лойиқ иарсалар киритилиб, равшан ва осонфаҳм иборалар билан битилиб, мушкул ва қийин бўлган маънолардан парҳез қилинди, токи ўқувчига тушуниши савоб (осон) бўлсин ва Аллоҳ таоло тавфиқи или охирига етсин.

ИККИНЧИ ФАСАЛ

ПОДШОҲЛАР ТОМОНИДАН АЛЛОҲ ТАОЛО НЕЎМАТЛАРИ ҚАДРИНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

Аллоҳ таоло неъматлари қадрини подшоҳларнинг билишлари уларнинг халққа қиласидиган хайр-у эҳсон ва адолатларидан маълум бўлади. Агарда халқ дуолари эзгулик билан қўшилса, мулк мустаҳкам бўлиб, кун сайин кучга тўлади, шу мулк ўз давлат ва тинчлигидан баҳраманд бўлади, бу оламда яхши ном ва у дунёда раҳм-шафқат насиб қиласиди.

Дин улуғлари айтганларки, «Ал мулку ябқа маъал-куфри ва ло ябқа маъаз-зулми». Маъноси шуки, «Мулк куфр или мавжуд бўлиши мумкин, зулм билан эса барбодликка маҳкумдир».

Ҳикоят

Ахборда шундай келтирилганки, Юсуф алайҳиссалом оламдан утибди, уни Иброҳим салавотуллоҳу алайҳ олдида, яъни бобо ва аждодлари яқинида дағн қилмоқчи бўлибдилар. Жаброил алайҳиссалом келиб айтибди:

«Шу ерда тўхтанглар, бу жой унинг жойи эмас, бир мулкнинг жавобини қиёматда бериши керак».

Юсуф пайғамбарнинг аҳволи шундай бўлса, кўрингки, бошқаларнинг аҳволи нима бўлади?

Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам хабарида бордирки, қиёмат кунида кимки бирор ҳалқقا бошлиқ бўлиб, фармон берувчи бўлса, қўлларини боғлаб олиб келар эканлар. Одил бўлган бўлса, қўллари адл-у инсоғидан очилиб, жаннатга олиб борар эканлар. Агарда золим бўлган бўлса, шу боғланган қўллари билан дўзахга ташлар эканлар. Яна ҳадисларда айтилишича, қиёмат куни фармон берувчи киши ўз қўли остида бўлган одамлар жавобини беради ва қўйлар жавобини берган чупонга ўхшайди.

Ҳикоят

Шундай маънода Абдуллоҳ ибн Умар ал-Хаттоб ўз отасига айтган экан:

– Эй ота, оламдан ўтсанг, сени тезроқ иккинчи ё учинчи кечада тушимда кўришни истайман.

Орада ўн икки йил ўтиб ҳам уни тушида кўрмабди. Ўн икки йилдан кейин тушига отаси кирибди. Тушида ўғли ундан сурабди.

– Ота, сен менга уч кечадан кейин тушингга кираман, деган эдинг-ку!

Отаси жавоб берибди:

– Наҳарвонда бир кўприк бузилган экан ва хизматчилар уни тузатмаган эканлар. Қўйлар шу кўприкдан ўтаётган вақтда бир қўйнинг оёғи тешикка тушиб синибди. Ҳозиргача шунинг жавобини бердим.

Ҳақиқатан, подшоҳи олам биладики, шу буюк кун – қиёматда унинг қўл остида бўлган ҳалойиқ жавобини ундан сўрайдилар. Агарда бошқа кишига ҳавола этилса, қабул қилмайдилар. Шундай экан, бу мулк муҳимотини ҳеч кимга топшириш ва ҳалойиқ ишларидан ғофил қолиш ҳам керак эмас. Шоҳ қўлидан келганича яширинча ва ошкора тарзда ҳалқ аҳволидан ҳабардор бўлиши шарт. Бедодликка йўл бермай, золимлар зулмидан аҳолини қутқариши керак. Шу ишларининг баракаси унинг давлатига

тегиб, халқ уни дуо қилади, қиёматгача унинг номига дуойи хайр юборадилар. Унинг номайи аъмолида эса буюк савоблар ёзилган булади.

УЧИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОҲНИНГ МАЗЛУМЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИ, ОДИЛ ВА ЯХШИ ХУЛҚЛИ БУЛИШИ ҲАҚИДА

Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшишиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим. Агарда, «подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшигади ва золимларнинг жазосини беради», деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар қиласишининг оқибатини ўйлаб, кўрқиб бедодлик қилмайдилар.

Ҳикоят

Оддин ўтган кишиларнинг китобларидан шуни ўқиб билдимки, Ажам шоҳлари бир дукон ясаб, уни отга юклаб, саҳрого олиб борарканлар, токи уша жойда йигилган мазлумларни кўриб, ҳар бирининг гарзини эшишиб олиш мумкин бўлсин. Бунинг сабаби шу эдик, агарда подшоҳ бирор жойда ўтириб қолса, у ерда даҳлиз, долон, эшик ва парда пайдо бўлади. Фаразли кишилар ва ситамгарлар шундан фойдаланиб, зулм чекаётганларни подшоҳ олдига қўймайдилар.

Ҳикоят

Эшиздимки, шоҳлардан бирининг кулоги оғир экан. У «тилмочлик қиладиганлар мазлумлар сўзини менга тўғри етказмайди ва уларнинг ҳолини билмай, ишларига мувофиқ келмайдиган бирон буйруқ бериб

куйишим мүмкін», деб ўйлаб қолади. Ана шунда у зулм күрган кишилар қызил кийим кийисин, бошқа ҳеч ким бундай рангдаги кийим киймасин, токи мен уни таниб олай, деб буйруқ берібди. Бу шоҳ бир филга ўтириб, саҳрода юрганида тұхтаб, қызил кийганларни олдига чақыртириб оларкан. Улар ҳам баланд овозда ўз ахволларини айтіб берарканлар ва подшоҳ уларга жавоб қайтараркан. Ұша замонда бундай әхтиёткорлик шоҳ учун бирор-бир нарса қоронғи қолмаслиги учун қилинаркан.

Хикоят

Сомонийлар ўргасида эң одил амир Исмоил ибн Аҳмад деган киши бұлған. Унинг яхши фазилатлари күп экан. Аллоҳ таолога қаттық эътиқодда бұлған бу дарвештабиат кишининг ҳәёти түғрисида күп нарса ёзилған. Исмоил Бухорода турарди ва Хурсон-у Ироқ, Мовароуннаұр унинг отаси қулида зди. Яъкуб Лайс Сийистонда унга қарши бош кутаради ва у Сийистонни Хурсонга күшиб, Хурсонни ҳам ўзига тобе қиласиди.

Ироқни ҳам олади. Доийлар уни алдаб, исмоилия мазҳабига киритадилар ва у халифага қасд қилиб, қарши чиқади. Хурсон ва Ироқ лашкарини йифиб, Бағдодға юриш бошлаб, халифани ҳалок қылгач, аббосийларни йүқ этиш учун ҳаракатта киришади. Халифа Яъкубнинг Бағдодни олишга майл қылғанини эшитади. Элчи юбортыриб айттиради:

— Бағдодда сенинг қиласидан ишиңг йүқ. Ҳокимиятни қўлингда ушлаб туриб, ҳалиям Кўҳистон, Ироғ-у Хурсонни талаб қиласайпсан. Бирор-бир ихтилоф ва даъвогарлик булмаслиги учун бу йўлингдан қайт.

У бу гапларга бўйсунмай дебди:

— Менинг орзуим албатта саройингга бориб, жизмат расм-русумини жойига қўйиб, аҳдимни тоза қилиб келиш, шуни қилмасам, қайтмайман.

Халифа кўп элчилар юбортриб, шу жавобни олаверди. Шу сабабли ундан шубҳалана бошлади. Катталарни чақириб айтди:

— Менинг сезишимча, Яъқуб ибн Лайс итоат этишдан бош тортаяпти ва хиёнат билан бу томонга келаяпти. Биз унга саройга келгин, деб фармон бермаганимиз. Мен унга қайтиб кетишни буюрсам ҳам ўз билганидан қолмаяпти. Ҳар ҳолда дилида қандайдир хиёнат яширган. Ўйлашимча, у ботинийлар қўл остига утган. Бу ерга келмагунича буни билдира олмаяпти. Эҳтиёт бўлиш керак, ғофил қолишимиз мумкин эмас. Бу ишнинг чораси қандай экан?

Шундай хulosага келадилар: халифа шаҳардан саҳрого чиқиб, нузул этсин ва Бағдоднинг катта-ю кичиклари билан қўшинлар жойини тайёрласин. Агарда Яъқуб Лайс келиб қолса, халифанинг саҳрода қўшин билан турганини кўриб, фикридан қайтиши мумкин ва унинг хиёнати амиралмўмининг маълум бўлади. Одамлар лашкаргоҳда бир-бирлари билан борди-келди қиласидар. Агарда кўзғолон кутарилса, Хуросон-у Ироқ бошлиқлари хоҳишлари ва розиликлари билан бўлади. Агарда исён кутарилса, шу хиёнатларини маълум қиласидар. Биз унинг қўшинига қарши чиқамиз ва агар унга бас келомасак, жанг қилмасак, ҳамма томонга йўл очиқ бўлади ва асирилкка тушмай, бошқа бирор-бир жойга борамиз.

Бу сўзлар ва бу илож амиралмўмининг маъкул тушади. Шундай ҳам қиласидар. Бу, амиралмўминин Ал-Мўтамад алаллоҳ эди. Яъқуб Лайс етиб келиб, халифа лашкаргоҳи қаршисига тушади. Икки лашкар аралашиб кетади. Эртаси куни исён кутариб, халифа одига одам юбортриб айттиради: Бағдодни топшир ва қайси томонга хоҳласанг, кет!

Халифа икки ой муддат сўрайди. Лекин у вақт бермайди. Коронги тушади. Халифа унинг қўшини амирларига одамларини махфий юбортриб, у (Яъқуб) очиқ исён кутариб, шиалар тарафига утмоқчи,

бизнинг хонадонимизни йўқотиш учун келиб, ўрнимизга душманимизни қўймоқчи деб маълумот беради. Сизлар ҳам унинг томонидамисизлар ёки йўқми?

Бир гуруҳ айтадики, биз бу жоҳ-у ҳашаматни унинг давлатидан топганмиз. У нима қилса, биз ҳам шунга шерикмиз. Аммо куплари айтадиларки, амиралмўъминин айтаётган бу ҳолатдан бехабармиз ва биз у амиралмўъмининга қаршилик қилмайди деб ўйлаяпмиз. Агарда у шундай қаршилик кўрсатмоқчи булса, биз розилик бермаймиз. Мулокот қилиш куни сен билан бўламиз, жангда сенинг томонингга ўтамиз ва сенга ёрдам берамиз.

Булар Хуросон амирлари эди.

Халифа (Мұльтамад) Яъқуб лашкари бошлиқларидан шундай жавобни эшитиб, шод бўлади. Эртаси куни довюрак булиб, Яъқуб Лайсга хабар юборади: «Энди хиёнат ва неъмат коғирлигини ошкор қилдинг, қаршиликка эришдинг. Уртамиизда энди қилич бор ва менинг лашкарим кам ва сеники кўп булса ҳам, парвойим йўқ. Ҳақ таоло ҳаққа ғалаба беради, ҳақиқат эса мен биландир ва сен билан булган қўшин меникидир».

У қўшинга қуролланишни буюради. Жанговар ногоралар чалиниб, қўшин саҳрода сафланади.

Яъқуб Лайс ҳам халифанинг бу мазмундаги хабарини эшитиб: «Ўз муродимга етдим», – дейди. У ҳам буюради, ногора чалиб, қўшинни олиб, катта дабдаба билан саҳрого чиқиб, сафланадилар. Лашкар қалбида бир тарафда халифа, бир тарафда Яъқуб турарди. Халифа овози баланд бир кишини сафдан чиқариб, шундай дейишни буюради:

– Ё, маъшар ал-муслимин! Билиб қўйингларки, Яъқуб осий булган. У аббосийларни йўқ қилиб, ўрнига улар душманларини Жамиддиядан олиб келиб, халифа қилиб қўйиб, бидъатни ошкор қилиш ўтун келган. Кимки Аллоҳ расули булган халифага қаршилик қилса, Аллоҳ расулига хилоф иш қилгандек

бўлади. Кимки расулга итоатдан бош торгса, худойи таоло итоатидан чиққандек бўлади ва мусулмонлик доирасидан чиқади. Худойи таоло ўзи нозил қилган китобида айтадики, «Атиъуллоҳа ва атиъуррасула ва увлил амри минкум», яъни «Аллоҳга, расулига ва сизларга амрлари булган кишиларга итоат қилинглар».

Сизлардан ким жаннатни дўзахдан афзал деб билса, ҳақиқатни тан олса, ботилдан қайтса, бизнинг душманимиз билан эмас, биз билан бўлади.

Яъқуб лашкари бу нидони эшитади ва Хуросон амирлари халифа томонига утиб, шундай дейдилар:

– Биз ҳукм-у фармон ва итоат билан сенинг хизматингга келиш фикрини қилдик. Энди исён маълум булганидан кейин биз сен биланмиз ва танамизда жонимиз борича сен учун жанг қиласиз.

Халифа кучли бўлиб, ҳамлага ўтиш учун буйруқ беради. Биринчи ҳужум билан Яъқуб Лайсни мағлуб этадилар ва у қочиб Хузистон томонга кетади. Хазина-ю давлатини талон-торож қиладилар. Бутун кўшин Яъқубдан товонгар бўлди.

У Хузистонга етиб келиб, ҳар томонга одам юбортириб, тарафдорларини чақиритира бошлайди. Хуросон-у Ироқ хазиналаридан дирҳам-у динор олиб келишга одамларини юборади. Халифа унинг Хузистондан жой олганини эшитиб, тезлик билан элчи ва хат юбортириб айтади:

«Бизга сенинг соддалигинг аён бўлди. Душман сўзларига кириб мағрур булибсан, ишнинг оқибатини кўрдингми? Қара, Эзид, Таоло ўзи сенга қандайлигини кўрсатди: сенинг ва лашкиринг ҳаракатини зое қилди, бизнинг хонадонимизни саклади. Бу сенинг хатоинг эди. Энди биламанки, ҳушёр бўлиб, қилган ишингдан пушаймон ебсан. Хуросон-у Ироқ амрлигига сендан лойикроқ киши йўқ ва биз ҳам унга даъво қилмасмиз. Сенга лутфимиз зиёда ва биз ёқимили ишларингни назарда тутиб гуноҳингни кечдик. Даҳшатли ишларни қилмагансан, деб ҳисоблаймиз.

Сен ҳам ўтганга салавот деб тезлик билан Хурсон на Ироқقا бор ва вилоят ишлари билан машғул бўл».

Халифа номасини ўқиб, Яъқубнинг кўнгли юмшамайди, у қилган амалидан пушаймон бўлмади. Одига бир товоқда қўкат, пиёз ва балиқ олиб келишларини буюрди. Элчини ҳам ҳузурига чақиртириб келтирибди. У элчига қараб дебди:

– Бориб халифага айт, мен бир мисгар (саффор) кишиман ва отамдан шу касбни ўргангандман. Менинг овқатим буғдой нони-ю балиқ, пиёз-у қукатдир ва бу подшоҳлиг-у хазиналарни айёрлик билан олганман ва мардлик билан қўлга киритганман. Булар отамдан мерос қолмаган ва буни сен ҳам менга бермагансан. То сенинг бошингни ҳадя учун олмагунимча, авлодингни сўйиб ташламагунимча тинч туролмайман. Ё шу айтганларимни амалга ошираман, ёки қайта буғдой нони-ю балиқ, пиёз-у қўкат атрофига ўтираман.

У халифа элчисини кузатиб қўяди. Халифа яна қанча элчи ва хат юбормасин, у яна шу айтган сўзларидан қайтмайди. Кўшинини ташлаб, Бағдод тарафга йўл олади. Уч манзил йўл босиб ўтганларида у қулуњж касалита мубтало булиб, ахволи очорлашади. Бу дарддан қутула олмаслигини сезади, унинг акаси Амру Лайс орқага, Хурсонга қайтиб келиб, подшоҳлик қиласи. Халифага итоатда бўлади. Лашкар ва раият Яъқубдан кўра Амруни яхши кўради. Амру ато ва сахонатда жуда ҳам машҳур, сиёсатда ҳушёр ва муруватли эди. Ҳиммати шу даражада эдики, унинг ошхонасида кунига тўрт юз түя сўярдилар.

Бошқа нарсаларини ҳам шундан қиёс қиласа бўларди.

Аммо халифа гарчи Амру бундай эътиқодда булмаса ҳам, акаси йулига кирав, деб ўйларди. У кетма-кет Бухорога амир Исмоил ибн Аҳмад одига одам юбориб айтдирадики: «Амруга қарши юрғиш қили, мулкини қўлидан тортиб ол, сенинг Хурсон-у Ироқ амирлигида ҳаққинг бор, чунки кўп йиллар

давомида бу мулк оталаринг қулида эди. Булар ҳокимиятни зўравонлик қилиб олганлар. Ҳақиқий ҳоким ўзингсан, иккинчидан, сенинг фазилатларинг яхши, учинчидан, менинг розилигим сен томонда. Мен шу нарсага ишонаманки, худойи таоло сенга ғалаба, зафар ато қиласди, қўшиннинг камлигига қарама».

Халифа сўзлари амир Исмоил ибн Аҳмадга таъсир этади ва у Амру Лайсга қарши боришга қарор қиласди. Жайҳундан ўтаркан, ҳамма лашкарини йигиб, санаб курса, ўн минг кишидан иборат экан. Кўп аскарларининг ёғочдан жабдуқлари бор эди, ҳар ўн кишидан бири қалқонга, ҳар йигирма кишидан бири совутга, ҳар эллик кишидан бири наизага эга эди. Бир киши улов-отсизликдан совутига фитрок (чилбур, арқон) бойлаган эди. Шундай лашкар билан Жайҳундан ўтиб, Марвга келади.

Амру Лайсга хабар беришадики, Исмоил ибн Аҳмад Жайҳундан ўтиб, Марв шаҳрига келди. Марв шаҳри ҳокими эса қочиб кетиб, мулкини талаб қиляпти. Уша пайтда Амру Лайс етмиш минг куролланган лашкар билан Нишопурда эди, у лашкари билан Балхга қараб юради. Бир-бирларига қарши келаверадилар. Шундай тўқнашув бўладики, мағлуб бўлган Амру Лайснинг бутун бошли етмиш минг суворийси қочиб кетади. Бирор киши ярадор ҳам бўлмайди, тўққиз киши асир тушади. Шулар орасида Амру Лайс ҳам бор эди. Уларни Исмоилнинг олдига олиб бориб, қоровулларга топширишади.

Дунё ажойиботларидан шу ҳодиса ажиброқдир. Намози аср ўқилганидан сўнг Амру Лайс фаррошлиаридан бўлмиш бир кишининг кўзи унга тушиб, раҳми келиб, олдига боради. Амру унга дейди:

– Шу кечаси мен билан қол, жуда ҳам ёғизман,
– кейин яна қўшиб қўяди: – Бу одамлар олдида
бирор-бир овқатдан дарак ҳам бўлмади, ейишга
бирон нарсанинг иложини қилсанг-чи, мен очман.

Фаррош бир ман гүшт топиб, аскарлардан вақтингчалик қозон сўраб олади. У ёқقا, бу ёқقا югуриб, тезак теради, кесаклардан учоқ қураси. Гүштни қозонга ташлаб, бир оз туз топиб келишга кетади. Шу маҳал бир ит келиб, қозонга тумшуғини тиқиб, бир суюкни тортиб олмоқчи булади. Оғзи куйиб, бошини кўтартганида қозоннинг ҳалқаси бўйнига илиниб қолади, унинг иссиқлигига чидай олмаган ит қозонни ҳам кутара қочади. Амру Лайс буни куриб, коровулларга дейди:

– Ибрат олинглар, мен шундай одамманки, эрталаб ошхонамда тўрт юз туя сўйилган эди, кечқурун эса бир ит овқатимни кўтариб қочаяпти.

Дейди: «Кунту асбаҳа амиран ва амсайа асиран», яъни «Эрталаб амир эдим-у, кечқурун асир бўлдим».

Бу ҳол жаҳон ажойиботларидан биридир. Амру Лайс асир тушганида амир Исмоил ўз лашкари бошлиқларига ва буюкларига қараб дейди:

– Бу ғалабани менга Аллоҳ таоло берди ва шу неъматга Аллоҳ азза ва жалладан бошқа ҳеч ким қўл уролмайди.

Сўнгра дейди:

– Билиб қўйинглар, бу Амру Лайс бир буюк ҳиммат эгаси, хотамтойдек сажий, кудратли, ишлари тадбирли, иродаси кучли, дастурхони очиқ кишидир. Менинг фикрим шундай: унга зарар етказмасликка ҳаракат қиласман, токи у шу асирикдан халос бўласин.

Катталар: «Амирнинг фикри тўғри, нимаики маслаҳат бўлса, буюринг», – деб жавоб бердилар.

Амру Лайсга одам юбориб: «Хотиржам бўл, мен йўлинни топиб, жонингни халифадан сўраб оламан, – дейди. – Ҳатто, ҳамма **хазинамга** алмашиб бўлса ҳам сенинг жонингта бирор зарар етказдирмайман, қолган умрингни саломат (ва тинч) ўтказасан».

Амру Лайс буни эшитиб: «Мен биламан, бу асирикдан озод бўла олмайман, аммо сен Исмоилсан, бирор-бир ишонарли кишингни олдимга юбор,

айтадиган гапим бор, мендан эшитиб, сенга етказади», – дейди. Ўша киши қайтиб келиб, ундан эшитганларини амир Исмоилга гапириб беради. Тезда бир ишончли кишини юборади. Амру Лайс вакилга ушбуни баён қиласди:

– Сен Исмоилга бориб шундай дегин: «Мени сен мағлуб қилган эмассан, балки амир ал-муминин ўз яхши диёнати ва хислати билан ҳамда соф эътиқоди ва ғазаби билан мағлуб қилди. Ба бу мамлакатни худойи таоло мендан олди ва сенга берди. Сен шу яхшиликка лойиқ ва сазоворсан, мен худойи таолога итоат қиласман ва сенга фақат яхшилик тилайман. Сен бу мулкни энди олдинг, аммо хазина ва истизҳор (озиқ-овқат)инг йўқ. Менда ва акамда ганж-у хазиналар кўп, шуларнинг рўйхати менда эди ва ҳаммасини сенга тақдим қиласди, токи сен мустазҳар-у қудратли булиб лашкарларни таъмин қилассан».

У хазиналар калитини ҳам Амир Исмоилга юборади. Ишончли вакил келиб эшитганларини айтиб бераркан, хазиналар рўйхатини амир Исмоил олдига қўяди. Амир Исмоил ўз яқинларига қараб дейди:

– Бу Амру Лайс зийраклигидан бошқа доноларни ҳам домига тортмоқчи бўлади.

Хазиналар рўйхатини олиб, уни ишончли вакил олдига ташлайди:

– Буни ўэига қайтар ва айт, шартаки ва ўтқир булганинг учун ҳамманинг бошидан сакраб ўтмоқчисан. Оталаринг бир рўйгар (мисгар) бўлса, сенга ва акангта хазина қаердан келарди? Сизларга у рўйгарчиликни ўргатди. Осмоний тасодиф туфайли мулкни зўравонлик билан олдингиз. Бу хазина-ю дирҳам ва динорларнинг ҳаммасини одамларга зулм қилиб, ноҳақ йўллар билан қўлга кириттансиз. Буларнинг бари қари кишилар-у гариларнинг моли, етим-у заифлар ҳақидир. Шуларнинг жавобини худойи таоло олдида ўзларингиз беришингиз керак. Сен маккорсан ва шу зулмларни менинг бўйнимга

қўймоқчисан. Эрта қиёматда сизлардан мол тово-
нини сўрасалар, нимаики бўлса Исмоилга бердик
ва ундан талаб қилинглар, деб жавоб берасизлар.
Менинг душман учун жавоб беришга тоқатим йўқ.

Диёнат ва худодан қўрқиб, у хазинани қабул қил-
мабди ва қайтариб Амру Лайсга берибди ва бундан
мағрут булмабди.

Ҳозирги замон амирлари шундайки, ҳаром дин-
норларга парво қилмайдилар, ҳақиқатни беҳуда
нарсага чиқарадилар, иш оқибатини уйламайдилар.

Исмоилда шундай одат бор экан: қаттиқ совуқди
кунларда, қор ёки ёмғир ёғса ҳам ёлғиз ўзи майдонга чиқиб,
пешин намози вақтигача отга миниб туарар экан ва айтарканки, бирор мазлум киши ҳожати
булиб саройга келса-ю, туарар жойи бўлмаса,
қор ва совуқда бизни ичкарида кўрса, биз билан
кўришиши қийин бўлади. Биз кутиб турганимизни
курса, келиб ишини ҳал қилиб, саломат қайтади.

Шунга ўхшаган ҳикоятларни айтиб бериб, авлод-
лар учун сақлаб келганлар.

ТУРТИНЧИ ФАСЛ

АМАЛДОР, ВАЗИР ВА МУНШИЙЛАР АҲВОЛИНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

Уммол (закотчилар)га бирор амал берарканлар,
унга ҳалқ билан яхши яшаб, яхши муомалада булиб,
хирождан бошқа солиқ талаб қиласлик йўл-йўриғи-
ни кўрсатадилар. Хирожни ҳам у шундай йул билан
талаб қиласинки, одамларга зиён етмасин. Солиқ ўз
вақтидан олдин олинса, раиятга ранж-у азоб етади,
улар мажбурикдан мол-давлатларини ярим баҳода
сотиб, уй-жойларини ташлаб кетиб, овора ва фар-
сонликда фарибликка мубтало бўладилар.

Ҳикоят

Шундай эшитдимки, Қайқубод даврида етти йил қаҳатчилик булиб, ёмғир ҳам ёғмабди. У амалдорларига буюриб, бор ғаллаларини соттиради-да, бир қисмини садақа тариқасида ҳалққа ҳадя этади. Байтулмол, хазинадан бева-бечоралар ҳамда заифаларга мадад берип туради. Шу етти йил давомида унинг мамлакатида бирор киши очликдан үлмайди.

Омил (амалдор) ишларини ҳамиша текшириб бориш керак. Юқорида айтганимиздек, у ўз вазифасига тўғри амал қилаётган бўлса, вазифасида қолади. Акс ҳолда бу амални шойиста ва лойиқ кишига берадилар. Раиятдан зўрлик билан мол тортиб олган бўлса, эгаларига қайтарилади. Сўнгра у орттирган мол-у бойликларни мусодара қилиб, хазинага топширадилар ва ўзини ҳам жазолайдилар, бошқалар ибрат олиб, ҳалққа ситам қилмаслиги учун унга бошқа амал ҳам бермайдилар.

Вазирлар ва эътимодли кишилар, уларнинг аҳволини, қандай иш олиб бораётганликларини маҳфий йўллар билан ҳам текшириб қўядилар, чунки шоҳлик ва мамлакатнинг тинч ва тотувлиги ҳамда уларнинг фасод-у зиёнлари ҳам ўша вазирларга боғлиқ. Агарда вазир яхши, ниятлари нек бўлмаса, мамлакатга зиён-у зарар етади, уни тузатишнинг иложини топиб бўлмайди ва подшоҳ ҳамиша овора, хафа бўлиб, изтиробга тушади.

Ҳикоят

Айтишларича, Баҳром Гўрнинг бир вазири булиб, унинг исми Ростравшан эди. Баҳром Гўр ҳамма давлат ишларини унинг қўлига топширганди ва унга ишонарди, вазир устидан бироннинг шикоят қилганини эшитмасди. Ўзи кечаш-ю кундуз ов ва сайр-у томошалар билан машғул эди. Ростравшан бундай ишончдан ботирлашиб, Баҳромга дейди:

– Халқ жуда адабсиз бўлиб,adolat сероблигидан ўткирлашиб кетди, жазо бермасак, ёмон бўлади, деб қўрқаяпман.

Подшоҳ ов қилиш-у шароб ичиш билан машгул бўлиб, раият аҳволидан бехабар эди.

– Энди эса икки хил йўл билан жазо берсак: ёмонларни камайтириб, яхшилар бойлигини тортиб олайлик. Кимни «ол» десам, шунни зинданбанд қиласан, – дейди яна вазир.

Шундан сўнг халифа вазири айттанини қилиб, у кўрсатган кишини тутиб зинданга ташлайверади. Ростравшаннинг ўзи пора олиб, Баҳромнинг қўл остидан бальзиларини озод этади. Мамлакатда кимнинг яхши оти ёки гўзал қуллари, мол ва ерлари бўлса, ҳаммасини тортиб олади, халқ қашшоқлашиб, маъруф кишилар дарбадар бўлиб, оворагарчиликка маҳкум этилади. Хазитнага бирор танга ҳам тушмай қолади.

Бир замон Баҳром Гўрга душмани хужум қилади. У қўшинга ҳадялар инъом этиб, қуроллантириб, душманга қарши юбормоқчи бўлади. Кириб қараса, хазина бўм-буш. Машҳур кишилар ва бошлиқларни сўраттирса:

– Бир неча йил бўлдики, улар уй-жойларини ташлаб, фалон вилоятга кўчиб кетганлар, – деб жавоб беришади.

– Нима учун? – сўрайди Баҳром.

– Билмаймиз, – деб жавоб қилишади.

Вазирдан қўрқиб, ҳеч ким овоз чиқармабди.

Бир неча кун Баҳром уй-хаёлларга гарқ бўлади. Кўнгли сиқилганидан бир куни эрталаб биёбон сари йўл олади. Етти фарсанг йўл босиб, қуёш иссигидан чанқаб кетганини ҳам билмай қолади. Сув ичишни коҳлаб турганида узокда, даштнинг бир чеккасида тутун кўтарилаётганини куради. Ўзича «Ҳар ҳолда у срда одамлар яшаса керак», деб ўша тутунга қараб юради. Яқин келгач, бир капага ва унинг эшиги олдида осиб қўйилган итга кўзи тушади. Капага

яқинлашганида ундан бир киши чиқиб, салом беріб, ичкарига таклиф этади. У меҳмони Баҳром Гүр эканлигини билмайды. Бор овқатини шоҳ олдига күяды. Баҳром сүрайди:

— Аввалинбор менга бу ҳолни тушунтири, кейин нон еймиз, бу нимани англатади?

Ул киши жавоб беради:

— Бу ит менинг күйларимга посбон эди. Уни шу молларимга қарасин, деб сақлардим. У чүпонга ўхшарди, бирорта ҳам бўри бу кутонга яқин келолмасди. Кўпинча шаҳарга кетсан, ўзи сурувни ўтлатгани даштга олиб чиқиб, қайтариб олиб келарди. Бир куни кўйларимни санаб куриб, бир нечтасини топмадим.

Кейинчалик қарасам, яна бир нечта қуй кам чиқди. Бу жойларга ўғри келганини ҳеч ким эслолмайди. Кўйларимга нима бўлаётганлигини ҳеч тушунолмадим. Тез орада шундай аҳволга тушдимки, садақа омили келиб закотини сўраганда, қолган кўйларим шу закот адоси учун кетди. Энди мен шу омил учун чўпонлик қиласман. Яхши хабарим йўқ эди-ю, лекин «бу ит урғочи бўри билан топишган булса керак», деб уйлаб қолдим. Бир куни ўтин териш учун даштга чиқдим. Қайтаётиб ажойиб ҳолатнинг гувоҳи бўладим. Қарасам, бир бўри ўтлаб юрган кўйлар ичига кириб олиб, кўйларга бемалол яқинлашайти. Бир бута орқасига яшириниб олиб кузатдим. Ит бўрини кўриб, олдига келиб думини ликиллатиб турарди. Бўри жим эди. Кейин ит у билан жуфт бўлиб, сўнг бир чеккага бориб ётди. Бўри ўзини кўйларга уриб, биттасини тутиб олиб ёриб ташлади. Ит индамади. Мен бўри ва итимнинг муомаласини кўриб, нима учун бундай аҳволга тушганим сабабини англадим. Буларнинг ҳаммаси итнинг хиёнатидан экан. Мен итни тутиб олиб, қилган хиёнати учун дорга осиб кўйдим.

Баҳром Гүр ҳайратта тушиб ажабланади. Йўлда қайтаётиб, ўй-хаёлларга ботди ва охири шундай

хулосага келди: «Раяят, халқ бу бир галадир, вази-римиз эса – чўпон! Мен мамлакат ва халқ аҳволини ёмон ҳолатда кураяпман. Кимдан аҳвол сўрасам, ҳақиқатни яширади. Энди халқ аҳволи ва Ростравшанинг қилмишларини текширишим лозим».

У саройга қайтиб келиши билан энг аввало кундалик ҳужжатларни талаб қилиб, улардан Ростравшанинг халқقا ёмонлик қилиб, ситам кўрсатганини англайди. Бу Ростравшан рост ва бруглик эмас, балки ёлон-у қоронтиликнинг узи ўкан. Баҳромнинг эсига доноларнинг: «Ким бирорга хиёнат қиласа, нон топа олмайди, нонга хиёнат қиласа, яланғоч қолади», деган сўзи келиб, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласди.

Мен бу вазирга мансаб, манзалат ва мартаба бердим, у куч-кувватга эга бўлди. Одамлар давлати ва ҳашаматини куриб, ундан кўрқиб, менга рост гапни цйтмайдилар. Бунга шундай чора кўрамиз: эртага вазир саройга келиши билан уни зинданбанд этишга фармон бераман-да, кейин: «Биз Ростравшанни мансабидан олиб, ҳибс қилдик ва унга бошқа амал бермаймиз. Ким ундан ранж-у азоб кўрган бўлса, діъво ва шикояти бўлса келсин, инсоф қиламиз», – деб эълон қиласман. Агарда одамлар буни эшитиб ишонсалар, ҳақиқат ҳам аён булажак. Агарда у одамларга яхшилик кўрсатган ва халқнинг мол-у мулкини тортиб олмаган бўлса, унга шукур ва сипослар баён этсалар, уни сийлаб, қайта амал берамиз. Аксинча бўлса, уни жазолаймиз».

Эртаси куни Баҳром қабул маросимини ташкил отади, улуғ кишилар ва меҳтар (катта) амаддорлар кириб келиб, ўз жойларини эгаллайдилар. Баҳром Ростравшанга қараб дейди:

– Сен бизнинг мулкимизга қандай эйён ва зарар етказдингки, қўшинимиз заифлашиб, муҳтож бўлди? Раиятимизни эса хор қилдинг! Биз сенга одамлар

ризқ-рўзини ўз вақтида бериб, вилоят ишларидан ўофил қолмаслик, раиятдан хирождан бошқа солик олмаслик ва хазинани обод тутишингни буюрган эдик. Энди эса мен хазинани бўм-бўш, кўшинни муҳтож ва раиятни қашшоқ кураяпман. Сен мени шароб-у базм ва ов қилишга берилиб кетиб, халқ аҳволидан хабарсиз қолган, деб ўйлаганмидинг?

Фармон беради, уни тутиб, зинданбанд қиладилар.

Сарой олдида жарчилар чиқиб, жар солишади: «Малик Баҳромнинг Ростравшандан кўнгли қолиб, амалидан бушатди ва унга энди қайта вазифа бермайди. Ким ундан ранж-у ситам ва зулм кўрган бўлса, ҳеч кўрқмай саройга келиб, аҳволини бизга маълум қиласин, шоҳ адл ва инсоф билан ишларини кўриб чиқади!»

Подшоҳ зудлик билан зинданларни очиб, бандиларни ҳузурига олиб келишни буюради. Уларнинг ҳар биридан нима учун зинданбанд этилганликларини сўрайди. Бири дейди:

– Мол-у давлати кўп биродарим бор эди. Ростравшан уни тутиб олиб, азоб ва шиканжаларда ўлдирди ва ҳамма бойликларини эгаллаб олди. Мен ундан:

– Акамни нега ўлдирдинг? – деб сўрасам:

– У бизнинг душманларимиз билан алоқада, – деб жавоб берди. Мени подшоҳ олдига келиб шикоят қиласлигим учун зинданбанд қилди.

Бошқа бир маҳбус дейди:

– Отамдан мерос қолган катта бир боғ соҳиби эдим. Унинг ёнида Ростравшаннинг ҳам мулки бор эди. Бир куни у менинг боғимга кирди-ю, ёқтириб қолди. Сотиб олмоқчи бўлди. Мен уни сотмадим. Шунда у менга:

– Сен фалон кишининг қизини севасан ва бу жиноятинг бизга аён бўлди. Шу боғни сотиб, бу боғ асли Ростравшаннинг мулкидир, деган ҳужжат олиб келгин, деди. Мен бунга рози бўлмадим. Мана, беш йилдирки, зинданда ўтирибман.

Яна бири жикоя қиади:

— Мен бир савдогар кишиман. Ишим шундан иборатки, ҳар хил жойларга қатнайман ва озгина пулим бор. Бир шаҳардан бирор яхши нарса сотиб олиб, бошқа шаҳарга олиб бораман ва уни сотиб, озгина фойдасига ҳам қаноат қиласаман. Менда бир боғлам марварид бор эди. Шу шаҳарга келганим вазирга аён бўлибди. У кипи юбориб, мени олдига чақирди-да, ўша марваридни талаб қилиб, пулини бермай хазинасига олди. Бир неча маротаба унинг ёнига бордим, лекин у мени кўрса ҳам, на пулимни ва на маржонимни қайтариб бермади. Охири унинг йўлини тўсив:

— Агарда маржон ёқсан бўлса, буюринг, пулини беришсин. Ёқмаган бўлса, марварид маржонимни қайтарсинглар, мен йўл кишисиман, кетишим керак! – дедим.

У ҳеч нима демади.

Үйимга қайтдим. Бир вақт тўрт нафар аскар билан бир сарҳанг келиб: «Сени вазир сўраяпти», дейишди. Маржоннинг пулини берса керак, деб хурсанд бўлдим. Аскарлар билан бирга келдим. Улар мени зинданга олиб бориб, зинданбонга: «Буни ҳибс қилиб, оёғига занжир бойлаб қўйишингни буюришиди», дейишди. Мана, бир йилдан бери зиндандаман.

Яна бир маҳбус дейди:

— Мен фалон ноҳиянинг раисиман ва менинг уйим меҳмонлар, аҳли илм ва гариларга ҳамиша очиқдир, мен фариб-у бечораларга мадад бериб, камбағалларга ҳар доим садақа улашаман. Менга отамдан мерос қолди ва шу меросий мол-мулкимни хайр-у эҳсонга, мусоғирларга сарфладим. Подшоҳнинг вазири: «Сен хазина топгансан», деб зинданга ташлади. Мол-у бойликларимни талаб қилиб, азоблади. Ҳаммасини ярим баҳосига сотиб, унга бердим. Энди эса тўрт йилдан бери зинданда ётибман ва бир дирҳамга ҳам зорман.

Бошқаси гапирди:

– Мен фалон мулкдорнинг ўғлиман. Подшоҳнинг вазири отамнинг мол-мулкини мусодара этиб, ўзини уриб ўдирди, мени эса зинданбанд этди. Етти йилдан буён шу ерда азоб тортаяпман.

Яна бир банди дейди:

– Мен қүшиннинг сарбозиман. Бир неча йилдан буён маликим ва унинг отасига хизмат қилиб келдим ва хизматим учун девондан ҳақ олардим. Ўтган йили менга хазинадан ҳеч нима тегмади. Шу йил вазирга дедим:

– Менинг оиласи бор ва ўтган йили девондан ҳеч ҳақимни олмадим. Буюргин, бу йили менга ҳақимни берсинар, бир қисмини қарзларимга, қолганини нафақам учун харж этсан.

– Подшоҳнинг бирор-бир муҳим иши йўқ, лашкарга ва маҳсус сенга ўхшаганларга ҳожати қолмаган. Нон емоқчи бўлсанг, бориб мардикор бўлгин, – жавоб қилади у.

– Бу саройда менинг хизматларим ҳаки бор. Менинг мардикор бўлишим ва сенинг кадхудолик қилишинг тўғри эмас. Подшоҳ менинг қилич кутаришга ва сенинг қалам тебратишга уста эканлигимни билиши керак. Мен қурол кўтариб, жоними шоҳ учун фидо айлашим, сен девон ишларида ўзингни шоҳим деб қурбон қилишинг лозим. Бизга нон бермай, подшоҳ фармонини бажармаяпсан, ваҳоланки, сен ҳам, мен ҳам подшоҳ хизматчисимиз. Сенга вазирликни, менга сарбозликни буюрган. Ўртамиздаги фарқ шундан иборатки, мен фармонбардорман, сен эса ундаи эмас, ёгийсан. Агар подшоҳ мени девон рўйхатидан ўчирган бўлса ва бунга буйруғи бўлса, кўрсатгин, акс ҳолда бизга нимаики тегишли экан, бергин! – деган гапимга у:

– Даф бўл, сени ва подшоҳ жонини мен асрайман. Агарда мен бўлмасам, сенларнинг ўликларингни калхатлар еб кетарди, – деб жавоб қилади. Сўнгра шу қуни мени ҳибсга ташлади. Тўрт ойдан буён зиндандаман.

Битти юздан ортиқ киши маҳбус бўлиб, улардан фиқат йигирма нафари ўғри ва ўлимга хукм қилингни экан, холос. Қолганларини вазир тама ва зулм билан ҳибс этган.

Шаҳар ва ноҳиялар аҳолиси шоҳ фармонини интишиб, адолат тилаб, саройга келардилар. Уларниң сон-саноғи йўқ эди.

Баҳром ҳалиқнинг аҳволини, вазир зулм-ситамларини кўриб, бу ишларни чуқурроқ ва жиддийроқ текширишга қарор қиласди. Одамларига Ростравниң қасрига бориб, унинг харита-қоғозларини олиб, уйинни муҳрлаб келишларини буюради. Эътимодли хизматкорлар бориб, шоҳ фармонини бажарадилар. Визирнинг қоғозларини текширишганда, улар орасидан Баҳромда қасди бор бир душманининг илтифотта тўла мактубини топадилар. Ўша мактубга Ростравниң ҳам жавоб ёзган экан: «Донолар айтганларидек, ғоғиллик давлатни кўлдан кеткизар. Подшоҳ ҳам шунга ўхшаб сусткашлик қилаяпти. Мен сени деб бўндалигимда нимаики қўлимдан келса, бажо келтирдим. Кўшинни мұхтожликда қолдириб, батзиларини тупоҳкор қилиб, ҳайдаб юбордим. Шунча йил нима бойлик орттирган бўлсам, ҳаммасини сен учун хазини қилиб йиғиб қўйганман. Ҳозир шунча бойлик ҳеч бир подшоҳда йўқ. Мен тож-у камарлар, кийим-кечилкларни безаб қўйдим, бундай нарсалар эса оламда йўқ. Мен бу шоҳдан тўйиб кетганман. Майдон бўши душман ғоғилдир энди. Бу шоҳ гафлат уйқусидан уйғонмасдан туриб келсангиз, яхши бўларди».

Баҳром бу ёзувни кўриб:

- Офарин, яшавор! У бизнинг бошимизга душманни чақиртириб, шундан мағрур бўлибди-да. Энди унинг ёмонлиги ва хиёнатига шак-шубҳа йўқ, – дебди.

Подшоҳ буйруғига биноан визирнинг бутун йиж-қан бойлиги тортиб олиниб, хазинага топширилади, қуллари ва моллари ҳам мусодара этилиб, у кимдан

пора олган, зулм билан мол-мулкини тортиб олган бўлса, қайтариб берадилар. Кейин фармон чиқариб, сарой дарвозаси оддида баланд дор қурдирадилар ва унга Ростравшанни чўпоннинг итига ўшатиб осиб қўядилар. Сўнгра у билан шерик ва ёр бўлганларни осадилар. Подшоҳ: «Кимда-ким, подшоҳга хиёнат қиласа ва қарши чиқса, халққа ситам қилиб, омонатига хиёнат этса, худога ва унинг сояси булиш шоҳга қарши бош кутарса, аҳволи шундай бўлади», – деб етти кун жар солдиради. Бундай сиёсатни кўриб, ҳамма ситамкорлар Баҳромдан кўриқиб қоладилар. Ростравшан кимгаки амал берган бўлса, подшоҳ уларни ишдан олади.

Бу хабар Баҳромга қасд қилган подшоҳ қулогига етиб боради ва у ўз фикридан қайтиб, пушаймон еб, шоҳ Баҳромга кўп ҳадялар юбортириб, узр сўрайди, ўзининг тобелигини бўйнига олиб, дейди:

– Мен ҳеч қачон шоҳга қарши фикрга келмасдим. Шоҳнинг вазири менга хат йуллаб, кишилар юбориб, шу ишга бош қўштирди. У айбдор эмас ва мендан паноҳ излаяпти, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Шоҳ Баҳром унинг узрини қабул қилиб, гуноҳини кечади. Бир эътимодли, ишончли ва мўмин кишини вазирликка тайинлайди. Халқ ва қўшин ишларини тартибга солади. Ишлар изга тушади. Мулк обод бўлиб, халқ ранж-у азобдан қутулади.

Шоҳ Баҳром ўша ўз итини осган чўпонни капасидан чақиртириб, унга бир ўқни ўқдонидан олиб бериб:

– Мен нон-у тузингни едим, бошингта тушган ранж энди менга аён бўлди. Мен сендан қарздорман. Мен малик Баҳромнинг ҳожибларидан бўламан. Маликнинг ҳамма уруғлари ва ҳожиблари менга дўст ва яқин, мени улар ҳурмат қиладилар. Ушбу ўқни олиб саройга келсанг, уни кўрган киши сени менинг ҳузуримга бошлаб киради. Ушандада сенинг

жоқингни қайтараман, баъзи зиён-заарларинг йўқ булади, – деб чиқиб кетади.

Бир неча кундан сўнг ўша кишининг хотини:

– Туриб шаҳарга боргин. Бу ўқни ҳам ўзинг билди ола кет. Ўша отлиқ мартабали, куч-қудратта мухташам бир кишига ўхшайди. Унинг озгина иҳтилиги ҳам сенга етиб ортади. Тур, ўйлаб ўтириб, бундай кишиларнинг сўзлари чинdir, – дейди.

Чўпон кечаси шаҳарга келиб тунаб, эрталаб шоҳ широйига боради.

Баҳром ҳам сарой аҳди ва ҳожибларига: «Бирор киши қулида менинг ўқимни олиб келса, дарров ўйдимга бошлаб киринглар», – деб тайинлаб қўйган ўди.

Ҳожиблар ўша кишини шоҳ ўқи билан кўрганланғида олдиларига чорлаб:

– Эй жўмард, қайда юрибсан? Бир неча кундан буён сени кутиб турибмиз. Ўтириб тургин, биз сени ўқ соҳиби ҳузурига олиб борамиз, – дейишди.

Бир вақт Баҳром чиқиб, тахтига ўтириб, қабул міпросимини бошлаб юборади. Ҳожиблар ўша кишини тахт яқинига олиб келадилар. Кишининг кўзи Баҳромга тушиб, уни таниб қолади:

«Э воҳ, ўлдим, ул суворий шоҳ Баҳром экан-ку, мен керакли даражада унга ҳурмат кўрсатмабман шоҳга нисбатан бирор камчилик ўтган бўлса кеприк», деб ўйлайди. Шоҳ тахтига яқинлашиб, таъзим бўюко келтиради. Баҳром улувларига қараб:

– Мамлакат аҳволини билиб олиб, гафлатдан уйлонишимишга шу киши сабабчи бўлди, – дея шоҳ ит бўри қиссасини айтиб бергач: – Мен шу кишилини сабоқ олдим, – дейди. Сўнгра фармон бериб, бу кишига сарпо кийгизадилар. Етти юз қўй ва бошиқа моллардан ҳадя қилишади. Ундан олингән солиқларни қайтариб бериб, токи Баҳром тирик экан, ундан хирож олмасликка амр қиласди.

Искандарнинг Дорони мағлуб этиши Доро вазирининг Искандар билан тил бириктириши оқибатида рўй берди. Доро ўлимидан кейин Искандар:

– Амирнинг ғофиллиги ва вазирнинг хиёнати подшоҳликни йўқ қиласди, – деб айтган эди.

Подшоҳ ҳамиша қўл остидагилар ҳол-аҳволидан хабардор булиб, ғофил қолмаслиги, доимо уларнинг ишлари ва қилмишларини билиб юриши лозим, токи улардан бирор-бир хиёнат ва гуноҳ зоҳир бўлмасин. Уларнинг гуноҳларига яраша жазо бериш шартким, токи бу бошқаларга ибрат бўлсин. Шунда подшоҳ сиёсатидан қўрқиб, бирор киши ёмонлик қилмайди. Бирорга катта мансаб берсалар, унинг устидан яна бир кишига вазифа бериб, унинг ишлари ва амаларини махфий равишда текшириб юришни буюрадилар.

Арасту шоҳ Искандарга:

– Шу мамлакатда ҳурмати, обруси бор кишиларни хафа қилсанг ёки мансабларидан олсанг, уларга дарров бошқа амал бергин, бўлмаса, улар душманлар билан бирлашиб, сени йўқ қилиш йўлига киришлари мумкин, – деган эди.

Шоҳ Парвиз шундай айтади:

– Подшоҳ тўрт тоифа кишиларнинг гуноҳларини кечирмаслиги керак. Биринчиси, унинг мамлакатига қасд қилганлар, иккинчиси, унинг ҳарамига куз олайтирганлар, учинчиси, унинг сирларини фош этганлар ва тўртинчиси, шоҳ билан тиlda бир-у дилда бегона бўлганлар ва душманлари билан яширинча шоҳга қасд қилганлар гуноҳини. «Марднинг қилмишлари унинг сирларидан дарак беради». Подшоҳ уйғоқ бўлса, ундан ҳеч бир нарса яширин қолмайди.

**ИҚТАЛЬЛАР ЭГАЛАРИ ВА РАИЯТ АҲВОЛИ
ҚАНДАЙЛИГИНИ БИЛИШ ҲАҚИДА**

Иқталь (мулки)га соҳиб бўлган муқаттеълар шуни билишлари лозимки, улар раиятдан ҳақ молини фиқаттина яхшилик билан олишга ҳақдирилар ва одамлар ўз тан-у моллари, бола-чақалари, асбоб-искуналари билан хавфсиз бўлишлари шарт. Агарда одамлар саройга келиб, ўз ҳолларини маълум қилмоқчи бўлсалар, шунда улар қаршилик қилмасинлар ва қийси бир муқаттеъ шундай қиласа, қулини қисқартириб, иқтаъсини тортиб олиш, ўзига жазо бериб, бошқаларга ибрат этиб кўрсатиш керак. Уларга шуни билдириб кўйиш лозимки, мулк ҳам, раият ҳам сұлтонникидир. Муқаттеълар ва волийлар уларнинг бошларида шаҳнадек туриб, подшоҳни раият билан бирга хавфсизликда сақладилар.

Ҳикоят

Накә қилишларича, Қубод фармондорлик қилиб, дунёдан утгач, ўғли Нушировони одил унинг тахтига үтиради. У ўн саккизга кириб подшоҳлик қила бошлийди ва ёшлигидан таъбиде адолат манзил топшилигидан ёмонга ёмонлик, яхшиларга яхшилик қиларди. У ҳамиша айтардики: «Отам заиф табиатли ва салим эди. Ёғонга тез алданарди. Вилоятлар кироб булиб, хазина бушаб, бойликлар йўқоларди ва ёмонлиг-у зулм унинг бўйнига тушарди. Бир марта Маздакнинг ҳийла-ю найрангига тез ишонди. Ундан фалон воли-ю омил фалон вилоятни талаб қиласанида, у ўша жойни берди ва у ерда одамлар поҳақ ҳалок бўлдилар, раият эса дарвешликка ғоз тутди. Сийм-у зарни яхши курганидан бераётган динорларига алданиб, улардан хушнуд бўлди ва шу

пораларни рад этмай: «Сен шу вилоятнинг амири ва ҳокимисан ва мен сенинг лашкарингга зарур бўлган нарсаларни бердим. Биламанки, сен буларни одамлардан тортиб олиб, одимга олиб келгансан, отангдан мерос қолгани йўқ-ку! Амалдорда вилоят моли қанча бўларди?! Сен бир қисмини барот билан харж қилгансан ва бир қисмини хазинага топширгансан ва мен кўриб турган бу қолган бойликни қаердан олдинг? Ҳаммасини ноҳақ ҳалқдан тортиб олиб, расм-русумини жойига қўймагансизлар. Энди тўғри йўлни касб қилинглар», – деб уқтирумади.

Орадан уч-тўрт йил ўтди. Муқаттеълар ва амалдорлар шу ишларини давом эттиравердилар. Сўнг Нўширавон тахтга ўтиради ва ҳамма унинг олдида ҳозир бўлди. У худога шукур қилиб, шундай дейди:

– Билиб қўйинглар, менга бу подшоҳликни Аллоҳ таоло берди ва яна отамдан мерос ҳам қолди ва яна бир бор амакиларим хуруж қилганда жанг қилиб шоҳлигимини сақладим, бир марта мулкни қилич ила қайта қўлга киритдим. Худойи таоло бу дунёни менга берди ва мен уни сизларга ҳадя этиб, ҳар бир кишига вилоят инъом этдим ва шу давлатдан кимнинг ҳақи бўлса, уни бенасиб қолдирмадим. Отам шоҳлиги даврида вилоятларга эга бўлган улувларнинг ҳам мартабаларини шу даражада сақлаб, уларнинг мавқелари-ю бир бурда нонларини кам қилганим йўқ. Мен ҳурматингизни жойига қўйсам-у, сизлар менинг сўзларимга қулоқ солмайсизлар. Аллоҳ таолодан қўрқмайсизлар, сиз ҳалқдан уялмасангиз ҳам мен Яздон (Тангри) ғазабидан қўрқаман. Сизларнинг бедодликларингиз-у шумлигингиз менинг обрўйимни туширишини истамайман. Оlam душманлардан бўшади ва сизларга Аллоҳ насиб қилган неъматлардан маош-у осойишталик бердик. Савоб ила иш тутинглар, бедодлиг-у хиёнат, қўрнамаклик

мулкка завол келтириб, неъматларни йўқ қиласди. Тангри ҳалқига яхшилик қилинг, раиятга қаттиқ тегманг, заифаларга азоб берманг, уламоларни ҳурмат қилиб, яхши кишилар билан сұхбатлашиб, ғимонлардан четлашинг. Аллоҳни ўзимга гувоҳ қилиб онт ичаманки, агарда бирор киши шу тариқатга хилоф иш тутса, ҳеч раҳм қилмайман.

Ҳамма унинг гапини қабул қилиб:

– Шу фармонга амал қиласми, – дейишибди.

Бир неча кун ўтиб, ҳамма ўз вазифасига қайтгач, иш зулм-у ситамга қўл чўзишиади. Нўширавонни гўлак билиб писанд ҳам қилишмайди. Амалдор-мирнинг ҳар бири, хоҳласам, унга итоат қиласман, хоҳламасам, йўқ, деб ўйларди. Нўширавон эса улар билан муроса-ю мадора қилиб кун кўрарди. Шу иҳнолда яна беш йил ўтади.

Нўширавондан кучлироқ ва бойроқ бир лашкар-боши бор эди. Шоҳ уни Озарбойжондаги вилоятга қоким қилиб тайинлаганди. Мамлакатда ундан ҳам олиоқсиз, жихозланган қушинга эга амир йўқ эди. Унинг кўнглида шу шаҳарда бир боғ ва дам оладиган жойга эга бўлиш орзуси пайдо бўлади...

Шу шаҳарда бир кампир яшар эди, унинг бир парча ери бўлиб, ҳар йили волий хирожини тўларди, сурдан бир деҳқон ҳам насибасини олиб туради. Кампирнинг ризқи шундай эканки, ҳар куни тўртта нон истеъмол қиласкан: битта нонни гўшт ғишишкоқ учун, биттасини чироқ мойи эвазига бераркан, қолганини эса эрталаб ва кечкурун ўзи истеъмол қиласкан. Одамлар раҳм қилиб, унга кишин-кечак беришаркан ва у ҳаргиз уйидан чиқмай, мишакқат билан кун кўраркан. Ўша лашкарбошига кампирнинг ери зарур бўлиб, уни боғ ва сарой қурининг олишни ният қиласди. Кампир одига одам юбортириб: «Шу бир парча ерни менга сотгин, менга керак бўлиб қолди», деб айттиради. Кампир:

– Сотмайман, бу ёрга оламдаги бор-йурим шу ерим, менинг ризқим шу ердан, киши ўз озуқасини сотмайды-ку! – деб жавоб қилади.

– Еринг эвазига ундан каттарогини бераман.

– Менинг ерим ҳалол, ота-онамдан мерос қолган ва суви ҳам яқин. Күшниларим ҳам үзимга мос ва мени жүрмат қиласылар. Эвазига берадиган еринг шундай хосиятларга эга эмас. Бу ердан құлингни тортсанг, үзингга яхши бўларди.

Лашкарбоши кампирнинг сўзини эшишиб ҳам ўтирамай, ерни зулм ила тортиб олиб, атрофини девор билан ўратади. Кампирнинг аҳволи ёмонлашиб, борига барака қымоқчи бўлади. Ва ҳакини олишга ёки эвазига бошқа ерга эга бўлишга розилик бериб, үзини лашкарбоши оёғига ташлаб, шундай дейди:

– Ернинг баҳосини ёки унинг эвазига ер бер.

Лашкарбоши унга қиё ҳам боқмайди, бирор нарса ҳам бермайди. Кампир умидсизланиб ортига қайтади, уни саройга ҳам қўймайдилар. Ҳар вақт шу лашкарбоши томошага ёки овга чиқса, ёки бирор жойга бориб қолса, кампир унинг йўлини тўсиб, ҳақини талаб қиласкан. Шундай қилиб, ҳеч қандай жавоб бўлмайди ва у лашкарбошининг хизматкорларига, маҳрамларига бориб гапирса, улар: «Лашкарбошига айтамиз», деб айтмас эдилар. Орадан икки йил ўтади. Ҳолдан тойиб, инсоф қилинишидан умидини узгач, кампир үзига ўзи дейди: «Темирни қизигида босиш керак эди, мен эса совуқ темирни босаямман. Лекин Аллоҳ таоло ҳар қандай ишнинг иложини ҳам берган. Ахир, шунча буюклиги билан бу Нўширавоннинг хизматкори, холос-ку! Тадбирим шуки, Нўширавоннинг олдига үзим бориб, ҳолимни унга маълум қиласман. У менга инсоф қиласар».

Шундан кейин кўп азоб чекиб, Озарбайжондан Мадойинга келади. Нўширавоннинг қасрини кўриб: «Мени бу саройга қўймасликлари аниқ. Бунинг

хизматкори бўла туриб, Озарбайжон ҳокими мени саройига қўймади-ку, бу даргоҳга, шоҳ саройига киришимга йўл булсин. Яхшиси, уни саҳрова кўриб, арзимни айтай», деб ўйлади.

Ундан ерини тортиб олган лашкарбоши тасодифан саройга келиб қолади. Шу куни Нўширавон ов қилишга қарор қиласди. Кампир Нўширавоннинг фалон жойда ов қилишидан хабар топади. Қўрқиб-писиб азоб-у уқубатлар билан ўша ов қилишадиган жойга бориб, бир қовжираган бута орқасида кечани ўтказади. Эртасига Нўширавон етиб келади ва ҳамроҳлари ов қилиш учун тарқалишади. Бир қуриқчиси билан қолган Нўширавонни ёлгиз кўрган кампир ўрнидан туриб:

– Эй подшоҳ, бу заифа дардини эшит! – дейди. Нўширавон унинг олдига отини ҳайдаб бориб, арзига қулоқ солади. Кўзи ёшга тўлиб:

– Хотиржам бўл, аҳволингни тушундим, муродингни ҳосил қиласман ва сени шаҳрингга қайтариб юбораман, – дейди ва фаррошига тайинлайди:

– Буни туяга миндириб, қишлоққа олиб бор ва қишлоқ арбобига топшир, овдан қайтганимизда шаҳарга олиб бориб, ўз уйингда сақла. Ҳар куни икки ман нон, бир ман гўшт, хазинадан эса ойига беш тилло динор бериб тур. Вақти келса, сен орқали уни чақиртириб оламан.

– Фаррош фармонни айтилганидек бажаради.

Нўширавон овдан қайтиб келгач, бу гапларни бошқаларга билдирамай, нима қилиш ҳақида ўйга толади. Сўнг куннинг ярмида, ҳамма ётиб дам олалтган чори, сарой буш пайтда бир ходимига:

– Фалон ҳужрага бориб, фалон қулни чақириб кел, – дейди.

Кул келганида унга дейди:

– Эй қул, биласан, менда яхши ва лойиқ қуллар кўндири. Ҳаммадан сени афзал кўрдим ва сенга ишондим. Сен хазинадан маблағ олиб, Озарбайжон-

га жұнашинг керак. Фалон шақар ва фалон маҳаллаға бориб, йигирма кун яшаб, үзингни одамларға: «Мен қочиб кетган қулни қидирайпман», – дегин. Кейин ҳар хил одамлар билан ўтириб күр ва улар билан яқынлаш. Мастлик ва ҳүшөрликдаги сұхбат давомида улардан гүё билмагандек: «Шу маҳаллада бир кампир бор эди, номи фалон, у қаерда экан, ҳеч күринмайды», – деб сұра. Нима дейишса эшитиб, ёзіб ол ва бу хабарни келтир. Сени шунинг учун юбораяпман. Аммо саройда сени чақириб, ҳамманинг олдида баланд овоз билан:

– Бориб хазинадан нафақаңғни ол ва Озарбайжонга бориб, қайси шақар-у нохияга борсанғ, бу йил ралла ва мева ҳосили қандай бўлганини сўра, қандай табиий офат текканини аниқлаб ол ҳамда яйлов ва ов қилиш жойларининг ҳолидан хабар олиб кел, дейман.

Ҳаммасини билиб олиб, тез қайтиб келгин, аммо нима учун юборганимни ҳеч ким билмасин.

– Буйруғингизни бажараман, – дейди қул.

Эргаси куни у йўлга чиқади. Ўша шақарга бориб, йигирма кун яшаб, учраган одамдан ўша кампир аҳволини суриштиради. Одамлар: «Шу мастура кампирнинг эри-ю болалари худо раҳматли бўлгандар. Унга бир парча ер мерос қолган эди. Ерини бир деҳқонга берарди. Унинг ҳосилидан деҳқоннинг ҳиссасини ва подшоҳнинг хирожини тўлаб турарди. Кейинги йил ҳосилигача ҳар куни тўртта нон унинг ризқи бўлиб, биттасини гўшт ва пишлок эвазига, битта нонни чироқ мойи ўрнига бериб, яна иккитасини эрта-ю кеч ўзи истеъмол қиласади. Вилоят ҳокими бир боғ-у сарой қуришни қасд қилиб, кампир ерини зўравонлик билан тортиб олди. Боғ қилиб, пулинин ҳам тўламади, урнига бошқа ер ҳам бермади. Кампир йиллаб унинг саройига қатнади, лекин ҳоким унга парво қилмади. Анчадан буён уни ҳеч ким қўрмаяпти», – дейишади.

Қул вазиятни билиб, Нўширавон одига қайтиб, оҳволни маълум қиласди. Нўширавонга кампирнинг гапи тўғрилиги маълум булади. Эртасига Нўширавон қабул маросимини уюштиради, ҳамма улуг кишилар йигилади. Бир вақт Нўширавон улардан сўрайди:

- Озарбайжон ҳокимида қанча бойлик бор?
- Икки марта минг-минг ва унинг пулга эҳтиёжи ҳам йўқ.
- Мато ва зеб-зийнатлардан қанча?
- Минг уч минглик зар-у кумушки бор.
- Жавоҳирдан қанча?
- Беш юз минг-минг динор.
- Мулк-у фаллакор ери қанча?
- Хуросон-у Ироқ, Озарбайжонда бирор шаҳр-у шохия йўқдирки, унинг мулк-у қишлоғи, тегирмон-у карвонсаройи, ҳаммом-у фаллазор ери бўлмаса.
- Моллари қанча?
- Ўттиз минг.
- Зархарид қуллари қанча?
- Бир минг-у етти юз рум ва ҳабаший қуллари ҳамда тўрт юз канизаги бор.
- Бир кишида шунча неъмат-у бойлик бўлса, ҳар куни йигирма хил таом, қўйу ҳолва, шириналиг-у ёқимли нарсалар еса ва яна худога кунгил қўйган бир заифанинг иккита нони бўлса-ю, биттасини орталаб, биттасини кечқурун истеъмол қиласа. У бадавлат киши шу иккита куруқ нонни заифадан ўрслик билан тортиб олиб, уни бир луқма нонидан ҳам маҳрум қиласа. Унга нима керак экан ўзи?
- Бундай киши ҳар қандай жазога лойик, – дея жавоб қиласди ҳамма. Шунда Нўширавон амр қиласди:
- Мен унинг терисини шилиб олиб, гўштини итларга беришларини ва терисини сомонга тўлдириб, сарой эшигига осиб қўйишларини истайман. Жарчилар етти кун: «Кимда-ким, бундан бўён жабр-ситам қиласа, ҳатто бир халта сомон ё бирорта товуқ, ёки бир боф кўкатни зулм билан кимдандир

тортиб олса, жазоси мана шунақа бұлади», деб хабар берсінлар.

Сұнг фаррошга кампирни олиб келишни буюради. Нұширавон сарой аъёнларига қарата: «Бу ситам тортган ва у эса ситам қылувчи әдикі, жазосини олди», – дейди. Ва құлдан:

– Мен нима учун сени Озарбайжонга юборған әдим? – деб сүрайди.

– Кампир ҳолини билиб, ҳақиқатан ҳам у зулм күрган-күрмаганлыгини билиб, подшохни хабардор қилишім учун юборған әдінгиз, – жавоб беради құл. Шундан кейин подшоқ аъёнларига дейди: – Мен бу сиёсатни хұжакүрсинга қылғаним йүк. Бундан кейин ситам қылувчилар билан фақат қилич воситасида гаплашаман ва қўйу қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, узун қулларни кесиб, Ер юзини ёмонлик қылувчилардан тозалайман. Жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қиласман, чунки худойи таоло мени шу иш учун юборған. Агарда одамлар ҳоҳлаган ишларини қиласверадиган бўлсалар, Аллоҳ таоло подшоҳларни уларнинг бошларига кўймасди. Энди сизлар ҳам ана шундай золим изидан бормаслик учун ҳаракат қилинглар.

Нұширавоннинг ҳайбати ва сиёсатини кўриб, бу мажлисда ҳозир бўлган кишилар күнглидаги заҳарлар эриб кетади. Нұширавон кампирга:

– Сенга ситам қияган кишига жазо бердим ва у ерингда курган саройу борини ўзингга ҳадя этдим, улог-у нафақа ҳам бердим. Шаҳрингга қайтиб, мени дуо қилассан, деган умиддаман, – деб яна ўзи сўраб ўзи жавоб қиласди: – Нега энди саройимиз эшиги ситам қылувчилар учун очиғ-у, ситам курганларга ёпик? Раият ва қўшин ҳар иккиси бизнинг кўл остилиздагилар ва хизматчиларимиздир. Раият беради ва лашкар тортиб олади. Раҳмсизлик қилиб, бедодлик қиласиганларга ҳам, хирож берадиган раиятимизга ҳам эшигимиз янада кенгрөқ очиқ бўлиши шарт.

Чунки зулм кўрган бирор мутазаллим саройимизга келса, уни менинг олдимга кириб, ҳолини айтишга кўймайдилар. Агар шу кампир саройга йўл топганида, унинг ов қилиш жойига боришига ҳам ҳожат йўқ эди.

Шундан кейин Нўширавон буйруқ чиқаради: бир занжирга қўнғироқларни шундай пастликда осилтириб қўйингларки, етти ёшли боланинг ҳам қўли унга етсин. Бирор-бир мутазаллим саройга келса, эшик қоровулига иши тушмасин-у, шу қўнғироқ ишини тортсан ва Нўширавон эшитиб, унинг додини тинглаб, чора қиласин.

Шундай ҳам қиласидилар. Сарой аъёнлари ва қўшин бошлиқлари уйларига қайтиб кетадилар. Ҷарҳол ўзларининг вакил-у амадорлари, кўл остидагилари-ю қушинарини чақиртириб, сўрайдилар:

— Айтинглар-чи, кейинги ўн йил ичидан заруратсиз кимлардан молларини тортиб олгансизлар? Агар бирор кишини бекорга хафа қиласан бўлсангизлар, бундан кейин ҳаммамиз бир булиб уларни хурсанд қилишимиз керак, токи ҳеч кимса саройга бориб биздан шикоят қиласин.

Барча хафа булганларни хушнуд этиш йулларини бамаслаҳат излаб, баъзиларини узр билан, баъзиларини мол-у пул билан рози қилиб, фалон киши фалон кишидан хурсанд, унга ҳеч даъвоси йўқ, деган хат ҳам оладилар. Нўширавоннинг мана шундай бир сиёсати туфайли мамлакат обод, ҳалқ ситам қилувчилардан халос бўлади.

Орада етти йил ўтади. Бирор мутазаллим унинг саройига шикоят билан келмайди.

Ҳикоят

Накд қиласидиларки, етти йилдан кейин пешин вақтида, саройда ҳеч ким бўлмай, навбатчилар ухлаб қолган бир пайтда, қўнғироқлар баланд овоз билан чалинади-ю, Нўширавон буни эшитиб, тезда икки

ходимини юборади. Ходимлар сарой дарвозаси ёнига келиб, бир озғин қари эшакни кўрадилар. У орқасини қўнгироқ занжирига ишқаларди ва шу туфайли қўнгироқлар садо берарди. Ҳар иккала ходим ҳам:

– Ҳеч ким шикоятга келган эмас, фақат бир қари эшак яраларини қўнгироқлар занжирига ишқала-япти, – дейишади.

Нўширавон:

– Сизлар тушунмагансизлар, бу сизлар уйлагандай эмас. Яхшироқ қаранглар, бу эшак ҳам инсоф истаб келган. Эшакни бозорга олиб бориб, ҳаммадан унинг аҳволини сўранглар ва ҳақиқатни менга маълум қилинглар.

Шоҳ олдидан чиқишишгач, ходимлар эшакни бозорга олиб бориб, одамлардан:

– Шу эшакни танийдиган киши борми? – деб сўрайдилар.

– Таниймиз, – дейишади одамлар.

– Қаердан биласизлар? – деган саволга улар жавоб берадилар:

– Бу эшак фалон козур (кир юувчи)ники ва йи-гирма йилдан буён унга хизмат қиласарди. Ҳар куни одамларнинг кийимларини унга юклар, кир ювиш жойига олиб бориб, кечқурун қайтариб олиб келарди. Ёш, кучи борлигига унга қарапди, ўт-ем берарди. Энди қариб, кучи қолмаганида уйидан ҳайдади. Бир ярим йилдирки, бу эшак маҳаллаларда, кучва бозорларда юради. Одамлар савоб учун унга ўт ва сув берадилар. Эшак кейинги икки кундан бери сув билан ем топмай, тентираф юрибди.

Ходимлар ҳаммадан шу жавобни эшитадилар-у, тез қайтиб келиб, буни подшоҳга маълум қиласадилар.

– Кўрдингизларми, мен сизларга эшак додини айтишга келган, уни ушлаб туринглар, демаганмидим? – дейди Нўширавон.

У эртаси куни эшак эгасини маҳалласидаги тўрт оқсоқол билан бирга олиб келишни буоради. Ходимлар айтилганларни бажариб, эшак ва унинг эгасини тўрт мўйсафид билан саройга бошлаб келишади. Нўширавон козурдан сўрайди:

– Бу эшак ёш бўлганида, ишга яраганида, сен учун кераклигида унга ем берардинг. Энди қариб қолганида боқиши ўрнига уни уйингдан ҳайдаб юборибсан. Хўш, эшакнинг йигирма йиллик хизмат ҳақи нима бўлди?

Подшоҳ уни қирқ дарра урдиришга буйруқ беради ва дейди:

– Шу эшак қанча яшаса, мана шу тўрт оқсоқол гувоҳлигида унга ҳар куни сомон-у буғдой берасан ва агарда камчиликка йўл қўйсанг-у, бу менга маълум бўлса, билиб қўй, жонингдан умидингни узавер!

Одил подшоҳдар ҳамиша заифлар ҳақида ўйлайдилар ва улар мамлакат зарурати учун ҳар икки-уч йилда муқаттеъларнинг ишларини тафтиш қилишлари шартдир, токи муқаттеълар раият ҳақига кўз олайтирмасинлар, вилоят обод ва маъмур бўлсин.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ҚОЗИЛАР, ЖАТИЛАР ВА МУҲТАШАБЛАР ОРАСИДАГИ МУОМАЛА ВА УЛАР ИШЛАРИНИНГ РИВОЖИ ҲАҚИДА

Мамлакат қозиларининг аҳволини тўла-тўқис билиш зарур ва улардан қайсилари олим-у зоҳид, камбағал, аммо камтама бўлса, тарбия қилиб, шулар билан иш юритиш керак. Агарда шундай бўлмаса, уларни ишдан олиб, ўринларига бошقا лойиқ кишиларни кўядилар. Уларнинг ҳар бирига зарур даражада маош берадилар, токи хиёнат қилишларига ҳожат қолмасин. Чунки бу иш жуда ҳам нозикдир,

улар мусулмонларнинг яхши-ю ёмонликлари устидан ҳукм чиқарадилар. Бу амални жоҳил ва нопок кишиларга ишониб бўлмайди, фақат пок, порсо олимларга бериш керак. Агар бирор-бир ҳоким жаҳл ва зулм билан ҳукм чиқарса, подшоҳга маълум қилган ҳолда уни вазифасидан олиб, жазолаш керак.

Вилоят ҳокимлари қози ва шариат ҳукмларини бажаришлари лозим ва саройда шундай олим кишиларни йиғиб, уларнинг амр-у қарорларига зиён етказмасликлари зарур. Агарда бирор киши шариат ҳокими мажлисига боришини истамаса, уни мажбур қилиб олиб келадилар, токи ҳақиқат аён бўлсин ва ҳеч ким ҳукмдан бош тортмасин. Одам алайҳиссалом замонидан бери то ҳозиргача дунёда ҳар миллат ва мулкларда адолат қилиб келингган, инсоф бериб тўғри иш тутилган ҳоллар кўп. Шундан уларнинг мулк-у давлатлари узоқ йиллар обод булиб турган.

Ҳикоят

Айтишларича, Ажам шоҳдарида шундай бир русум булган экан, Мехржон ва Наврӯз кунларида подшоҳ раиятни қабул қиласар ва ҳеч ким уларга монелик билдирамас экан. Подшоҳ жар солдириб: «Ўз ишларингиз булса, фалон куни ҳузуримга келинглар!» деб айтар экан. Одамлар ўз аризаларини далиллар ё гувоҳлари билан олиб келиб, ишларини битириб кетаркан. Кунларнинг бирида жарчи орқали подшоҳ шундай қўшимча фармон беради:

«Кимда-ким ҳожатмандалар, арз қилувчиларнинг йўлини тўсса, подшоҳ унинг қонини тўкади!»

Шу йўсинда подшоҳ одамлар арзини эшитар, улар аризаларини кўтариб, бирма-бир саройга кириб чиқар эканлар. Агарда бирор аризада подшоҳ устидан шикоят булса, у қозиларни ўнг томонига қўйиб, чапда мубадлар мубади, яъни қози ул-қуззот

деганларини ўтказар экан. Сўнгра подшоҳ таҳтидан тушиб, қозилар олдида тиз чўкиб, айтар экан:

— Аввало, шу кишининг мен билан борлиқ арзини ҳеч нарсага эътибор бермай, оғишмай ҳал эт.

Шундан кейингина кимнинг подшоҳга бирор хусумати бўлса, ҳаммалари саройга келсин, подшоҳ аввал уларнинг ишларини куриб чиқади, деб зълон қилинаркан. Сўнгра подшоҳ қозига деркан:

— Аллоҳ таоло олдида подшоҳларнинг гуноҳларидан кўра каттароқ гуноҳ йўқ. Уларнинг ҳақ ишлари Аллоҳ таоло неъматларини қадрлаб, раиятни ҳимоя этиб, адолат билан ситам қилювчилар қўлларини қисқартиришдан иборатдир. Агарда подшоҳнинг ўзи ситамкор бўлса, лашкари ҳам зулмпеша, худони ҳам эсдан чиқаргувчи, худо берган неъматларга куфр етказгувчи бўлади. Яна улар Тангри ғазабига гирифтор бўлиб, тақдир қўлида ёлғиз қоладилар. Шундай кунлар келмасин, бўлмаса олам ҳароб бўлиб, улар ниятлари шумлигидан ўлиб кетадилар-у, подшоҳ қиёматда жавобини беради. Эй худо қозиси, менинг сўзларимга аҳамият бер, чунки худойи таоло мендан нимани сўраса, мен ҳам сендан шуни сўрайман ва бўйнингга қўяман.

Шундан кейин қози жабрланувчи билан подшоҳ ўртасига ҳақдўст бўлиб киаркан ва рақиб ҳақ бўлса, унинг жавобини бераркан, бирор киши подшоҳга ёлғон айб қўйган бўлса-ю, далили бўлмаса, унга қаттиқ жазо бериб:

— Подшоҳ ва унинг мамлакатидан айб қидирадиган кишининг жазоси ана шундай бўлади, дер экан.

Шундан сўнг подшоҳ таҳтига ўтириб, тожини бошига кийиб, вакиллар-у аъёнларига мурожаат қилиб:

— Мен бу ишларни шунинг учун ҳам үзимдан бошладимки, сизлардан бирор киши бундан буён ситам қилишга журъат этмасин. Энди сизлардан

ҳам бирор кишига жабр етган бўлса, бориб курсанд қилинглар, – деркан.

Унинг яқин кишилари ҳам шу куни ундан узоқрокда юрардилар. Ардашер давридан Яздиғурд замонигача шундай давом этиб келди.

Яздиғурд эса оталари одатидан қайтиб, бу оламда ёмонлик одатини тиклади ва одамлар ранж-у азобга тушиб, уни кўп дуоибад қилиб, лаънатладилар. Бир куни тўсатдан чиройли бир от унинг саройига кириб келади. Ҳамма ҳайрон қолиб, уни ушламоқчи бўлади, лекин ушломайди. От айвонга кириб, Яздиғурд оддидаги жим туради.

– Жим бўлинглар, бу Аллоҳ таолонинг менга юборган ҳадяси, – дейди Яздиғурд. Жойидан туриб, секин от олдига келиб, ёлидан ушлаб силайди. Белига кўлини кўяди, от эса жим тураверади. Яздиғурд эгар-жабдуқ ва бўйинтуруқ талаб қиласди. Бўйинтуруқни отнинг бўйнига солиб, жабдуқни кўйиб, тортиб боғлайди ва энди пордумини ўтказмокчи бўлганида қуқисдан от Яздиғурдни жойида уриб, ўлдириб қочиб кетади ва ҳеч кимса отнинг дарагини топмабди. Қаердан келиб, қаёққа кетганини ҳеч ким билмай қолади. Одамлар айтадиларки, «бу Аллоҳ таоло юборган бир фаришта бўлиб, бизни Яздиғурд ситамидан озод қилди».

Ҳикоят

Бир куни Аммора ибн Ҳамза халифа Восиқ мажлисида ўтирган экан. Зулм чекканларни қабул қилиш куни бир ситам кўрган киши келиб, мулкини Аммора зўравонлик билан тортиб олганлиги тўғрисида шикоят қиласди. Халифа Восиқ биллоҳи Амморага:

– Туриб, даъвогар ёнига ўтириб ва далилингни кўрсат, – дейди.

Аммора айтади:

– Мен унинг рақиби эмасман ва агар шу мулк менини булса, унга ҳадя қилдим, халифа мени хурмат

билин ўтқазган жойидан турмайман. Обрў-мартабамни бир парча ер учун барбод қилишни истамайман.

Шунда унинг юксак ҳимматлилиги ҳаммага хуш кеслан экан.

Подшоҳ қозиси даъвогарларнинг сўзларини ўзи ишитмори керак. Агарда подшоҳ турк ё тожик, ёки бошқа киши бўлса-ю, араб тили ва шариат қоидаларини билмаса, унда ноиблардан бири ноилож унинг ўрнига ишларни олиб бориши керак бўлади. Во ҳамма қозилар подшоҳнинг ноибиidlар. Подшоҳ қозиларини қудратли ҳолда сақлаб, уларнинг ҳурмати-ю мартабаларини кўтариши зарур ҳамда жоме масжиддарида намоз ўқийдиган хатибларни Куръонни биладиган порсо кишилардан тайинлаши шарт. Чунки намоз ишлари нозик бўлиб, агар имом шимозида камчилик бўлса, эл намозида ҳам нуқсон шайло бўлади. Ҳар бир шаҳарда тарози ва нархларни тириғиба соладиган, олди-сотди ишларини биладиган энг олим ва доно кишилардан муҳтасиб қўйиш керак. Ва атрофдан олиб келиб сотиладиган ҳар бир молни бозорда сотиш учун ва харидорларни алдамислиқ учун улар устидан назорат булиши шарт. Тарози тошларини туғри тутиб, амри маъруф ва шайхин мункар қилишлари лозим. Подшоҳ ва унинг хизматкорлари муҳтасибни қўллаб-қувватлашлари керак. Мамлакатни бошқариш ва диндорлик қоидиларидан бири шудир. Агарда улар бунга қарши ҳукм қилсалар, дарвеш ранжийди, бозорларда одамларро хоҳлаган йўсингларида савдо киладилар, фисқ-у фисод пайдо бўлиб, шариат иши равнақ топмай, беттириблик бошланади. Ҳамиша бу ишни хос кишигига топширадилар, токи турк-у тожик демай иш туташин-у, мартабалилар ҳам, омма ҳам ундан қўрқсий ин ҳамма ишлар инсофдан бўлиб, ислом қоидалари миҳкам турсин. Ҳикоятда ана шундай дейилган.

Ҳикоят

Нақл қыладиларки, Султон Маҳмуд ҳар кеча ўз хос-у надимлари билан шароб ичарди. Али Нұштагин ва Мұхаммад Газнавий унинг улуғ амир-у умаролари жумласидан әдиларки, улар Маҳмуд мажлисида ҳозир булиб, ҳар кече әртә тонгтacha ухламай шароб ичардилар. Кун чиққач, Али Нұштагинга үйқусизлик азоби ва күп шароб ичтәнлиги таъсир күрсатиб, боши оғрیر эди. У бир куни туяга ўтириб, үйига бормоқчи бұлади.

Унга Маҳмуд дейди:

– Күппа-кундуз куни маст булиб үйга боришинг яхши эмас. Намози асрғача бирор соат шу ерда چузилиб ёт, кейин кетгін, агарда мұхтасиб сени шу ахволда күрса, обрүйингни түқади ва мени ҳам хафа қиласы. Кейин мен унга ҳеч нима дея олмай қоламан.

Али Нұштагин эллик минг аскарға лашкарбоши булиб, жуда шижиоатли ва яхши жангчи эди. Ўз замонасида унга тенг келадигани топилмасди, у бир ўзи минг кишига қарши тұра оларди. Мұхтасибининг шундай қыла олиши ақлиға ҳам сиғмасди. Безовтаптапты, албатта боришим керак, деб ажд қиласы.

– Узинг биласан, – дейди Маҳмуд унга.

Али туяга миниб, күп жамоа билан, құшини, куллари-ю хизматкорлари билан үйига қараб йўл олади. Иттифоқо, мұхтасиб юз нафар суворий билан бозор ўртасида турған экан. Али Нұштагинни бундай маст ахволда куриб, туядан туширтириб олади ва узи ҳам отдан тушади. Аскарларидан ҳам икки киши пиёда булиб, бири Алини ушлаб туради, иккінчиси ундан мұхобо ва муболаға қымай, шундай урадики, у ерга йиқилади. Лашкари ва одамлари буни күриб, гапиришга журъат қылолмайдилар. Бу мұхтасиб баобру бир түрк булиб, давлатта күп хизмат қылған эди. Мұхтасиб кетиб, Али Нұштагинни үйига олиб борадилар. У йўл-йўлакай ўзига ўзи гапириб:

«Кимки султон фармонини бажармаса, унинг пъзволи меникидай бўлади», – дейди.

Эртаси куни Али Нўштагин хизматга келади. Султон сўрайди:

– Нима бўлди? Қандай қилиб муҳтасибдан ҳалос бўлдинг? – Али эгилиб чизик-чизик бўлиб кетган орқасини Султонга кўрсатади. Султон кулиб:

– Маст бўлиб уйдан чиқмайман, деб тавба қилгин, – дейди. Қачонки подшоҳлик тартиби ва сиёsat қоидаси бир изга солинса, адолат ишлари ҳам жудди шундай бўлади.

Ҳикоят

Эшишишумча, Фазнида новвойлар дўконларини спади. Нон қиммат ва камчил бўлиб қолади. Бундан раңжиган камбағал ва дарвешлар султон даргоҳига келиб, новвойлардан шикоят қиласди. Султон буюриб, хос новвойини келтириб, фил оёғи остига ташлатади. Ўлганидан сўнг уни филнинг тишига боғлаб, шаҳар пойлантирадилар ва жар соладиларки, «кимда-ким, дўконини ёпиб, нон сотмаса, жазоси шундай бўлади».

Омборларни очишади, шом намози вақтида ҳар бир дўконда элликтадан нон ортиб қолибди.

ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ОМИЛ-У ҚОЗИ ВА РАИС ҲОЛЛАРИ ВА СИЁSAT ШАРТЛАРИ ҲАҚИДА

Подшоҳ ҳар бир шаҳарда ким ҳоким эканини, дин шилларига улар қандай муносабатда бўлаёттнларини, Аллоҳ таолодан қўрқишиларини, гаразгўй эмасликларни билиши керак. Ҳокимга бу шаҳар ва ноҳиянинг тинчлиги унга топширилганлигини айтиш лозим. Худойи таоло биздан нимани сўраса, у дунёда биз ҳам сендан шуни сўраймиз. Сен омил-у қози, шаҳ-

на-ю мұхтасиб, раиятнинг катта-ю кичиги ақволини билиб олиб, ҳақиқатни очық ё яшириң бизга маълум қиласан. Биз эса уларга нимани раво күрсак, шуны буюрамиз. Ким шундай сифатларга зәға бўлиб, шу сўзларни қабул қиласа, уни бўшатиб, бошқа амал бериш ман этилади, деб таъкидлаши зарур.

Ҳикоят

Айтадиларки, Абдуллоҳ ибн Тоҳир деган бир одил амир ўтган экан. Унинг қабри Нишопурда бўлиб, биз уни кўриб, зиёрат қилганмиз. Одамлар ҳам келиб зиёрат қиладилар. Ва ҳожатмандаларга худойи азза ва жалла ёрдам қиласар ва амир, порсолар-у зоҳидларга, дунё молига ҳожатлари бўлмаган гардисиз кишиларга амаллар берар экан. Шунда улар ҳақ йўли билан бойлик топиб, раият ҳам ранж-у азобларга гирифтор бўлмас экан.

Ҳикоят

Шу маънода Буали Даққоқ бир куни Хуросон ҳокими ва лашкарбошиси бўлган Абу Али Илес хузурига келади. Абу Али латиф ва фозил киши эди. Буали Даққоқ унинг олдида тиз чўкади. Абу Али дейди:

- Менга маслаҳат бер.
- Ё амир, бир нарсани сўрайман. Жавобини тўғри берасанми?
- Бераман.
- Менга айт-чи, зарни яхши кўрасанми ёки ракибни?
- Зарни.
- Унда буниси қандоқ бўлди, яхши кўрган нарсангни шу ерда қолдириб, нариги дунёга яхши курмаганларингни олиб кетасанми?

Абу Али Илес кўзларини ёшга тўлдириб дейди:
– Менга жуда яхши панд-насиҳат бердинг. Бунинг фойдаси – мени ғафлат уйқусидан уйғотганинг бўлди.

Ҳикоят

Ҳикоя қиласидиларки, Султон Маҳмуд Фозийнинг қиёфаси жунук, юзи тортилган, бўйни озғин-у узун, бурни чўзиқ ва ўзи кўса экан. Доим май истеъмол қилишидан юзи сариқ экан. Отаси Сабуктегин оламдан ўтгандан кейин, подшоҳлик таҳтига ўтиришни, Ҳиндистон унинг қўл остида қолади. Бир куни у орталаб ўз маҳсус ҳужрасида намоз ўқиш учун ўтиради. Олдига ойна ва тароқ қўйилган, бир қул ҳим хизматига ҳозир эди. Вазири Шамс ул-Кифот Аҳмад Ҳасан ҳужра эшигидан кириб, салом беради. Шоҳ боши билан ўтиришга ишорат қиласи. У Маҳмуднинг ёнига ўтиради. Маҳмуд намоз ўқиб бўлгач, жомаси, кулоҳи ва этигини кияди. Ойнага қараб, ўз юзини кўриб, табассум қилиб дейди:

— Биласанми, дилимдан нима ўтди?

Вазири жавоб беради:

— Шоҳим яхшироқ билади.

— Одамлар мени ёмон кўради, деб кўрқаман, чунки широйли эмасман. Одамлар одатда гўзал юзли шоҳдарни яхши кўради. Энди мен нима қилишим керак?

— Олтинни душман деб бил, шунда одамлар сени ўмарига дўст тутади.

Маҳмудга бу жавоб ёқиб тушади ва бу сўз тагида минг маъно бор, деб қўяди. Маҳмуд хайр-у саховат билан таом ейишга қўл уради ва одамлар уни яхши кўриб мақтайдилар. Унга буюк ишлар ва хазиналар тинсиб қиласи. Суманотга бориб, уни забт қилиб қайтади. Самарқанд, Ироқни ҳам қўл остига киритади. Бир куни Маҳмуд (Аҳмад) Ҳасанга айтади:

— Мен олтин-у кумушдан қўл тортдим-у, икки олним ҳам қўл остимга ўтди. Дунё бойлигини ҳеч ширса деб билдим-у, икки жаҳонда азиз бўлдим.

Султон деган ном ҳали у пайтда йўқ эди. Ислом олимида энг биринчи булиб Султон номини Маҳмуд ёнига олган экан. Шундан бу суннат бўлиб қолди. У

худони севувчи ва илмнинг дўсти, одил, жавонмард ва уйроқ, покдин ва ғозий шоҳ эди.

Энг яхши ҳаёт одил подшоҳи булган замонда кечади. Ҳадисда шундай келтирилганки, Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам айтган экан:

«Ал-адлу иззу-д-дини ва куввату-с-султони ва фийҳи силоҳул-хосати ва-л-омати», яъни адолат дин иззати, султон куввати, раият тотувлиги, ҳамма яхшиликларга тарозидир. Чунончи, Аллоҳ таоло айтганки: «Ас-самои рафаъҳо ва вазаъал-мизона», яъни: ҳақиқатан ҳам Аллоҳ Куръонни нозил қилди ва унда мезон бор. Бошқа жойда буюрганки: «Аллоҳу-лази наззала ал-китоба би-л-ҳаққи ва-л-мизона», яъни қалбидан адолат жой олган, уйи диндорлар-у художўйлар оромгоҳи бўлган подшоҳ энг хурматли подшоҳдир. Шундай ривоят бор. Фозил ибн Аёз айтади:

«Агарда менинг дуойим мустажоб бўлса эди, факат одил султон бўлишини тилаб дуо қиласдим, чунки унинг адли бандаларнинг силоҳи ва жаҳоннинг ободончилигидир. Ҳадисда шундай дейилади: «Адолат билан кишилар арзини эшитадиган подшоҳларни Аллоҳ таоло азза ва жалла қиёмат куни марнаридли минбарга кўтариб қўяди». Подшоҳлар ҳамиша ҳалқ адли ва маслаҳати учун сақданувчи, художўй ва гарази бўлмаган кишиларга амал берганлар, токи улар зарур вақтда тўғри иш олиб борсинлар. Бағдодда амиралмўминин Муътасим шундай иш олиб борарди. Бани Аббос халифаларидан Муътасимдан бошқа сиёсати зўр ва адолатли халифа ўтмаган. Унинг турклардан шунчалик кўп куллари бор эдики, ҳеч кимда бунчалик бўлмаган. Айтишларича, турк йигитларидан етмиш минглик кўшини бўлган ва кўп кулларни озод қилиб, амирлик мартабасига кутарган экан. У ҳамиша, бирор-бир тоифа турклардан яхшироқ хизмат қилмайди, дегувчи эди.

Ҳикоят

Бир амир ўз вакилини олдига чақиритириб, дейди:

– Бағдодда бозор-у шаҳар аҳлидан менга беш юз динорча қарз бера олиши мумкин бўлган бирор кишини танийсанми? Муайян вақтдан кейин мен уни қайтариб бераман.

Вакил ўйлаб, танишларидан бир кишини эслайди, у бозорда савдо-сотиқ билан машгул бўлиб, унинг ўз тирикчилигидан қўлга киритган халифалик тиллосида олти юз динор пули бор эди. У омирига айтади:

– Менинг бир ошнам бор, унинг фалон бозорда дўкони бўлиб, мен баъзан шу дуконга бориб ўтираман, олди-сотди қиласман, олти юз динор тилло дастмояси бор. Бирор кишини унинг олдига юбортириб, олдингга чақирир-да, яхши жойга ўтқазиб, лутф кўрсатиб, ҳадялар бер ва зиёфатдан кейин у билан ўзинг гаплаш. Сендан уялиб, ҳашшаматингдан йўқ дея олмаслиги мумкин.

Амир шундай қиласди. Олдига одам юбортириб: «Сенда ишим бор, бир қадамранжида қилгин», – дейди. У киши амир саройига келади. Амирни ташимаганилигидан эшиги олдига бориб, салом беради. Амир алик олади-ю, надимлар ва хосларга қараб: «Бу фалон кишиими?» – деб сўрайди.

– Ҳа, – деб жавоб беришади улар.

Амир уни ўрнидан туриб кутиб олиб, юқори жойга ўтқазади. Сўнгра:

– Эй хожа, мен сенинг мардлигинг, очиққўл, ростгўй ва диёнатли эканлигинг ҳақида кўп эшитганман, бирор ишинг бўлса, нега журъат қилиб пайтмайсан ва биз билан дўстлашмайсан?

У амир нима деса, ҳаммасини маъқулайверади. Амирнинг вакили ҳам бир неча марта шуни тасдиқлайди. Бир вақт дастурхон олиб келадилар. Амир ўз ёнидан унга жой бериб, ҳар замонда ол-

дидан бирор нарсани олиб, дўкондор олдига кўйиб илтифот кўрсатади. Дастурхон йиғиштирилиб, қўллар ювилгач, бошқалар чиқиб кетиб, фақат хос хизматкорлар қолишиади.

Амир у кишига қараб сўрайди:

– Сени нега чақирганимни биласанми?

– Йўқ!

– Бу шаҳарда менинг ёр-у биродарларим кўп ва нима сўрасам, йўқ демай берадилар. Беш-ун минг динор талаб қиласам ҳам йўқ дейишмайди, чунки менинг қарз олишимдан уларга фойда кўп. Ҳали бирор кишига мендан зарап етмаган. Мен ўтамизда дўстлик, улфатчилик бўлишини орзу қилган эдим. Яқин кишиларим қанчалик кўп бўлса ҳам, сен менга тўрт-беш ой муддатга минг диноргача қарз беришингни истардим. Озгина ишлатиб, бирор нарсани қўлга киритмоқчиман. Билишимча, сенда шунчча пул бор ва мендан уни дариф тутмайсан.

У киши ўзига қилинаётган илтифотлардан уялиб, дейди:

– Буюринг, амир, лекин мен минг-икки минг динор пули бор дўкондорлардан эмасман. Улуғ зотларга тўғрисини айтиш керак, менинг сармоям олти юз динорлик. Мен бозорда кам нарсалар билан савдо қиласман ва қийинчилик билан кун кураман.

Амир унга дейди:

– Хазинамда ҳисобга олинган олтин кўп, аммо ундан мен ололмайман, менинг бу муомаламда дўстликдан бошқа ниятим йўқ. Бу майда савдодан сенга нима фойда? Ушбу олти юз динорни менга бер-у, етти юз динорга тилхат олиб, муддати келганда уни мендан талаб қил.

Вакил ҳам уни қўллаб турарди:

– Сен ҳали амирни билмайсан, давлат катталари ичida амирдан кўра пок муомалали киши йўқ.

– Амир фармонини бажараман. Қанча маблагим бўлса, дариф тутмайман.

У олтинларни амирга топширади ва амир унга тилхат ёзиб беради. Анча муддат ўтгач, у киши амир одига келади-да, сұрашга тили бормай, амир мени күрса, тиллалар учун келганимни тушунар, деб ўтлади. Икки ой шу тахлитда бориб-келиш билан ўтади. Амир у кишини ўн мартадан күпроқ күрган бұлса ҳам, ўз тиллаларини олиш илинжида қатнаб юрганини хаёлита келтирмайды. У амир ўзини билмағанга олаёттанини сезиб, арзини ёзиб амирга беради: «Менга ўша пул керак бўлаяпти, ваъда қилингандан эса икки ой ўтди. Зарур топсанг, вакилга ишора қылгинки, ходим менга тиллаларни берсин».

Амир дейди:

— Сен ишимни эсдан чиқарган, деб ўйлаяпсанми? Хотиржам бўл. Озгина сабр қил, мен сенинг қўрзингни ўйлаяпман. Муҳлат бер. Ишончли киши орқали уйингга юбораман.

У киши яна икки ой сабр қилади. Тиллаларидан дурак бўлмайди. Икки маротаба яна амир саройига бориб гап очади. Амир ҳам ўйин қилиб, эрта-индин деб юраверади, хуллас, фойдаси бўлмайди. Қарзни олиш муддатидан саккиз ой ўтади. Киши ҳайрон бўлиб қолади. Обрўли одамларни ўртага қўяди, қози ул-қузотга айтиб, шариат ҳукмини чиқартиради, бўлмайди. Амир ҳақида айтмаган бирорта ҳам уауф ин катта инсон қолмайди. Қози одига эллик маротаба одам юбориб, ишни шариат йўсинида олиб поришга ҳаракат қилади, бўлмайди. Нима демасинлар, қабул қилмайди. Шундай қилиб, бир ярим-икки Йил ўтади. У киши ожиз қолиб, юз динорини бўлса ҳим олишга рози бўлиб, фойдасидан ҳам воз кечади, бирни бир натижга чиқмайди. Ҳамма меҳтарлардан умидини узиб, азза ва жалла Тангрига кўнгил берди. Ва фозил масжидига бориб, бир неча ракаат шимоз ўқиб, жудойи таолога нола қилади:

— Ё Раб, сен фарёдимни эшиш ва менга ҳақимни қўйтар, бу ситам қилювчининг жазосини бер.

Масжидда ўтирган бир дарвеш унинг ноласини эшитиб қолиб, раҳми келади. Намоздан кейин унга дейди:

– Эй азиз, менга айт, сенга нима бўлдики, нола қиласан?

– Шундай аҳвол юз бердики, уни худонинг бандаларига айтишим бефойда ва сенга айтишимдан ҳам наф йуқ.

– Мендан фойда бўлмаса, зиён ҳам етмайди. Эшитганмисан, айтганларки, «Ҳар кимнинг бирор мушкули бўлса, ҳаммага айтиши керак. Одамлар унинг иложини билишлари мумкин». Агар аҳволингни менга аён қилсанг, сенга бирор фойдам тегиши мумкин. Мабодо нафим тегмайдиган бўлса ҳам аҳволинг ўзгармайди.

У киши ўйланиб қолади: «Тугри гапирайпти, айтсам савоб бўлади».

У ўз можаросини тўлиқ ҳикоя қилиб беради. Дарвеш эшитиб:

– Эй, олижаноб одам, ана энди ранж-у азобинг охирига етди. Айтганимни қилсанг, ўз тиллаларингни қайтариб оласан, – дейди.

– Нима қилай?

– Ҳозир туриб, фалон маҳаллага бор, минорали масжид ёнида бир оддий кийинган тикувчини курасан. У тикувчилик қилади ва икки боласи ҳам бор. Дўконига бориб кўришиб ўтира ва аҳволингни унга айтиб бер. Мақсадга етсанг, мени дуо қиласан, айтганимга истиҳола қилма.

У киши масжиддан чиқиб, ўзича ўйлайди: «Ажабо, ҳамма катталарни ўртага қўйдим, фойдаси бўлмади, энди бу қари ва ожиз дарвеш йўл кўрсатаяпти ва мақсадингга етасан, деяпти, ҳеч ишонмаяпман, аммо нима қилай? Бораман. Агар фойда бермаса, зиён ҳам қилмас».

У масжид олдига бориб, дўконни топади ва ўша мўйсафидга салом бериб, ҳузурига бориб ўтиради.

Қария бир нима тикарди. Бир соат машғул булиб, шу ишини битиргач, ўтирган кишидан сўрайди:

— Нимадан ранжидинг? Бирор ишининг ёки арзинг борми?

У киши аҳволи ва қиссасини аввалидан охири-шеш айтиб беради. Тикувчи бу аҳволни эшитиб, унга дейди:

— Бандаларнинг ишларини худойи таоло азза ва жопла ўзи тўғри ҳал қиласди. Бизнинг қўнимиздан фиқрат айтиш келади. Биз ҳам сенинг рақибингга бир ишириб қўямиз, умид қиласманки, худойи таоло мадади билан мақсадингга етасан. Бир оз дам олиб ўтири. Сўнг у шогирдларидан бирита мурожаат қиласди:

— Туриб, фалон амирнинг саройига бор. Амирнинг шахсий хужрасини топиб, у ердан кимки чиқса ё кирса, фалон тикувчининг шогирди эшик олдида турибди ва тикувчидан шундай хабар келтирибди, деб ушбуни баён қиласгин:

«Бир киши сендан зулм кўриб, менинг ҳузуримга келди ва унинг етти юз динорга хужжати бор, муддатидан бир ярим йил ўтиб кетибди, шу кишининг тиллаларини қайтариб, уни хушнуд эт, кеч қолмасдан жавобини беришингни истайман».

Бола тез туриб, амир саройига боради. Ҳалиги кипши ажабланади: ахир, подшоҳ ҳам ўз фуқароларига шундай фармон бермайди, ваҳоланки, у амир олдиға бир ёш болани юборди... Бир замон бола ўтиб келиб, устозига дейди:

— Лйтганингизни бажо келтирдим. Хабарни етказдим. Амир жойидан туриб:

— Саломимни устозга етказиб дегинки, жон деб мисннатдор булиб, ҳозир ўзим олтинларни олиб борамон, ўша тақсирдан ҳам узр сўрайман ва дарҳол тиллаларини бераман, дейди. Бир соат ўтар-ўтмас амир оллондор ва икки хизматкори билан етиб келади. Ондан тушиб салом бериб, қариянинг қўлини ўтиб келиди ва ҳамёнини хизматкоридан оларкан, дейди:

– Сен мени бу кишининг олтинларини тортиб олмоқчи, деб ўйлама. Бу тақсирга эътиборсизликка вакилларим сабабчи бўлган, – дея узр сўрар экан, хизматкорга: «Бор, бозордан нокид-пулшуносни олиб кел», – деб буюради.

Бориб бир нокидни олиб келадилар. Тиллани тортиб кўришади. Беш юз динор чиқади. Амир дейди:

– Бу беш юз динорни унга бер. Эртага саройдан қайтишимда уни чақириб, яна икки юз динор бераман ва кечирим сўраб, кўнглини оламан. Эртага пешин намози вақтигача сенинг олдингга келаман.

– Бу беш юз динорни унга топшир ва айтганингни қилиб, сўзингдан қайтма, – дейди қария.

– Шундай қиласман, – деган жавоб бўлади.

У олтинни бериб, қариянинг қўлинин яна ўлиб, қайтиб кетади.

Арзчи хурсандлигидан нима қилишини билмай, тарози ва тош талаб қилиб, юз динор олтинни тортиб, қария олдига қўяди.

– Мен юз динор камроқ қайтариб олишга ҳам рози эдим, сенинг сўзларинг баракасидан менга етти юз динор тегди, бу юз динор сенинг харажатларинг ҳақи ва уни сенга туҳфа қиласман.

Қария бу гапни хуш курмай дейди:

– Менинг сўзим билан бир мусулмоннинг қалби дард-у азобдан халос бўлганлигидан хурсандман. Агарда мен юз динордан бир донасини ўзимга ҳалол билсан, сендан етти юзини тортиб олган ва ўша туркдан ҳам золимроқ бўламан. Тур, борақол. Агар эртага икки юз динор тилла сенга қайтарилемаса, менга маълум қилишинг керак. Бундан кейин ким билан қандай муомала қилишингни билиб ол!

Қанча зўрласа ҳам қария тиллаларни қабул қилмайди. Арзчи қария олдидан чиқиб кетиб, шу кеча хурсандлигидан яхши ухлайди. Эртасига уйида ўтиrsa, бир киши амир олдидан келиб:

— Амир бир лаҳза саройимга келсин, деб юборди, дейди.

Борса, амир жойидан туриб кутиб олади ва юқоригин үтқазади. Ўз вакилларини кўп уришиб сўкади.

— Шулар айбдор, мен ҳамиша хизмат ишлари билан бўлиб, ҳақингни беришларини уларга минг мурталаб айтганман.

Кейин биттасига дейди:

— Хазиначига айт, олтин солинган қоп ва тарози олиб келиб, икки юз халифа динорига тенг тилла тортиб, менга берсин.

Олтинни дўкондорга ўлчаб берадилар. Хизматни бижариб, туриб кетмоқчи бўлганида амир озгина ўтиришини айтади.

Қайтиб ўтиради. Дастурхон олиб келадилар. Таом оғилиб, қўллар ювилгач, амир хизматкор ходим қўлорига бир нима дейди. Ходим чиқиб, дарҳол бир спиро олиб келади. «Кийгизинг», — дейди амир.

Бир қимматбаҳо тўн ҳадя қилиб, қасабдан бир спилли ҳам берадилар.

Сўнг амир сўрайди:

— Мендан рози бўлиб, хурсанд бўлдингми?

— Ҳа.

— Тилхатни бер ва шу бугун қария олдига бориб, үндиқингни олиб, мендан хурсанд бўлганингни айт.

— Буни ўзи ҳам айтган эди, шундай қиласман, — деб шиноб беради.

Туриб, амир саройидан чиқиб, ўша тикувчи қарим олдига бориб, бўлган гапларни сўзлаб беради. «Мен бунинг ҳаммасини сенинг сўзларинг таъсиридан деб биламан, энди мана шу икки юз динорни меноригин қабул қилгин», — деб ялиниб-ёловса ҳам куннайди. Туриб хурсанд бўлиб, дўконга келиб, оғисига бир қўй ва бир нечта товуқ гўштини қовубди, бир товоқда ҳолва ва кулча олиб тикувчининг оладиги олиб боради:

– Эй, шайх, олтинни қабул қиласанг ҳам, менинг ҳалол меҳнатим меваси бўлган бу егулик нарсаларни қабул эт, мени хурсанд қил.

Қария жавоб беради:

– Қабул қилдим, – қўл чўзиб, таомлардан еб, шоғирдларига ҳам беради.

Кейин дўкондор сўрайди:

– Менда ҳам бир ҳожат бор, ижозат берсанг, айтаман.

– Гапир.

– Ҳамма вазирлар ва амалдорлар менинг ишим юзасидан амирга гапиргандилар, лекин ҳеч фойдаси бўлмади. Бирор кишининг сўзига қулоқ солмади, қози ул-қуззот ҳам бу масалани ечишга ожизлиқ қиласди. Нима сабаб булдики, у сенинг сўзингни қабул қиласди ва нима десанг, вақтида бажо келтириб, пулумни қайтариб берди? Унинг олдида шунчалик ҳурмат ва ҳашаматга эгалигинг боиси нимада эканлигини билмоқчим эдим.

– Амир билан менинг аҳволимдан хабаринг йўқми?

– Йўқ, – жавоб беради дўкондор.

– Бўлмасам, қулоқ сол, – дея қария ҳикоясини бошлайди.

Ҳикоят

Ўттиз йилдирки, мен шу масжид минорасидан аzon айтаман. Касбим тикувчиликдир. Ҳаргиз май ичмаганман, зино ҳам қилган эмасман, нолойиқ ишларга қўл урганим йўқ. Шу кучада бир амирнинг саройи бор. Кунлардан бир куни шом намозини уқидим-у, масжиддан ташқарига чиқиб, дўконга бормоқчи бўлиб турганимда амирни кўриб қолдим, у маст-аласт келарди ва бир ёш жувоннинг паранжисига қўл уриб, зўрлик билан узига тортарди. Аёл: «Эй, мусулмонлар, ёрдам беринг, мен пок бир аёлман, фалон кишининг қизиман. Уйим фалон

миҳплада, ҳамма менинг қанақалигимни билади. Бу түрк эса такаббурлиги билан мени олиб бориб ристо қылмоқчи, эрим ҳам уч талоқ қилишга онт ишитки, агарда бирор кече уйда ётмасам, талоқ қолдым, – дея йиглаб фарёд чекарди. Аммо ҳеч кишини унинг додига қулоқ солмасди, чунки бу амир дебдабали ва қайсар эди. Беш минглик суворий қушини борлиги боис ҳеч ким унга тенг келолмасди. Мен ўртага тушдим, фойда қиласади. У аёлни саройига олиб кетди. Мен афсусландим, ҳамиятим құттымади, сабр қилолмадим. Бир қария, бир оқсоқол да бир иecha кишини олиб, амир саройига бордик ин тұнолон құтариб, дедик:

– Бағдод шахрида, халифа пойтахтида бир аёлни кибір-у зұравонлик билан йўлдан уриб, уйга олиб бориб расво иш қилиш мусулмончиликдан әмас. Бу нәлни соғ-саломат қўйиб юборинглар, акс ҳолда имир Мұтасим саройига бориб шикоят қиласиз!

Амир бизнинг овозимизни эшишиб, құлига бир тәскіл олиб, бир кишининг бошини, иккинчи кишиниң оғөгини уриб синдирди. Буни кўриб, ҳаммамиз ючиб кетдик. Шом намози вақти бўлди, намоз үқидик. Бир вақт кўрпага кириб ухламоқчи бўлдик. Бу ишлардан ҳосил бўлган нафрат ва азобдан уйқум юламиди. Тун ярмидан ўтди. Мен шундай фикр ва ҳаммадим: агарда бу аёл шу кече уйига бормаса, талоқ қолади. Эшишишмча, май ичғанлар маст булганда ухлайдилар, хушёр бўлганларидан кейин вақтни билмайдилар. Менинг тадбирим шу бўлиши мумкинки, минорага чиқиб аzon айтишим керак. Агарда у түрк ишитса, тонг отибди деб аёлдан қўл тортади ва уни саройидан чиқариб юборади. Унинг йули, шубҳасы, масжид олдидан ўтади. Тез минорадан тушиб, масжид олдидада аёлни кутиб оламан. Уни уйига олиб бориман, токи бу бечора эрдан ҳам қолмасин.

Сүнг шундай қылдым. Азон овозини амир Мұтасим ҳам әшитибди. У уйғоқ экан ва намоз вакти бұлды, деб үйлабди. Таşқарига чиқиб қараса, ҳали вакт бор. Бир ходимга буюрибди:

— Бор, әшикоғага айт, миршаб бориб, ярим тунда азон айттан муazzинни олиб келсин, унга қаттық жазо берайки, фақат вактида азон айтадиган бұлсин.

Мен масжид олдида ўша аёлни кутиб туардим. Миршабни күрдим, у машъал күтариб келарди. Мендан сүради:

— Сен намозга азон айтдингми?

— Ҳа.

— Нега бунақанги бевақт ўқидинг, бу халифага еқмади. Шу сабабдан сендан ғазабланиб, адабингни бермоқчи. Сени олиб бориш учун мени юборди.

— Фармон халифаники, лекин бир беадаб мени шунчалик бевақт намозга чақиришим учун сабабчи бұлды.

— Ким у беадаб?

— Худо азза ва жалла ҳамда халифадан құрқмайдын бир киши.

— Ким экан у, худо ва халифадан құрқмайдын?

— Бу шундай гапки, уни ёлғыз амирғагина айтишим мүмкін ва агар мен буни қасддан қылған бұлсам, нима жазо буюрсанғызлар ҳам арзиди.

— Юр, қаны саройга борайлик, — деди миршаб.

Халифа саройига етиб бордик, у кутиб турған миршабға вазиятни тушунтируди ва у саройга кириб, Мұтасимга етказди. Мени чақыртириб, Мұтасим олдига олиб бордилар.

У мендан сүради:

— Нега бевақт намозга чорладинг?

Мен маст түрк ва ўша аёл қиссасини бошидан охиригача сүзлаб бердим.

Мұтасим әшитиб, миршабға буюрди:

— Эшикоғага айт, юз аскар билан фалон амир саройига бориб, сени халифа чақирайпти, десин. Агар уни құлға киритишса, у зўрлик билан олиб кеттган

шарын ҳам бирга олиб келишсін. Бир мүйсафидни иккі ходим билан шу аёлнің уйига, әринің құзуриға юбор. Улар әрини чақыриб: «Мұтасим сенға сплом йұллайды ва ўртага тушиб воситачилик қилали, бу аёлга кағыл бұлади. Аёлнің әч қандай гүнөхін йүқ. Уни энди илгаригидан ҳам күпроқ ҳурмат қыл», – десінлар. Ҳалиғи амирни бұлса, зудлик билан өзіндігін олиб келинглар, – деб буюраркан, менга:

– Бир оз шу ерда бўлиб тур, – деди.

Амирни бир соат ичида Мұтасим олдига олиб келділар. Мұтасимнің күзлари унға тушгач, ғабибланың ішінде гапира кетди:

– Эй, фалон-писмадон, мусулмонлик диніга мешінің ажамиятсиз бұлғанимни биласанми? Е мендан бирор зулм күрдінгми? Ёки менинг давримда ислом шарында бирор ҳалал бұлдими?! Йүқ, Румда мусулмон-аристир тушганда, Бағдоддан бориб Рум лашкарини миңлуб қилиб, Қайсарни қочириб юборған ва олти ғыл Рум шаҳрида юриб, шу амирларни ҳалос қилиб олиб кеслган мен әмасмидим? Бутун адл-у инсофимдеп қўй билан бўри бир жойдан сув ичадилар. Сен қондай журъат қилиб Бағдод шаҳрида үзингта бино құплиб, бир аёлни зуравонлик билан саройніңга олиб, рико қиласан? Одамлар амри маъруф қилғанда үмірші ҳайдаб юборасан? Ҳозироқ бир қоп олиб келиб, буни унға солиб, оғзини маҳкам боғланглар.

Шундай ҳам қылдилар. Сүнгра оғир ёғоч болға олиб келишларини буюрди.

– Өнді бир киши бу ёнидан, бошқа киши нариги ғомонидан туриб, шундай урингларки, майдаланиб кетейн.

Хүр тарафдан ёғоч болғалар билан шундай зар-балаир туширдиларки, сұяклари күл ушоқ бўлди.

– Тиғин қандай буйруқ бўлади? – сұрашди Мұйсусимдан.

– Яна уринглар.

Кейин менга қараб, деди:

– Эй шайх, билиб қўй, кимки ҳудодан қўрқмаса, мендан ҳам қурқмайди ва кимки ҳудодан қўрқса, нариги дунёда унга инъом бор. Бу қилмишига яраша жазо олади. Бундан кейин сенга буюраман:

– Бирор одам бошқа кишига ситам килса ё бирор инсонни ноҳақ ҳафа қилса, шариатга қарши иш тутса-ю, сенга маълум бўлса, мана шундай бевақт азон айтгин. Мен овозингни эшитиб, сен эканлигингни билиб, тез сени чақираман-у, ажволни сўрайман. Ҳамма гуноҳкорларга шу итга берган жазони бераман. Ҳатто, менинг акам ё фарзандим булса ҳам!

Шундан кейин менга бир инъом берди. Бундан халифанинг хос-у омлари хабардор бўлдилар. Бу амир сенинг олтинларинг ҳурмати учун бундай қилмади, балки қоп ва ёғоч болга хавфидан қурқди.

Шунга ўхшаган ҳикоялар кўп. Буни ўшунинг учун ҳам ёзаяпманки, худованди олам-султонимиз билиб қўйисинки, олдинги халифалар ва шоҳдар кўйни бўридан қандай сақдаганлар ва қўл остидагиларга қандай жазо бериб, бузгунчилардан қандай эҳтиёт бўлганлар ва мусулмон динини қандай кучли тарзда тутганлар.

САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ДИН, ШАРИАТ ВА УНГА ЎХШАГАН ИШЛАРНИ ТАҲҚИҚ ҚИЛИШ ВА БАЖО КЕЛТИРИШ ҲАҚИДА

Дин ишини таҳқиқ қилиш, Аллоҳ таолонинг фарзи, расулнинг суннатларини ижро этиш, уларнинг улушини хазинадан бериш, зоҳид-у дарвешларни эъзозлаш ва иззатда тутиш подшоҳ учун вожиб-шартдир. Подшоҳнинг ҳафтада бир-икки маротаба дин уламоларини ҳузурига чақириши ҳам шарт. Токи улардан Ҳақ таоло амрининг табшир-у табзира ҳақида, Қуръон тафсири ва расул алайҳи салавот-у васаллам ҳадисларини эшитсин. Одил

Подшоҳлар ҳақида ёзилган ҳикояларга, анбиёлар қиссаларига қулоқ солсин ва кўнглини дунё ишларидан фориг этиб бўшатсан-у, шуларга диққатиши жалб қиласин. Уларга ўзаро мунозара ва баҳс қилишни буюрсин. Агарда унга бирор-бир масала помаълум бўлса, қайта сўраб олиб ёдлаб кўяди, шундидин ва дунё ишлари савоб билан ҳал бўлади. Бирорта динсиз ва бидъат тарқатувчи уни шу йўлдан уролмайди. У кучли ифодага эга, одил ва инсофли пўлди, гуур ва бидъат бундай подшоҳ мамлакатиди йўқолади, унинг кўлидан буюк ишлар келади, ҳисплат рўзгоридан шарр-у фасод ишлари йироқлашиди, лашкари кучли бўлиб, душмани даф бўлади. Бу дунёда яхши номи қолади, охиратда эса олий міртабалар унга насиб қиласи. Одамлар ҳам унинг шинрида илм олишга рағбат қиласидар.

Ҳикоят

Ибн Умар айтадики, Расулуллоҳ менга шундай демонларки, адолат қиласидарлар ўз адолатлари учун шаштат қасрларида, кўли остида бўлган кишилар билан яшайдилар.

Подшоҳларнинг энг зўр фазилатлари диндорликлар. Зероки, дин ва давлат подшоҳнинг яқинларидандар. Қачонки мамлакатда изтироб пайдо бўлса, дунёги халал тегади, ёмон ниятли кишилар кувват олаб, подшоҳни савлатсиз ва дардманд қиласидар бидъат ва душманлик кучайиб кетади.

Ривоят

Сифёни Сурий айтадики, энг яхши султон дин олди билан ўтириб турувчидир, уламоларнинг энг ёмони султон билан ўтириб турувчисидир.

Ривоят

Ардшинер (Бобакон) айтадики, ҳар бир султон шаруда ўз хос мулоҳимларини сулҳ ва муросага

келтиролмаса, билсинки, у ўзига фақат ситам келтиради ва ҳалол мол ҳам ололмайди.

Масал

Луқмони Ҳаким айтадики, одам учун дунёда билимдан яхшироқ ёр йўқ ва билим хазинадан ҳам яхшироқдир. Чунки сен хазинани эҳтиёт қилишинг керак. Билим эса сени кутқаради ва муҳофаза қиласди.

Ривоят

Ҳасан Басрий айтади, тозий-араб тилини яхши биладиган ва шу тил лугатига қодир бўлган киши доно эмас, доно – ҳамма билимларни эгаллаган кишидир. Бирор киши шариат қонунларини, Куръон тафсирларини, туркий, форсий, румий тилларини билиб, араб тилини ҳам билса, яхшироқ бўлади. Чунки Аллоҳ таоло Куръонни араб тилида нозил қиласа ва ҳазрати Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи араб бўлғанлар. Подшоҳга Аллоҳ буюкликни насиб қиласа, унга давлат ва илм ёр бўлади, икки дунёда баҳт топади. Чунки у бирор ишни билимсиз бажо келтиролмайди ва шундай бўлишига ҳам розилик беролмайди. Қара, фақат подшоҳларнинг номлари жаҳонда машҳур ва уларнинг номларини одамлар қиёматгача яхшилик билан тилга оладилар. Фаридун, Искандар, Ардашер, Нӯширавон, амиралмӯминин Умар ибн Абдулазиз, Ҳорун ар-Рашид, Мутасим, Исмоил ибн Аҳмад Сомоний, Султон Маҳмуд Газнавий раҳматуллоҳи алайҳум шундай подшоҳлар эдиларки, уларнинг ҳаммага маълум ишлари ҳақидо тарих китобларида ёзил қолдирилган, ул зотларнинг арвоҳларига дуо қиласди.

Ҳикоят

Ўқидимки, Умар ибн Абдулазиз даврида қаҳатчилик бўлиб, одамлар ранж-у азоб чеккан эканлар.

Артблардан бир қавм унинг оддига келади ва нола қилиб дейди:

— Ё амиралмұғынин! Биз қаҳатчиликдан озіб кетдік, суяг-у теримиз қолди, таом йүқтілгидан қоларимиз сарғайды. Ҳамма умидимиз сенинг жаңнанғдаги моллардан. Бу мол сеникими, худоникими? Ё биз — худонинг бандалариникими? Агарда бу мол-у давлат худоники бўлса, унда худонинг молга оғтиёжи йўқ, биз худо бандаларида эса эҳтиёж бор. Агарда сеники бўлса, Аллоҳ айтганидек, «бизга сидиқа қилгин, чунки Аллоҳ таоло ҳар бир садақа қулувчига мукофот берувчидир». Агарда бу мол биники бўлса, ўзимизга ҳадя эт, токи бу аҳволдан қутулайлик. Танамиздаги теримиз қуриб кетди!

Умар ибн Абдулазизнинг уларга раҳми келиб, құнидан ёш оқиб:

— Сиз айтгандек қиласман, — дейди.

У тезда буйруқ бериб, одамлар хоҳишини бажо кратиради ва уларнинг мақсадлари ҳосил бўлади. Улар қайтмоқчи бўлганларида:

— Эй, одамлар, қаёққа кетаяпсизлар? Худо бандалари сўзини менга қандай айтган бўлсаларинг, меннинг айтганларимни ҳам Аллоҳга етказинглар, шунини мени дуюйи хайр билан эсланглар, — дейди.

Араблар шундан кейин осмонга қараб:

— Ё Раб, иззатинг ҳаққи Умар Абдулазиз сенинг бандаларингга нимани раво кўрган бўлса, шуни унни қайтар! — деб илтижо қилишади.

Дуо қилишлари ҳамоно бир зумда булат пайдо бўлиб, ёмғир ёғади, томчилар билан бир қофоз тушиди. Олиб қарасалар, унда «Бароту мин Аллоҳи ан-Нур ила Умар ибн Абдулазиз мин ан-Нори», деб сиплаган эди. Маъноси шуки, «Бу барот Аллоҳ азза ғиляладан Умар ибн Абдулазизга дўзах оловидан қутқариш учундир».

Шу маънодаги ҳикоятлар бисёр, бу фаслга шунчалик ҳам кифоя қиласади.

келтиромаса, билсинки, у ўзига фақат ситам келтиради ва ҳалол мол ҳам ололмайди.

Масад

Лукмони Ҳаким айтадики, одам учун дунёда билимдан яхшироқ ёр йўқ ва билим хазинадан ҳам яхшироқдир. Чунки сен хазинани эҳтиёт қилишинг керак. Билим эса сени қутқаради ва муҳофаза қиласди.

Ривоят

Ҳасан Басрий айтади, тозий-араб тилини яхши биладиган ва шу тил лугатига қодир бўлган киши доно эмас, доно – ҳамма билимларни эгаллаган кишидир. Бирор киши шариат қонунларини, Қуръон тафсирларини, туркий, форсий, румий тилларини билиб, араб тилини билмаса, у олимдир. Агарда араб тилини ҳам билса, яхшироқ бўлади. Чунки Аллоҳ таоло Қуръонни араб тилида нозил қиласган ва ҳазрати Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи араб булғанлар. Подшоҳга Аллоҳ буюкликни насиб қиласа, унга давлат ва илм ёр булади, икки дунёда баҳт топади. Чунки у бирор ишни билимсиз бажо келтиромайди ва шундай бўлишига ҳам розилик беролмайди. Қара, фақат подшоҳларнинг номлари жаҳонда машҳур ва уларнинг номларини одамлар қиёматгача яхшилик билан тилга оладилар. Фаридун, Искандар, Ардашер, Нўширавон, амиралмўминин Умар ибн Абдулазиз, Ҳорун ар-Рашид, Мұтасим, Исмоил ибн Аҳмад Сомоний, Султон Маҳмуд Газнавий раҳматуллоҳи алайҳум шундай подшоҳлар эдиларки, уларнинг ҳаммага маълум ишлари ҳақида тарих китобларида ёзиб қолдирилган, ул зотларнинг арвоҳларига дуо қиласдилар.

Хикоят

Ўқидимки, Умар ибн Абдулазиз даврида қаҳатчилик бўлиб, одамлар ранж-у азоб чеккан эканлар.

Араблардан бир қавм унинг олдига келади ва нола қилиб дейди:

— Ё амиралмұғынин! Биз қаҳатчиликдан озіб кетдік, сұяг-у теримиз қолди, таом йүқлигидан юларимиз сарғайды. Ҳамма умидимиз сенинг хашнанғдаги моллардан. Бу мол сеникими, худоникими? Ё биз — худонинг бандалариникими? Агарда бу мол-у давлат худоники бұлса, унда худонинг молга әхтиёжи йүқ, биз худо бандаларида эса әхтиёж бор. Агарда сеники бұлса, Аллоҳ айтганидек, «бизга соңықа қылғын, чунки Аллоҳ таоло ҳар бир садақа қылуғындағы мукофот берувчидир». Агарда бу мол бигиңни бұлса, үзимизга ҳадя эт, токи бу ақвоздан құтулайлық. Танамиздаги теримиз қуриб кетди!

Умар ибн Абдулазизнинг уларга раҳми келиб, иштідан ёш оқиб:

— Сиз айтгандек қиламан, — дейди.

У тезда буйруқ бериб, одамлар хоҳишини бажо келтиради ва уларнинг мақсадлари ҳосил бұлади. Умар қайтмоқчы бұлғанларида:

— Эй, одамлар, қаेққа кетаяпсизлар? Худо бандаларын сузини менга қандай айтган бұлсаларинг, менніг айтгандаримни ҳам Аллоҳға етказинглар, шыны мени дуойи хайр билан эсланглар, — дейди.

Араблар шундан кейин осмонга қараб:

— Раб, иззатинг ҳаққи Умар Абдулазиз сенинг бандаларингга нимани раво күрган бұлса, шунинше қайтар! — деб илтижо қилишади.

Дүо қилишлари ҳамоно бир зұмда булат пайдо болып, ёмғир ёғади, томчилар билан бир қофоз тушиди. Олиб қарасалар, унда «Бароту мин Аллоҳи ан-Нори» ила Умар ибн Абдулазиз мин ан-нори», деб сипатты зди. Маъноси шуки, «Бу барот Аллоҳ азза ил жалладан Умар ибн Абдулазизга дұзах оловидан құттарын учундир».

Шу миңнодаги ҳикоятлар бисёр, бу фаслага шундағы ҳим кифоя қиласы.

ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСА

ДАВЛАТ МУШРИФЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАОШЛАРИ ҲАҚИДА

Ишончли кишинигина ашрофликка тайинлайдилар, чунки улар сарой сирларидан доимо хабардор булиб, лозим бўлган пайтдагина айтиб берадилар. Улар ишончли ва тўғрисуз кишиларни давлат мол-мулкини муҳофаза қилиш учун шаҳар ҳамда ноҳияларга ноиб сифатида юборадилар.

Ашрофлар ўз мартаба ва билимларига кўра маош олишлари зарур. Уларнинг ойлик харажат ва маошларини раият ҳисобидан эмас, балки хазинадан берадилар. Шунда халқ бошига ранж-у азоб тушмайди, ашрофлар ва ноибларнинг ҳожатлари хиёнатга ва пора олишга тушмайди, зеро, ростлиг-у ҳалолликдан топилган мол-у давлат уларга кифоя килади.

ЎНИНЧИ ФАСЛ

СОҲИБХАБАР ВА ЖАРЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Подшоҳга раият ва лашкар аҳволидан тўла хабардор булиш ва уларга қанча харажат кетишини билиш вожибdir. Агарда шундай бўлмаса, катта хато булади. Амалдорлар ситамкорликка қўл урадилар ва мамлакатда содир булаётган фасод ва золимликдан подшоҳнинг ё хабари бор, ёки йўқ, дейдилар. Агарда била туриб ман қилмаса, унда у ҳам шуларга ўхшаган золимлик қилган ва ўзи зулм-у ситамга розилик берган бўлади ва агарда билмас, демак, у ўғифидир. Ҳар икки ҳолат ҳам яхши эмас. Шундай экан, соҳибхабарга ҳожат сезилади.

Подшоҳлар жоқилият давридан ислом замонига қадар ҳамиша соҳибхабарларга эга бўлиб, уларнинг ҳамма ишларидан хабарлари бор экан. Агарда бирор киши бир қоп сомон ё битта товуқни ғуравонлик билан қўлга киритган бўлса, ҳатто беш юн фарсанг узоқлиқда бўлса ҳам, подшоҳ шундан хибардор бўлиб ва шу ситам қилувчига жазо бериб, боинқаларга ибрат қилиб кўрсатса, ҳамма жойларга ҳуншер кишиларни қўйиб, золимлар қулини қисқартирса, бундай подшоҳ уйғоқдир. Шунда одамлар унинг адолати соясида ўз касб-хунари билан машғул бўлмидилар, лекин бу ишлар шундай кишилар қўлида бўлсинки, улар холис бўлиб, ғараз билан иш тутмасин-лир, чунки мамлакатнинг тинчлиги ҳам, фасоди ҳам уннрга боғлиқ. Соҳибхабарлар бошқалар томонидан мисс, фақат подшоҳ томонидан ишга тайинланади-лир. Уларнинг маошлари хазинадан берилади. Подшоҳдан бошқа бирор киши уларнинг нима иш билан минггул эканликларини билиши мумкин эмас, токи бирор нима содир бўлса, подшоҳ билсин ва нимани покиб тутса, шуни буюрсин. Агарда (подшоҳ) шундай бўл тутса, одамлар итоатда бўлиб, подшоҳ сиёсатидан кўрқадилар. Шунда ҳеч ким подшоҳга қарши исён иштаришни орзу ҳам қилмайди.

Соҳибхабар ва мунҳий (хабарчи)ларнинг бўлиши индишоҳнинг адолатидан ва кучли тафаккуридан даражи бериб, вилоят ободонлигига қаратилган бўлади.

Ҳикоят

Султон Маҳмуд Ироқ вилоятини олганида бир аёл кирмон билан Кажин дайри работига келган эди. Үкрилар унинг нарсаларини ўғирлаб кетдилар. Улар кўти балуж авлодидан эдилар. Кўчи балуж Кирмон вилоятига яқиндир. Шу аёл Султон Маҳмуд олдига борди ва зулмдан шикоят қиласди:

— Ўгрилар менинг нарсаларимни олиб, Кажин работига олиб кетдилар. Молларимни улардан қайтиб олиб бер ё товонини тұлагин.

— Маҳмуд деди:

— Кажин дайри қаерда?

— Шунча вилюятларни босиб олиб, улар қаерда эканликларини билмайсанми?

— Тұғри айтасан, — дейди Маҳмуд, — лекин улар қайси тоифадан әдилар?

— Күчи балуждан, Кирмон яқыннан келган эканлар.

— У ер жуда узоқ ва вилюяттимиздан ташқарида. Менинг фармоним уларга ўтмайди.

— Сен қандай жақон подшохисанки, ўз марта-баннга ярамайсан, сен қандай чўпонсанки, қўйни бўридан сақлолмайсан!?

Маҳмуднинг кўзларига ёш келди ва у деди:

— Тұғри айтасан, нарсаларингнинг товонини сенга бераман ва қўлимдан нима келса, қиласман.

У аёлнинг нарсалари товонини хаэина ҳисобидан тўлашни буюради.

Кирмон амири Абу Али Илёс номига хат ёзиб, элчи юбориб дедики, Ироққа келишимдан мақсад Ироқни олиш эмас эди, мен Хиндистонда анчадан буён газовот билан машғул әдим. Лекин Ироқ мусулмонлари номидан кетма-кет хатлар келяптики, дайламийлар Ироқда зулм-у ситам билан шуғулланиб, ошкора бидъат қилаётган ва йўловчилар изидан бориб, гўзал аёл ё чиройли болаларни тутиб, саройларига олиб бориб, шарманда этаётган эканлар. Уларни банди қилиб, хоҳлаган вақтларида ушлаб, хоҳлаган вақтларида қўйиб юбораётирлар, Пайғамбар ёрлари алайҳиму-р-ризвон ва расул салавоту васаллам номларига лаънатлар айтиб, Оишай сиддиқани «зония» (фоҳиша) деб ҳақоратлайдилар. Муқаттеълари йилда икки-уч марта раиятдан хирож олмоқдалар. Мажлуд-давла деган подшохни «шаҳаншоҳ» деб эълон қилишибди. Унинг түккизта манкуҳа хотини булиб,

рпият уртасида ҳар бир шаҳар ва ноҳияда занодиқа ҳимда ботиния мазҳабларини тарғиб қилиб, худо ва унинг расулини ҳақоратлаб, намоз-у рӯза ва ҳажни ишкор этиб юришибди. На муқаттеълар уларни бу Ыўлдан қайтароладилар ва на булар муқаттеъларга «излар нега саҳобалар ризвонуллоҳи алайҳи ажмаънларга жафо қиласизлар?» – деб айти оладилар. Иккала гурӯҳ ҳам бир-бирлари билан тил топишган ёкан. Бу ҳол менга маълум булди-ю, бу ишни Ҳиндустон ғазотидан ҳам муҳимроқ деб Ироққа қараб келдим. Ҳамма покиза, мусулмон, ҳанафий мазҳаб турклардан иборат лашкарни дайламийлар, занодиқа ва ботинийларга қарши қўйдик, токи уларнинг уругини ҳам қолдирмай йўқ қилишсин. Баъзилари қиличдан ўтказилди, айримлари банди булиб зиндоига тушдилар, яна бирлари оламда сарсон-у овора. Ни жожалар ва Хуросон мутасарифларига амал ва кисб бериб, уларни ҳанафий ва шофиъий мазҳаб қилишни буюрдим. Бу иккала тоифа рофизий ва ботинийларга душмандир. Ироқ дабирини қалам тубратишига қўймадик. Билганимиз шу бўлдики, Ироқ дабирлари кўпроқ шулардан бўлиб, туркларни қарши иш тутар эканлар. Тез муддатда худойи шара ва жалла мадади билан Ироқ мулкини шундай бидмазҳаблардан покладик, чунки Тангри бизни шу учун яратиб, халқоши қилиб қўйган экан, токи Ер юзини фасодчилардан бушатиб, сипоҳ аҳлини ҳимоя этайлик, оламни адолат ва инсоф билан обод қилийлик. Шундай вақтда менга маълум бўлдики, Қўчи, балуж деган қавм Дайри Кажин работига бостириб кириб, нарсаларни олиб кетмишлар. Сен уларни ушлаб, нарсаларни қайтариб олишингни яни ўзларини арқонга боғлаб, ўғирланган моллари билан шаҳримизга юборишингни истайман, токи Кирмондан менинг вилоятимга бостириб киришни ботишқа ўйламасинлар, иallo Кирмон Суманотдан узоқ,

эмас. Бұлмаса, Кирмонга құшын юбориб, у ернинг халқига жазо бераман.

Элчи бу хабарни етказганида Абу Али Илес қат-тиқ, күркіб кетди, элчига марҳаматлар күрсатиб, жаңоқырлар ва турли бойликлар бериб, Маҳмуд хизматига юбориб деди: «Мен бир фармонбардор баңдаман. Маликка баңданинг ва Кирмон вилояти-нинг ақволи маълум эмасми? Мен бирор-бир фасодга розилик берганим йўқ. Халқ ҳам аҳил ва инокидир. Төглар Кирмонни Кўчи балуждан тўсиб туради. Төг-у дарапари мустаҳкам, йулларидан ўтиш қийин. Ўзим ҳам улардан безор бўлганман, чунки улар ўғри ва фасодчилардир, икки юз фарсанг келадиган йулларни тўсиб, қароқчилик қилиб юрадилар. Жуда ҳам кўпчилик, мен уларга бас келолмайман. Олам сultonи кучлидир ва бунинг тадбирини ҳал қила олади, мен фармонни бажараман, деб хизматга бел боғладим».

Маҳмуд бу жавобни эшишиб ва Абу Али Илеснинг хизматга тайёр эканлигини куриб билдики, унинг айтганларининг ҳаммаси рост. У Абу Алига сарпо бериб, элчини қайта юбориб, деди:

— Бориб Абу Алига айтгин, Кирмон лашкарини йиғиб, вилоятни айлансын ва фалон ойда Кўчи балуж яқинидаги Кирмон чегарасига келсин ва шу ерда манзил тутсин, кейин бизнинг элчимиз етиб бориши билан фалон жойга кучиб борасан ва Кўчи балуж вилоятига бостириб кириб, уларнинг ёш йигитларини омон қўймайсан, ёш-у қарининг мол-мулкини тортиб олиб, ҳайдаб юборасан. Мен бу ерда улар талон қылган даъвогарлар ишини ҳал этай. Сен улар билан аҳд-у қарорни мустаҳкамлаб кел.

Сulton Маҳмуд Абу Али элчисини жўнаттиргач, Кирмон тарафга йўлга чиқаётган савдогарлар тайёргарлик куриб, молларини жойлаштиrsинлар. Мен кафил булиб, ваъда бераманки, агар Кўчи балуж ўрилари уларнинг молларини тортиб олишса, мен хазинадан товон тұлайман, деб жар солдирди.

Бу хабар оламга тарқалғач, ҳар тарафдан күплад савдогарлар йўлга чиқдилар, уларнинг сони беҳисоб ёди. Шундан кейин Маҳмуд савдогарларни кузатиб, бир амирни бир юз эллик суворийга бошлиқ этиб, уларнинг кўнгилларини кўтариб деди: «Хотиржам бўлинглар, мен кетингиздан лашкар юбораман». Шу жамоага йўлбошчи бўлган ўша амирни олдига чақириб, бир шишада унга ўткир заҳар бериб, деди:

— Исфаҳонга етганингдан сўнг ўн кун ўша ерда минизил тут, тоски бу шаҳарга келадиган савдогарлар шиларини битириб, сенинг суҳбатингга келсинлар. Шу ўн кун давомида ўн хирвор Исфаҳон олмасидан сотиб ол. Олмаларни туяларга юклаб, жўнаш шиктида савдогарлар карвонига кўшилиб борасан. Ўша манзилга этиб келганингда ҳамма олмаларни чайлагла олиб бориб тўк. Ҳар бир олмани бигиз билин тешиб заҳарлаб кўйгин-да, кейин олмаларни сипатларга сол. Эртасига саватларни туяларга юклаб, карвон билан йўлга чиқ. Ўғрилар карвонга ҳужум қылсалар, сен улар билан уришма, чунки улар кўпроқ, сиз эса камчиликсиз. Сен қуролланган ҳамма суворий ва пиёдаларни олиб, тезлик билан ярим-бир фарсангча ёки кўпроқ орқага қайтасан. Бирор сокит кутиб туриб, қайта ўғриларга ҳужум этасан. Нипонаманки, кўплари олмани еб ҳалок бўладилар. Сен бориб, кўлингдан келганича қиличдан ўтказ. Сўнг ўн нафар отлиқни Абу Али хузурига юбориб, уни Кўчи балуж ўғрилари аҳволидан хабардор эт. Шундан кейин айёр ўғри ва йўлтўслардан холи бўлган вилоятда ўз лашкаринг билан талон-торож қил, ёш ва барно қулларни қўлга кирит. Ниманики буюрган бўлсам, ижро этиб, карвонни соғ-саломат Кирмон чегарасига олиб бор. Агарда Абу Али билан борлансанг, унинг фармонимга итоат қилишига имми бўласан, чунки юрагим шундан гувоҳдик берипти. Аллоҳ мадади ила ўша йўллар қиёматтacha мусулмонлар учун очиқ ва хавфсиз булади.

Амир Маҳмуд хузуридан чиқиб, карвонни олиб, Исфаҳонга келди ва ўнта туяга олма юклаб, Кирмон томонга йўл олди. Ўгрилар ҳам Исфаҳонга жосус юбориб, бир карвон келаётганлигини ва бундай карвонни ҳали ҳеч ким учратмаганлигини билдирилар. Уларнинг фақат бир юз-у эллик суворий турклардан иборат қуриқчилари бор эди, холос. Улар жуда ҳам хурсанд бўлдилар. Кўчи балужда бўлган эркак ва йигитларни чақириб олиб, тўрт минг қуролли киши билан йўлга чиқиб, карвонни кутиб турдилар. Карвон манзилга етиб келганида одамлар:

– Бир неча минг ўгри йўлларингизда сизни кутиб туришибди, – дейишиди.

Амир сўради:

– Шу ердан уларнинг жойигача қанча фарсанг келади?

– Беш фарсанг.

Карвондагилар бу жавобни эшитиб, жуда ғамгии бўлиб, шу ерда қундилар. Намозидигардан кейин амир ҳаммани чақириб, деди:

– Эй одамлар, жон ширинми ёки мол?

– Жон, – жавоб беришди улар.

– Сизларда мол бор, биз жонимизни сиз учун қурбон қиласиз ва ҳеч ғам чекмаймиз. Нега сиз бадал буладиган ҳар бир нарса учун қайгураяпсиз. Ахир, Маҳмуд мени ҳам бир иш учун юборган. У на сизларга ва на менга қасд қилиб ўлимга юбормаган. Бунинг тадбири шундай: Дайри Кажинги олиб юборилган мол аёлникидир ва аёл ўз молини бу ўгрилардан тортиб олади. Сиз молларингизни Маҳмуд уларга беради деб уйлайсизлар. Хотиржом бўлинглар, Маҳмуд сизлардан гоғил эмасдир. Эртага бизга унинг ёрдами тетиб, ишимиз, иншооллоҳ, яхши бўлади. Аммо сизлар менинг айтганимни қилишларинг керак, шунда нажот топасизлар.

Одамлар бу сўзларни эшитиб, хурсанд бўлиб, жасоратлари ошиб:

– Нима буюрсанг, ўшани бажарамиз, – дейишди.
– Кимнинг қуроли бўлса, уруш қилишни уддаласа, менинг олдимга келсин.

Уларни санади, ўз лашкари билан бир юз-у етмиш суворий ва пиёда тўпланган экан.

– Бу кеча кўчсак, ҳамма отлиқлар мен билан карвоннинг бошида бўлади. Пиёдалар карвоннинг орқасида юрсинларки, ўгриларда шундай одат бор, улар молни олгач, одамни ўлдирмайдилар. Ким улар билан уришиб тўқнашса, ҳалок бўлади. Эртага куёш икки найза тепага кўтарилгандан кейин уларга этиб олишимиз керак. Улар карвонга ҳужум қилашлар, мен орқага чекинаман. Сизлар ҳам менинг қоғанимни кўрганингиздан кейин орқага қочинг. Биз улар билан номига жанг қиласиз ва сизлар ирим фарсанг кетганингиздан кейин биз ҳам келиб сизларга қўшиласиз. Бирор соатдан кейин биргаликда қайтиб келиб, уларга ҳужум қиласиз. Шунда тўкайиботни кўрасизлар. Менинг фармоним шу. Бу ишда мен биладиган нарсани сиз билмайсиз. Эртаги сизлар менинг билганимни кўриб, сўзларим чин ишлалитига ишонч ҳосил қиласиз ҳамда Маҳмуднинг ҳиммати маълум бўлади.

Ҳамма, худди шундай қиласиз, деди.

Туш кирганда амир олмаларнинг ҳаммасини таҳчирилаб, саватларга солиб, қайта юклади. Бешта оғимини шу олма ортилган туяларга жавобгар этиб ташлаб, деди:

– Биз кетганда ўгрилар карвонга ҳужум этсалар, ҳамма олмали юкларни тушириб қўйиб, саватларни этиб қўйинглар ва ўзларинг қочинглар.

Туш яримда у кўчишга фармон берди. Шу йўсинда кетдилар. Тонг отиб, қуёш икки найза баландликка кўфирилди. Ўгрилар уч томондан карвонга тиф тортиб ҳимла эта бошладилар. Амир уларга бир-икки юршилик кўрсатгач, бир нечтасини ўққа тутганича

қоча бошлади. Пиёдалар ҳам ўғриларни кўрган заҳоти орқаларига қочдилар. Амир ярим фарсанг масофада пиёдаларга етиб олди, ҳамма йифиди. Ўғрилар кам кишидан иборат гурӯжнинг қочишини кўриб, курсанд бўлишди. Хотиржамликда моллар билан машғул бўлдилар. Олма солинган хирворларни кўришлари билан ўзларини унга уриб, катта иштаҳа билан ея бошлашди. Олма топмаганларга ҳам етказиб бердилар. Олма емаган киши жуда оз қолди. Бир соат ўтгандан кейин кетма-кет йиқилиб, ўла бошладилар. Пешиндан икки соат ўтгандан сўнг ўша амир ёлғиз ўзи бир тепага чиқиб, ўғрилар тарафига назар солиб, дашт ўликларга тўлганини кўрди. Хурсанд булиб пастга тушиб: «Эй одамлар, хушхабар бор. Султон Маҳмуднинг мадади билан ўғрилар битта ҳам қолмай нариги дунёга жўнашибди. Энди, эй ботирлар, шошилинг, токи бошқалари тирик қолиб кетмасинлар», – деди. Амир ўз одамлари билан карвон тарафга от сурди. Пиёдалар ҳам унинг орқасидан тушдилар. Карвонга етиб бориб, саҳрода ёйилиб ётган ўликларни ва қилич-у қалқон, найза-ю зубинлар, камонларни кўрдилар. Пиёдалар ҳам амирга қўшилиб, икки фарсангача ўғриларни кувиб бориб, қолганларини ҳам ўлдирдилар.

Ўғриларнинг аҳволидан вилоятларига хабар бериши мумкин бўлган бирор киши қолмади.

Амир буйруқ бериб, ҳамма қуролларни териб олди. Бир неча харвор бўлди. Карвонни ҳам маизилига олиб борди. Ҳеч кимга заррача зиён етмади. Ҳамма курсандликдан терисига сифмас эди.

Шу манзидан Абу Али Илёс жойигача бўлган йўл ўн икки фарсанг эди. Амир ўнта кулини Маҳмуд муҳри билан унинг олдига юбортириб, ўғрилар воқеасидан хабардор этди. Маҳмуд узугини қўлига олиб, Абу Али лашкари билан қўрқмасдан Кўчи балуж вилоятига бостириб кирди. Амир ҳам унга қўшилди. Ўн мингдан кўпроқ эркакни ўлдириб,

Бир неча минг динорни улардан тортиб одилар. Соң-саноқсиз бойлик, қурол-аслаша ва моллар құлға киритилди. Абу Али ўша амир орқали бойликларни Маҳмудга юборди. Маҳмуд ҳамма ерга жар солди:

«Мен Ироққа келдим. Күчи балужда кимнинг шарсаси тортиб олинган бұлса, келиб мендан товошини оласин!»

Даъвогарлар келиб, хурсанд бұлиб қайтиб кетдилар. Шундан кейин эллик йил давомида күчманчилорнинг бирор кишиси бошида қароқчиллик фикри пайдо бўлмади.

Сўнгра Маҳмуд ҳамма жойга соҳибхабар ва муҳқийларни (хабаркаш ва жосусларни) қўйди. Шу билан у бирор киши ноҳақдик билан бировнинг бир тоонугини тортиб олса ёки бирор кишини бекорга ҳифа қылса, Фазнинда туриб хабардор бўларди ва унинг жазосини берарди.

Қадимдан подшоҳлар бу тартибни сақлаб келардилар, фақат салжуқлар бу ишга кўнгил қўймай, яхимият бермадилар.

Абулфазл Сагзий султони шаҳид Алпарслондан ғураган экан:

- Нега соҳибхабарларинг йўқ?
- Менинг мулкимни хароб қилиб, яқинларимни мендан ажратиб олмоқчимисан? – деди султон.
- Нега?
- Агарда мен бирор соҳибхабар қўйсам, унда мен унун дўст ва душман бир хил бўлади. Дўстларимни оғтимодли кишилар соҳибхабарга ҳеч тазиик қилмай, пора ҳам бермайдилар. Аммо муҳолиф ва душман бўлганлари у билан яқинлашиб, мол-у пул, пора берадилар. Шундай экан, соҳибхабарлардан дўстлар ҳақида ёмон хабарлар келиб, душманлар ҳақида эса яхши сўзлар айтилади. Яхши ва ёмон сўз мисоли ўқ ва охирида нишонга тегади. Шу сабабли, ҳар куни дўстларимиздан кўнглнимиз қолиб, душманларга нисбатан меҳримиз ошади. Сўнг тез

орада дўстлар биздан узоқлашадилар-у, ёмонлар бизга яқинашади. Натижада, тарқоқлик, халал ва тартибсизлик пайдо бўлади. Унинг иложи жуда ҳам қийинчилик билан ечилади.

Аммо соҳибхабар ва баридларнинг бўлишлари подшоҳликнинг бир қоидасидир. Агарда улар керакли даражада ишонарли кишилардан иборат соҳибхабар бўлсалар, кўнгил ором топади.

ЎН БИРИНЧИ ФАСА

САРОЙДАН ЮБОРИЛАДИГАН ОЛИЙ ФАРМОН, БҮЙРУҚЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ ХУСУСИДА

Агар шоҳ саройидан тез-тез фармон ёзилиб, юбортриб турилса, унга ҳурмат ҳам шунча кам бўлади. Хуроса бундоқим, зарурат бўлмаса, олий мажлисдан ҳеч нима ёзилмайди. Фармоннинг ҳурмати ва куч-куввати шундай бўлиши керакки, ижро этилмагунча уни ҳеч ким қўлидан қўйиши керак эмас. Агарда бирор кишининг фармонга салбий муносабати маълум бўлса ё унинг ижроси чўзилиб кетганини тўғрисида хабар етса, ундай кишига, агар у яқинлардан бўлса ҳам, жазо берилади. Подшоҳ амри албатта ижро этилиши ва унга жиҳдий муносабатда булиниши билан бошқалардан фарқ қиласи.

Ҳикоят

Шу маънода айтадиларки, бир аёл Нишопурдан Фазнинга Султон Маҳмуд ҳузурига келиб, шикоят қиласи, бир омил (закотчи) Нишопурда менинг ерими ни тортиб олди ва ўз тасарруфига киритди, дейди. Султон Маҳмуд хат йўллаб, аёлга ерини қайтариб беришни буюради. Ўша омил эса: «Менда ернинг хужжати бор, ер менини ва бу ҳақда саройга ўзим маълум қиласман», дейди.

Лёл иккинчи марта Фазнинга келиб, шикоят қиласди. Маҳмуд саройидан бир йигитни юбориб, омилини Нишопурдан Фазнинга келтириради. Саройда унга дарра уриб, жазо беришдан олдин йигирма минг Нишопур динори билан жарима солишга қарор қўлмоқчи буладилар. Маҳмуд рози булмай, дейди:

— Агарда бу ер уники бўлса, нега аввал фармонни ижро этиб, кейин аҳволини менга маълум қилмади? Мен бир иложини қилардим. Бу жазо бошқаларга ибрат бўлсин, токи яна подшоҳ фармони ижро этилмай, унга тажовуз қилинишига эҳтиёж қолмасин. Подшоҳ зарур бўлганидагина шундай фармон беради. Чунки подшоҳнинг йуриғисиз бирор киши бошқа кишининг қулини кесса, қатл этса ё шунга үхшаган ўзбошимчалик қиласа, унга бу бошқаларга ибрат бўлсин ва бундай амалларга ҳеч қачон қўл урнлмасин, деб жазо берадилар.

Ҳикоят

Нақд этадиларки, Парвиз бошида Баҳром Чубинни ҳурмат қиларди, ҳатто усиз бир соатини ҳам утказмасди. Шароб ичиш ва ов қилиш чоғларида, хилватда ҳам ўзидан узоқлаштирмасди. Баҳром уста чавандоз ва мисли кўрилмаган жангчи эди. Бир куни Ҳиротдан закотчилар уч юз қизил туюни олиб келадилар. Уларнинг ҳар бирига бир ҳарвор юк ши матолар юкланган эди. Уша моллардан Баҳром Чубинга ҳам юборилсин, деб буюради. Парвизнинг ўзи дам олиб ётган эди.

Эртаси куни Парвизга кеча Баҳром бир қулига жизо бериб, йигирма дарра урибди, деб хабар қилидилар. Парвизнинг жаҳали чиқиб, дейди:

— Баҳромни олиб келинглар!

Баҳром етиб келганида подшоҳ қўрхонадан беш тоғ қилични олиб келишни буюради:

— Эй Баҳром, шу тиғлардан қанчаси сенга ёқса, пократгин!

Баҳром ажратиб, бир юз элликтасини танлайди.

— Шулар орасидан энг ўткири ва чиройлисини ажратиб олгин! Баҳром улар ургасидан иккитасини маъқуллаб ажратади.

— Энди шу иккала қилични бир филофга жойлаштири!

Баҳром дейди:

— Эй малик, икки тиф бир қинга жойлашмайди-ку!

Парвиз дейди:

— Икки ҳоким ҳам бир шаҳарга сиймайди.

Баҳром хато қилганини англайди.

Парвиз: «Агарда сенинг хизматларинг ҳақи менда бўлмаганида ва сени хурматламаганимда эди, илло, сендан юз ўтирган булардим, — дейди. — Бундай ишларга қўл урма, Аллоҳ таоло нафақат сени, балки бизни ҳам заминда ҳакам қилган, ҳар кимнинг ўз ҳаками бор. Ўша қул аҳволини бизга маълум қил, токи унга нима вожиб булса, тўғрилик билан буюрай. Бундан буён кўлимиз остидаги кулимиз гуноҳ қиласа, аввал бизни хабардор эт, шундан кейингина зарур бўлган жазога фармон берамиз, зеро, бирор киши ноҳақ ранжимасин. Бу дафъя сени кечираман».

Шоҳ лашкарбоши Баҳромга шундай танбеҳ берганида, ўзгаларни қандай муносабат кутарди?!

ЎН ИККИНЧИ ФАСЛ

ЗАРУР БЎЛГАНДА САРОЙДАН ХИЗМАТКОР ЮБОРИШ ҲАҚИДА

Саройдан кўп хизматкор ва амалдорлар келади. Баъзилари фармон билан, баъзилари эса буйруқсиз. Буйруқсиз бўлса, одамларга кўп азоб етади, кўп моллар талон-торож этилади. Масалан, бирор солиқнинг ҳажми ва миқдори икки юз динор дейлик. Бир хизматкор бориб зудлик билан уч юз

дипор солиқ тұлашни талаб қылади. Халқ бундан кимбагаллашади.

Бирор зарурат бұлмаса, саройдан одам юбориш керак әмас ва хизматкор юборилса ҳам фақат шоқ фирмона билангина иш юритилсін. Хизматкорга бу фирмонаңнинг бажарилиш муддати белгилаб берилиб, шу амрдан чиқымаслиги талаб қилинади, токи у үшін мөйөрини билсін.

ҮН УЧИНЧИ ФАСА

ЖОСУСЛАР ВА УЛАРНИҢ МУЛК ВА РАЙАТ ТИНЧЛИГИ ЙҰЛИДАГИ ИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Жосусларни теварак-атрофға савдогар, сайёх, үйгіншінін ва дори сотувчиси қылиб юбориш керак, токи улар барча эшилтгандаридан хабар беріб турсынлар. Шоғырақ бирор воқеанинг хабари эшитилмай қолиши мүмкін әмас. Ҳар бир ҳодиса ҳақида унга үз вактида үлесін берилиб, тадбири тездә күрилиши шарт. Муайделер үшін қолаттарда волийлар ва муқаттеълар, хизматчи-юмыртолар исен ва мухолифатта азм-у қарор қыладылар ин подшоқ эса бундан хабарсиз қолади. Агар жосуслар тезлик билан бу ҳақда хабар берсалар, подшоқ ушырга қаршилик күрсатыб, ниятларини йүкқа чиқарады. Бирор бегона подшоқ ё лашкар мамлакатни қалыптаға ахд қылған бұлса-ю, раиятдан бирор киши подшоғыннан яхшилиги ва ёки ёмонлигини душманга міншум қылса, унга жазо берадилар. Азадудддавланинг құныңнан (жосуси) шундай қылған экан.

Хикоят

Дайламийларнинг бирор-бир подшоқи Азаттықтағылачалик ҳүшеррек, зийракроқ ва узоқни

курадиган бұлмаган. У давлат бопқарувини яхши билүвчи қадр-киммати ва буюк сиёсатчи эди. Бир куни унинг бир жосуси шундай деб ёзіб юборибди: «Мұхим иш билан кетаётганимда шаҳар дарвозасидан чиқиб, ҳали икки юз қадам қўймасимдан бир йигитни учратдим. Унинг танаси яраланган ва йўл четида жуда хафа ҳолда турар эди. Мени қўриб, салом берди. Саломига алик олиб: «Нима қилиб турибсан?» – деб сурадим.

– Шундай бир шаҳарга бормоқчиманки, у ернинг подшоҳи одил ва қозиси инсофли бўлсин.

– Подшоҳ Азадуддавладан ҳам одилроқ ва шаҳар қозисидан ҳам олимроқ қозини қидираяпсанми? Нима деяпсан ўзи?

– Подшоҳ одил бўлса, ишларида ҳам уйғор-у ҳушиёр бўларди. Шаҳrimиз ҳокими тўғри киши эмас, шубҳасиз, подшоҳ бундан ғофиладир.

– Қозининг вафлати ва ёмонлиги ҳақида ними биласан?

– Менинг ҳикоятим узун. Шаҳардан кетаётib қисқача айтиб бераман.

– Албатта, менга айтгин.

– Ундай бўлса юр, йўлда айтиб, вақтни қисқартираман.

Биз йўлга тушдик. У ҳикоясини бошлади:

– Мен бир савдогарнинг ўғлайман ва отамнинг саройи шу шаҳарнинг фалон маҳалласида. Ҳамма одамлар отамнинг қанақа киши эканлигини ва бойлигини яхши билардилар. Шу орада отам вафот этди. Мен бир неча йил ўз хоҳишим билан ишрат ва ичкиликка берилиб кетдим. Кейин қаттиқ касал бўлиб, ҳаётдан умидимни уздим. Касал ётганимди худойи азза ва жаллага назр-у ниёз этдимки, агардо шу хасталикдан тузалсам, ҳажга бориб келиб, савоб ишларга қўл ураман. Тангри менга шифо юборди, мен соғайиб кучга кирдим. Аввал ҳажга боришни, кейин ғазот билан шугулланишни одат қилдим. Та-

Сирруфимдаги ҳамма канизак ва қулларимни озод қилиб, ҳаммасига сийм-у зар, мулк бериб, уларни бор хотин қилдим. Қолган мол-мulkимни сотиб, нақд ғалик минг динорга эга бўлдим. Одимда турган иккала сафар ҳам хатарли ва шунча олтинни ўзим билан олиб боришим тўғри эмаслигини ўйлаб, ўзим билан ўттиз минг динор олсан-у, йигирма мингини қолдирсам, деган қарорга келдим. Кейин иккита мисо офтоба олиб, ўн минг олтиндан иккаласига жойладим. Буни энди кимнинг қўлига омонат берниб кетсам бўларкан, деб ўйлаб қолдим. Шаҳарда ғиқот қозига кўпроқ ишонганим учун уни бир олим ва ҳоким киши деб билардим. Подшоҳ унга мусулмонларнинг жонини ишониб топширган, ҳар ҳолда хиёнат қиласаса керак, дедим. Одига бориб, шу маънони унга секин тушунтирудим. Қабул қилиб, курсанд бўлди. Кечаси туриб, иккала офтобани дим унинг уйига олиб бордим **ва** ишонч билан унга топширудим. Ҳаж сафарига чиқиб, Маккадан Мадинати бордим, ҳазрат Расулуллоҳу саллаллоҳу алайҳи ассаламни ва асҳоблари ризвонуллоҳу алайҳим нокмиъинни зиёрат қилдим, у ердан Рум диёрига ўтдим. Гозийларга қўшилиб, бир неча йил газот қилиб, кофирлар билан уришиб, кўп жойларимдан ишланидим. Румликлар қўлига асир тушиб, тўрт йил зинданбанд бўлдим. Рум қайсари касал бўлиб, қиттиқ азобга гирифтор бўлди. Унга даво тилаб, ғимми асиirlарни озод қилдилар. Яна лашкарга қўшиладим ва унда хизмат қилдим. Шунчаки бир гене инфаҳа қўлга киритсам, қозида йигирма минг динор борлигини эслаб, кўнглам тинчирди. Шуни ўйлиб, яна икки йил сафар азобини, иссиғ-у совук, инчичиг-у шириналиклар уқубатини тортиб, озиб-тӯштип бир аҳводда қози одига келдим. У билан суриниб, одида турдим. Маҳкама бўшаганидан сунн яқинига бориб, секин унга мен фалончи бини филончи бўламан, ҳаж қилиб, газотларда иштирок

этіб келдим, деб айтдим. Күп азоблар чекиб, ўзим билан олиб борган ҳамма нарсаларим құлдан кетди. Энди ҳолимни күраяпсанки, бир заррага ҳам муҳтожман. Сенга топшириб кеттган икки офтоба олтинимни қайтариб бергін... Қози менга ҳеч нарса демасдан, ҳатто, нима деганимни ҳам эшитмасдан, құжрасига кириб кетди. Мен дилшикаста ва хафа булиб қайтдим ва ўз ахволимдан уялиб, ўз уйимга ҳам қавм-қариндошлар ва дўстларим олдига ҳам бормадим. Кечалари масжидда ухлаб, кундузи ҳар ерда юрдим. Қисқаси шуки, икки маротаба қозига шу гапни айтдим, ҳеч жавоб булмади. Еттинчи куни унга жаҳл билан гапирғанимда у: «Сенга молихулиә азоб бераётір, миянг йўл ва сафар азобидан қуриб қолибди, шунинг учун кўп ҳазён айтаяпсан. Мен сени танимайман ва бу сўзларингдан ҳам хабарим йўқ. Аммо сен айтаётган киши ёш, чиройли ва яхши кийинган эди», – деди. Шунда мен унга:

– Қози! Мен ўша киши бўламан. Сафар заҳматидан шундай озиб, рангларим сарғайиб кетган, жароҳатлардан эса юзим ўзгарган, – деб тушунтиридим.

– Тур-да, мени қийнамай кетгин, – деди у жаҳл билан.

– Қози! Бу ишни қўй, худодан қўрқ, ахир, бу дунёдан бошقا яна нариги дунё ҳам бор ва унинг уқубати бу дунёдац ҳам қаттиқроқдир. Бу дунё ўт кинчи, у олам эса абадийдир, – деганимда у:

– Бундай чиройли сўзларингни бас қил ва мени ранжитма, – деди.

– Боринг, шу йигирма минг динордан беш минги сизники бўлсин, – дедим.

У ҳеч қандай жавоб бермади. Яна гапирдим.

– Икки офтобанинг биттаси ҳақи ҳалолинг бўлсин, ҳеч бўлмаса, биттасини бергін, жуда муҳтожман. Бунинг учун менинг сенга ҳеч даъвоим йўқ, деб бир барот ҳам ёздираман.

— Сенга девоналик таъсир қилибди. Үзингни деңоналика ҳукм этишга мажбур қиласыпсан. Сени кисалхонада болаб қўйиб, умринг давомида у ердан юшиқча чиқмайдиган қилишларини буораман, — деди.

Олтинларимни қайтиб бермаслик учун у шундай қирор қилганини билдим. У қандай ҳукм чиқарса ҳам одамлар уни ижро этаверадилар. Секин туриб, ташқарига чиқдим. Шунда бир матал ёдимга келди: «Агар гўшт айниса, уни тузлаб иложини қилиш мумкин, аммо туз айниса, унинг иложи нимада?!» Ҳамиша қози ҳакам бўлиб, мушқул ишнинг иложи ва тидбирини топади, аммо қозининг ўзи ситам қиласа, унинг жазосини ким беради? Азадуддавла одил булганида, менинг йигирма минг олтиним қози қулида қолмасди, мен эса бундай хор-у зор ва чорасиз булиб, мол-у мулкимни ва шаҳримни ташлаб кетмасдим.

Мунҳий бу аҳвол можаросини эшитта, йигитта роҳми келиб, деди:

— Эй, йигит! Ҳамма умид умидсизликдан кейин келар. Аллоҳ таоло бандалари ишларининг иложини қилади, деб ишон.

Сўнг яна қўшиб қўйди:

— Шу қишлоқда менинг бир озодмард ва меҳмон дўст оғайним бор. Мен унинг олдига бораётибман. Сен менга ёқиб қолдинг. Менга ҳамроҳ бўл, шу кеча дўстим уйида меҳмон бўлайлик, қани, эртага бир тиш бўлар.

Уни дўсти уйига олиб борди. Зиёфатдан кейин мунҳий хонага кириб, бу воқеани қофозга тушириб, бир кишига бериб, айтди:

— Азадуддавла саройига бориб, фалон ходимни шиқириб, шу қофозни қўлига бериб: «Фалон киши юборди», — дейсан. Буни тез етказиб беришинг керак.

Ходим тезлик билан хатни Азадуддавлага етказди. Азадуддавла уни ўқиб, жуда ҳайрон қолди ва цирижол одам юбортриб айттирди.

— Хуфтон намози вақтида шу кишини менинг оддимга олиб келишингни буюраман.

Мунҳий ўша савдогарзодага: «Шаҳарга борамиз, Азадуддавла мен билан сени чакиряпти, бу эса у юборган киши», – деди.

– Тинчликми? – сўради йигит.

– Тинчлик, сенинг аҳволингни назарга олмасак. Сен нима айтган бўлсанг, девор эшишиб, унинг қулогига етказибди. Мақсадингга эришиб, шу машиқатдан озод бўласан.

Мунҳий савдогарзодани Азадуддавла ҳузурига олиб келди. Азадуддавла унга ўтиришни буюриб, ҳол-аҳвол сўради. Йигит бўлган ҳодисани бошидан охиригача айтиб берди. Азадуддавланинг унга раҳми келиб, деди:

– Энди бу иш нафақат сенинг, балки менинг ҳам елкамга тушди. У менинг одамимдир, бу ишнинг тадбирини мен қилишим керак, чунки Тангirimiz азза ва жалла бу мулк шоҳлигини менга берган, токи ҳар нарсанинг меъёрини билиб, ҳеч кимга ранж ва зиён етмаслиги учун ҳаракат қиласай. Мен қозини мусулмонлар мол-мулки, номус ва шарафини ҳимоя этиш учун қуйганман, токи шариат билан ҳукм чиқариб, муҳоботга йўл қўймасин, пора олмасин. Агар менинг мулким пойтахтида одамларга шу бир қари кишидан шунчалик ноҳақдик етса, бошқа жойларда ёш ва озодроқ ҳокимлардан қандай хиёнатлар бўларкин? Авваллари бу қози бир дарвеш, камбағал, мулки кам киши эди. Унга ойлик маош бериб, шариат ҳукми билан мусулмонлар ишини ҳал қилиб, майл-у муҳобо ва хиёнатдан чекланади, деб умид қилган эдим. Бутун эса Бағдод ва унинг атрофларида қанчадан-қанча ер-у мулклари, ариғ-у боғлари, саройлари бор, улардаги жиҳоз ва матоларнинг саноги йўқ. Шуниси ҳам маълумки, бу неъматларни фақаттинга маош билан топиш мумкин

омис. Ҳаммасини мусулмонлар ҳисобидан топгани түкири бўлиб чиқди.

Сўнгра ўша кишига қараб, деди:

— То ҳақингни олмагунимизча еганим заҳар бўлени. Биздан бирмунча нафақа олиб, Исфаҳонга филон киши олдига бориб тургин.

Кейин унга икки юз динор билан беш қават сарпо бериб, шу кечасиёқ Исфаҳонга жунатди. Тонгтacha Азадуддавла бу молни қози қулидан қандай қилиб ютилтириб олиш иложини қидирди. Ўланиб қолди, шунрда қозини зўрлик билан вазифасидан бўшатиб, шифа қиласак, у ѡчек вақт зар олганига иқрор бўлмиш, хиёнатини бўйнига олмайди, бу зар эса нобуд бўлди. Одамлар ҳам мени: «Азадуддавла бир қария олиш ва қози кишини бойлиги учун хафа қилаётir», дейдилар. Бу хабар атрофга тарқалиб, номим ёмонти чиқади. Шундай бир тадбир топиш керакки, ёки ўз хиёнатига иқрор бўлсин ва бу киши эса ўз молини қайтариб олсин.

Шу ҳодисалардан икки ой ўтди. Қози ҳам зар соҳибиндан бошқа хабар бўлмагач, йигирма минг динор меники деб ўйлади, аммо яна бир йил сабр қилишига азм қилди. «Олтинлар соҳиби ўлимининг либоприни бирор киши етказса керак», деган фикрга борди, чунки ўша аҳволда унинг тез раҳматли бўлшини аниқ эди. Яна икки ой ўтгандан кейин бир кунн пешин истироҳати пайтида Азадуддавла қошти одам юбориб, ҳузурига чақиртирди. У билан салмиз қолгач, сўради:

— Эй, қози, сени нега чақирганимни биласанми?!

— Шоҳим ўзи билади.

Охиратни ўйлайдиган бўлиб қолибман. Шу фикр-у савдодан кўзларимга уйқу ҳам келмайди. Бу дунёю мамлакатга, бу ҳаётга ҳам ишончим қолмадӣ, ёмицим ҳам йўқ. Иккисидан бирини кутяпман: ё бирор-бир мулкжўй киши бирор бурчакдан чиқиб,

үзимга үхшаб подшоқликин күлимдан тортиб олади. Күряпсан, шундай ҳолатга тушмаслик учун қанчалар ранж-у азоб чекяпмиз. Ва ёки ажал тұсатдан келиб, бизни бу тахт-у тождан айиради, бизнинг эса үлимга қарши чорамиз йүқдір. Бугунгача бұлған умримиз бизга кундаликдир, агарда яхши бұлсак ва Аллоҳ ҳалқига яхшилик қылсак, дунё тургунча бизни яхшилик билан эслаб, ҳақимизга санолар айтарлар ва индин, қиёматда тирилиб, жаннатта борармиз. Агарда ёмон бұлсаг-у, худо бандаларига ёмоналик қылсак ва ситамгар бұлсак, қиёматтагача номимизни ёмоналик билан тиңга олиб, бизга нафрат-у лаънат үқийдилар. Қиёматда эса, жазо жойимиз дұзах бұлур. Шундай экан, иложи борича яхшилик этиб, ҳалқа инсоф бериб, әхсон қиласыз. Ва лекин бу сұзларни сенга айтишимдан мақсадим бошқа. Саройимда бир ҳовуч болаларим ва авратларим бор. Үғилларим бошқа, чунки улар учар қүшлар бўлиб, бир иқдимдан иккинчисига парвоз қиласидилар. Бу қорасочлар ҳоли ёмандир, чунки чорасиз қоладилар. Ҳозир мен улар ҳақларига бирор чора топишм осон, эртага ажал келса ва ё давлат ўзгариб, күлимдан тахт кетса, уларга яхшилик қилишга ожиз бўлиб қоламан. Ҳозир мамлакатимда сендаң бошқа порсороқ, худодан қўрқадиган, қўли покиза ва диёнатли яна бирор киши бормикан, деб ўйлаб ҳеч кимни топмадим. Сенга икки марта минг-минглик динор, нақд-у жавоҳирлардан омонат бермоқчиман. Буни фақат мен-у сен ва Тангримиз билиши керак. Вақти келиб, мен билан бирор кор-ҳол юз берса, уларнинг аҳволи оғирлашиб, муҳтожликка гирифтөр бўлсалар, ҳеч кимга билдиrmай, уларнинг ҳамма омонатларини хуфиёна тақсим қилиб бергии ва ҳар бирини жойини топиб узатгин, токи улар бир бурда нонга зор бўлмасинлар. Бу ишнинг тадбири шуки, саройингдаги ички хоналардан биттасини танлаб, у ерда бир ўра қазийсан, кейин мени ха-

Бардор қиласан. Кечаси ўлимга маҳкум қилинган шигирма кишига иақд-у жавоҳирларни бериб, ўрага ўғисинт. Бу жойлардан ҳеч ким хабардор бўлмаслиги учун сўнгра улар қатл этилади. Қози деди:

Фармонингни бажараман ва шу хизматни ижро этиш учун қўлимдан нима келса, қиласан.

Малик бир ходимни чақириб, секин унинг қутишга: «Хазинага кириб, икки юз мағриб динориди олиб, бир ҳамёнга солиб, тез олиб чиқ», – деб ишниди, ходим олтинларни олиб чиққач, Азадуддинаша уларни олиб, қози олдига қўяркан: «Бу икки юз динорни олиб, шу иш учун сарфла, етмаса, яна бергиман», – деди.

– Аллоҳ, Аллоҳ! Эй, малик! Бу хизматни ўз зарланимдан қиласман, – норози бўлгандек деди қози.

Менинг муҳимотим учун сенинг харажат қилишинг тўғри эмас. Сенинг зарларинг ҳалол, бу ишга бўлмайди. Бу тадбирни бажариш учун ҳаракат қиласин, шу хизматингнинг ўзи ҳам менга етарли бўлади.

Фармон подшоҳники, – деди қози. У ўша икки юз динорни чўнтағига солиб, малик олдидан чиқариппен ўзини жуда баҳтли ҳис этиб, ўйлаб кетди: «Қарашликда бошимга баҳт-у давлат ёғилди. Хонумоним олтин-у зарга соҳиб бўлдилар, ҳаммаси менга насиб этиш, чунки мабодо малик билан бирор воқеа юз бўлсан, ҳеч кимнинг бу гапдан хабари бўлмайди ва душ кимда бирор ҳужжат ҳам йўқ, ҳамма олтинлар симлиаримга қолади. Икки офтобанинг эгаси тирик бўлсан, шу йигирма минг динордан бир дона ҳам менги тегмайди. Малик эса хоҳ ўлик, хоҳ тирик ўғаси ҳам, мендан бирон танга ололмайди!»

Қози сардоба қурилишини тезлик билан бир ой ишнида битказиб, хуфтон намози пайтида Азадуддинаша саройига кириб келди. Подшоҳ уни чақириб ўради:

– Шу маҳалда келишингнинг боиси нима?

– Ўра қазиб битирилди, маликимга шуни айтмоқчи эдим.

– Мен ҳоҳдаганча булибди. Биламанки, сен ҳамма ишларда жиддийсан. Алҳамдуиллоҳ, сени танлаб хато қилмаган эканман, күнглимни тинчлантиридинг, бу ташвишдан мени кутқардинг. Сенга айтганимдан бери зар-у жавоҳирлар, яна минг-минг ва беш юз минг динордан ҳам ортиқроқ бўлди, қанча жомларда уд-у амбар, мушк-у кофур туплаб кўйдим. Ҳозир уларни ҳам олиб борадилар. Эртага кечаси ўша еrosti иморатини кўришга бораман. Ҳеч ташниш тортма, билдиримай, тез бориб қайтаман.

Қозини кузатиб кўйгач, олтинлар соҳиби келсин, деб зудлик билан Исфаҳонга чопар юборди. Эртасига кечаси қози саройига бориб, сардобани кўриб маъқуллаб, унга деди:

– Сешанба куни олдимга келгин, нимани ҳозирлаб қўйганимни кўрасан.

– Айтганингиздек буласин.

Малик қози саройидан қайтиб, хазиначига юз офтоба зар, уч қироба (ўлчов) марварид, бир заррин жомда ёкут, бир жомда лаъл ва бир жом фируза олиб, шу офтобалар устига солиб, хонага кўйилсинг, деб буюрди. Хазинадор айтилганидек қилди.

Сешанба куни ҳам етиб келди. Азадуддавла қозини чақириб, бойлиги қўйилган уйга олиб борди. Офтобаларда шунча жавоҳирларни кўрган қозининг ақди лол қолди.

Азадуддавла унга юzlаниб:

– Бу ҳафта мени шунча мол билан кутиб тур, – деди.

Ташқарига чиқдилар ва қози ҳам уйига қайтди.

Бир кун ўтгач, ўша икки офтоба зарнинг соҳиби ҳам етиб келди. Азадуддавла унга деди:

– Энди қози олдига боришингни истайман. Унга шундай дегин: «Мен маълум бир муддат сабр қилиб, хурматингни бажо келтирдим, бундан кейин

Тоҳиммул килмайман. Менинг ва оғамнинг мол-у бойларимиз бор эканлигини шаҳарда ҳамма билади. Улар менга ҳар жойда гувоҳдик беришлари мумкин. Агарда зарларимни қайтарсанг яхши, булмаса, Азадуддавланинг олдига бораман-у, устингдан арз ишмиш, сени шундай ҳурматсизлик билан шарманли қиласманки, бутун оламга машҳур бўласан».

Нима деб жавоб беришига қарагин: агарда оғатиларингни қайтариб берса, олиб ҳузуримга келгиз, бермаса, мени хабардор эт.

Йигит қози олдига бориб, унга шу гапларнинг ҳиммасини тўкиб солди. Қози: «Агарда зарларини бермасам, Азадуддавла олдига бориб, мендан шиконт қилиб, ҳамма ишларимни барбод этиб, обручилини тўкади, оқибатда шунча бойликни уйимга информайди», деб уйлади. Яхиси, унинг молини қайтариб бераман, ахир, ҳар ҳолда бир юз-у эллик офтоба зар-у бир неча офтоба жавоҳир шу икки офтоба зардан яхшироқдир!

Синдогарзодага шундай жавоб қайтарди:

Бир оз сабр эт, мен сени шунча кутдим.

Сўнг қози ўрнидан туриб, ҳужрага кирди ва уни чиқириб, яна қайтадан қучоқлашиб кўришиб, деди:

Сен менинг дўстим ва қадрдонимсан, мен учун фиғрандим ўрнидасан. Омонатингни эҳтиёт қилиб очиқлиб, сени кутиб тургандим. Алҳамдулилоҳ, сени шун кўрдим-у, бу вазифадан кутулдим. Зарларинг юйинда.

Қози ўрнидан туриб, ҳар иккала офтобани олиб чиқириб, йигитдан сўради:

Бу зарлар сеникими?

Ҳа.

Олиб, истаган ерингга бор.

Йигит икки ҳаммолни қози саройига олиб келиб, шу икки офтобани уларга кўтартириб, Азадуддавла саройига борди. Азадуддавла эса ҳамма давлат улуғларини қабулига чақирган экан. Улар ҳузурига

ўша йигит кириб келиб, Азадуддавланинг олдига икки офтоба зарни қўйди. Шоҳ кулиб, деди:

— Алҳамдулилоҳ, сен ўз ҳақингга эришдинг.

Улуғлар, не ҳол, деб сўрадилар. Азадуддавла йигит можаросини ва ўзининг тадбирини сўзлаб берди. Ҳамма таажжубланди. Кейин ҳожибга шаҳар қозисини ялангбош, салласини бўйнига ташлаб олдимга олиб кел, деб буюрди. Қозини шу аҳволда Азадуддавла ҳузурига бошлаб келдилар, қозининг кўзи йигитга тушди, олдида икки офтоба олтин турганини ҳам кўрди.

У ўзига ўзи: «Энди ўлдим! Малик менга нима қилган ва буюрган бўлса, шу икки офтоба зар учун қилган экан», деб хавфсираб турарди.

Азадуддавла разаб билан унга юзланиб, деди:

— Сен бир қари олим киши, оёғинг гўр лабига етган бўлса, шунчалик хиёнат қилиб, омонат олганингни инкор этасанми? Унда бошқалардан нима кутсак бўлади? Энди менга маълум бўлдики, сенда қанча мол бўлса, ҳаммаси мусулмонлар ҳисобидан, порадан ҳосил бўлган экан! Мен сенинг жазоингни бу оламда бераман, нариги дунёда эса ўз мукофотингни оларсан! Қари ва олим бўлганинг учун жонингни ўзингга баҳшида этдим, аммо ҳамма мол-у мулкинг ҳазина ҳисобига ўтади!

Қозининг барча бойлигини тортиб олиб, унга бошқа амал ҳам бермади. Икки офтоба зарни йигитга бериб, қўйиб юборди.

Ҳикоят

Нақл қиласидиларки, Султон Маҳмуд билан ҳам шундай бир ҳодиса юз берган экан. Унинг тафсилоти мана бундай.

Бир киши йўлда султонга ариза бериб, шундай ҳикоя қиласди:

— Икки минг тиллани бир яшил ҳамёнга солиб, муҳр уриб, шаҳар қозисига омонат берган эдим.

Сифарга кетганимда ўзим билан олиб кетган ҳам-
ми нарсамни Ҳиндистон йулида уғрилар тортиб
олдилар.

Қайтиб келиб, қозига берганимни қайтариб ол-
дим. Уйга қайтиб, ҳамённи очиб қарасам, ҳамён
ғиқат мис дирҳамларга тұла экан. Қози олдига
іштіб бориб: «Мен сенга зардан тұла ҳамённи бер-
ғыпдим, энди эса мисга тұла ҳамённи қайтардинг,
бу нима гап?» – дедим.

У бұлса шундай жавоб берди:

– Менга топшираёттан пайтда зарларингни күр-
ғынтыб, санаб, ҳамённи менга тутқаздинг-у, шундай
олиб жұнадинг, кетаётганингда: «Шу сенинг ҳамё-
ниншілгімі?» – деб сұрадим. «Ха», – деб жавоб қылддинг.
Сөз саломат олиб кетдинг. Энди жаңжал күтариб
келібсан!?

– Эй, худовандим, додимга ет, бир бурда нонга
юрман.

Султон Маҳмуд унинг сўзларини эшитиб, хафа
пұлди ва далда берди:

– Хотиржам бўл, зарларингнинг тақдирине менга
шундай бўлди. Бориб, ўша ҳамённи олиб келгин.

У киши ҳамённи султонга келтириб беради. Маҳ-
муд уни синчиклаб текшириб, бирорта ҳам тешик
төнгайди. Султон унга: «Ҳамённи менга бериб кет
ни ҳар куни уч ман нон, бир ман гүшт, ҳар ой ўн
лишор зарни бизнинг вакилемиздан олиб тургин,
мен олтинларнинг тадбирини қилаётгандан сен оч
қолмагин», – дейди.

Кунлардан бир куни Маҳмуд пешин истироҳати
шықтида ҳамённи олдига күйиб, чукур ўйга ботиб,
охири «Бу ҳамённи тешиб зарларни олиб, кейин
қынға тиккан булиши мумкин», деган хulosага ке-
лиди. Унинг зар билан безатилған жуда чиройли ға-
нириф гилами булиб, у бир ниҳолга осиб күйилған
эди. Ярим тунда туриб, пичоги билан шу гиламнинг

бир газча жойини кесиб, қайта ўз хонасига киради. Эрталаб туриб, уч кунлик овга кетади.

Бир фаррош ҳамиша унинг хос ҳужраси хизматини қиласади. У эрта билан гиламни қоқиш учун келиб, уни бир газ йиртилганини кўриб, кўрққанидан йиғлаб юборади. Фаррошлар қаторида бўлган бир кекса фаррош унинг йиғлаганини кўриб, сурайди.

– Сенга нима бўлди?

– Айтишга кўрқаман.

– Кўрқма, айтгин!

– Бирор кишининг менда қасди бор экан. Шу уйга кириб, султон гиламини бир газ миқдорида киркабди. Агарда султон уни кўрса, мени ўлдиради.

– Сендан бошқа ҳеч ким кўрмадими?

– Йўқ, – дейди фаррош.

– Хотиржам бўл, мен бу ишнинг бир иложини қиласман ва сенга айтаман. Султон овга кетган. Бу шаҳарда бир ўрта ёшли ямоқчи киши бор, фалон маҳаллада дўкони бўлиб, оти Аҳмад ва ямоқ қилишда жуда моҳир уста. Шаҳарда қанча ямоқчи бўлса, ҳаммалари унинг шогирдлари. Бу гиламни унга олиб бор, қанча пул сўраса, бер. Бирор киши йиртилганини ҳам билмайдиган қилиб ямайди. Фаррош гиламни уста олдига олиб боради-да:

– Шуни қайта тика оласанми? – деб сурайди.

– Қила оламан.

– Қанча сурайсан?

– Тўғриси, ярим динор.

Пулни унга бериб, тезда тикиб беришини илтимос қиласади.

– Эртага намозидигар вақтида келиб олиб кетгин, – дейди уста.

У ваъдалашилган вақтда боради. Гиламни олдига ёзиб, йиртилган жойини қидириб топмайди. Фаррош хурсанд бўлиб, гиламни қайтиб жойига осиб қўяди. Султон Маҳмуд овдан қайтаб келиб, шу хонага ухлаш учун киради. Гиламни аввалги ҳолида

күриб: «Фаррошни чақириңглар», – дейди. Фаррош-иннің чақириб келишади. Ундан Султон сұрайди:

– Бу гилам кесилған эди, уни ким қайта тикди?
– Эй, худовандым, ҳеч йиртилған эмасди! – дейди Фаррош қалтираб.

– Эй, нодон, құрқма, буни мен кесиб кеттган эдим. Менинг мақсадым бошқа. Тұғрисини айт, қайси имокчи буни қайтадан жуда яхшилаб тикди?

– Ін султоним, Ахмад ямоқчы.
– Уни ұзуруимга чақир. Саройга келса, олдимга олиб кир!

Фаррош бориб, ямоқчини султон ұзурига бошлаб келади.

Уста султонни ёлғиз күрганидан құрқиб кетади. Султоннинг күзи үнга тушиб, дейди:

– Уста, кел, бу гиламни сен қайта тикдингми?
– Ҳа, мен.
– Жуда яхши тикибсан.
– Султоним давлати ила яхши чиқди.

Маҳмуд яна сұрайди:

– Бу шағарда сендан ҳам яхшироқ уста борми?
– Йүқ, – дейди уста.
– Сендан бир нарсани сұрайман, тұғрисини айттың, подшоқдарга фақат ҳақиқатни айтиш керак.
– Буоринг.
– Шу олти-етти йил ичидә бирор ҳашаматлы уйда бешілган бир яшил ҳамённи қайта тикканмисан?
– Шағар қозисининг уйида тикканмап. Иккі динор шың ҳәккі ҳам берган.

Агарда үша ҳамённи күрсанг, танийсанми?
– Танийман, – дейди уста.

Миҳмуд ёстиқ тагидан ҳамённи олиб, ямоқчига күрсегінди.

– Бу үша ҳамён! – дейди уста. Султон сұрайди:
– Қайта тиккан жойингни менга күрсат.

Уста бармоги билан күрсатади. Маҳмуд ажаблашып:

– Агар зарур бұлса, қози устидан гувоҳлик ҳам берә оласанми?

– Нега беролмас эканман?!

Зудлик билан одам юбориб, қозини чақыртиради. Бошқа бир кишини юбориб, ҳамен әгасини даъват этади. Қози келиб салом бериб, үз жойига бориб ўтиради. Маҳмуд қозига қараб, мурожаат қилади:

– Сен кекса киши ва олимсан, мен халқнинг жонини ва молини ишонганимдан қозиликни сенга топшириб қўйибман. Менинг мамлакатимда сендан ҳам олимроқ үн минг киши бор. Ҳаммаларини қўйиб, сени танладим, дин ва шариат ишини сенга топширдим. Сен эса хиёнат қилиб, омонат шартларини ва диёнат расмини унутиб, мусулмон кишининг сунгги молини тортиб олиб, уни муҳтож қилибсан?!

– Эй, сultonим, бу нима деганинг, сенга ким бундай деб айтди? Мен бундай қилганим йўқ, – дейди қози.

– Эй, мунофик, сен хиёнат қилгансан, буни мен айтаяпман, – дейди разабланиб Маҳмуд.

Кейин ҳамённи унга кўрсатади:

– Бу сенга топшириб кетилган нарса, уни тешиб, олтинларни чиқариб, мис билан алмаштиргансан. Шундан кейин зар әгасига: «Маҳкамлаб, муҳр босиб олиб келгансан ва шундай қайтариб олгансан, ҳеч нимани менга кўрсатмагансан ва санаб бермагансан», – деб айтибсан. Диёнатда сенинг феъл-у сийратинг шундайми?!

– Мен на бу ҳамённи кўрганман ва на айтаётгани сўзларингдан хабарим бор, – дейди қози.

– Ҳалиги икки кишини олиб киринглар! – буюрибди Маҳмуд.

Тезда зар соҳиби ва ямоқчини сulton ҳузурига бошлаб кирадилар.

– Эй, ёлғончи, мана зарнинг соҳиби ва мана шу ҳамённи қайта ямаган ямоқчи! – дейди Маҳмуд.

Қози ўсал бўлиб, ранглари оқариб, қўрқанидан бидани қалтираб, тили калимага келмай қолади.

Маҳмуд кишиларига буюради:

— Ушланг уни ва у ҳозироқ зарларни эгасига қайтириб беришига гувоҳ бўлинг, акс ҳолда бошини топасидан жудо қилишларини буюраман.

Қозини султон олдидан чалажон ҳолда чиқаралилар ва навбатхонада ўтиргизиб:

— Олтинларни зудлик билан қайтаргин, — деб уқтирадилар.

— Вакилимни олиб келинглар, — илтимос қиласиди қони. Вакили келганда, унга икки минг Нишопур диноридан олиб келиб, ҳамённи эгасига қайтариши топширади.

Эртаси куни Султон Маҳмуд қози хиёнатини широй аҳлига сўзлаб беради. Қозини олиб келиб, илср кунгурасига оёғидан осиб қуишини буюради. Улуглар унга раҳм қилишни истаб, кекса ва олим бўлганини пеш қиласидилар. Эмлик минг динор берив, жонини озод этадилар ва бошқа ҳеч қачон уни қошлилкка тайинламайдилар.

Бунга ўхшаш ҳикоялар подшоҳларда кўп, буни шунинг учун ҳам эсладикки, олам ҳокими, Аллоҳ уннинг давлатини узайтиурсин, билсинки, подшоҳлар ида-у инсоф бобида қандай жиддий булганлар ин ситам кўрганларга ўз ҳақини қайтариш учун қандай чора-тадбирлар кўллаганлар ва фасодли кипиларни ер юзидан йўқ қилиш учун қандай тадбирларни кўрганлар. Чунки: «Подшоҳлик қилишда иччали ирова кучли лашкардан ҳам яхшироқдир», — деб айтганлар. Худога шукрлар бўлсинки, олам сунтоғимизда шу иккала фазилат ҳам бордир.

Бу фасл жосуслар ҳақида эди. Ишончли кишиларигина бу ишларни бажаришлари керак ва шундай кипиларни топиб, зарур булган ҳолда ҳар томонга ишбориш шарт, тики ишларнинг оқибат-анжоми ишорли бўлсин.

ЎН ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

ҚОСИДЛАР ВА ЧОПАРЛАР АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Ҳаммага маълум йўлларга пайколнар (чопарлар) қўйиб, уларнинг ойлик харажатлари ва зарур бўлган нарсаларини бериб туриш керак. Шундай қилинса, ҳар куни эллик фарсанг масофадан ҳам ҳар қандай хабар етиб келади. Ўз вазифаларини бажаришлари учун, эски одатга кўра, уларнинг нақиблари ҳам булиши шарт.

ЎН БЕШИНЧИ ФАСЛ

МАСТЛИК ВА ҲУШЁРЛИКДА БИТИКЛАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Сарой ва хазинага, вилоятлар ва мулклардан муҳим мактублар келади. Шундай ҳам буладики, ўша фармонларнинг баъзиларига тез жавоб қайтириш лозим. Ба бу иш жуда ҳам нозик бўлиб, уни бажаришда эҳтиётилик шарт. Шундай ҳам буладики, хабар берадиганларнинг сўzlари ҳар хил чиқиб қолиши ё улар бошқача тушунилиши мумкин. Хабарлар бир-бирига мос бўлиб, бир кишининг тилидан айтилиши керак. Асосий шарт шундай булиши керакки, одамлар нима гапирмасиналар, яна девонга ёзилиб, шоҳга маълум қилиб, унинг фикри билиб олинмагунча бирор чора кўриш мумкин эмас.

ЎН ОЛТИНЧИ ФАСА

ШАХСИЙ ВАКИЛ ВА УНИНГ ИШИНИНГ РИВОЖИ ҲАҚИДА

Шу замонда подшоҳнинг шахсий вакили булиши одатга айланган. Бу вазифани ҳамиша машҳур ва муҳтарам киши бажарган. Ошхона,

шаробхона, шоҳнинг шахсий дастурхони, сарой ишлари ва аҳли яқинлари унга тегишилдири. Олий мажлисларга ҳар ойда, ҳатто, ҳар куни келадиган кишилар фақат унга учрашиб, ўз гап-сўзларини пайтадилар. Хос вакил улар билан учрашиб, ҳолиҳвол сўраб, арзларини эшитади. Зарур бўлган ҳолда жавоб қайтариб, ҳамма гапдан шоҳни хабардор қиласди. Уни ҳурматлаш ва ҳашаматини бажо келтириш керак, токи у ўз вазифаси билан машгул бўлиб, ишига ривож бағишиласин.

ЎН ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОҲ ҲАЗРATЛАРИНИНГ НАДИМЛАРИ ВА ЯҚИН КИШИЛАРИ ҲАҚИДА

Подшоҳнинг шойиста надимлари булиши лозим бир шартдир. Аммо уларнинг шоҳ одига очик ни олжор кириб чиқишилари яхши эмас. Улуғлар, шрофдаги мұльтабар кишилар, лашкарбошилар олдиги кириб чиқишилари, уларга беписанд бўлишлари ҳитом подшоҳ ҳашаматига зиён келтиради. Касби ва имлли бор киши надимликка тайинланмайди, аммо бирор кимсага надимлик мансаби берилган бўлса, унгни бошқа амал берилмайди. Чунки подшоҳ одидида ғулған ҳуқуқ ва мартабасидан фойдаланган ҳолда ғитом қиласдири, одамларга азоб берадиган бўлиши мүмкин. Олим амалдорлар подшоҳдан кўркишилари шундан ҳайишилари керак, токи қўпол ва дағал муюомилада қолишимасин. Подшоҳ надимдан доим кўрсанд булиши, уни кўрганда таъби хира тортмаслиги керак. Улар ўз вақтларини билишлари лозим. Анир подшоҳ қабул маросимини чақирган бўлса, ҳамма улуғлар келиб кетганидан кейин надимларга шопбит етади.

Надимдан бир қанча фойда бор. Бириңчидан, у подшоҳнинг улфатидир. Иккинчидан, кеча-ю кундуз у подшоҳ билан бўлади. Худо кўрсатмасин-у, мабодо, подшоҳга бирор нарса бўлса, у жонини қалқон қилиши керак. Садоқатли надим ҳақида минг сұзласа ҳам арзиди.

Надим ҳазил ва жиддиятни вазир ва давлат арбобларига айтолмайди, чунки улар амал эгалари бўлиб, шоҳнинг густоҳдиги, яхши-ёмонлиги, мастилиг-у хушёрги ҳақида надимдан кўпроқ сурайдилар. Шу сирларни айтмаслигида надимнинг кўп фойдаси ва садоқати сезилади. Лекин надим гавҳари фозил, чиройли, покмазҳаб, сир сақловчи, яхши кийинган булиши ва кўп ҳикоя ва қиссаларни, ҳазил-у латифаларни ифодали қилиб сўзлаб бера билиши лозим. У ҳамиша илиқ калималар айтиб, яхши муносабатда булиши ва шатранж ўйинини, ютиб-ютқазиш қоидаларини пухта билиши, қурол-аслаҳалардан моҳирона фойдаланиши ҳам зарур. Надим шоҳнинг ўзига мос бўлиб, буюрган ишни «лаббай» деб ижро этсин, подшоҳга муаллим тарзида, «Уни қиласин, буни қилмагин, уни қилиш кераг-у, буни йўқ», демасин, чунки бу подшоҳга оғир ботиб, унинг норозилитига сабаб бўлади. Сайр қилиш, ишрат, дўстлар мажлиси, шароб-у ов, чавгон ўйнаш ва шунга ўхшаганларга қандай анжом зарур бўлса, надимлар уларни тайёрлаб қўйишлари керак.

Аммо иморатлар қуриш, пул сарфлаш, бирор жойга қўшин тортиш, сиёsat масалалари, захира ва васлат, мақом ва сафар қилиш, юриш учун лашкар тортиш, раият ишлари сингари масалаларни эса давлат арбоблари ва дунё кўрган оқил қариялар билан маслаҳатлашиб тадбир қилиш шоҳ учун яхшироқдир, чунки бу вазифалар уларгагина тегишли. Шундай қилинганда ҳамма ишлар жой-жойида бўлади.

Баъзи подшоҳдар иш ривожи ва тадбири қандай-лигини, нима қилиш-қилмасликни, ўз табиати ва мижозини билиш учун табиб ва мунажжимдан надим

түйинлайдилар. Мунажжим баҳтли ва ёмон ишлардин шоҳни огоҳ қиласи ва бирор ишнинг вақтини шинқлаб беради. Баъзи подшоҳдар эса ҳар иккисини ҳом истамаганлар: табиб доим бизга яхши ичиб-смоқни ман этади, сабабсиз дори бериб, дардимизни очириди, мунажжим ҳам шундай, режалаштирган муҳим ишларни тақиқлайди, деб ўйладилар. Шу икки киши шоҳнинг бу дунё шаҳватидан, айш-у ширатидан лаззат олишига йўл бермайди. Яхиси, уларга ҳожатимиз тушгандағина мурожаат этишимиз керак, дейдилар.

Надим жаҳон кезган, кўпни кўрган, улуғлар хизматини қилган киши бўлса, янада яхшироқдир. Киппилар подшоҳ одамларини, унинг хушфеълиги, кунитаъб, нексийрат эканлигини, қиммишлари ёқимли ёки ёқимсизлигини надимларидан қиёс қилиб биллиб оладилар. Агарда подшоҳ надимлари хушфеъл, очиқкўнгил, хокисор, саботли, мард ва зариф бўлсанар, подшоҳ ҳам хуштабиат, хуштаъб, нексийрат ва хушхулоқдир. Агарда унинг надимлари даражал, мутагиббир ва мағрур, бахил ва жоҳил бўлсалар, подшоҳ ҳом шундай табиати хунук ва жоҳилдир.

Яна ҳар бир надимнинг ўз мартабаси бўлиши лозим. Баъзиларининг ўтирадиган жойлари, очиқзиларининг туриб хизмат қиласидиган маҳсус миномлари бўлади. Шундай русум қадим замонда подшоҳларнинг мажлис қоидалари бўлиб, ҳозирги шиктда халифаларнинг эски сулолаларида расм бўлиб қолган. Халифалар ҳар доим ўз оталарига хизмат килган надимларни надимликка олганлар.

Ғазинин сultonни Маҳмуд хизматида доимо йиғрма надим бўлган. Уларга эса бу русум ва тартиб сомонийлардан ўтган.

Подшоҳ надимлари ҳар томондан таъминланган бўлиб, улуғлар ва хизматчилар орасида ҳурмат ва иғтиборли бўлишлари, ўз қадрларини билиб, шоҳни дўст тутиб, унга содиқ қолишлари лозим.

ҮН САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОҲЛАРНИНГ ДОНОЛАР ВА ОҚСОҶОЛЛАР БИЛАН КЕНГАШ ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириш кишининг мустаҳкам иродасидан, оқиллиги ва дунёқарашидан далолат беради. Ҳар бир киши маълум бир нарса ҳақида кўпроқ ё камроқ билади. Бир кишининг назарий билими булади-ю, аммо тажрибада уни қўлламаган, бошқа кишининг эса тажрибаси илми ва билимiga ўтган бўлади. Масалан, бир киши бирор дард ёки иллат давосини китобда ўқиган-у, фақат дори-дармонлар номини билади, холос. Бошқа бир киши эса шу дориларни ҳам билади, ҳам уларни табобатда қўллай олади. Бу кишининг билимини биринчи киши билан қиёслаб бўлмас. Ё шундай бўладики, бир киши кўнсафарларда юриб, дунё кезади, мусофириликнинг аччиқ-чучугини тотиб кўриб, турли хил оғир шароитлар чорасини билади. Бундай одамни сафар қилмаган, олам кўрмаган, ишнинг йўл-йўригини билмайдиган киши билан тенглаштириб булмайди. Шундан келиб чиқиб: «Ҳар бир ишнинг тадбирини донолар-у кексалар, дунё кўрган кишилар билан ҳал қилиш керак», деб айтганлар. Ва яна бир киши фахм-фаросати жиҳатидан ўткир, тадбиркор, бошка бири эса калтафаҳм бўлиши мумкин.

Донолар айтганларки, «Бир кишининг тадбири бир киличалик кучга эга, ўн кишининг қилгани тадбири ўнта мард кучига тенгдир ва қанча кўп бўлса, шунча яхшидир». Бир кишининг кучи икки кишининг кучидан кам, ўн киши иложини топгани иш ҳам уч киши тадбиридан кучли булар.

Дунё кишилари воқифдирларки, одамлардан бирор киши ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи насламдан донороқ бўлмаган. У чуқур билимга эга бўлиб, ортида рўй берувчи ишларни ҳам кўз олдида бўлаётгандек кўрган, осмон-у ер, арш-у фарш, лавҳ-у қалам, жаннат-у дўзах ундан яширинган эмас. Жаброил алайҳиссалом ҳам ҳар замон нахий олиб келиб, борлиғ-у йўқликдан хабар берган. Шундай фазилат ва мўъжизаларни билганда ҳам, Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга буюрганки, «Шоварахум фил-амри», яъни «Ё Муҳаммад, бирон ишни қилимоқчи бўлсанг ва ё бирор зарурат чиқиб қолса, ўз ёрларинг билан машварат қилгин». Ҳазратгаки мешварат ва кенгаш қилиш Аллоҳдан амр бўлган экан, сен машварат билан иш тутишга мажбурсан. Бис, шуни англаш керакки, ҳеч ким ниёсиз қолинши мумкин эмас. Шундай экан, агар подшоҳ бирор ишни амалга ошироқчи ёки қандайдир заруратни ҳал этмоқчи бўлса, у албатта доно кексалар ва улувлар билан машварат ва кенгаш қилиши лозим. Ҳир бирлари ўз фикрларини айтиб, подшоҳ раъийи билан солиштириб, бир-бирларининг фикрларини шитиб ва ҳар тарафлама ўйлаб, кейин ўртада маъқулланган фикрни танлайдилар. Кўпчилик бўлиб юбул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва доим шундай йўл тутиш керак.

Бирор ишни маслаҳатсиз амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўз билармон дейдилар. Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси яхши бўлмайди.

Худога шукрки, бизнинг шоҳи олампаноҳимиз шулари ҳам ўткир ва улувлар билан маслаҳатлашиб иш тутадилар, лекин биз юқоридагиларни китобат ширгини бажо келтириш учунгина баён этдик.

ЎН ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ШАХСИЙ СОҚЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ МАОІПЛАРИ, АҲВОЛ ВА ИШЛАРИНИНГ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Саройда муфрад (шахсий, хос соқчи)лар деган ҳушёр, қадди-қомати келишган, мард ва жасур икки юз йигитдан иборат маҳсус соқчилар ва пошибонлар бўлиши зарур. Улардан юзтаси хурросонлик ва юз нафари дайламий булгани маъқул. Сафар-у юришларда ҳамиша сарой хизматида бўлишлари керак. Улар яхши кийинган, қуролланган бўлишлари лозим. Маҳсус соқчилардан йигирматаси олтиндан безак берилган қурол ва қалқон билан, қолган бир юз-у саксонтаси эса кумушдан безатилган қурол ва узун найзалар билан қуролланишлари керак. Улар кийим-кечак билан тўла таъминланган бўлиб, аҳволидан хабар олиш учун эллик йигитга бир нақиб тайинланади. Ҳаммалари ўз отига эга бўлиши лозим, токи мұжим ҳолатларда керакли нарсалардан бенасиб қолмасинар. Саройда доим тўргинг пиёда аскар амирлари билан ҳозир-у нозир бўлиши шарт. Улардан минг киши подшоҳнинг хос аскарлари, уч минг нафари эса амирлар ва лашкарбошиларга тобе бўлиб, зарурат сезилгандагина улардан фойдаланилади.

ЙИГИРМАНЧИ ФАСЛ

МУРАССАЬ ҚУРОЛЛАРИНИ ЯСАШ ВА УЛАРНИ ЗИЙНАТЛАШ ҲАҚИДА

Ҳамиша йигирма дона мурассаъ (қимматбаҳо зар-зевар ва тош-у жавоҳирлар билан безатилган) ва оддий шахсий қуроллар ясалиб, хазинада сақланиши лозим. Бирор мамлакатдан злчилар ташриф

буорганда хизматкорлардан йигирма киши ҳарбий кийимларда шу қуроллар билан таҳт атрофида сағ тортиб турадилар. Алжамдулилоҳ, бу мулкнинг кучи осмонга етиб, бундай қийингчиликлардан озод бўла ҳам, мулк тартиби ва подшоҳликнинг зийнати ҳамма андазасига ва қудрат даражасига муносиб бўлиши зарур. Ҳозирги вақтда бирор-бир подшоҳ бизнинг шоҳимииздан улугроқ эмас. Шуниси аниқки, подшоҳларда бўлган ҳар бир сифат шоҳимиизда ўн кирра ортиқроқдир, чунки унда ҳикмат, қурол-у ислаҳа ва ақл-у мурувват улардагидан юз марта кўп ва кучлироқдир.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ФАСЛ

ЭЛЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШ ТАРТИБИ

Ташқаридан келган элчиларнинг саройга келиб-кетишлари номаълум қолиши, уларнинг ахволидан хабардор бўлмаслик фафлат ва ишнинг тиригисизлигидан дарак беради. Чегарада турган имладорлар мамлакат ҳудудига кириб келаётган ҳар бир киши ҳақида суворий чопар орқали маълумот бериб туришлари шарт. Агарда келаётган киши элчи оғласа, бирор обрули кишини унга йўлдош қилиб, тениши шаҳарга юборишин. Бу ерда уни бошқа кишиларга топшириб, янги обод шаҳар ва ноҳияларни томоша қилдириб, охири саройга олиб келсинлар. Амладор ва мансабли кишиларга фармон шудирки, ишлар қайси манзилга қунсалар, меҳмондустлик бўлан кузатиш керак. Элчини юборган подшоҳ шуньига яхши-ёмон сўзлар бўлади. Подшоҳлар ҳам бир бирларининг ҳурматини бажо келтириб, элчиликни эъзозлаганлар, шунда уларнинг қадрлари ва муррабалари ошган. Агарда подшоҳлар ўртасида шуцият ё душманлик вужудга келса ва шу шароитда ишлар келиб, фармон бўйича иш юритсалар, ҳеч

қачон улар хафа бўлмайдилар ва яхшиликни улардан дариг тутмайдилар.

Шу маънода Аллоҳ азза ва жалла нозил қилган китоби – Куръонда шундай дейилган: «Ва мо алар-расули илло-л-балофу-л-мубину», яъни «Элчининг фақат бир вазифаси бор – сўзларни тўғри етказиб бериш».

Подшоҳнинг элчи юборишдан мақсади хат ё мактуб юбориш эмас, балки унинг сафардан кузда тутган қатор мақсади ва сир-асрорлари мавжуд. Подшоҳ төғ йўлларининг аҳволи, дарёлар қандайлиги, лашкар йиға олиш даражаси, у ерда қанча ем-хашак бор, қайда ким ҳоким ва малик, лашкарининг сони қанча – шуларни билиш учун элчи юборади. Булар: қурол-аслаҳа миқдори, зиёфат ва мажлис аҳволи, саройнинг қабул тартиби, қонун-қоидалари, чавгон ўйини ва ов тартиби, подшоҳнинг сийрат-у ҳулқ-атвори, унинг сахийлиги, кўриниши ва ишлари қай даражадалиги, золим ё одиллиги, кексами, ёки ёшми, вилояти ободми, ё камбагалми, лашкари ундан курсандми, ўзи баҳилми, ёки сахий, ишларда ҳушёрми, ёки ғофил, вазири ўзига мосми, ёки йўқ, ўзи диёнатли ва яхши кишими, ё нопог-у манфурми, лашкарбошилари ишбилармон ва расм-русумларни биладиган кишиларми, надимлари зариф инсонларми, қандай душман ва дўсти бор, шаробга майли қанақа, дин ишларига эътибори қандай, ҳимматли ва шафқатлими, ёки золим ва бераҳм кишими, ҳазилга мойиллиги кўпроқми, ёки жиддий гапга, кўпроқ қуллар орасида булишни истайдими, ё аёллар даврасидами каби масалалар қизиқтиради ва шу саволларга жавоб топиш учун элчи юборадилар. Агарда уни қўлга олмоқчи бўлсалар ва унга мухолифат қилиб, бирор ёмонликин кўзласалар, унинг аҳволидан воқиф бўлатуриб, ёмонлик ё яхшилик тадбирини қиласадилар. Алпарсон, унинг руҳи шод бўлсин, даврида бу банданин бошига бир воқеа тушди.

Жаҳонда иккита пок, яхши ва тӯғри мазҳаб бор, бири бу Абу Ҳанифа мазҳаби, иккинчиси шофиъий мазҳаби. Қолганлари ҳаммаси бидъат ва ёлғон мазҳаблардир.

Раҳматли шаҳид Султон ўз мазҳабида жуда ҳам мустаҳкам эди ва такрор-такрор шундай дерди: «Ҳай дариг, агар менинг вазирим шофиъий мазҳабида бўлганда эди, кучли сиёсатчи ва ҳайбатли бўларди. Шу сабабдан унинг ўз мазҳабида қатъий на мўътақид бўлганлигидан ва шофиъий мазҳабини хато санашидан камина ҳамиша ундан андиша қилиб ҳайиқардим». Шундай бўлдики, раҳматли шаҳид Султон Мовароуннаҳр ва Самарқанд азмини қиласди, чунки Самарқанд хоқони Шамсулмулк унга бўйсунмасди. Лашкар йигиб, Шамсулмулк Наср ибни Иброҳимга элчи юборди. Ўз томонимдан мен ҳам бўладиган воқеадан хабардор қилиши учун Аштарни султон элчиларига қўшиб юбордим. Султон элчиси хат ва хабарни етказди ва у ердан ҳам ўз элчисини султон элчисига ҳамроҳ қилиб қайтарди. Одат борки, элчилар ҳамма мурод ва мақсадларни ҳизитиб олиб, аввал вазирга айтадилар, бундан миқсад шуки, вазир султонга қайтганидан сўнг бўларни унга ўзи етказсин. Иттифоқо, бир куни ўз шоҳимда яқин кишиларим билан ўтириб, шоҳмот ўйнордим. Бир кишини шоҳмотда ютиб, унинг угуни гаровга олиб, чап қўлимнинг бармоқлари китталик қилганидан ўнг қўлимга тақиб олгандим. Шу пайт Самарқанд хонининг элчиси келиб, эшик олдида кутаётгандлиги ҳақида хабар бердилар.

— Олиб киринглар, — дедим. Буюрдим, шоҳмотни олиб кетдилар, Элчи кириб ўтирди ва бандага бор шопларини айтиб берди, мен эса узукни бармоғимда юллаптириб ўтирадим. Элчининг қўзи узукка тушди, у хизматини бажариб, ташқарига чиқди. Султон ўйрони билан хон элчиси ва у билан бир кишини

элчи қилиб юборди. Мен ҳам донишманд Аштарни жуда жасур киши булгани учун улар билан жунатдим.

Элчилар Самарқандга етиб бориб, Шамсулмулк олдига кирганда хоқон ўз элчисидан сўрабди:

– Султон Алпарслоннинг фикр-у ишлари ва куриниши қандай экан, лашкари қанча ва қандай қуролланган?

Элчиси айтибди:

– Менинг хоқоним, Султон кўриниши-ю назари, мардлиги ва сиёсати, ҳайбати ва фармон беришида тенги йўқдир, лашкари сонини худо билади, қурол-аслаҳаларида ҳам камчилик йўқ, сарой ва девон тартиби, мажлиси ва қабул қилиш ишлари ҳам ёқимли. Мамлакатида ҳеч айб кўринмайди. Илло, бир айби бор. Агарда шу камчилик бўлмаса, жуда яхши бўларди.

Ундан сўрашди:

– Қайси айби бор экан?

– Вазири рофизий экан, – дебди элчи.

– Қандай қилиб билдинг?

– Пешин намозини адo қилиб, унинг чодирига бордим, сұхбатлашиб ўтирганимда вазирнинг ўнг кўлида узук кўрдим. У узукни бармоғида айлантириб, мен билан сұхбат қилди.

Донишманд Аштар ҳам тез менга хабар бердики, Шамсулмулк ҳузурида сен ҳақингда шундай гап бўлди, хабардор бўлганинг яхши. Мен Султондан хавфсираб, кўп қайғуриб, Султон менинг мазҳабимдашор қилади ва ҳар вақт мени уришади, деб ўйлардим. Агарда у менинг рофизийлиқда айбланаётганлигимни ва Самарқанд ҳокими даргоҳида шунаقا гап бўлганини эшитса эди, мени омон қўймасди.

Шунда айбсизлигимга қарамай, бу хабар Султонга етмасин деб, ўттиз минг динорни харж қилдим.

Бу воқеани шунинг учун ҳам эсладимки, элчилар кўпроқ айб қидирадилар. Улар подшоҳ ва унинг мамлакатида бўлган айб ва камчиликларни, яхши

шыларни сұраб-сурштириб, кулай вақти келганды подшохни ёмонладылар. Шунинг учун ҳам доно шыларни зийрак подшохлар ўз ахлоқтарини яхшилаб, неңлик касб этиб, ҳеч ким уларни айб қылмаслиги учун шойиста ва покдин-у ростгүй кишиларни ўз штрафига йиққанлар.

Элчи ҳам подшохдар хизматида булаган, сұзлашда жасур, жағон күрган, донишманд, ўткір хотиралы, шидишли ва чиройлы бұлсан. Агарда элчи ёши улуғ шыл олим бўлса яхшидир, юборилган нағим шу йўсин-ди бўлса, ишонч уйғотади. Агарда жасур ва қўрқмас қисини элчи қилиб юборсалар ва у одобли, курол шиплатишни, чавандозликни билса, мубориз бўлса, яхшироқдир. Унда бизнинг ҳақимизда ҳам бошқалорда худди шундай таассурот қолади. Элчи улуғвор кинни бўлса ҳам яхши, чунки унинг ҳурмати ошган бўлиб, унга ёмонликни раво кўрмайдылар. Шароб шимайдиган, масхарабозлик қилмайдиган, қимор шимомайдигаи, камгап, доно элчи яхшироқдир. Купчицлар подшохлар элчига ҳадя ва совғалар юбориб, үлгирини кучсиз ва меҳрибон кўрсатганлар ва шу йўл билан элчи орқасидан лашкар йиғиб, ботирланни юбориб, душманни мағлуб этганлар.

Элчининг сийрати ва фикри-зикри подшохнинг ақли заковатидан далиллар.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ФАСЛ

МАНЗИЛЛАРДА ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАБ ҚУЙИШ ҲАҚИДА

Агарда подшоҳ от-улови ҳар манзилга қўнса-ю, у озиқ-овқат ва ем-хашак бўлмаса, унда уларни қўч ва зўрлик билан ҳосил қилишга тўғри келади. Беки аҳолидан қисм-қисм қилиб тортиб олишга мажбур бўладилар, бу эса ҳамма йулларда раво эмаслир. Қайси қишлоқ ва манзилдан йўл утмасин, шу

жойларнинг яқинида буйруқ бериб, керакли нарсаларни тайёрлаб қўйиш керак ва фақат муҳтожлик туғилгандагина сарфлаш лозим, муҳтож бўлмаса, маҳсулотни сотиб, хазинага топшириш керак. Раиятга ранж-у азоб етказмасдан, шу муҳим ишни тартибга солиб бажариш зарур.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ФАСЛ

ЛАШКАР ИШЛАРИНИНГ АНИҚДАНИШИ ҲАҚИДА

Лашкар ҳол-аҳволини тўғри аниқдаш керак ва иқтаъли кишиларнинг кўлларида иқтаъ (ер, мулк) мутлақ ва муқаррар бўлиши шарт. Иқтаъ тегишли бўлмаган сарбозлар ҳақларини ҳам кўзда тутиш лозим. Агарда уларнинг ҳақлари аниқланган бўлса, ҳамма лашкар ҳақини ўз вақтида бериш керак. Аммо подшоҳ ижозатисиз хазинадан олиб бериш ман этилади. Яххиси, подшоҳ ўз кўли билан лашкар аҳлига ҳақ берсин. Шунда уларнинг меҳрлари ви садоқатлари қалбларида мустаҳкам бўлади. Хизмат пайтида, уруш давомида улар саботли бўладилар. Эски замон подшоҳларида шундай қоида бўлгани лашкар аҳдига иқтаъ бермас эканлар. Ҳар бир киши ўз вазифасига яраша йилига тўрт марта хазинадан нақд пул оларкан. Улар доимо таъминланган ви камчиликсиз бўлган. Агарда бирор муҳим иш чиқиб қолса, тезлик билан икки минг отлиқ ҳозир қилиниб, шу зарур иш бажарилган. Омиллар тезликада хирожларни йиғиб, хазинага топширап эканлар. Лашкар аскарлари учун хазинадан ҳар уч ойда бир маротаби маош берилиган. Бистагоний деб аталган бу русум ви тартиб маҳмудийлар хонадонида ҳалигача мавжуд.

Иқтаъ эгаларига айтадиларки, уларнинг кўшиларидан бирор киши ҳалок бўлса ё сабабсиз ғойиб булса, яширмай маълум қилинлар. Лашкарбоши

жыл ройиб булган киши маоши ва молини муҳофази этиб, аҳволини аниқдайди. Зарур ҳолда ҳозир бүлган кишилардан лашкар юборади. Агарда бирор киши маълум сабаб билан қолиб кетса, тезлик билан хибар бериш лозим, токи бу бошқаларга маълум бўлсинт. Шу йусинда иш олиб борилмаса, айборларга жизо берилиб, мол-мулкидан жарима олинади.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

ТУРАЛИ ХИЛ ЛАШКАР САҚЛАШ ҲАҚИДА

Агар лашкар бир турдан бўлса, бу хатарли бўлиб, тартибсизлик вужудга келади. Қўшин ҳар кида қабиладан булиши керак. Саройда дайламийни хуросонликлардан минг кишилик лашкар бўлиши шарт. Бор лашкарни сақлаб, қолганларини тўлдириш зарур. Агарда улардан баъзилари гуржиши баъзилари форс йигитларидан бўлса яхшидир, чунки улар яхши кишилардир.

Ҳикоят

Султон Маҳмуднинг шундай одати бор экан: ҳар тури қабила ва ҳалқдан қўшин тутар экан. Масалан, турклардан, хуросонликлардан, араб, ҳиндий, қурний ва дайламийлардан. Юришлардан олдин ҳар кечине қанча киши соқчиликка бориши аниқданади. Ҳар бир гурухнинг жойи белгиланган булади. Ҳар бир даста бошқа ҳарбий гурухдан ҳавфсираб, жоннидиди жилмасди ва эрталабгача тинчлик сақланади.

«Фалон киши урушда сустлик қилди», деб ҳеч ким ийттолмасди. Ҳамма бир-биридан қолишмай қаҳрамонларча жанг қиласарди. Жангчи кишиларнинг қоилилари шундай эди: ҳаммалари биргаликда урушда, финал қатнашардилар. Албатта, қўлга қурол олгандан очигидушиман лашкарини мағлуб этмагунча чекинишмасди. Агарда бундай лашкар бир-икки маротаба

душман кўшини устидан зафар қозонса, шундан сўнг улардан юз нафар отлиқ киши минг нафар душман аскарини ҳам писанд қиласди. Бундай лашкарга қаршилик қилиб бўлмайди. Атрофдагилар бу подшоҳдан қурқадилар, унга итоат қиласдилар. Ҳеч ким қаршилик қилиш фикрига бормайди.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ФАСЛ

САРОЙДА ГАРОВГА ОЛИНГАНЛАР ВА ТУРАЛИ ҚАБИЛА ҚЎШИНЛАРИНИ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Араб, курд, дайламий, румийлар ҳамда итоат сақдайдиган ёки энди тобеликка бўйин эгган, ишончсиз бўлган амирларга айтиш керакки, саройга ўғиллари ё акаларини, ҳар ҳолда беш юз кишидан ортмайдиган кишиларни гаров сифатиди юборсинлар. Бир йилдан кейин бадалига бошқаларни жўнатиб, уларни ўз юртларига қўйиб юбориш керак. Улар урнига одам юбормасалар, булар ҳам юборилмайди. Шундай қилиб, гаровга олингандарни сабабли ҳеч ким осий бўлиб, подшоҳга қарши бош кўтармайди. Дайламийлар, Кўхистон ва Табаристон аҳолиси, Шабонкора ва шуларга ухшаш кишилар иқтаъ ва бир бурда нони бор киши ҳам қаршилик кўрсатмайди. Ҳамиша улардан беш юз кишини саройда доимий сақлаш керак, чунки зарур бўлган вақтда сарой жангчилардан бўшаб қолмасин.

ЙИГИРМА ОАТИНЧИ ФАСЛ

ТУРКМАНЛАР ВА ТУРКЛАРДАН ФУЛОМЛАР ҮРНИДА ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА

Туркманлардан кўп малол етган бўлса ҳам, улар кўпдир ва бу давлатда уларнинг ҳаққи бор, чунки аввалдан улар бу давлат учун кўп хизматлар қилиб, азоб чекканлар. Уларнинг қон-қариндош-

Апридан минг киши гуломлар ўрнида фойдаланилиши керак. Агарда улар ҳар доим хизмат билди машғул бўлсалар, қурол ишлатиш ва хизмат қилиш йўлларини ўрганадилар, одамлар орасида ишаб, кўнгил қўйиб, садоқат билан хизмат қилалилар. Уларнинг таъбларидағи нафрат йўқолади. Ҳожатманд бўлган вақтда беш, ўн минг нафари ҳим хизматга шай бўлиб, садоқатли гуломлардек қурол-аслаҳа кўтариб турадилар ва бу давлатдии бенасиб қолмайдилар, шоҳ ҳам улар орқали шуҳрат топади.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ФАСЛ

УЛАРГА ХИЗМАТ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИДА АЗОВ БЕРМАСЛИК ВА ТАРВИЯЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Хизматда бўлган бандаларга ҳожатдан ташқари иш буормайдилар, чунки улар дарҳол бориб қайтиб келишлари лозим. Бирор фармон берилганда қўнгидай бажариш кераклиги қайта-қайта тушунтирилиб, ўзларини қандай тутиши айтилиши лозим. Ортиқча қийнамаслик учун олдинроқ ҳар куни қўнича гулом хизматга қурол билан сув бериш учун чиққанлар, шаробдор, жомадор ва шунга ўхшаш қўллар ё амирилкка етганлар қайси гуруҳлардан келшини аниқлаб қўйилиши лозим. Қадим вақтлардан бери қулларни тарбия қилишда, сотиб олган кундан, то қўриб қолгуналаригача маълум бир тартиб бўлган. Бу кунларда унинг русуми ва қоидалари унутилган, иммо мен уни китобат шарти учун баён қиладим.

ХОС ВА АВОМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Сомонийлар замонида шундай тартиб бор эди. Фуломларнинг даражалари хизмат ва ҳунарларига қараб кўтарилиган. Агарда бирор қулни сотиб олсалар, у бир йил рикоб (узанги)да занданачи кийимида ва оддий этик кийиб, пиёда хизмат қиласарди. Бу қулга бир йил давомида яширин ёки очиқ отга мениш ман этиларди. Мабодо шу фармонга итоат қиласаса, жазоланаарди. Бир йиллик шундай хизматдан кейин вусоқбоши ҳожибга айтиб, унга бир яхшироқ кийим ва бир туркча от оддий эгари билан олиб бериларди. Бир йил шу от ва қамчи билан хизмат қилганидан сунг учинчи йили белига боғлаш учун қарочури қилич олишга сазовор булаарди. Тўртинчи йили белига боғлаш учун унга кеш (ўқдон) ва қин беришарди, бешинчи йили яхшироқ эгар-жабдуқ, юлдузли жилов, қизил кийим ва ҳалқага осилган темир гурзи бериларди. Олтинчи йили отда юрishi учун маҳсус этик бериб, соқийликка тайинлаб, белига қадаҳ осиб юришга амр этиларди, еттинчи йили бу фулом бир тўнликка эришарди, саккизинчи йили ўн олти тирговичли чодир ва энди сотиб олиниган қуллардан уч нафари берилиб, унга вусоқбоши лақаби қўйиларди, кумушдан зийнатланган боп кийим ва ганжали кийим инъом қилинаарди. Шу тариқа ҳар йили кийим-кечаклари купайиб, унинг аскарлари ва мартабаси хайлбоши булгунига қадар ошиб борарди. Шундан кейингина ҳожибликлари эришарди. Унинг шойисталиги ва ҳунари, шижоати ҳаммага маълум бўлганидан сунг улуғ ишлар қўлидан келарди, одамлар ва худованди бўлган шоҳиги дўст булаарди, то ўттиз беш ёшга тўлгунича амирлик унвонини бермасдилар ва вилоятларга ҳам ҳоким этмасдилар.

Алтегин сомонийлар кули бўлган ва улар тарбия-
сини кўрган киши эди, ўттиз беш ёшида Хуросон
мискарига лашкарбоши бўлди. У садоқатли, ва-
фоли, мард, доно ва тадбиркор, халқни севадиган,
чунга дўст тутадиган, дастурхони очик, худодан
қўриқадиган инсон эди. У сомонийларнинг ҳамма
иҳни сийратларига эга бўлиб, кўп йиллар мобайни-
ни Хуросон ва Ироқни кўл остида ушлаб турди. Бир
мишнг етти юз турк ва қуллардан иборат қўшинга
им эди. Бир куни у ўттиз нафар турк қулинни сотиб
олди. Бу қуллардан биринчиси Сабуктегин эди. Со-
тиб олганларига уч кун бўлганида у Алтегиннинг
омадидан бошқа қуллар қаторида турарди. Ҳожиб
чиқиб, Алтегинга арз қилди:

— Вусоқбоши унвонини олган фалон қул ўлибди.
Оиди унинг вусоқи, хайли ва асбоб-у нарсаларини
қийси қулга топширайлик?

Алтегиннинг кўзи Сабуктегинга тушиб, шундай
леди:

— Шу қулга тақдим этдим!

Ҳожиб таажжубланди:

— Эй, худовандим, бу қулни сотиб олганингизга
хили уч кун ҳам бўлмади-ку! У етти йил хизмат қи-
либ, сўнг бу мартабага эришмоғи лозим.

— Мен айтдим, бу қул бўлса эшилди ва шукур бажо
келирди. Мен нарсаларни садақа учун унга ҳадя
ледим. Бошқаларга бу ибрат бўлсин.

Шундай қилиб, Сабуктегинга вусоқбопи унво-
ни беришди ва бу етти йиллик хизмат ва мартаба-
ниларнинг самараси бўлмоғи керак эди. Алтегин
учида: «Қандай қилиб, етти йиллик хизмат ва ман-
тавийт бу қулга тегди? Ёки у Туркистоннинг бир улуғ
уругиданмикан, ё ҳаммага ёқиб қолиб, омади кел-
шишикин?» деб ўйлади. Шундан сўнг синаб кўриш
учун унга совға-салом юбориб: «Нима деган бўлсан,
оиттанимни такрорла!» – деб буюрди. Сабуктегин
хам ҳеч тутилмасдан, бехато қайта сўзлаб берди.

Ундан бориб жавобини ҳам олиб кел, дейилганды, айтганидан ҳам зиёда қилиб жавоб олиб келарди. Синовлар якунида унга Алптегиннинг меҳри ошиб, Сабуктегинга сув бериш вазифасини топшириб, ўз одига хизматга олди. Унга кул берди ва ҳар куни уни синовдан ўтказарди. Ўн саккиз ёшга тұлғаныда у икки юз кишидан иборат лашкарға зәға бұлды ва Алптегиннинг бутун хұлқ-атвори унга ўтган эди.

У юриш-туриш, дастурхон ва ичимликларга қарааш тартиби, мажлис ўтказишиш ва овга чиқиш қоидасини, ўқ отишиш ва чавгон ўйнашни, муомала одоби ва аскарлар билан ақыл яшаши ўрганды. Агар бир олма топса, ун киши билан баҳам куради.

Бир куни Алптегин икки юз қулиға халаж ҳамда түркманлар юртига бориб, улардан олинадиган молларни көлтиришни буюради. Сабуктегин ҳам улар орасида эди. У ерга етиб борғанларида халаж ва түркманлар солиқларни тұлиқ бермаганлиги аеш бўлади. Кулларнинг жаҳди чиқиб, қўлга қурол олиб, уруш бошламоқчи бўлиб куч билан солиқни тортиб олишга шайланадилар. Сабуктегин шунда дейди:

- Мен сизлар билан ҳеч қачон урушга бормайман.
- Нега? – сўрашади ҳамроҳлари.
- Худовандимиз (Алптегин) бизни урушга юбормаган. У бориб, мол ва бойлик олиб келинглар, деган. Агар ҳозир уришсак ва улар бизни мағлуб этсалар, бу кучсизлигимизни курсатади, хўжайинизнинг обрусиға зиён тегади. Кейин худовандимиздан: «Ким сизларга уришинглар деб буюрди?» – деб сураса, то ажалимиз етгунча бу таъна ва маломатдан кутулмаймиз ва унинг ғазабига тоқатимиз ҳам йўқ.

Сабуктегин айтган бу сузларни кўп аскарлар маъқулладилар. Куллар ўртасида қаршилик чиқди ва охири урушмасдан қайтиб келдилар ва Алптегинга улар мол беришдан бош тортганликларини айтишиди. Алптегин сўради:

- Нега курол-куч ишлатиб, тортиб олмадингизлар?
- Биз курол кўтариб уришмоқчи эдик, аммо Сабуктегин қарши чиқиб, бизни қўймади. Биз икки гуруҳга булиниб, қайтиб келдик, – дейишди аскарлар.
- Нега жанг қилмадинг ва урушга йўл бермадинг? – сўради Алптегин Сабуктегиндан. Шунда у жисвоб қилди:

– Чунки эгамиз жанг қилишни буюрмаган эди. Агарда фармонсиз жанг қилсак, биз қул эмас, ҳар биримиз хўжайин бўлардик. Бандалик нишонаси соҳиби буюрган ишни бажаришдир. Агарда биз миглуб бўлсак, худованд албатта: «Сизларга ким жинг қилишни буюрди?» – деб сўрарди. Бу сўзларни эшлишга кимнинг тоқати бор? Борди-ю, биз уларни мағлуб этсак, унда одамлар ҳалок булиб, бошимиз миннат ва маломатларга қоларди. Агар инди буйруқ берсанг, бориб уришамиз ё молларини қўлга киритамиз, ё уларни яксон этиб қайтамиз!

Бу сўзлар ёқиб тушган Алптегин: «Рост гапирди», деди.

Шундан сўнг унинг мартабаси кўтарилиб, уч юз тумондан иборат кўшинга бошлиқ бўлди.

Хуросон амири Нуҳ ибн Наср Бухорода вафот қиласди. Шу кезда Алптегин Нишопурда эди. Умарои хос Алптегинга хат ёзид, Хуросон амири оламдан ўтишиагини маълум қиласди: «Унинг ўттизга кирган иккиси ва ўн олти ёшли ўғли қолган. Бу мамлакатнинг майдори сенинг қулингда. Қайсинисини подшоҳлик-чи тайинлайсан?!»

У ҳам ўз элчисини юбориб айттириди: «Икковлон дим таҳт ва мулкка арзийди ва бизнинг амиримиз шилодидандирлар. Аммо маликнинг акаси тажрибали кинни, ҳаётнинг иссиқ-совуғини курган, одам қадри ва мартабасини биладиган, ҳурматига етадиган, кинни. Маликнинг ўғли эса ҳали бола, ўйлайманки, у одамларни билмайди, тўгри фармон беролмайди. Акасини таҳтга кутарсалар, савоб иш булар эди».

Эртаси куни яна шу маънода мактуб йўллади.

Беш кундан кейин чопари қайтиб келиб, маликзодани подшоҳликка кўтарганларини айтди. Бу иккала мактубдан ҳам кўнгли гаш булиб, деди:

– Бу номардлар ва бетамизлар шундай иш тутарканлар, мен билан маслаҳатлашиб нима қилилардилар. Мен учун иккала маликзода ҳам кўзим қорачигидай азиз. Хулосамда акасига ишорат қилганман. Мактубим уларга етиб борса, маликнинг ўғли мендан хафа бўлади. У амакисига мойиллигим бор, деб ўйлаб, мендан кўнгли қолади. Ва гаразли кишилар қулай пайтдан фойдаланиб, шаҳзодага мени ёмонлашга тушадилар.

У шитоб билан бешта тезюарар туяларда одам юборди ва: «Тез бориб, иккала қосидни Жайҳундан ўтмаслариданоқ топиб қайтаринглар», – деб амр қилди.

Чопар тезлик билан улар ортидан қувиб, бирини Аму биёбонидан топади, аввалгиси эса Жайҳундан ўтган экан. Шундай қилиб, Алптегиннинг мактуби Бухорога етиб боради ва унинг мазмуни ўғли ҳамда унинг тарафдорларига ёқмайди. «Аласига ишорат қилиб яхши қилмабди», – дейишади улар. – Ахир, ота мероси акага эмас, ўғилга тегишини наҳот билмаса?» – деб ажабланадилар. Шу маънода Алптегиндан боланинг кўнглини қолдиришга эришадилар. Алптегин узр сўраб, кўп ишлар қилади, аммо бу кин маликзода юрагидан ҳеч чиқмайди. Муфсид ва гаразли кишилар ёмонлик истаб, маликзоданинг жаҳдини кучайтирадилар, унинг газаби ва кини ошиб кетганди.

Алптегинни Аҳмад ибн Исмоил сотиб олган эди. Кейинчалик у Наср ибн Аҳмадга ҳам бир неча йил хизмат қилди. Наср оламдан ўтганидан кейин Нуҳ ибн Насрнинг хизматини қилди. Шу даврда у Хурсон сипоҳсолори бўлди. Нуҳ вафот эттач, Мансур иби

Нұхни отаси ўрнита подшоқынка күтартдилар. Олти шыл үтса ҳамки, Алтегин мол йиғиб, қанча ҳаракат қылышында қарамай, Мансур ибы Нұжнинг күнглини оналомади. Фаразли кишилар амир хузурида бўлган ғуларни Алтегинга ёзиб, маълум қилишарди.

Дуниманлар Мансур ибы Нұхта айтартдилар:

Алтегинни ўлдирмагунингча сен подшоқ ишсан ва сенинг фармонларинг жоиз эмасдир. Әмик йилдирки, у Хуросонда ҳоким, кўп мол ва пошлиқ йиққан, ҳамма лашкар унга итоат қиласди. Уни банди қилсанг, бойлигидан хазинанг обод пулаб, ўзинг ҳам тинчирдинг. Илоҳ шулким, уни сиройга чақириб: «Мамлакат таҳтини эгаллаганимини бир неча йил бўлди, аммо сен саройга келиб, тикин қасамёд этмадинг, биз буни орзу қиласдик. Сен бизга ота ўрнидасан. Бизнинг давлатимиз сен билан безатилган ва сен бизнинг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги таянчимизсан. Бу гаплардан мақсад шуки, бизнинг олдимизга келмай кўйдинг, тезроқ сиройга келишинг ва саройимиз тартибини қайта тикишинг керак. Шунда бизнинг сенга ишончимиз ошиб, фаразли кишиларнинг тили қисқа бўларди», – деб ийтиш лозим. Агарда у келса, бир хилват жойга чоқириб, бошини олишга буйруқ берасан.

Амир Мансур худди шу йўсинда уни саройига ишланит этди, соҳибхабарлар унинг нима учун чақирилганини хат орқали маълум қилишди.

Алтегин буйруқ бериб, Бухорога кетишини ишлан қилди. Нишопурдан кучиб, Сарахсга келди. У билан ўттиз мингга яқин суворий ва Хуросон умирлари бор эди. Уч кун ўтгач, ҳамма лашкар-у имирларини хузурига даъват этиб, деди:

Сизга гапим бор. Айтганимдан кейин ўйлаб, бор фикрингизни ўртага ташлайсизлар.

Биз розимиз, – дейишди улар.

Амир Мансур нима учун мени хузурига чақирилганини биласизларми?

— У сени кўриб, қайтадан аҳд-у байъатлашмоқчиdir, сен унга ота ўрниdasан.

— Иш сизлар ўйлагандек эмас. Бу малик чақириб, менинг бошимни олмоқчи. У ҳали гўдак ва мард кишиларнинг қадрини билмайди. Сизлар биласизларки, мен сомонийларни олтмиш йилдан бўён ҳимоя этиб келаётирман. Улар давлатига қасд этган бир неча Туркистон хонларини мағлуб этдим, ҳар томондан келган бегона кучларни йўқ қилдим ва уларга заррача ҳам хиёнат қилмаганман. Бу шоҳликни унинг отаси ва бобоси учун асрадим ва асрайман ҳам. Энди менга раҳмат айтиш ўрнига бошимни истаб қолибди. У бир ҳақиқатни билмайди. Унинг мулки бир тана ва бу тананинг боши менман. Агар бош кетса, танада ҳеч вақо қоладими? Энди айтииqlарчи, бу зиённинг чораси недир?

Амирлар бир овоздан дедилар:

— Бунинг чораси қиличди, агарда у сен ҳақингда шундай ўйласа ва шу қарорга келган бўлса, ундан яна нима ҳам кутардик. Сенинг ўрнингда бошқа киши бўлганида, эллик йил давомида мулкни улар кўлидан тортиб олган бўларди. Биз сени биламиз, унинг на ўзини, на отасини таниймиз. Сомонийлар давлатидаги ҳар бир киши ўз нони, бойлиги-ю ҳашамати, вилоятларига сен туфайли эга бўлганлар. Сендан бошқа муносиб киши йўқдир. Биз сенинг фармонингдамиз. Хоразм, Хурросон, Нимрўз сенга тобедир. Мансур ибн Нуҳни тарқ этгин, ўзинг подшоҳ бўл, хоҳласанг, Бухоро ва Самарқандни унга бер, бўлмаса уни ҳам ол.

Умаро бу сўзларни шавқ билан айтди.

— Тангри мени афв этсин, мен биламан, сизлар буни чин садоқат билан айтдингиз, сиздан шуни кутган эдим. Аллоҳ таоло сизларга яхшиликни ато этсин. Бугун қайтингиз, эртага нима бўлишини кўрармиз, — деди Алптегин.

Ўша вақтда Алптегин итоатида ўттиз минг отлиқ лашкар бор эди. Аммо у истаса, юз минг суворийни ҳам ўз қўлига оларди.

Эртаси куни ҳамма амирлар саройга йифиидилар. Алптегин чиқиб жойига ўтиргач, амирларга юзланди:

– Мен бу сўзларни айтиб, сизларни синамоқчи әдим. Сиз биз билан биргамисиз ёки йўқми, шуни билиш мақсадим эди. Агар ишимиз тушса, бизга кўмак берасизларми? Сизларга ишонса бўладими ёки йўқми? Энди мен сиздан кутганларимни ёшитдим, бу сизларнинг ҳалолзодалигингиздан ва садоқатингиздан дарак беради, кўрнамаклик қилмадингиз. Мен сизлардан хурсандман. Аммо шуни билиб кўйингки, бу боланинг ёмонлигини ўзимдаги қилич кучи билан даф этаман. Бу гўдак ҳеч кимнинг ҳақини билмайди, маслаҳатимга қулоқ солмади. Бир неча ёмон ниятли кишиларга эргашиб, яхшини ёмондан фарқ этолмаяпти. Унинг хонадонини асраётган мендек кишини билмади, ўзига ёмонлик тилайдиган бир бадзотни тарбият қиляпти. Мамлакатда озгина ҳалоллик юзага келса, йўқ этмоқчи бўладилар. Уларни дуст деб билиб, менинг жонимга қасд қилмоқчи. Мен мулкни унинг қўлидан олиб, ўрнига амакисини шоҳ қилишим ёки ўзимга олишим ҳам мумкин. Аммо андиша қиласман, чунки одамлар:

«Алптегин олтмиш йил сомонийлар хонадонини, ўзининг худовандларини сақлаб келиб, умри охирида, саксонга етганида, қарилик пайтида қилич кучи билан мулкни маликзодалардан тортиб олди, ўз худовандлари ўрнига ўтирди, еган тузига хиёнат қилди», – деб айтиплари мумкин. – Мен тўғри ном билан яшаб келдим. Энди бир оёғим гўрга етганда шу ишни қилиб, ёмонлик билан ном чиқармоқчи эмасман. Маълумки, айб амир Мансурдадир, аммо бу маънини кўп халқ билмайди. Бир гурӯҳ, айб Алптегинда,

дэйди. Гарчанд мен уларнинг мулкини ҳам, ўзларига озор беришни ҳам истамайман. Мен Хуросонда эканман, бу гаплар тамом бўлмайди ва бу болани менга қарши қўйиб аҳволимни қўйинлаштирадилар. Мен Хуросондан чиқиб кетсам, баразли кишиларнинг сўзларига ҳожат қолмайди. Энди бир бурда нон учун мен қилич тортишим керак бўлади. Умрим охирида бир маротаба кофирарга қарши юриш қиласай, савоб иш бўлар. Эй, амирлар, билиб қўйингларки, Хуросон ва Хоразм, Нимрӯз ва Мовароуннаҳр лашкари амир Мансурнивидир. Мен сизларни унинг итоати учун асраб турардим. Саройга боринг, маликнинг хизматида бўлинг. Мен Ҳиндистонга бориб, жиҳод ва ғазо билан машғул бўламан. Агарда ўлсам, шаҳид бўламан, агарда ғолиб бўлсам, бир кофир диёрини жаннат ва худо-ю Расул учун ислом динига киритган бўламан. Яхши бўлсам ҳам, ёмон бўлсам ҳам Хуросон амирининг мен ҳақимдаги сўзлари тугайди, шунда у мени яхшироқ билиб олади.

У хуросонийлар, лашкар ва раиятга буларни айтиб, умарони олдига даъват қилиб, деди:

— Ҳузуримга келинглар, сизлар билан видолашай.

Амирлар уни бу йўлдан қанчалик қайтармоқчи бўлсалар ҳам, фойдасиз эди. Улар йиғлаб-йиғлаб у билан хайрлашдилар. Алтегин чодирига кирди. Алтегиннинг Хуросонни тарк этиб, Ҳиндистонга боришига ҳеч ким ишонмасди. Чунки Хуросон ва Мовароуннаҳрда беш юз қишлоғи, ҳар бир шаҳарда сарой, боғлари, карвонсаройлар ва ҳаммомлари мавжуд эди. Сомонийлар мулкида унинг минглаб қўйлари, юз минглаб от ва туюлари бор эди.

Эрталаб ногора овози эшитилди. Курдиларки, Алтегин ўз куллари ва лашкари билан уларни тарк эта япти. Хуросон амирлари эса Бухорога кетибдилар. Алтегин Балжга этиб келди ва бир-икки ой шу ерди қолмоқчи бўлди, токи ғазот фикрида бўлган ҳар бир

кини Хатлон ва Мовароуннаҳр, Тоҳаристон ва Балх
чигираларига етиб келсин ва у Ҳиндистонга борсин.

Хуросон амирининг душманлари ва мухолифлари
Мансур ибн Нуҳга айтадиларки, Алтегин қари
буридир, ундан озод булиш қийин, уни үлдирма-
шиг, халос бўлмайсан. Унинг орқасидан қўшин
юбориб, ушлаб ҳузурингга олиб келишинг керак.

Бир амирни ўн минг отлик билан Бухородан Балх-
го жўнатадилар. Қўшин Термизга келиб, Жайхундан
Утифтганда Алтегин Балхдан кўчиб, Хулм томонга
келди. Хулм ва Балх орасида тўрт фарсангга бир
тор дара бўлиб, унинг иккала томонида қишлоқлар
жойлашганди. Алтегин шу тор дарага қўнди. Унинг
иёки юз қул ва ғазот учун ҳар тарафдан юборилган
шикни юз гозий аскари бор эди. Хуросон амирининг
линиари ҳам етиб келиб, шу тор даранинг олдида
тұхтайди. Тор дарага киромай, саҳрога қўнди. Икки
оғи шу аҳволда ўтади. Шу муддатда Сабуктегиннинг
шоронулиқ пайти ҳам келди. Сабуктегин дарадан
шишиб, ортларидан юборилгай қўшинга тўла даштни
кўрди. Уларнинг посбонлари ҳам турганди. У ўзича
шешлики, бизнинг ҳудовандимиз Алтегин Хуро-
сонни ва мол-мулкини Хуросон амирига ташлаб,
тозишотга юз бурди, булар эса унинг ва бизнинг жо-
шимизга қасд қилаяптилар. Бизнинг ҳудовандимиз
тудоқатини сақлаб, буларни ҳурмат қилиб, менимча,
унини ҳам, бизни ҳам нобуд қиласди. Бу ишни фақат
шешлиқ кучи билан ҳал қилиш мумкин. Агар биз тинч
шешлиқ, улар бизни тинч қўймайдилар ва Аллоҳ азза
шо жилладан бошқа бизга мададкор йўқ. Буларнинг
киммилари золим, биз эса мазлум.

У ўз қўшинида бўлган қулларга қаратадеди:

Бу бизнинг бошимизга тушган бир савдодир.
Булир голиб чиқадиган бўлсалар, бизлардан бир
кини ҳам тирик қолмайди. Бугун мен бир ҳаракат
қилиб қўраман, худо мурод берар ва қабул этар,
оторда мадад қиласа, бўлганича бўлар.

Бу сўзларни айтиб, уч юз сарбози билан қоровулларга ҳужум қилди, уларни мағлуб этиб, лашкар устига ўзини урди. Қурол-яроғини ишга солиб, от устида мингдан кўпроқ аскарни сафдан чиқардилар. Улар қайта ҳужум қилганларида, тез орқага – даранинг тор оғзига қайтдилар. Сабуктегин душман қўшинининг бир қисмини ҳалок этди, деб Алтегинга маълум қилдилар. Алтегин Сабуктегиндан сўради:

- Нега шошдинг, сабр қилиш керак эди?
- Эй, амирим, қанча сабр қилайлик? Тоқатимиз тоқ бўлди. Жонимизни сақлашимиз керак. Муаммо сабр билан эмас, қилич билан ҳал этиладиган бўлди. Жонимиз борича сиз учун уришамиз, у ёғи нима бўлса бўлар!

Алтегин деди:

– Энди бундан яхшироқ чора топиш керак. Айтинглар, чодирларни йиғиб, юкларни боғласинлар ва хуфтон намози вақтида ҳамма нарсаларни ортиб, бу дарадан чиқсинар. Ва Тўғон минг нафар кул билан фалон даранинг ўнг томонига, сен ҳам минг нафар сарбоз билан чап томонга, фалон жойги борасан. Мен минг нафар отлиқ билан бу қароргоҳдан чиқиб, даштда тураман. Эртасига улар бу жойги келиб, ҳеч кимни топмай, «Алтегин қочиб кетибди», деб ўйлайдилар. Сўнг ҳаммалари орқамиздан тор жойга кирадилар. Бир қисмлари торлиқдан чиқиб, менинг даштда турганимни кўрадилар. Шунда сизлар ҳам ўнг ва чап томондан чиқиб, жанг бошлигинлар. Улар шовқин кўтарганда, лашкар торлиқдан чиқиб қолади ва менга рўпара бўлади. Баъзиларини «Нима бўлди?» – деб орқага қайтадилар ва сизларига дуч келадилар. Мен юзма-юз ҳужум қиламан. Сизлар торлиқдан чиқасизлар. Биз уларни торлиқда ўргага оламиз ва қаршилик қилгунларича уришамиз. Борди-ю, орқага қайтмоқчи бўлсалар, йўлларини

түсмаймиз. Қайтиб, торлик жойдан чиқиб, уларнинг қўшинларига бориб, ўлжаларни қўлга киритамиз.

Сўнгра шундай қилиб, тор дарадан чиқдилар.

Хурросон лашкари қуролманиб, урушга тайёр қолди тонгда торлик жойга келиб, ҳеч кимни топмади. Бир фарсанг йўл босиб, торлик жойга кириб борсан-да, Алптегин лашкаридан нишон топмади. У қариб кетди, деб ўйлаб, шундай қарорга келинди: Унинг орқасидан бориш керак, бу дарадан чиқиб, бир соат ичидан уларни қувиб этиб, мағлуб қилиб, Алптегинни қўлга оламиз. Лашкар тезлик билан юриши бошлади. Олдинда жасур ва ботир кишилар бордилар. Торликдан чиқиб, Алптегиннинг минг шифир суворий ва пиёдалар билан далада турганини жўрдилар. Уларнинг ярим лашкари торликдан чиқсанда, Туғон чап томондан минг нафар қул мешкари билан дарадан чиқиб, ҳужумга ўтди. Ўнг томондан Сабуктегин чиқиб, жангга кирди. Туғон ём унга қўшилди ва аскарларни қириб, қушини билди яксон қилди. Лашкар тарқаб, ҳар томонга ўзиб кетди. Сўнг Алптегиннинг аскарлари ҳам торликдан чиқиб, қолган лашкарга ҳужум қилиб, ҳимма от-у туяни, сийм-у зар, динор ва қулларни уажи олди. Қолган чодир, гилам ва шунга ухшаганларни ташлаб қайтилар. Балх аҳолиси бу лашкарни қолган нарсаларни бир ой давомида уйларига ўшиди. Талафот ҳисоблаб чиқилганда тўрт минг-у ёти юз-у эллик киши ҳалок бўлганлиги маълум бўлади, ярадорлар ҳам жуда кўп эди. Шу куни Алптегин Хулмдан Бомиёнга кучди. Бомиён малики заборандор бўлиб, дарҳол жангга чиқиб, асир тушди. Алптегин уни кечириб, афв этиб, ўғилликка қабул қолади. Бомиён амирининг исми Шерборик эди. Шундан кейин (Алптегин) Кобулга юриш қилиб, унинг амирини ҳам мағлуб этиб, ўғлини асир олди. Кейиншроқ уни ҳам сийлаб, отаси хузурига юборди.

Кобул амирининг ўғли Кубакнинг куёви эди. Ке-йин эса Фазнинга юриш қилди. Фазнин амирлигини Кобул амирининг ўғлига берди. Фазнин амири қочиб, Сарахсга борди. Алтегин Фазнинга келганида Кубак чиқиб, у билан жанг қилди. У мағлуб бўлиб, шаҳарга қочиб кириб яширинди. Алтегин шаҳарни қамалга олди. Зобулистон аҳолиси ундан кўркарди. «Ҳар бир аскар аҳоли нарсаларини тортиб олмай, пулинин тўлаб сотиб олсин, – деб эълон қилди. – Тортиб олган кишига жазо бераман, – деди». Бир куни Алтегин бир қули эгари қошига бир қоп сомон ва бир товуқни боғлаб кўйганини кўриб, буюрди:

– Бу қулни менинг олдимга олиб келинглар.

Фармон бажарилди.

Алтегин ундан сўради:

– Бу сомон ва товуқни қаердан олдинг?

– Бир қишлоқи кишидан тортиб олдим, – деди қул.

– Ҳар ой бистгоний маош оласанми?

– Оламан.

– Унда нега пулинин бериб олмадинг, мен халқдан бирор нарсанни тортиб олманглар, деб сизларга пул бераман-ку!

У қулни бир қоп сомони билан дарҳол дорга осишни буюрди. Уч кун жар солиб, эълон эттиридики, кимда-ким, бирор нарсанни куч билан тортиб олса, уни мана шу қулнинг қисмати кутади. Қўшинда-гилар кўркиб қолдилар, раият эса тинчланди. Ҳар куни атрофдаги қишлоқлардан шунча нарса ва бойлик келардики, унинг сон-саноғи фақат худога аён эди. Аммо у бирор нарсанинг бир манини ҳам шаҳарга олиб боришга кўймасди. Шаҳар аҳолиси бу адолатни кўриб: «Бизга шундай одил подшоҳ керак. У турк бўлса ҳам, тожик бўлса ҳам тиз чўкиб итоат қиласиз, бола-чақаларимиз ҳам, ўзимиз ҳам омон бўлардик», – дейишиди. Улар Алтегин олдига келдилар. Кубак буни кўриб, қалъага қочиб яширинди

иа йигирма кундан сүнг чиқиб, Алптегинга таслим бўлди. Унга нафақа ва маош тайинладилар.

Алптегин ҳеч кимга озор бермай, Фазнинни унга қароргоҳ этди. Бу ердан Ҳиндистонга юриш қилиб, кўплаб ўлжаларни қўлга киритди. Алптегин бостириб келган жойдан кофирлар еригача икки ҷумлиқ йўл қолган эди. Хурросон-у Нимрӯз ва Мовароуннахрда шундай хабар тарқатиши: «Алптегин Ҳиндистон йўлини очиб кўп зар-у сийм, мол-у бойликларни қўлга киритиби ва унинг саноғи худотинча маълум экан. Шунча ўлжа ва бойликларни оғартики, чек-чегараси йўқ».

Ҳир томондан унинг олдига одамлар кела бошлади. Улар сони олти мингта етди. Алптегин Сабур (Бешинчур) гача кўп вилоятларни қўлга киритди. Ҳиндистон шоҳи бир юз-у эллик минг отлиқ ва пиёдалари билан чиқиб, Алптегинни Ҳиндистондан итқитиб қилиб, лашкари билан йўқ қилмоқчи бўлди.

Хурросон амири Хулм ва Балх орасидаги торлиқ жойида ўз лашкарини йўқоттанига жаҳл қилиб, Абу Жаъфар деган бир кишини йигирма беш минг аскар билан Алптегинга қарши юборди. Алптегин эса Абу Жаъфарни Фазнинг яқин келишга қўйиб бериб, олти минг отлиқ билан ўша қўшинга ҳужум этди. Бир соат утмай, шу йигирма беш минг қўшинни мағлуб қишиди. Балх яқинидаги жангидан ҳам кўпроқ талафот ғосиҳи. Абу Жаъфар қочиб қутуди. Ва охирида бир ўти қолди. Қишлоқдагилар уни танимай, оти ва шаҳриларини тортиб олиб, ўзини қўйиб юбордилар. У оғизи пиёда азоб-уқубатлар билан Балхга етиб кедди. Амиқирнинг ҳамма бойлиги ва от-увовларини Алптегин лашкари билан қўлга киритди.

Алптегин кетганидан сүнг сомонийлар мулки ютилашди ва Туркистон хонлари унга бошқа қасд бўламидилар.

Алптегин Абу Жаъфарни енгиб, Ҳиндистон шоҳиги қарши чиқди. Хурросон ва бошқа туманларга

мактуб ёзиб юбортирди. Ганимат ва ўлжа олишни истаб келгандарнинг сон-саноғи йўқ эди. Уларнинг ҳаммаси ёш ва қуролланган булиб, сафланганда ўн беш минг беш юз оталиқ, пиёдани ташкил этарди. Қўшин ҳинд шоҳига қарши бориб, тұсатдан унинг одд қисмига хужум қилди. Ўн мингга яқин ҳиндни ўлдириб, ўлжаларини олмай орқага қайтди. Ҳинд шоҳининг лашкари унинг ортидан қувиб етолмади. Қочиш йўли тоғлиқдан ўтарди.

Унинг ўртасида бир тор дара бўлиб, Алптегин шу йўлни эгаллади. Шоҳ етиб келиб, йўлдан ўтолмади ва олдига қўшинини туширди. Икки ой шу ерда қолди. Алптегин вақти-вақти билан кечаси ё кундузи чиқиб, жанг қилиб ҳиндалардан кўп кишини ўлдириди. Сабуктегин шу жангларда фаол қатнашиб, анча жасурлик кўрсатди. Ҳиндалар шоҳи ҳайратда қолди, олдинга юришни ҳам, мақсадига эришолмай ортига қайтишни ҳам билмасди. Алптегин ҳиндаларга деди:

– Сизлар менинг тарафимга ўтинглар. Сизларга мен омонлик бераман, тирик қоласизлар.

Ҳиндалар рози бўлмадилар. Шундан сўнг ҳиндаларга бир неча шаҳар ва қишлоқларни бешта қалъя билан беришни ваъда қилиб қайтдилар. Аммо қалъа ҳокимларига: «Мен қайтгунимча қалъаларни топширманглар», – деб яширинча тайинлаб қўйди. Ҳиндалар келгандарида қалъаларни бермадилар. Алптегин шунда: «Мен эмас, улар ўз аҳдларида қайтдилар», – деди. Қайта хужум қилиб, шаҳарларни ва қалъаларни ҳисорлари билан қўлга киритди ва шу ўргада вафот этди.

Унинг қул ва лашкарлари безовталанди, бундан ташқари яна улар атрофини кофирлар ўраб олганди. Сўнгра йиғилишиб, маслаҳат қилдилар: «Алптегиннинг ўғли йўқки, уни отаси ўрнига ўтқазсаг-у, у бизга ҳокимлик қиласа. Ҳиндистонда бизнинг бошимизга номус ва бир улут иш тушди. Ҳиндалар ҳам

бундан хавфсираб турибдилар. Агарда бир қарорга келмасак, ҳар биримиз амирликка даъво қиласиз. Ўртамизда низо пайдо бўлиб, кофирларга қарши ўтарилган қуролни бир-биrimizning бошимизга соламиз. Илож шуки, ўртамиздан энг лойиқ кишини топлаб, уни ўзимизга амир қиласак. Қандай бўлмасин, унинг фармонини бажарайлик, ундан рози бўлиб, Алптегин тирик деб қабул қиласлик».

Ҳамма рози бўлиб, бу ишнинг чораси фақат шу жонлигига ишонди.

Шундан сўнг улур кишиларнинг отларини бир-бир айтавердилар. Ҳар бирининг айбини топиб, уэр кестиравердилар. Навбат Сабуктегинга етиб, унинг томи тилга олинганда ҳамма жим бўлиб қолди. Унордан бир киши шундай деди:

Сабуктегиндан бошқа киши бу амалга лойиқ омес, чунки у хизмат қилишни билади. Яна унга қунбрлик, сергаклик, жасурлик, саховат ва мурувни, очиккунгиллик, одамларни хурмат қилиш, яхши кулқ, диёнат, тўғрилик ва садоқатда тенг бўладиган ёниш йўқ. Уни Алптегин тарбия қилиб, ишларини өттиради, худованлимиз одати ва тариқатидадир. У ҳар биримизнинг қадр-қимматимизни билади. Мен фикримни айтдим, яна ўзларингиз биласизлар.

Ҳар томондан тасдиқловчи овозлар келди. Сабуктегинни амир қилдилар.

У рози бўлмади, мажбур этдилар. Ниҳоят, у шундай деди:

Агар бошқа чора бўлмаса, мен бу фикрга розиман, фақат сизлар сўз беринглар, ким менга қарши чиқсан ёки душманлик қиласа, фармонимни бажаринсан, сизлар мен билан бўлиб, уни улдирасизлар.

Ҳамма рози бўлиб, онт ичди, аҳил бўлиб, аҳд қолади. Уни кўтариб, тахтга ўтқаздилар. Амирга мунисиб қуллуклар қилиб, бошидан тилло тангалар сошидилар.

Сабуктегиннинг ҳар бир иши ва юриши мақсадга мувофиқ эди. Зобулистон раисининг қизини ўз ни-коҳига олди. Маҳмуд шу аёдан оламга келди. Шунинг учун Маҳмудни «Зобулий» дейдилар. У катта бўлганда отаси билан юришларда ва сафарларда қатнашди, кўп улуғ ишларни бажо келтирди. Ҳинд диёрида кўплаб лашкарларни мағлуб этгани учун Бағдод халифаси унга «Носируддин» лақабини берди. Сабуктегин вафтидан кейин Султон Маҳмуд ота ўрнига таҳтга ўтирди. У фақат яхши ишлар қиласди, буни эса отасидан ўргантан эди. Кўп подшоҳлар ҳақидаги гапларни эши-тиб, билимли ва донишманд кишиларнинг қадрига етарди. У Нимрӯз вилоятини олиб, Хуресонни фатҳ этди, Ҳиндистонга юришлар қилиб, Суманотни забт этди ва бутхоналарни бузиб ташлади.

Бу ҳикоятни келтиришимдан мақсад, шоҳимизга яхши банда қанақа бўлишини маълум қилишдир. Ва агарда бандя яхши ва ёқимли ишлар қиласа, ҳеч қачон хиёнат ёки садоқатсизлик кўрсатмаса, буидан мулк мустаҳкам бўлади. Шундай хизматкорни ранжитмаслик, ҳар кимса ҳақидаги фийбатини эшитавермаслик керак. Шунга ишониш лозимки, сулолалар, шаҳарлар, подшоҳлар ва салтанатлар шундай кишилар билан яшайди. Агар бундай кишилардан воз кечилса, сулолалар ва шаҳарлар бузилиб, мулк нобуд бўлади. Алтегиннинг яхшилигидан сомонийлар давлати кучли эди, лекин бунинг қадрига етмасдан, унга қасд қиласдилар. У кетди-ю, сомонийлар давлати ва сулола салтанати ҳам барбод бўлди.

Бу битиклардан мақсад шуки, боқиб тарбияланган бандаларни асраш керак, чунки синалган ва лойиқ бир қулининг хизматда бўлишига узоқ вақт ва кулаш шароит лозим. Доно кишилар айтганиларки, «Шойисти бир хизматкор ва бандя фарзандлардан ҳам яхшироқдир». Шу маънода шоир ҳам шундай дейди:

*Як бандай матвеъ беҳ аз сесад фарзанд,
К-ин марги падар хоҳаду ўумри худованд.*

Мазмуни:

*Бир итоатли құл үч юз фарзанддан ҳам авлодур,
Ки улар ота ўлимини тилайдилар, құл эса әгаси
үмрини.*

ЙИГИРМА ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

УЛУГЛАР ВА КИЧИКЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Қабул маросимидаги тартиб жорий этилген: аввал қон-қариндошлар, сұнгра улуғ кишилар-үйнекоб (узанги) аҳли, кейин ўз вақтида бошқа ҳар хил кишилар киради. Шундай қилинмаса, катта-кичик үргасида фарқ қолмайды.

Агар парда күтариған бұлса, бу қабул маросими оғаннидан дарап беради. Парда ёпиқ бұлса, чақирилған кишилардан бошқа ҳеч ким шоҳ қабулиға кірмаслиги керак. Саройга лашкарбошилар ва улуғ кишилар боришлиари лозим. Маълум аломат орқалы қабул бор ё йүқдигини куриб, жизматга келиш, өз келмасликлари аниқ бұлади. Агарда улуғлар ва бишіншілар саройга келиб, подшохни күрмасалар, шубхпланиб, ёмон фикрларга боради. Подшох қабули кимайса, ишлар чалкаш, раият азобга гирифтор ғылуди. Энг яхши қоида – күпроқ қабул маросим-жаршии ўтказиш, қабул қилиш камайған ҳолларида ғылғынчилар куч түплаб, мамлакат ва лашкар ахводиини оғирлаштиради. Қабул маросими ўтказилса, оғроғлардың қокимлар, амир, сайдид ва имомлар ғанағисин. Подшохни курғанда уларнинг кишилары ғанағиб кетишлари керак. Бунда хос кишиларғина ғұлданылар. Уларнинг қуллари ҳам чиқиб туришлады.

ри лозим. Қабулда хос маҳрамлар, қуролланган посбонлар ва соқчилар, сув берадиган, овқатларни текширадиган ва шунга ўшашлар қолади. Агар бир неча марта шу тартибда қабул маросими ўтказилса, бу қоидага айланади ва қийналиб пардани кутариб-туширишга ҳам ҳожат қолмайди.

ЎТТИЗИНЧИ ФАСЛ

ШАРОВ ИЧИШ ТАРТИБИ ВА ҚОИДАЛАРИ ҲАҚИДА

Баъзи ҳафталар кўнгил йўл берганда бир-икки кун ҳамма хоҳловчиларни қабул қилиш керак. Киришни хоҳлаган кишининг йўлини тўсмаслик лозим. Уларга бугун қабул қилиш ёки қилмаслик куни эмаслигини айтиш керак. Агар яқин кишилар қабули бўлса, бу тоифа узи билиб келмайди. Шундай бирини қабул қилиб, иккинчи гурухни қабул қилмасликка ҳожат ҳам қолмайди.

Хос мажлисга келадиган кишилар сони аниқланган бўлиши ва ҳар бирининг бир ходими билан келиши асосий шартдир. Ҳар бири ўз қадаҳи билан келиши раво бўлмас. Озиқ-овқат ва шаробни ўз ўйларидан малик саройига олиб келиш ёки саройдан ўз ўйларига олиб бориш ҳар қайси замонда ҳам одат ва маъқул иш бўлмаган, чунки сulton олам соҳиби ва оламдагилар унинг бандалари ва аёллари билан шароб олиб келсалар, хос соқийга жазо берин лозим, чунки унга яхши шароб топширадилар-у, нега у келганларга ёмон шароб берар экан? Мана

шунда подшоҳнинг мажлисига ўзи билан шароб олиб келиш йўқ булади.

Подшоҳга шойиста ва арзанда надимлар керак. Анип у ўз надимлари билан кўп ўтиrsa, улар итоат қилишдан чиқадилар, ҳашаматга зиён келтиради-нип, хурмат ва эҳтиром йўқолади, орага хафалик тушади. Надимлар хизмат қилишга арзийди.

Агар подшоҳ улуғлар ва қаттаконлар билан ўтириб турса, унинг шукуҳига зиён етади, одамлар фармон-мурни бажаришда сустлик қиласидилар, шердил бўлиб, дурмат қилишни, ҳайқишини йўқотадилар.

Подшоҳ вазири билан вилоятларнинг муҳим шинлари, лашкар иши, хирож олиш, қурилиш шинлари, мамлакатни душманлардан асрар чора-мурни топиш ва шунга ўхшаган масалалар ҳақида мислаҳатлашади. Бу ишлардан малоллик ва муаммо туғмоқчи бўлсалар, ҳазил-мутойиба, кулгили ҳикоя-нип ва зариф воқеалар айтиб бериши шоҳ олдида жони омас, чунки бундан подшоҳлик ҳашаматига эйи ва зарар тегади. Надимларнинг иши шоҳга хизмат этишдан иборат. Бу ҳақда биз аввалги фасларнинг бирида эслаб ўтган эдик.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ ФАСЛ

ХИЗМАТКОРЛАР ВА ҚУЛЛАРНИНГ ХИЗМАТ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Қуллар, хизматкорлар ва ходимларнинг ўз ўрин-оғиз аниқдир. Малик олдида ўтириш ё туришнинг ахомияти йўқ. Фақат унинг тартибини сақдаш керак.

Кимки улуғ, хос кишилардан бўлса ва яна қўрчи, соқий кабилар тахтга яқин жойдан ё унинг атрофиидан жой оладилар. Агар бирор буларнинг

урталарига кириб олмоқчи бўлса, ҳожиб уни жойига қўяди. Ҳамда ҳар бир гуруҳ орасига бегона киши кирмаслиги керак. Мабодо кириб қолса, ҳожиб овоз чиқариб рухсат бермайди ва бошқаларга ҳам киритмасликни буюради.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ ФАСЛ

ЛАШКАР, ХИЗМАТЧИЛАР ВА ЯҚИН КИШИЛАРНИНГ ҲОЖАТ ВА ИЛТИМОСЛАРИНИ БИЛДИРИШ ТАРТИБИ

Уларнинг ҳар қандай илтимос ва ҳожатлари лашкарбоши ва раҳбарлар тилидан баён этилиши мақсадгага мувофиқдир. Ана шунда бу бошлиқлар нинг ҳурмати ҳам ўз жойида булади. Агар ҳар бир тобе киши ўз истаги, хоҳишини ўзи баён қиласи, бошлиқнинг ҳурмат ва обрўси қолмайди. Лашкар ичидаги аскар лашкарбошини менсимай, ҳурмит қилмай, ҳаддидан ошиб кетса, унга жазо бериш лозим. Катта ва кичик унвонларнинг фарқи ва ўлчови ҳам шундадир.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ ФАСЛ

ҚУРОЛ-ЯРОФ ВА УРУШ АСБОБЛАРИНИ ЯСАШ ВА ЗИЙНАТЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Машхур ва бой кишиларга шуни айтиш керакки, қурол-яроғлар ва уруш асбобларини яхшироқ яси синлар, қуллар сотиб олсинлар. Уларнинг ҳашамати, яхшилик ва буюкликлари шунда, уй жиҳозлари, безак асбобларида эмас. Кимки шу мянода иш тутса, подшоҳ олдида ёқимли ва лашкар орасиди обрўси катта бўлади.

ЎТТИЗ ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

ЮҚОРИ ЛАВОЗИМДАГИ КИШИЛАРГА ХАТО ВА ГУНОҲ ҚИЛГАНЛАРИДА ОГОҲЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

Бирорни тарбия қилиб, улуғ киши бўлиб етишиш учун кўп азоб чекиб, умр сарфлаш керак. Агарда умрдан бирор хато ўтса, уни одамлар уртасида уришсалар, қилган камчилиги ҳаммага маълум бўлиб, ўзи ранжийди ва бу маломатни кўнглидан кўтариш учун анча сийлаш ва меҳрибонликлар иерикдир. Яхшиси, бирор хато қилса, бошқаларга ошилдирмай четга чақириб:

«Сен хато қилдинг, бундай қилма! Биз ўз киши мишимиз хато қилса айтамиз, уни дарров иши ва омонаидан олмаймиз. Сен ҳам шундай хатолар қилми, ҳозир сени кечирдик. Яна хато қилсанг, сени тикинфандан оламиз, унда айб ўзингда бўлади», – деб огоҳлантириш лозим.

Амиралмўъминин Али алайҳис саломдан сўрашниларким, қайси кишилар мард ва курашчан ҳисобланади?

У жавоб қилди:

Жаҳди чиққан вақтда ўзини қулга олган киши. Чунки жаҳдан тушса, қилган ишидан пушаймон бўди, бундан фойда йўқ. Улуғ ва мард киши жаҳл ишламийди. Унинг ақли ғазабидан устун бўлиши кепок, жаҳди ақлидан эмас. Биронинг нафс ҳавоси тираж (ақлидан) устун бўлса, жаҳди чиққанда унинг ишлабин ақл кўзини ёпади ва девоналар қилимишини ишлоди. Агар кишининг ақли нафс ҳавосидан голиб ниқсан, жаҳди чиққан пайтида ақл-у ҳұппи нафсини, поспиди ва оқилларга маъқул келадиган ишларни баъжариди. Одамлар ҳам унинг ғазабланганини сезмай ошилдилар.

Ҳикоят

Бир куни Ҳусайн ибн Али алайҳиссалом бир гуруҳ саҳобалари ва араблар билан бошида салла ва қимматбаҳо кийимда дастурхон атрофида утириб, овқатланарди. Бир кул унинг бошида туриб, олдига бир косада овқат қўймоқчи буди. Тўсатдан коса қулнинг қўлидан тушиб кетиб, салла ва кийимлари устига тўкилди. Жаҳдан Ҳусайннинг кўзлари ёниб, уятдан юzlари қизариб кетди ва қулига қаради. Қул ҳам унга қараб, ҳозир жазо беради, деб қўрқиб:

– Жаҳдан устун келиш одамларни кечиришди!
– деди.

Ҳусайн ҳазратлари юзини артиб:

– Эй, қул, мен сени қулликдан озод қилдим. Энди менинг ғазабим ва жаҳлимдан узокдасан, – деб таъкидлади.

Амиралмуъминин ҳаётда шундай бўлгани учун ҳам уни ёқтирганлар.

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ФАСЛ

ПОСБОНЛАР, НАВБАТЧИЛАР ВА ҚОРОВУЛЛАР ИШЛАРИНИНГ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Посбонлар, навбатчилар ва эшик олдида тургани хос соқчилардан эҳтиёт бўлиш лозим. Кимки буларга иши тушса, уларни таниб олиши керак. Чунки булар кучсиз, тамагир ва тиллага тез сотилувчали бўладилар. Бегона кишини кўрсалар, текшириб ҳол сўрайдилар. Ҳар кеча навбат билан хизматни келишда уйғоқ бўлишлари, кечак-ю кундуз тоғил бўлмасликлари зарур, чунки бу иш жуда нозик ин улуғ бўлиб, эҳтиёткорлик шарт.

ТЎКИН-СОЧИН ДАСТУРХОН ЯСАТИШ ВА ЗИЁФАТ БЕРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Подшоҳлар доим дастурхон тузатишга ҳаракат қўнгиланлар, чунки хизматга келганлар бирор нарса сўнишлари керак булади. Агар ашрофларнинг маълиқ дастурхонига рағбатлари бўлмаса, овқатларни истеъмол қилиш вақтида парво қиммасалар ҳам бўлди. Аммо уларга дастурхон ясатиш яхши чора.

Султон Туғрал ҳар хил овқатлардан дастурхон иштишда кўп заҳмат чекарди. Сафарга ё овга чиқса ҳам овқат қилиб, далада тўла дастурхон очтижарди. Унинг дастурхонидан акобир ва умаролар дайратда қолардилар.

Туркистон хонларининг мулкида шундай одат боргли, улар ўз хизматкорлари учун ошхоналарида овқат табиёrlайдилар. Биз Ўзканд ва Самарқандга боргашимизда фийбатчилар тилидан эшидикки, чиглилар ши мовароуннаҳриклар: «Биз султон келган вақтдан бошлаб узоқ муддат унинг дастурхонидан бир бурда иш ҳам татиганимиз йўқ», деб айтарканлар. Ҳар бир кинишинг ҳиммати ва муруввати унинг кадхудолигига тенгдир. Султон олам кадхудосидир ва подшоҳлар унинг кўл остидадирлар. Шунда уларнинг кадхудолиги, ҳиммат ва муруввати, дастурхони очиқдиги, садиклари ҳам шу андазада бўлиши вожиб. Унинг сахошти ўтган подшоҳларницидан ҳам яхшироқ бўлиши керик. Хабарда келтирилишича, «Аллоҳ таоло ҳалқига иш бериш умрни, мулк ва давлатни кўпайтиради».

Ҳикоят

Торихи анбиё алайҳиссаломда шундай келтирилгани. Аллоҳ азза ва жалла Мусо алайҳиссаломни шуичча мўъжиза, каромат ва мартабалари билан итиборсиз кўйиб, Фиръавнга илтифот кўрсатарди.

Фиръавиннинг дастурхонига ҳар куни тўрт минг қўй, тўрт юз мол, икки юз тuya сўяр эканлар. Миср аҳолиси ва лашкари ҳар куни шу дастурхондан егулик тановул қиласар экан. Фиръави тўрт юз йил худоликка даъво қилиб, дастурхон безатарди.

Бир куни Мусо алайҳиссалом дуо қиласди: «Ё Раббим, Фиръавинни ҳалок эт!»

Нидо келади:

– Ё Мусо, мен Фиръавинни ўлдириб, бойликлари, хотинлари, лашкарини сенга ва умматларингга бераман.

Орадан бир неча йил ўтади. Фиръави аввалгидек дабдабали кун кечирарди. Мусонинг сабр косаси тулади. Қирқ кун руза тутиб, Тур тоғига чиқиб, худойи таолога мурожаат қиласди:

– Ё Раббим, сен Фиръавинни ўлдираман, деб ваъда бергандинг. У ҳали ҳам кофирилиги ва даъволаридаи қайтмаяпти. Қачон уни ҳалок этасан?

Ҳақ таолодан нидо келади:

– Эй, Мусо, сен уни тезроқ ўлдиришимни истасан. У минглаб кишиларни боқаяпти. Уни ўлдиромайман, чунки ҳар бир киши унинг неъматларидаи баҳраманд бўлиб, тинчияпти ва унинг умрини иззат билан узайтиришимни мендан сўрайапти. Халқи нон берганлиги учун уни ҳалок қилолмайман.

Мусо сўрайди:

– Унда ваъданг устидан қачон чиқасан?

– Қачонки, халқа нон беришни тўхтатса, шундун ваъдамни бажараман. Халқа нон беришни камайтирса, билгилки, унинг ажали яқинлашацияпти.

Фиръави бир куни Ҳоманга деди:

– Мусо Бани Исроилни жамлаб, бизга ранж-у азоб бераётир. Ишнинг оқибатини билмаймиз, захираларни кўпайтириш керак, токи қийин ахволди қолмайлик. Ҳар кунги миқдордан оз-оз камайтириб, захира учун қолдириш лозим. Икки минг қўй, икки юз мол ва юз туяни камайтиради. Ҳар

Икки-уч кунда яна қолган миқдордан ҳам иқтисод қиласа бошлайдилар. Мусо алайҳиссалом билдики, Ҳоғи таолонинг ваъдаси яқинлашмоқда. Ортиқча тежимкорлик завол аломатидир. Ахбор ровийлари ийттарларки, Фиръавн чукиб ўлган куни унинг ошонасида иккита қўйни сўйишган экан, холос.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни меҳмондўстлиги ва ҳалқقا нон бериши учун ёқтирган. Хотамтойиниң сахийлиги ва меҳмондўстлиги учун худо азза ва ишлла унга дўзахта йўл бермаган. Шунинг учун дунё турганича унинг мардлиги ҳақида гапирадилар.

Ҳеч бир иш жўмардликдан ортиқ эмас. Ҳалқقا нон бериш эса мардликнинг энг олий фазилатидир. Шунр ҳам айтганки:

*Жавонмарди аз корҳо беҳтар аст,
Жавонмарди аз ҳуи пайгамбар аст,
Ду гети бувад бар жавонмард рост,
Жавонмард боши ду гети турост.*

Мазмуни:

*Жувонмардлик ҳамма ишдан яхшидир,
Жувонмардлик пайгамбарлар хулқидир.
Икки дунё ҳам мард-у сахиларники,
Мард бўл, икки олам бўлур сенини.*

Агарда бирор бой булса-ю, подшо уни ёқтиришни ва оламга машҳур қиласа, одамлар уни ҳурмат қилиб, Аллоҳ ҳоҳишини бажарувчи, деб қабул қиласа, айт: «Ҳар куни дастурини очиб қўй! Кимнинг оламда номи қолган булса, унинг саховатидан қолган. Нонкўр ва баҳил кинжаларни икки жаҳонда ҳам ёқтирганлар».

Ахборда шундай келтирилган: «Баҳил жаннатга тушмайди». Кофирлар ва аҳли исломга нон беришдан яхшироқ, ёқимлироқ хислат бўлмаган ва тушмайди ҳам.

ҮТТИЗ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ҚАДРЛАШГА ЛОЙИҚ ҚҰЛЛАР ВА ХИЗМАТКОРЛАР ҲАҚИДА

Хизматкорлардан бирори яхши ва манзур иш қылса, уни үз вактида сийлаб, ишининг натижасига яраша рағбатлантириш керак. Гуноҳ қылганида ҳам, зарур бўлса, гуноҳига яраша жазо берадилар. Шунда бандаларнинг хизматга рағбати зиёда бўлиб, гуноҳкорлар сафи ҳам кенгаймайди, ишлар эса яхши олиб борилади.

Ҳикоят

Хурдодбек айтадики: шоҳ Парвизнинг бир яқинидан жаҳди чиқади ва одамлар уни кўришини ман этади. Мутриб Борбаддан бошқа ҳеч бир киши унга яқинлашмасди. Борбад унга овқат ва ичимлик олиб бораради. Шоҳ Борбадга дейди:

– Кимки бизнинг зиндонимизда ётган бўлса, унги кўмаклашишдан қўрқишинг керак. Биз бирордан хафа бўлсак ва зиндонбанд қылсак, у ҳамма нарсадан маҳрум бўлмоғи шарт.

– Ўзингнинг унга қылган марҳаматинг менинг кўмакларимдан ҳам ортиқ-ку! – дейди Борбад.

– Мен нима марҳамат кўрсатган эканман?

– Унинг жонини асрраганинг мен юборган нарсалардан ҳам азиз.

– Омон бўл! Тўғри айтасан, – дейди шоҳ Парвиз.

– Мен унинг жонини сенга ҳадя этдим.

Сомонийларда шундай бир одат бўлган экан, бирор олдиларида яхши сўз ёки ёқимли ҳунар кўрсатсан ва бу уларга ёқиб қолса, шоҳлари: «Омон бўл!» – дер экан. Шунда хазиначи минг дирҳам олиб келиб, шу кишига берар экан. Хусравий шоҳлар, хусусан, Нӯширавони одил адл-у муруvvват ва ҳимматда бошқи подшоҳлардан юқори турган.

Ҳикоят

Бир куни Нұширавони одил ўз хослари билан овга боради. Бир қишлоқ чеккасида түқсонға кирған бир өлпін күриб қолади. Өлп ерга ёнғоқ экарди. Нұширавон бундан ажабланади, чунки бир ёнғоқ шиҳоли ҳосилга кириши учун йигирма йил керак бұларди. Қолдан сұрайди:

- Эй, өлп, ёнғоқ экаяпсанми?
- Ҳа, хұжайин, – дейди өлп.
- Ҳосилидан татиши учун қанча яшашиң керак?
- Башқалар экканини биз едик, биз экканимизни болықалар ейди.

Нұширавонға бу жавоб ёқиб қолиб, айтади:

- Омон бўл! Чолга минг динор бер, – деб хазинашыга буюради.

Чол дейди:

- Эй, худовандим, мендан бошқа ҳеч ким ёнғоқ-дип бунчалик тез мева емаган.
- Қандай қилиб? – сұрайди шоҳ.
- Агарда мен ёнғоқ экмаганимда, сиз бу ердан үтиб, мени суроқ қылмаганингизда, мен бечора жа-юб бермаганимда, бу минг динор қаердан келарди?

Нұширавон хитоб қиласы:

- Омон бўл ва яна омон бўл!

Хазиначи икки маротаба «Омон бўл!» сўзини шептиб, чолга икки минг динор беради.

Ҳикоят

Маъмун бир куни шикоятга келгандарни қабул қыларди. Бир ҳожатманән кишининг аризасини унга беридилар. Маъмун аризани бир дабирига топширилгін, дейди:

- Бу дарвеш ҳожатини чиқарғын, чунки бу дунё қарыкатдадир, танглик ва қашшоқлик ҳам бир ҳол-ли турмайды, бу олам эса ҳеч кимга вафо қылмаган.

Бугун яхшилик қилиш қулемиздан келади. Индип эса бирорга яхшилик қиласыз десак ҳам, ожизлигимиздан қилолмаймиз.

ҮТТИЗ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ИҚТОЬ, УЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ВА ХАЛҚ АҲВОЛИНИ АСРАШ ҲАҚИДА

Агарда бирор ноҳия ё вилоят тарқоқлигидан дарак келса ва бу ҳақда хабар берганлар бузғунчи ва тамагир кишилар бўлсалар, ҳеч кимга билдиримай ўша жойларга яқин кишини юборадилар. У нима мақсадда боришини сир тутиб, бир ой юриб, шаҳр-у вилоятлар обод ё хароблигини кўриб текширади. Одамлар омил ва маҳалла ҳокими ҳақида нима деғанларини эшитиб, ҳақиқатни билиб олади.

Амалдорлар: «Бизларга душманларимиз ёмонлик қиляптилар», – десалар ҳам ишонмаслик керак, бўлмаса ботирликлари ошиб, истаган ишларини қиладилар. Хабар берувчилар ва ишонарли кишилар ҳам аҳволни тўғри билмай, подшоҳ ва иқтоъ (мулк) соҳибларига насиҳат қилмайдилар, чунки улар гаразли кишилар бўлиб чиқишлиари мумкин. Шу сабабдан одам оғир аҳволга тушади, раият қашшоқ ва солиқлар ноҳақ тартибда олинадиган бўлади.

ҮТТИЗ ТҮҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОҲЛИК ИШЛАРИДА ШОШИЛМАСЛИК ҲАҚИДА

Бирор иш ё тадбир қилишда шошилмаслик керак. Шоҳ бирор хабар эшитса ё бирордан шубҳланса, секин буюриб, ҳақиқатни билиб, ёлғонни ростдан ажратиб олади. Шошилиш қодирларнинг эмас, заифларнинг иши.

Агарда бир-бирига душман бўлган икки киши шоҳ олдига келиб, ўзаро шикоят қилсалар, шоҳ кимнинг томонида бўлаётганини билдирамаслиги лозим. Чунки ҳақ бўлган киппи хавфсираб сўз айтолмаслиги мумкин. Ёлғончи эса ўтқирлашиб, ёлғонни кўнайтиради.

Ҳақ таоло Фурқон (Қуръон)да шундай деган, шарда бирор нарса айтса, ҳақиқатни маълум қўлмагунча ҳеч нима дейиш керак эмас, «Ё муслимин! Агарда бирор ёлғон хабарни сизга етказса, сизлар аввал билиб олинглар».

Ишларда шошилмаслик керак, негаки, кейинчалик пушаймон қилишнинг маъноси йўқ.

Ҳикоят

Ҳирот шаҳрида бир машхур донишманд чол борини. Бир вақтлар уни малик олдига олиб келганлар. Иттифоқо, раҳматли Султони шаҳиднинг Ҳиротга келиб, истиқомат қилишига тўғри келади. Султоннинг тоғаси Абдураҳмон ўша донишманд шароб ичиб, дейди:

— Бу чолнинг бир ҳужраси бор. Кеча-ю кундуз шу уйга кириб, намоз ўқиуди. Бугун мен шу хонага кирдим-у, шароб кўзаси ва кумушдан ясалган бутни шурдим. Кечалари шароб ичиб, бутга сажда қиласкан. Ўзи билан бир кўза май ва кумуш бутни ҳам шароб учун олиб келди. «Бу хабарни етказсам, Султон шуруда чолни ўлимга ҳукм қиласди», — деб ўйлаганди у.

Султон бир қулини чолни чақириб келишига йўллайди, бошқасини менга юбориб, донишмандин уйиннинг уйингга чақир, деб юборади. Мен чолни қўни пришим сабабини тушунмадим. Яна бир киши юлиб дейди: «Одам юборма ва ўша олимни даъват ғиматин». Эртаси Султондан сўрадим: «Ул пири

оламни бир чақириб, бир чақирмаслигингнинг боиси нима?»

— Абдураҳмоннинг тентаклигидан, — дейди у. Сунгра ушбу ҳикоятни айтиб беради.

Тоғаси Абдураҳмонга дейди:

— Сен бу сўзларни менга айтиб, шароб кўзаси ва кумуш бутни ҳам кўрсатдинг. Мен текширмасдан ҳукм чиқаролмайман. Айтгин, сен ёлғон гапирдингми ёки рост?

— Ёлғон.

— Эй, номард, нега ул пири оламга тухмат қилдинг ва унинг жонига қасд этдинг?

— Шул сабабданки, сен уни ўлдирганингдан кейин уйини менга ҳадя қиласдинг.

Буюк ва улуғ кишилар айтганларки, «ал-ажалату мина-ш-шайтони ва таани мина-р-раҳмони», яъни шошилиш шайтондан ва андиша худодандир. Қилмаган ишларни амалга ошириш мумкин, қилган ишларни эса, тузатиб бўлмайди. Бузургмешр айтган: «Шошилиш енгилтаклиkdir, кимки кўп шитоб қилса, ҳамиша пушаймон еб қайфурди, доим маломатда қолади, ҳар замонда тавба қилиб, кечирим сўрайди, гап эшигади». Амиралмуъминин Али алайҳиссалом деганлар: «Ҳамма ишда шошилмаслик яхшидир, илло хайр ишлардан ташқару, хайрли ишларга киши шошилса, шунча яхшидир».

ҚИРҚИНЧИ ФАСЛ

АМИРИ ҲАРРОС ВА КАЛТАКЧИЛАР ҲАҚИДА

Амири ҳаррос (зиндонлар ва маҳбуслар бошлиги) ҳамма замонда энг улуғ амалдорлардан ҳисобланиди, ҳатто катта ҳожибдан ҳам мартабаси улуғроқ эди. Бошқа бирор киши саройда маҳбуслар амиридан юқори ва шукуҳди бўлмаган. Сабаби шундаки, унинг иши жазо бериш билан боғлиқ. Ҳамма подшоҳ

иизаби ва уқубатидан күрқади-да. Агарда подшоҳ бирорга жаҳа қилса, маҳбуслар амирига буюриб, унинг бошини олар, кўл-оёғини кестирар, дорга осиб уриб зинданбанд этиб, чоҳга ташларди. Одамлар шиди мол-ҳол харж қилиб жонларини сақдашни ўйламасдилар. Амири ҳарросда ҳамиша ногора, байроқ шундай павбатчилар бўлган. Одамлар подшоҳдан кўра миҳбуслар амиридан кўпроқ кўрқардилар.

Бугунги кунларда бу амалнинг мартабаси тушиб кетган, унинг ривожи унутилган.

Саройда калтакчилардан камида эллик киши бўлиши лозим. Улардан йигирма киши тилла чўп билан, йигирма киши кумуш чўп билан ва ўн нафари катта калтаклар билан қуролланишлари маъқул. Миҳбуслар амири эса яхши таъминланган бўлиб, шундай катта эҳтиром ва ҳашаматга эга бўлиши лозим.

Ҳикоят

Халифа Маъмун бир куни ўз надимларига дейди:

— Менда иккита амири ҳаррос бор. Иккалаларининг ҳам иши эрталабдан кечгача бош, қўл-у оғидарни кесиб, одамларни уриб, зинданга солишдиш иборат. Одамлар эса ҳамиша бирини мақтаб, роши бўлиб, уни дуо қиласдилар. Иккинчисини эса рофид этиб, номини эшитишлари билан лаънатлаб, ҳамиша ундан шикоят қиласдилар. Билмадим, бунинг сабаби нимада экан? Бир киши бориб, унинг сабабини аниқлаши зарур, чунки иккалаларининг ҳам назифаси бир хил. Аммо одамлар бирини дуо қиласб, бошқасидан нафраланадилар.

Бир надим дейди:

— Агар менга халифам уч кун муҳлат берса, сабабини маълум қиласдим.

— Муҳлат бердим, – дейди халифа.

Надим ўз уйига келиб, бир шоиста хизматкорига иштади:

— Сен мен учун бир иш қиласан. Бутунги кунда Бағдод шаҳрида иккита маҳбуслар амири бор, бири қари чол, бири ўрга ёшли. Эртага тонг саҳарда туриб, чолнинг уйига борасан. Чол ҳужрасидан чиқиб, саройга келиб нима қилиши, гуноҳкорларни олиб келганда нима деб сўраши, қандай буйруқ бериб, жазолашини эшитиб, куриб, эслаб қайтасан ва менга маълум қиласан. Индин эса яна эрталаб саройга бориб, ёш амирни кузатиб, бошидан охиригача гапириш ва қилмишини кўриб келиб, яна менга маълум қиласан.

— Фармон бажарилади, — дейди хизматкор.

Эртаси хизматкор тонг саҳарда туриб, маҳбуслар амири саройига боради. Бир вақт фаррошлардан бири келиб, шам ёқиб, жойнамоз ташлаб, унинг чеккаларига Куръондан парчалар ва дуолар кўяди. Чол чиқиб, бир неча ракаат намоз ўқийди. Одамлар келиб бошлайдилар ва чолнинг ортида туриб биргаликди намоз ўқийдилар. Чол Куръонни кўтариб тилонит қиласди. Кейин у тасбеҳини олиб, тасбеҳ ва таҳлил ўқийди. Одамлар келиб, салом бериб ўтирадилар. Куёш ҳам чиқади. Чол сўрайди: «Бирор гуноҳкорни олиб келдингизларми?» Жавоб берадилар:

— Бир кишини ўлдирган ёш йигитни олиб келдик.

— Бирор гувоҳлик бераяптими?

— Йук. Ўзи гуноҳига иқрордир.

— Ло ҳавла ва ло куввата илло биллоҳил-улё плаазим (яъни «Буюк Аллоҳдан бошқа куч ва қудрат йўқ!») Олиб келинглар, бир кўрай.

Ёш йигитни олиб кирадилар. Кузи унга тушиб сўрайди.

— Шуми ўша?

— Ҳа, шу!

— Бу гуноҳкорга ўхшамайди, аслзода ва мусулмон билгани юзидан кўринади. Унинг қўлидан бу иш келмайди, менимча, ёлғон айтяпти. Ҳеч кимини сўзига ишонмайман. У бу ишни қилмаган. Унини сийрати шунга гувоҳлик беради.

Бу гапларни ёш йигит эшитиб турарди. Шунда бир киши дейди:

— Эй, амир, ўзи гуноҳига иқрор булаётиди-ку?

Унга қараб бақиради: «Жим бўл! Сендан ҳеч ким ғулрагани йўқ! Худодан қўрққин, шундай мусулмон килининг қонига беҳуда зомин бўлма! Бу ёш йигитнинг бундай ишни қилмасликка ёки ҳалокатига сибаб бўладиган сўзни айтмасликка ақли етади». Амир бу йигитнинг мункир бўлишини истарди, иммо у иқрор бўлиб, дейди:

— Аллоҳ таоло қазоватидан менинг қўлимдан шу иш содир бўлди. Бу оламдан яна бошқа олам бор. Мен нариги дунё азобини кўтаролмайман. Аллоҳ тиоло ҳукмини чиқар!

Маҳбуслар амири ўзини эшитмаганга олиб одамларга қараб: «У нима деяётганини эшитмаяпман, иқрор бўлаяптими ёки йўқми?» – дейди. Одамлар: «У иқрор бўлаяпти», – деб жавоб берадилар.

— Эй, ўғлим, сен ҳеч ҳам гуноҳкорларга ўхшамайсан, душманларингдан бирор сени мажбур қилган. У шундай айтириб, сенинг ўлимингни хоҳдаётгандир? Яхшилаб ўйла!

— Эй, амир, ҳеч ким мени бу ишга мажбур қилмани. Мен гуноҳкорман. Менга Аллоҳ ҳукмини чиқарини, – жавоб қиласди йигит.

Амир биладики, йигит ўз сўзидан қайтмайди ва уни даъват қилишдан фойда йўқ. У ўлимга ҳам рози оғулгани. Ёш йигитга дейди:

— Шундай дегин?

— Шундай!

— Унда сени худо ҳукмига ҳавола этайми?

— Ҳукм чиқар, – дейди йигит.

Амир одамларга мурожаат қилиб, айтади:

Худодан қўрқадиган, уқубатни ўйлайдиган мусулмон бандаси шу йигитга ўхшashi керак. Некемстагиги, мусулмонлиги, аслзодалиги унинг юзидан оғулнинг ёруғидек кўриниб турибди. Аллоҳ азза ва

жалла ғазабидан құрқиб, гуноҳига иқрордир. У жаннат ҳұрлари ва абадийликдан фақат бир қадам узоқдикда. Некбаҳт ва жаннатий кишилар шундай бұладилар. Шундан сұнг йигитта дейди:

— Бориб ғұсл қилиб келгин, икки ракаат намоз үқи. Аллоҳ таолодан ўз құлмишларингта тавба сұрагин, истиғфор дегин. Сенга худо ҳұмкіні чиқараман.

Ёш йигит бориб ғұсл қилиб қайтиб, жойнамоз ташлаб, икки ракаат намоз үқиб, тавба қилиб, яқиң келади. Амир дейди:

— Энди билдім, бу ёш йигит Мустафо ҳазратларини күрмоқчи, шаҳидлар Ҳамза, Ҳасан-у Ҳусайн ва бошқалар билан бирлашмоқчи. Шу гаплар билан у барно йигиттә үлемни шириң қилиб күрсатади. Йигитни илиқ сўзлар билан ечинтирадилар, кўзларини боғлаб, шундай сўзларни айтадилар. Жаллод келиб, билдирмай йигитнинг бошида туриди. Амир жаллодга секин ишорат қиласы. Жаллод бир зарбда йигит бошини олиб ташлайди.

Шу куни у яна бир неча гуноҳкорларни зинданнан юбориб, тафтиш қилишларини буюради. Сүнгроп туриб, ўз ҳужрасига кириб кетади.

Хизматкор надим олдига қайтиб келиб, ҳамма кўрган ва эшитганларини баён қилиб беради. Эртаси куни яна туриб, иккінчи амирнинг уйини бориб, кириб ўтиради. Одамлар ва ёрдамчилари кела бошлайдилар. Саройга одамлар тұлади. Күнни кутарилиб, кун ярим булғанда амир уйидан чиқады ва қабулинине бошлайди. Қош-қовоғи осилган. Кўзларни хумор, гүё кечаси ухламагандек. Ёрдамчилари унинг олдидә турардилар. У саломларга «алиқ» ол масди ва бу одамлардан хафа бўлғандай эди. Бир вақт сўрайди: «Бирорни олиб келдиларингми?»

— Бир ёш беақд йигитни кеча маст ҳолда туттиң олдик, — дейдилар.

— Олиб келинглар!

Йигитни унинг олдига бошлаб келадилар. Унинг кўзи барнога тушиб: «Шу болами?» – деб сўрайди.

– Ҳа, – деб жавоб беришади.

– Мен буни кўпдан бери қидирман. Бу – фасодчи, зиёнкор, уришқоқ, имонсиз, фитначидир. Бунгақаси Бағдод шаҳрида битта. Бунинг фақат боини олиш керак. Унинг кечак-ю кундуз мусулмон болаларини зўрлаш ва шарманда қилишдан бошқа шини йўқ. Унинг дастидан ҳар қуни ўнлаб одамлар менга шикоят қиладилар. Анчадан буён бу болани қидираётган эдим, – дейди амир.

Шундай сўзларни эшишиб, йигит ўлимига ҳам рои бўлиб, бундай зулмдан қутулиб кетмоқчи бўлади. Амир буйруқ бериб, унга қирқ қамчи урдиради. Кейин йигитни зинданга олиб бормоқчи бўлишганида амир олдига элликка яқин маъруф ва буюк кинжалар кириб, йигитнинг айбизлиги, мастур, имополи ва сийрати яхшилиги ҳақида гувоҳлик берадилар, уни кечириб, кўйиб юборишларини илтимос қиладилар. Амир шунча сўзларга аҳамият бермай, мўйсафидлар ҳурматини бажо келтирмай, болани шиндионбанд қиласи. Оқсоқоллар хафа бўлиб, унга личнатлар айтиб қайтишади. Шундан кейин амир турниб, ҳужрасига кириб кетади.

Подимнинг хизматкори қайтиб келиб, кўрган ва шинтганларини бир-бир айтиб беради. Учинчи куни подим Мазмун халифа олдига бориб, иккала амири кифрос қилмишларини эшишганнича ҳикоя қиласи.

Мазмун ажабланиб, дейди:

– Бу чолга аффааллоҳ ва ўша итга лаънатлар бўлсинки, шундай озодамардга ҳурматсизлик қилибди, шарда ўлимга маҳкум бўлган қиши қўлига тушса, шими қиласи эди?

Мазмун халифа иккинчи амирни вазифасидан бўшишишга, ўша ёш йигитни зиндандан озод этишга буйруқ беради. Маҳбуслар амирилиги шу мўйсафидга қомилига унга шоҳ ҳадя қилган янги тунни кийгизадилар.

**ПОДШОҲНИНГ ҲАЛҚА ҚИЛАДИГАН
САДАҚАЛАРИ ВА ҲАР ИШДА ТАРТИБ-ҶОИДА
БЎЛИШИ ҲАҚИДА**

Ҳар замонда ёмон ҳодисалардан ё мамлакатга ёмон кўз текканидан давлатлар ўзгариб, тож-у тахт бир сулоладан бошқасига ўтиб, фитна ва қузғолонлар, тинчсизлик бўлиб, ҳар хил уруш ва қирғинлар юз беради. Шундай оғир ва фитнали даврда солиҳ кишилар четда қолиб, фасодчилар ҳокимиятга эта бўлиб оладилар. Ҳар ким бир амални эгаллаб, хоҳланган ишини қиласди. Аҳли хайрнинг ишлари заиф, аҳли шарнинг ишлари ривож топади. Энг паст одам амирлик мансабини олиб, энг жоҳил киши эса амалдор бўлиб қолади, асл ва фозиллар маҳрумликда қоладилар. Ҳар бир паст киши қўрқмай, ўзига подшоҳлик ва вазирлик номини беради. Бирор ўз номига ун таъриф қўшса ҳам ҳеч ким сўрамайди.

Кимлардир ўзларига хожалар номини, хожалар эса ўзларига амирлик номини оладилар. Ҳар кас олимликка даъво қилиб, подшоҳлик қилмоқчи бўлади. Шариат ишлари заифлашади, лашкардагиларнинг қўли чузилиб, ҳалқ бетамиз бўлади. Ҳеч ким буларга чора тополмайди. Мамлакатда тартиб-ҷоида йўқолади. Подшоҳ эса жанг ва юришлар билан банд бўлиб, бу ишлар орқасидан тушмайди, иложини қидирмайди, бу ҳақда ўйламайди.

Агар хушбахтликдан бу кунлар ўтиб кетса, роҳат ва омонлик вақти бошланса, Аллоҳ таоло одил ва оқил, шоҳ наслидан бир шаҳзодани пайдо қиласди. Ҳамма душманлар ундан қўрқадилар. Аллоҳ унга шундай ақл ва билим берадики, ҳар қандай қийинчиликнинг иложини қиласди. Бирор келиб, подшоҳлик урф-одатини сўраса, китоблардан ўқиб билади, мулкининг бутун тартиб-ҷоидаларини жой-жойига

қўйиб, ўзидан розиларни атрофига йигиб, норози-
ларнинг қўлини қисқартиради ва ҳар бирини ўз
ишини бажаришга жунатади. Неъматларига куфр
кеалирувчиларни таг-тубидан йўқотади. У динга
дўст бўлади, динга ривож беради, Аллоҳ ижозати
иша бидъат аҳдини йўқ қиласди ва тавфиқли бўлади.

Энди шу маънода олам худованди ва султони, Ал-
лоҳ унинг давлатини узайтирсин, хоҳлаган пайтида
шунга қараб фармонлар беришини хотирлаймиз.
Ҳамма замонда подшоҳлар риоя қилиб келган одат-
лардан бири шуки, улар қадим ург-авлодларини
оҳтиёт қилиб, болаларини асраб, авайлаб маҳрумлик
ва ожизликка йўл бермаганлар. Ўз давлат ва бой-
ликларидан уларга яраша насибалар улашганлар.
Шунда уларнинг хонадонлари сақланиб қолган. Бай-
тулмолдан (хазинадан) мустаҳқ тоифасига олимлар,
рутбали аслзодалар, маҳфий ишдагилар, ғозийлар,
аҳли Қуръондагилар насибалари ва нафақаларини
оладилар. Шундай подшоҳлар замони ва давлатида
ҳеч бир киши ўз ризқидан бенасиб қолмаган.

Ҳикоят

Бир гуруҳ мустаҳқлар (хазинадан нафақа олув-
чилар) Ҳорун ар-Рашид олдига кириб, шундай арз
қилган эканлар: «Биз худо бандалари ва улуғлар фар-
зандларимиз, баъзиларимиз Қуръон аҳли ва олимлар,
баъзиларимиз шараф соҳибларимиз. Оталаримиз бу
давлатда хизматлар қилган, бизлар кўп ранж чеккан-
миз. Ҳаммамиз мусулмон ва диёнатлимиз. Байтул-
молда бизнинг ҳақ ва насибамиз бор. Байтулмол эса
подшоҳ бўлганилигинг учун сенинг қўлингда. Агарда
у мўминлар моли бўлса, бизга бер, чунки у бизнинг
ҳақимиз ва маошимиздир. Подшоҳ ва хазина ҳофизи
бўлганинг учун Байтулмолдан бир қисми сенга тегади.
Ажабланарли жойи шундаки, сен хазина бойлигини
ўзингники деб биласан ва ўз хоҳишингта кўра уни

харж қиласан, бизлар эса бир бурда нонга зормиз. Насибамизни бер, бўлмаса Аллоҳ таоло даргоҳига мурожаат қиласиз, токи байтулмол (ва шоҳдик)ни кўлингдан олиб, мусулмонларга, шафқатли, раҳмдил кишига берсин. Шоҳ бойлик ва тиллони мусулмонлар учун сақлади, одамларни зар учун эмас».

Ҳорун ар-Рашид аризани ўқиб, хафа бўлади, аммо индамайди. Қабул маросимидан сўнг ўз қасрига келиб ҳам шуни ўйлаб юради. Уни бу аҳволда кўрган хотини Зубайдада:

– Амиримга на бўлди? – деб сўрайди.

– Шундай мазмунда ариза ёзганлар, – деб уни хотинига кўрсатади. – Агарда Тангри номи билан мени кўрқитмаганларида, уларга жазо берардим.

Зубайдада шундай дейди:

– Уларга жазо бермай яхши қилгансан, халифалик сенга отангдан қандай мерос қолган бўлса, уларнинг сийрати, ишлари ҳам, раияти ҳам мерос қолган. Сендан олдинги халифалар худо халқига нима қилган бўлсалар, сен ҳам шуни қилгин, чунки подшоҳдик адолат ва саховат билан яхшидир. Байтулмолдаги мавжуд бойлик мусулмонларники бўлганига шак-шубҳа йўқ. Сен эса ундан кўп харж қиласан. Одамлар бойлигингга қандай муносабат қилимоқчи бўлсалар, шунга кунгин! Агарда сендан хафа бўлсалар, уларни маъзур тут!

Шу кечаси иккалалари шундай туш курадилар: қиёмат қўпиб, ҳамма ҳалқ ҳисоб-китоб жойиги ҳозир бўлиди. Ҳар бир киши Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам олдига келиши билан шарофатги соҳиб бўлиб, жаннат томонга кетарди. Бир фаришта Ҳорун ар-Рашид ва хотинининг қулидати ушлабди. Уларнинг сўроғига фаришталар шундай жавоб беришибди:

– Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам икковичизни олдимга қўйманглар, деб буюрди, чунки мен уялиб, уларнинг ҳимоялари учун ҳеч нима айтол-

мийман. Улар менинг ўрнимни олиб, мусулмонлар көлларини ўзлаштириб, мустаҳиқдарни маҳрум қылышлар, деб юборди.

Икковлари тушларидан уйғониб, қайгуга ботишди. Ҳорун ар-Рашид Зубайдага дейди:

Сенга нима бўлди?

Мен шундай туш кўрдим.

Мен ҳам шундай туш кўрдим, – дейди халифа Ҳорун ар-Рашид. Иккалалари қиёматни эмас, туш кўриб кўрқанларига шукур қилишади.

Оргаси куни хазина эшиги очик, «Мустаҳиқлар саройга келиб, байтулмолдан нафакаларини олиш аниқ керак, ҳар бирининг ҳожатларини чиқарурни», – деб жар солдиради.

Одимлар саройга келадилар. Ҳорун ар-Рашид чекиз саҳоват кўрсатиб, уч маротаба минглаб динорни халқقا улашади.

Зубайда дейди:

Байтулмол сенинг кўлингда. Қиёматда унинг жиёбини мендан эмас, сендан сурайдилар. Энди бўйишиларнинг ҳожатини чиқардинг, мусулмонларга шими берган бўлсанг, ўзларини эди. Ҳозир мен худо оғзи на жалла учун ҳамда қиёматда кечириладиган бўйиним учун ўз молимдан харж қиласман. Бу дунёни гаре этишимни ҳам, бу ёқимли бойликларни ташлаб ютишимни ҳам биламан. Қиёмат гўшаси учун бирор ишин ишни бажариб кетиш лозим. Бир неча минг либор, кумуш, гавҳарлар, жомлар ва ҳар хил қимматбиҳо нарсаларни ўз хазинасидан олиб дейди:

Бунинг ҳаммасини хайрли ишлар учун харж қиласилар, токи қиёматгача дуойи хайр мунқатиъ бўйлосин...

Унинг фармони билан Куфадан Макка ва Мадинанинг Кудуклар қазиб, уларнинг тагини тошдан таскинишишган гишталар билан мустаҳкамлайдилар, ғонгайр йўлда қийналмасинлар деб ҳовузлар ҳам қоптайдилар. Ҳар йили минглаб ҳожилар сувсизлик-

дан ўларканлар. Шунинг учун бу қудуқлар ва сунъий ҳовузларни қазиидилар.

Зубайданинг бойлигидан ортиб қолади. У чегараларда қалъалар қурдиради, ғозийлар учун қурол-аслаха, отлар, кўп ер-у мулк сотиб олиб, қалъаларга вақф қилади. Бу вақф зарур бўлган вақтда минглаб ғозийларни нон билан ва уларнинг отларини ем-хашак билан таъминларди. Қолганига Қошғар ва Балур чегарасида бир шаҳар қуриб, атрофини баланд девор билан ўраб, номини Бадахшон қўяди, у ҳали ҳам мавжуд. Яна бир қалъани Жосп қаршиисига қурдиради, номи Жилон, ҳали ҳам ободдир. Унинг лашкари, қўрхонаси ҳам қолган. Исфижобда бир неча работлар ва Ҳусан шаҳрини қурадилар. У шундай обод бўлиб жойида турибди. Хоразмга киришда ҳам бир қалъя қурилган, номи Афрофа. Дарбандда ва Искандарияда ҳисор ҳам қурадилар. Ҳар бири бир шаҳарга ўхшайди.

Бойликдан яна ортиб қолади. Зубайда уни Макка ва Мадина ўртасида яшайдиган мискин ва бечора одамларга бўлиб бериб, қолганини Байт ул-муқаддасга олиб боришлиарни буюради.

Ҳикоят

Зайд бини Аслам сўзлаган экан:

Бир кеча Умар бини ал-Хаттобга ҳамроҳлик қилдим. Мадинадан чиқиб кетдик. Саҳрода бир безатилган иморатни учратдик. Унинг бир жойидоп ёруғлик кўринарди. Умар мурожаат қиади:

– Юр, бориб кўрайлик, ярим тунда ким олон ёндириб ўтирган экан? У ерга яқинлашганимизди бир кампирни кўрдик. У қозон тагига олов ёқарди. Иккита гўдак унинг ёнида ухлаб ётарди.

Кампир:

– Аллоҳ таоло менинг додимни Умардан олгин, у тўқ юради-ю, биз эса очмиз, – дер эди.

Умар бу сўзларни эшитиб, жаҳл билан деди:

— Бу аёл бизни худога топшираяпти. Шу ерда тургунт, мен бу шум кампир олдига бориб, ҳолини ўриб келайин.

Умар кампир олдига келиб, сўради:

Сиҳрода кечаси нима пишираяпсан?

Шунда кампир жавоб берди:

— Мен бир дарвеш аёлман. Мадинада уй-жойим пор. Ҳеч нарсага кучим етмайди. Бу иккита болаларни оталигидан хижолатдаман. Улар йиглаб бақирлигиридан ейишга бирор нарса топиб беролмай, сокрога чиқиб келдим. Энди қўшниларим болаларни Ўнгисини эшитмайдилар. Болалар йиглаб нон шашном сўраганларида мен қозонни оловга қўйиб: «Сизлар ухланглар, бу овқат уйкудан турганингиздан кейин тайёр бўлади», – деб уларни алдайман. Болалар шу умид билан ухлаб қоладилар. Турганларниди кейин бирор нарса топиб беролмайман, шашном тиз тутмаганмиз. Қозонда эса сувдан бошқа ҳеч шимми йўқ. Умарнинг раҳми келиб, деди:

— Ҳуо қилиб, Тангрига мурожаат этишингта артиди.

Аға уши танимади. Умар айтди:

— Сен сабр қилиб тургин, мен тез келаман. Умар бу аға олдидан қайтиб келиб:

Кетдик, – деди.

Унг келдик. Мен эшик олдида турдим. Бирор сийтиди сўнг елкасига қоплар кўтариб олган Умар чиқиб келди. Кампир олдига қайта бормоқчи бўлди. Умарга дедим:

— Ўамир! Агарда боришдан бошқа чора булмаса, бу қопларни мен кўтарай!

Агар бу юкларни сен олсанг, Умарнинг гуноҳлашими ким кўтаради?

У кампирнинг олдига шу қопларни кўтариб борди. Қопларда ун, гуруч, нўхот, думба ёғи бор эди. У менга деди:

– Зайд, сен далага чиқиб, ўтин йигиб келгин!

Мен ўтин теришга кетдим. Умар бир идишни олиб келиб, гуруч ва нўхотни ювиб, қозонга солиб озгина думба ёғ қўшди. Ундан эса бир кумоч қилди. Умар мен териб келган ўтингда ўзи таом тайёрлаб, оловда кумочни пишириб олди. Совиганидан сўнг кампирга болаларини уйғотишни буюриб, олдирига овқат қўйди. Ўзи намоз ўқиши учун четроққа борди. Бир соатдан кейин кампир болалари билан овқатдан тўйиб, ўйин-кулги бошладилар. Умар ўрнидан туриб, деди:

– Эй, аёл, сен болаларингни, мен қопларни, Зайд бўлса сенинг идиш-товоқларингни олсин. Сени ўйингга элтайлик.

Шундай ҳам қилдилар. Аёл болалари билан уйити кираётган вақтида Умар қопларни ерга қўйиб қайтмоқчи булиб, аёлга деди:

– Одамгарчилик қил, Умарни Аллоҳ номи билан бошқа қарғама. Умар Аллоҳ таоло азобига тоқат қилолмайди. Умарнинг ҳар бир киши ҳолидан хабари йўқ. Мана бу олиб келганларимни егин, тугаси, менга хабар қил!

Ҳикоят

Шу маънода нақл қиладиларки, Мусо алайҳиссоном чўпон булиб, ҳали ваҳий келмаган пайтлардо қўй боқиб юраркан. Бир куни бир қўзичоқ сурундан ажралиб қолади. Мусо уни сурувга кўшмоқчи бўлади. Қузичоқ кўрқиб, саҳрова қолиб, қўйлардан анча узоклашади. Мусо алайҳиссалом унинг орқасидан кувиб, икки фарсанг юриб, тутиб олади. Раҳми келиб, дейди: «Эй, бечора, нега қочасан ва кимдан кўрқасан?»

Уни күтариб келади. Құзичоқ сурувни күриб, бөліп ор була бошлайды. Унинг юраги дукіллаб урапы. Мусо уни елкасидан тушириб, сурувга құшади.

Аллоқ таоло ўз фаришталарига дейди:

Қаранглар, менинг бандам бу тилсиз құзичоққа қашидай фазилат күрсатди? Шунча құзичоқдан ранж тоғынчы бұлса ҳам, озор бермай, менинг иззатим учун уни кечирди, шунинг учун мен унга мартаба бериб, шимга Калим қыламан ва у пайғамбарим булади, уни Китоб нозил қыламан. Уни одамлар дунә турғыш өслайдилар.

Шунинг учун Аллоқ унга кароматлар күрсатган.

Хикоят

Марвруд шаҳрида Раис ҳожи номли киши борды. У кучли бир раис, дабдабали бой эди. Хуроматтың үндән бадавлатроқ одам йүқ булиб, у Султон Мұхмуд ва Масъудга хизмат қыларди. Вақтида биз уни құрганмиз.

Линнлари үндән одамларга күп ранж-у азоблар өтті, у күп хонадонларни нобуд қылған. Үндән шифіктесизроқ кишини ҳеч ким күрмаганды. Үмри шипшы охирида ақли кириб, раҳм-шафқат қилишга үтди, хайрия ишларига, камбағалларни сийлашға иш иморат-у работлар қуришга киришди, күп бандыларғын озод қилиб, мусулмонлар ва етимларға ғарпто берди, ҳожилар ва намозхонларға нафақа тағиплади. Марв шаҳрида жоме масжиди қурдирди. Башқа шаҳарларда, масалан, Нишопурда ҳам мисжидлар бунёд эттириди. Жуда күп хайр-садақа қылған, раҳматли амир Жуғро даврида ҳажга ҳам төрді. У Бағдодға келганида, қарийб беш ой шу тәріл туриб қолишиға түгри келди.

У бир куни бозорға бормоқчи бўлиб уйидан чиқиб, шуда катта бир итни учратди. Яра-чақа касалига шапшылан ит жониворнинг фақат териси қолған эди.

Раис уни шу ақвонда күриб, раҳми келиб: «Бу ҳам Аллоҳ яраттан бир махлук», деб үйлаб, хизматкорига: «Бориб, икки ман нон ва бир арқон олиб кел», – деб буюрди. Ўзи эса хизматкорининг қайтишини кутуб турди. Ўз кўли билан нонни майдалаб итга бериб, кейин арқонга бойлаб, арқонни надимига тутиб, деди:

– Бу итни уйга олиб кет!

Ўзи бозордан қайтиб келиб, уйига кириб, сотиб олган уч ман думба ёғини доғлаб итнинг касал жойларига суртди. Кейин хизматкорига шундай деди:

– Сен мендан афзалроқ эмассан. Мен бу ишларимдан уялиб, ор қилмайман. Сен ҳам менини ишимни қиласан. Бир мих қоқиб, итни боғлайсан ва ҳар куни эрталаб ва кечқурун бир мендан нон бериб икки марта ёғни баданига суртасан. Дастанхондан қолган қолдиқдарини ҳам бериб тургин.

Хизматкор хўжайнинг буйругини бажо келтирди. Икки ҳафта ичида ит тузалиб, шундай куч тўпладики, юзта одам ҳам уни ҳовлидан чиқаролмас эди.

Раис ҳожи карвон билан ҳажга кетди. Йулда кўн молини сарф қилди. Кейин Марвга қайтиб келиб, бир неча йилдан сўнг вафот қилди.

Анча вақт ўтгандан сўнг бир зоҳид киши уни тушида кўрди, у жуда ҳам баҳтли экан. Зоҳид ундан сўради:

– Эй, фалончи, сен авваллари жуда ҳам золим эдинг, одамларга озор берардинг. Кейинроқ ҳушер булиб, қанча садақа, хайрия ишлар қилиб, ҳажит бординг. Қайси ишларинг Аллоҳга мақбул бўлди?

Раис деди:

– Мен Аллоҳ азза ва жалла ишларига ҳайрон ман. Сен ҳам мендан ибрат олгин. Тоатларим эмас, кибр-у ғуурурдан тушиб, шу бир итни дано қилганим учун Аллоҳ дўзахни ҳаром қилиб, менин жаннатта юборди. Раҳмат фаришталари азоб фаришталарининг қўлларидан озод қилиб, жаннатни олиб бордилар.

Мен бу ҳикояни шунинг учун ҳам айтдимки, олар султони, Аллоҳ унинг давлатини кўпайтирсин, биссинки, хайр-эъсон қанчалик яхши ва мақбул парсайдир. Бир раис итга маржамат қурсатиб, икки пунгда ҳам мартаба топди. Агарда киши бир бечора мусулмонга садақа қиласа, Аллоҳ таоло мартабасини улуг қиласди. Чунки мусулмон ҳурмати Аллоҳ олдида сену осмондан ҳам азимдир. Агар подшоҳ худони кўркувчи, оқибатли бўлса, ҳамма ҳолатда ҳам оғиллигини сақлаб, доимо саховатли ва меҳрибон бўлди. Подшоҳ шундай бўлса, лашкари, халқи ҳам шундай хислат ва фазилатларини эгаллади. Шунда Аллоҳ бандалари тинч булиб, подшоҳнинг шухрати оламига тарқалади.

Фасл

Ундоқ ва жушёр подшоҳларда шундай одат боради, улар оқсоқол ва жаҳон қурган кишиларни дурмийт қиларканлар. Ишбилармон ва тажрибали оғомларни эҳтиётлаб, ҳар бирига мартаба ва мансаб бўйирикканлар. Зарур бўлган ҳолатда мамлакат ишилар, подшоҳлик аҳволи, дин ҳоли ҳақида улар билан кимлихат қилиб, тўғри тартиб-тадбир билан иш тутар шундагина муродларига етарканлар.

Анорда жанг қилиш керак бўлиб қолса, кўп трусларни кўриб, голиб чиқсан ва қалъаларни олди, номи жаҳонда машҳур бўлган кишиларни бўйирикканлар. Ишларида бирор хатолик бўлмасин ёб уларга дунё қурган тажрибали мўйсафидларни бўйирикканлар. Бирор муҳим иш чиқиб қолса, тажрибисиз, ёш кишилар номзод қилинса, хатолар бўйириб кетади. Бу муҳим ишларда эҳтиётлик зарурдир. Бунинг савоби ҳам шунда бўлиб, уларнинг оламирида хатар ҳам қолмайди.

Унвонлар ҳақида фасл

Унвонлар ҳам бугунги кунда купайиб кетди, ниммә күп бўлса, унинг қадр-қиммати пасаяди. Ҳамми подшоҳлар ва халифалар унвонлар танлашда эҳтиёт бўлганлар. Ҳар бир кишининг унвони ва мартабасини сақдаши мамлакатнинг ор-номусидандир. Агар бир бозорчи ё деҳқон кишининг унвони бирор амалдор унвони билан бир хил бўлса, шариф-у вазиъ, доно-ю жоҳил ўргаларида, олимлик ва имомлик унвонига ўхшаб ҳеч фарқ қолмайди. Чунончи, Муин уд-дин (диннинг ёрдамчиси) деган олим ва фозил кишининг бир шогирди бор эди. Унинг унвони ҳам Муин уд-дин эди, аммо у илмда, ҳатто ёзишни ўқишида ҳам жуда ожиз эди. Икки кишининг унвони бир хил бўлса, олим ва жоҳил ўртасида фарқ қолмайди. Мамлакатда қози ва хизматкор унвонининг бир хиллиги раво эмасдир. Амирлар ва улуғ кишиларнинг унвонлари Ҳисом уд-дин (диннинг қиличи), Сайф уд-давла (давлатнинг қиличи), Амин уд-давла (давлатнинг амини), Шамс уд-давла (давлатнинг куёши) ва шунга ўхшаган бўлган экан. Ҳужаларни амидлар, мутасарифларнинг эса Амид уд-давла (давлатнинг бошлиги), Амин уд-давла (давлатнинг посбони), Низом ул-мулк (мулкнинг низоми), Камол ул-мулк (мулкнинг камоли-ривожи) ва шунга ўхшаганлари бўлган.

Энди эса бу қоидалар унутилиб, турклар ҳўжалари унвони, ҳўжалар эса турклар унвони номларига қўшилишини айб деб билмайдилар ҳам. Ваҳоланки, унвон ҳамиша азиз бўлган.

Ҳикоят

Султон Маҳмуд салтанатга ўтирганида амирлар мўъминин ал-Қодир биллоҳидан унвон сўрайди.

Унга Ямин уд-давла (давлатнинг бахти) унвонини берадилар. У Нимрӯз, Хурросонни, Ҳиндистонда эса иштимоий вилоятларни олиб, Суманотга бориб, Манотни ташиб этиб келади. Самарқандни қўлга киритиб, Ҳоризм йўлини очади, Қўҳистон ва Ироқча келади. Райт, Исфаҳон, Ҳиндистонни босиб, Табаристонни ўтило итоатига бўйсундирганида амиралмўъмининг язашини кўп ҳадялари билан юбориб, унвонлари мартабасини кутаришни сўраб дейди: «Менга Ҳиндистон, Хурросон, Ироқ, Табаристон **таслим** бўлди. Монароунаҳрни олганман, сенинг номинг остида юлиг қиласман. Самарқанд хоқонига уч унвон берганинип. Булар: Заҳир уд-давла (давлат мададкори), Мунису ҳалифатуллоҳи (Оллоҳ ўринбосарининг ёршишиси), ва Малик уш-шарқ ва-с-син (Шарқ ва йиғи малики). Ҳозир хоқон менга тобедир. Унга учта унвон берганлар, менга бўлса битта, холос».

Шунчак ҳадялар билан Маҳмудга жавоб келади: «Унинг марднинг шарафини кўтаради, мартабаси ошиб, шу унвон билан одамлар орасида таниқли бўлди. Сен ўзинг шарафли ва таниқли кишисан, ёниги бир унвон ҳам етади. Хоқон эса саводсиз, ёниги бир зотдир. Шунинг учун илатимосини баъзириди. Билиб қўйки, одамга ота-она ном беради, ўтило купия олади, подшоҳлар эса унвон ва лақаб берадилар. Шу исккала исмлардан ортиғи кибр ва турур шишонасицир. Ҳеч бир хирадманд киши ўзининг шармандалигини хоҳдамайди. Одам ёш бўлса, ўтило шомини оладилар, аммо катта булиб, яхши-шомининг фарқига борса, ўзини билиб қолганда ўтило олади, чунки «ал-куня майлани» (яъни куния ўтило майлимдир). Одамлар ҳам унинг ҳурмати ўтило куния билан чақириб, эҳтиром қиласадилар. Муъл жа миллат ундан шойиста хизматлар кўрса, юдишоҳ уни хизматига яраша шарафлаб, унвон бериди ва бошқалардан ажратиб, фазилатини кўр-

сатади. Подшоҳ ва халифа берган унвон ота-опп қўйган номдан ҳам, ўзи танлаган куниядан ҳам яхшироқдир. Одамлар кишининг юксалиши учун уни подшоҳ берган унвон билан чақирадилар. Шу учта номдан ортган унвон беҳудадир.

Сен ҳар хил илмлардан хабардорсан, сенга эътиқодимиз зиёдадир. Биздан сўралган сўз ҳалқ ўртасида тарқалиб кетади, китобларда ёзилади. Сен бўлса, саводсиз киши қиласиган ишни қилаяпсан.

Маҳмуд бундай жавобни эшитиб, хафа бўлади.

Маҳмуднинг уйида бир турк хотин бор эди. У ўқимишли, саводхон, шириңсухан булиб, ҳамиши Маҳмуднинг ҳарамига кириб чиқиб юрас, у билан суҳбатлашиб, ҳазиллашиб, хушнуд қиласарди, китоблардан қиссалар ўқиб берарди. У жуда жасур аёл эди. Бир куни Маҳмуд билан гурунглашиб ўтирганида Маҳмуд деди:

– Халифа унвонимни улуғлаши учун шунча ҳиракат қилдим, фойдаси бўлмади. Менга муте шебобе бўлган хоқоннинг бир неча унвони бор. Менинг шундай бир киши керакки, халифанинг хоқони юборган аҳдномасини хазинасидан ўғирлаб қўлчи киритсин. Шундай одамга хоҳдаган нарсасини берардим. Бу аёл дейди:

– Мен бориб, уша номани қўлга киритиб келиман. Лекин хоҳдаган нарсаларимни дариг тутмий берасан.

– Розиман, – дейди у.

– Менда харж-у ҳаракат қилиб, хожам муродини ҳосил қилишга етарли бойлик йўқ. Султоним хазинадан кўмаклашса, мен кучимни сарфлаб, бу ишни бажараман.

– Мен розиман, – деди Маҳмуд.

Маҳмуд хазинасидан аёл айтганича бойлик, киим-у мол, матолар, қимматбаҳо нарсалар беради. Аёлнинг ўн тўртга кирган бир ўғли бор эди. Уни илм

иң адаб ўрганиш учун ўқитувчига берганди. Шу үйлини үзига йўлдош қилиб, Фазниндан Қошгарга боради. Хитой ва Хутан вилоятида қимматли нарсалар, мушк, ҳарир мато, тарғу ва канизак турк қулларидан сотиб олади. Савдогарлар билан бирга Ўзингда, у ердан Самарқандга кириб боради. Уч кун турганидан кейин хоқоннинг хотинига саломга келди. Бир гўзал канизакни Ҳинд, Хутан ва Хитойнинг чиройли нарсалари билан хотинга тортиқ қилиб, дейди:

— Менинг бир савдогар эрим бор эди. Мени ўзи олиб, жаҳонни кезарди. Хитойга бормоқчи бўлиб, Хутанга етиб келиб, вафот қилди. Мен қайтиб Қошгарга келдим. Ҳадялар олиб, Қошгар хони душурига бориб, дедим:

Эрим хоқон хизматкорларидан эди. Мен хоқон хотинининг канизакларидан эдим. Мени озод қилиб, ўша савдогарга эрга бергандилар. Ўзлим ҳам шу кишидан. Энди эрим Хутанда вафот қилди. Гу қолган бойлиг-у нарсалар хоқон хотини сармоқсандандир. Сенинг улуғлигинг ва адолатингга умид қиласман, бир турк фарзанди бошига иноят қўлларингни чўзиб, бизни эсон-омон Ўзганд ва Самарқандга кузатгин, биз шукур қилиб, ўлгунимизча дуо қиласмиз.

Лёл хотин ва хоқон номларига кўп яхши сўзлар иштагди.

Шунда, — деб давом этади аёл, — хоқон бизни Ўзганд хонига юбориб, соғ-саломат Самарқандга ўтиштиш учун фармон берди. Энди сизнинг давлат иш ҳамиматингиз туфайли ўзимни Самарқандда ўтишиман, ҳозир фақат Самарқандда адолат ва инсоф қолган. Эрим ҳамиша айтардики, агар мен Самарқандга етиб борсам, у ердан ҳеч қаёқча кетибмий. Сизнинг номингизни ҳам кўп тилга оларди. Мени башдаликка қабул қиласангиз-у, иноят қўлин-

гизни бошимга құйсанғыз, сизге чин дилдан жизмат құламан. Бор нарсаларимни сотиб, керакли сармоя йиғиб, кучим етгүнчә хизматингизда бұламан. Шу үғилчамни тарбия құламан. Умидворманки, сизнинг баракатингиз билан жудо уни хушбаҳт этади.

Хоқонинг хотини жавоб қайтаради:

– Күнглинг тинчлансын! Сен учун нима мүмкін бұлса, дариф тутмайман. Сенга уй-жой ва нон берман. Хоҳлаганингча яшайсан. Ўзимдан айрилмайсан. Хоқонга ҳам айтаман, сенга ёрдам бериш учун фармон чиқаради. Сүзимга вафо құламан.

Аёл хотинга таъзим құлади:

– Энди сен менинг хұжайинимсан. Бошқа киппі менга ётдир. Мени хоқон олдига ҳидоят құл. Үнгі ҳам ҳолимни баён этай, хоқон ҳам билсин.

– Қачон хоҳишинг бұлса, мен сени хоқон олдиги олиб бораман, – дейди хотин.

– Эртага келаман, – дейди аёл.

– Жуда савоб бўларди, – рози бўлади Самарқанд хоқонининг хотини.

Эртасига Маҳмуддинг канизи саройга келади. Хотин кечасиәқ хоқонга бу аёл аҳволини маълум қилған экан. Аёл хоқонга таъзим қилиб, бир турк қули, бир яхши от ва бошқа нарсаларни ҳадя этади:

– Мен ўз аҳволимни хотинга пича баён этганмап, жумладан, эримнинг вәфот қилгани ҳақида. Хитобадаги воқеаларни ҳам. Хутангә келиб, Қошгар хонини бор бойлигимни бердим. Йўлда қанчалаб харажит қилдик. Охири ўғлим ва озгина бойлик ўзимда қолди. Хоқон бандани ёқтираса, хотинга ўхшаб умрим тугагунча улуғ зот хизматида бўлардим.

Хоқон аёлни ширин сўзлар билан қабул құлади. Аёл икки-уч кунда хотинга совралар олиб бориб, унга мароқди ҳикояларни, ажойиб воқеаларни айтиб бериб, хотин ва хоқонни ўзига яқынлаштириб қўяди. Улар бу аёлсиз бир кун ҳам туролмайдиган

бүлиб қоладилар. Аёлга қанча мол-мулк ва қишлоқтарни бермоқчи бўлсалар ҳам, у қабул қилмайди. Бундан хоқон билан хотини хижолатда эдилар.

Аёл эса ҳар куни ўз қасридан чиқиб, уч-тўрт фирсанг узоқликда ер ёки мулк сотиб олиш баҳонаси билан кезиб юриб, икки-уч кундан сунг қайтиб келарди. Шаҳардаги мулклардан камчилик топиб, умрни олмасди. Хоқон ва хотини киши юборганида «Бирор мулкни сотиб олишга кетибди», – деб жавоб келтирадилар. Хоқон билан хотини аёлнинг бу ерларга мойилигидан хурсанд бўлардилар.

Орадан олти ой ўтади. Хотин аёл билан ўтирганда дейди:

– Хоқон менга ҳамиша айтадики, мен бу аёлни кўрганимда куп хижолат тортаман. У ҳар икки-уч кунда совға олиб келаётиди. Аммо биз нима берсак, риҳ ётиб, қабул қилмайди. Бундай ажойиб аёлни ҳийтимда кўрмаганман. Мен ҳам сенинг олдингда уйламан, – дейди хотин ҳам.

Аёл бу галларга шундай жавоб қайтаради:

– Бу жаҳонда бирор неъмат мен учун сизларнинг дийдорингиздан афзал эмас. Ўз худовандларимдан шикоят қилиш гуноҳ булади. Бирор нарсага ҳожат оулиб қолса, ўзим дарров айтаман.

Аёл бу сўзлари билан уларни тинчлантиради. Үш ҳамма тилла, кумуш ва гавҳарларини яшириб, ғашнига борадиган бир савдогарга беради. Бешта отлиқни Балх ва Термиз йўлига юбориб, ҳар бир ғашнида биттадан отлиқни узи ётиб келгунча тайёр қилиб қўйишни буюради.

Бир куни у хоқон ва хотинга мақтовларни айтиб, дейди:

– Бугун бир истагим бор-у, айтишга истиҳола қилишиман.

Қашча илтимосинг бўлса айт, бажо келтирамиз, дейди хоқон.

— Биласизлар, менинг севимли биттагина ўғлим бор. Уни тарбия этаяпман. Энди бир дабирга бердим, арабча ва форсча рисолаларни ўқиб, күчпраяпти. Аллоҳ ва Расул номасидан сұнг ер юзиңи фақат амиралмұммәниннинг хатлари мавжуд. Уларни подшоҳларга энг фозил ва доно дабирлар ёзіб юборадилар. Бундай номаларда энг сара сұва иборалар ишлатылған. Агар хожам рози бўлса, халифа юборган аҳдномадан ўғлим фойдаланиб, лафз ва ибораларини билиб олса. Балки шу сўзлар баракати туфайли у ҳам хушбахт бўлиб қолса, — деб илтимос қиласи аёл.

— Шу ҳам илтимос бўлди-ю! Нега бирорта шахар ё нохияни сўрамайсан? Сен истаган нарсалардан эллик пораси казинада чанг босиб ётибди. Хоҳли санг, ҳаммасини сенга совға қиласи, — дейишаши хоқон билан хотини.

— Халифа юборган шу бир нома менга етарлиди, — дейди аёл.

Хоқон бир ходимига аёлни жазинага олиб кириб, истаган номасини унга олиб беришни буюради. Аёл жазинага кириб, аҳдномани олиб, уйига қайтади. Эртасига фалон қишлоққа кетаяпман, деб хабор тарқатади. Бундан олдин у Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бемалол юриши учун ижозатнома қўла га киритганди. Шунга кўра, уммол ва мансабдорлар аёлга қўлларидан келгүнча ёрдам беришлари керак эди. Беш кундан сўнг у Термизга келиб, Жайхуннинг ўтади. У Балхга кириб борганда, хотиннинг аҳдномадан ва аёлнинг кетишидан ҳали хабари ҳам йўқ эди. Кейинроқ фақат халифа аҳдномаси уни андишиш солади. Аёл Балхдан Фазнинга келиб, Султон Маҳмуд га аҳдномани беради. Маҳмуд аҳдномани бир олим ва сўзга уста киши билан амиралмұммәнин Қодир биллоҳга юборади. Шу маънода мактуб ҳам ёzáди:

«Самарқанд бозорига бир хизматкорим боргни эди. Шаҳар кўчаларининг бирида амиралмұммән

шуннинг хатини ёш болалар қулида кўрибди. Улар бенисандлик ва ҳурматсизлик билан номани тўрт томонга отиб ўйнаётган эканлар. Ерга туштан хатни хизматкор танибди, бир кафт майиз ва ширилик шизига уни олиб, Фазнинга етказибди. Мен уни халифага юбордим. Менга шунча хизматларим шизига битта унвон бериб, нома юборганинг учун уни асраб, хазинанинг энг юқори жойида сақлаб қўйганман. Шунча бандалик қилиб, итоат этсан ҳам, унвонлар бермайсан. Лекин сенинг қадрингни билмайдиган, буйруқларингни бажармайдиган кишиларга унвонлар берасан?!»

Маҳмуднинг элчиси Бағдодга келиб, хат ва түхфиларни халифага беради. Халифа ажабланиб, коқонга итоб қилиб, нома ёзиб, элчи юбортиради.

Маҳмуднинг элчиси олти ой халифа жавобини куттиб, саройда туради ва Маҳмуд учун унвон сўраб, привалар беради. Охири бир куни фатво битилади: «Агарда бирор подшоҳ худо ва Расул душманлари бўлмиш кофиirlар ва мушриклар билан жанг қылса, бутхоналарни масжидга айлантиrsa, дор ул-кофиirlни шојр ул-исломга айлантиrsa, амиралмўминин ундан уюқда бўлса, ўртада тоғ-у ерлар воқеалардан тез либабер бериб туришга имкон бермаса, подшоҳ илтимосини халифа рад этса, аббосийлардан бошқа бир шариф кишини халифа ўрнига ўтқазиб, унга итоат қилиб, ибрат олиш жоизми ё йўқми?» Бу фатвони Бағдоднинг қози ул-қуззотига топширадилар. Қози шитрони ўқиб, жоиз бўлади, деб қайтариб беради. Суннундан бир нусха кучириб, бир ариза билан халифага топширдилар. Аризада шундай дейилганди: «Менинг кечикишим зарур бўлиб қолди. Маҳмуд шунгича хизматлари ва итоаткорлиги билан унвонлар илтимос қиляпти-ю, халифам уни бермайди. Шундай бир возий подшоҳнинг умиди амалга ошмаса!.. Агар Маҳмуд шариатдан топган фатвосига амал қылса, ким ул-қуззот розилиги кечириладими?»

Халифа бу қиссани ўқиб, дарров ҳожиб ул-бобни вазир олдига юбортиради:

— Маҳмуднинг элчисини ҳузурингга чақириб, сийлаб, сарпо ҳадя қил ва унвон беришимиз ҳақида аҳднома ёзиб, яхшилик билан кузатиб қўй, — деб амр этади.

Шунча хизматлари, садоқати ва билими, ҳаракатлари-ю жасурлиги билан Маҳмудга «Амин ул-миллат» деган унвон берадилар. Маҳмуднинг унвонлари «Амин ул-миллат» ва «Ямин ул-миллат» эди.

Ҳозирги замонда бирорнинг ўнта унвон билан номини ёсалар ҳам, кам деб хафа буладилар.

Анча йиллар сомонийлар Мовароуннаҳрда, Хоразмдан Нимрӯз ва Фазнингача бўлган заминда подшоҳлик қилган эдилар. Улардан ҳар бирининг унвони бор эди.

Нуҳни «шаҳаншоҳ» дердилар. Нуҳнинг отаси Мансурни «Амири садид» (тили ва қилмиши тўғри амир), Мансурнинг отасини «Амири ҳамид», Насрнинг отасини «Амири сайд», Ислом ибн Аҳмадни «Амири одил», тарихда эса «Амири мозий», Аҳмадни «Абу сайд» уивонлари билан тилга оладилар.

Қозилар, имомлар, Мустафо дини уламоси унвонлари қуйидагача булиши керак.

Мажид ул-дин (дин шарафи), Шариф ул-дин, Шараф ул-Исмоил, Сайф ус-суннат (суннат қиличи), Зайн уш-шариат (шариат безаги), Фахр ул-уламо ва шу кабилар. Зоро, ислом, шариат, суннат ва илм куниялари уламо ва имомларга тааллуқлидир. Кимки олим бўлмай туриб, юқоридаги кунияларнинг бирортасини олса, подшоҳ, аҳли тамиз ва маърифат бунга ружсат этмаслиги ва бу шахсга жазо берилиши лозим. Ҳар бир киши ўз ҳаддини билиши зарур.

Лашкарбошилар, умаро, ер эгалари, буюк ҳокимларга давлат ибораси билан унвон берадилар, Сайф ул-давла, Ҳисом ул-давла, Заҳир ул-давла, Жамол ул-давла каби.

Яхши омиллар, амидлар, мутасарифлар унвонларига «мулк» номини қўшадилар. Амид ул-мулк, Низом ул-мулк, Жамол ул-мулк, Шараф ул-мулк, Шамс ул-мулк ва шунга ўхшаш унвонлар.

Турк амирларининг хожалар унвонини ё хожаларнинг лашкар улувлари, ё турклар унвонларини олишлари одат эмас. Раҳматли султони шаҳид Алпарслон вафотидан сўнг дунё ишларига путур етиб, тартиб йўқолди, унвон талаб қилинганда ҳадеб беравериб, унвонларни хор қилдилар. Дайlam подшоҳдарида ва Ироқда буюк бўлмаган кишининг унвони ҳам «Руҳн ул-давла», бошқасиники «Азуд ул-давла» бўлди, вазирларини «Устоди жалил» ва «Устоди хатир» (муҳтарам устод) дейдилар. Ироқ ва Дайlam маликларининг вазирларидан энг фозил ва жувонмарди Соҳиб Имод эди, унвони «Кофи ул-куффот» бўлган, Султон Маҳмуд вазирининг лақаби «Шамс ул-куффот, яъни «кифояларнинг офтоби» эди.

Авваллари подшоҳлар унвонларида «дунё» ва «дин» сўzlари бўлмасди. Амиралмўъминин Ал-Муқтадо би-амриллоҳ Султон Маликшоҳга «Ал-азиз ул-дунё» унвонини берди. Султон ўлганидан сўнг шу расм булиб қолди. Султон Барқиёруқни «Руҳн ул-дунё ва-д-дин», Маҳмудни «Носир ул-дунё ва-д-дин», Исмоилни «Муҳий ул-дунё ва-д-дин» – дин ва дунёни тирилтирувчи, Султон Маҳмудни «Фиёс ул-д-дин» (диннинг мадади) дердилар. Шоҳлар фармонлари ва буйруқларида ҳам шу унвонларини ёзардилар. Унвонлар подшоҳларнинг болалари номига ҳам зеб берарди. Бу арзийдиган иш эди, чунки дин ва дунё маслаҳати улар қўлларидаги мулк ва давлат жамоли бўлиб, жалоли ва бақоси подшоҳларга борлиқ эди.

Ажаблантирадиган томони шундаки, энг паст шогирд, омил ёки бадмазҳаб, дин ва давлатга халақ ва зиён етказган бир турк ўзига «Муин ул-давла», «Жамол ул-мулк» ё «Шамс ул-мулк», ё «Муид ул-дик»,

«Амид ул-мулк» ва шунга ўхшаш унвонларни олибди. Вазирларига биринчилардан булиб Муқтадий Назир ул-мулк номига «Қавом ул-дин» (дин таянчи) унвонини кўшиди. Энди ҳар бир иамсиз, беақл, жоҳил-у нодон «дин», «давлат» ва «мулк» номини ўз отига кўшаётир.

Юқорида зикр этилаганидек, дин, ислом, давлат сўзлари тўрт гуруҳ кишилар номига қўшилиши раводир. Булар подшоҳлар, вазирлар, уламо ва имомлардир. Тўртинчи бўлиб доим ғазот қилиб, голиб чиқадиган амир ҳам бу унвонларни олади.

Масалан, подшоҳ «Заҳир ул-ислом» унвонига «Фиёс ул-дин», вазир «Садр ул-ислом» унвонига «Низом ул-дин», амир «Жамол ул-дин» унвонига «Шараф ул-ислом», Малики ғозий «Муин ал-ислом»га «Сайф ул-дин» номлари қўшилган.

Бундан ташқари, дин ва ислом сўзини унвонига қўшишга рухсат бермайдилар ва бошқаларга ибрат ҳамда панд бўлсин учун уни жазолай берадилар.

Унвон ёзишдан яна бир мақсад шуки, одамлар унвон билан одамни танийдилар. Бирор мажлисда кўп одамлар ўтирибди, дейлик. Улардан ўн кишининг исми Муҳаммад бўлсин. Биринчи чақирганда ҳаммалари «лаббай» деб жавоб берадилар. Агарда биринчисини «мухтас» (сайланган), иккинчисини «муваффак» мададкор, бошқасини «комил», яна бирини «садид» (тўғри) ёки «рашид» ва шунга ўхшаш унвон билан чақирсалар, яхшидир. Мажлисда «Эй, Комил», «Эй, Муваффак» десалар, айни шу Муҳаммад жавоб беради. Вазир, тўгройи, муставфий, сulton оризи, Бағдод ва Хуросон амирлари, Ироқ ва Хоразм амиrlаридан бошқа ҳеч ким «фалон ул-мулк» унвонини ололмайди. Фақат «мулк» сўзисиз куния олади, масалан, «хўжайи амин», «устоди ҳатир», «хўжайи кеҳтар» ё «тегин» (Сабуктегин) ва шу каби, токи меҳтар ва кеҳтарлик (катта-ю кичиклик), майда ва улуғ, хос-у авом даража ва мартабалари

билиниб турсин, девон тартиби ўз ўрнида туриб, ривож топсин-у, мамлакат обод булсин.

Агар подшоҳ одил ва уйғоқ булса, ишлар тадбири-ни қидириб, ўтганлардан расм-руsum, қоидаларни сўраб билади. Унинг вазири эса муваффақ, расм-у қоидани биладиган, доно, ишларни тартибга солувчи ҳамма унвонларни қадимти қоидасига қайтарадиган киши булиши даркор. Улар ҳамма бидъат, ёмон руsumлар, фитна-ю фасодни ақл кучи, таъсирчан фармон ва қилич зарби билан йўқ қиласидилар.

ҚИРҚ ИККИНЧИ ФАСЛ

БИР КИШИГА ИККИ АМАЛ БЕРМАСЛИК ВА АМАЛЛАРНИ АОЙИҚ ВА ПОКДИА КИШИЛАРГА БЕРИШ ҲАҚИДА

Доно подшоҳлар ва ҳушёр вазирлар ҳамма замонларда ҳам бир кишига икки вазифани ва бир амални бирданига икки кишига бермаганлар, шунда уларнинг ишлари ҳамиша тартиб-у қоидали булиб ривож топган. Агар икки амал бир кишига берилса, бир иш доимо охиригача бажарилмаган ё камчилик билан амалга оширилган булади. Сабаби, бир киши икки амалга керагича күнгил бермайди ва текширганда шу амаллардан кўп камчилик топилади, киши маломатда қолади. Лекин икки кишига бир амал берсалар ҳам бири бошқасига ташлайди ва иш бажарилмай қолади. «Хотин иккита бўлса, хона супурилмайди, хужайин иккита бўлса, уй бузилади», деган ҳолат юзага келади.

Улар бирининг хизмат, ҳунар ва ҳаракатлари натижасидан бошқаси ўзи учун фойдаланади деб ўйлайди. Айб уларда бўлмай, амални икки кишига берган одамдадир. Агар вазир кифоясиз ва подшоҳ гофири бўлса, бир амалдорга икки ва ундан ҳам

кўп амал берадилар. Шундай кишилар борки, ўнта амали бўлатуриб, яна бошқа бирорта вазифани олишни истайди. Мирзолик, ҳокимлик, хазиначилик кўлидан келиш-келмаслигига андиша ҳам қилмайди. Арзидиган ва муносиб кишилар ва ишбилар-монлар четда қоладилар. Ҳеч ким нима учун бир нечта жоҳил ва ёмон зотли кишилар кўп амалларни эгаллаб олганлар-у, аммо тажрибали ва маъруф кишиларнинг битта ҳам амали ёки вазифаси йўқ, маҳрумлик ва интизорликда қолганлар, нега хизмат кўрсатиш ва ҳақдари бор кишилар шундай булиб қоладилар, деб ўйламайди. Ҳамма замонда ҳам диёнатли ва эътиқодли аслзода кишиларга вазифа берганлар. Агар қабул қилмаса, мажбур қилиб бўйнига қўйганлар, токи амал арзимас кишининг қўлига ўтиб кетмасин. Шунда раият тинч булиб, мулк яхши ном қозониб, подшоҳ эса фароғатда яшаган.

Бугунга келиб бу тартиб йўқолган. Агар бирор яхудий туркларда ҳужайин бўлса ё бошқа бир амали олса ҳам, хизматкор габр, рофизий, хорижий, қарматий булса ҳам, ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Ҳозир на динга аҳамият, на мол-мулкка шавкат, на раиятга раҳм бор. Давлатда аҳвол ана шундай. Мен ёмон кўз тегишидан андиша қиласман, бу ишлар қачонгача давом этаркан?!

Маҳмуд, Маъсуд, Тўғрал ва Алпарслон замонларида бирорта габр, яхудий ёки рофизий амалга ўтиришдан, ёки бирон улуғ кишининг олдига келишдан қўрқарди. Туркларнинг ҳужайнинлари Хуросон мутасарифларидан, виждонли дабирлардан бўларди. Улар ҳанафий ё шафиъи мазҳаб булишлари зарур, бадмазҳаб дабирлар ва омилларни ўзларига яқин тутмаганлар. Турклар ҳам уларга иш бермай, «булар ҳам дайламий тарафдорлари ва уларнинг динидадирлар. Булар кейинроқ кучли булиб, туркларнинг ишларига зиён етказиб, мусулмонларга зулм

қилдилар. Яхшиси, уртамизда душман бўлмагани маъқулдир», деганлар.

Ҳозирги замонда сарой ва девон уларга тўлиб кетди. Бир турк ўнта-йигирмата имонли кишини орқасидан югуртириб юрибди. Иложини топса, бирор хурносонликни саройга яқин қўйиб, бир бурда нон топишга йўл бермайдилар. Агар турклар улардан хабардор бўлсалар, менинг сўзларим ёдларига келсин. Агар девон хурносонлик дабир ва мутасаррифлардан бўшаган бўлса-ю, бирор турклар хизматига келса, сунний, ҳанафий мазҳаб ёки шофиий мазҳаб бўлсагина оладилар. Агар: «Мен шия мазҳаб, Кум, Кошон ёки Оба шаҳарларидан бўламан», – деса, уни ишга қабул қилмай, «Саломат бўлгин, бизга берадиган нарсангни ўз юрtingда еб яшагин», – деб жавоб берадилар.

Султон Тўғрал ва Алпарслон бирор турк амирирофизийларни хизматга олганларини эшитмаган эдилар. Подшоқлардан бирори шунга йўл берган бўлса, унга зўрлик қилиб ғазабга келганлар.

Ҳикоят

Бир куни султони шаҳид Алпарслонга Ардам Ваҳжадийни дабирлик хизматига олди, деб хабар берадилар. Султоннинг нафрати қўзгайди, чунки у Ваҳжадни ботиний мазҳаб деб эшитган эди. У саройда Ардамга дейди:

– Сен давлатим душманисан!

Бу сўзларни эшишиб, Ардам таъзим қилиб, жавоб қайтаради:

– Бу нима деганингиз? Ҳаэрратим, қулининг хизмати ва садоқатида қандай хатога йўл қўйилиби?

– Агар душманим бўлмасанг, нега душманимни хизматга олдинг?

– Душманингиз ким экан?

– Ваҳжадий – сенинг дабиiring, – дейди султон.

— У ким бўлибди, ўзи? Агарда ичи тўла заҳар бўлса ҳам, бу давлатга қандай зарап етказиши мумкин? Боринглар, Ваҳжадни олиб келинглар!

Дарров бориб, дабирни султон ҳузурига бошлаб келадилар. Султон дейди:

— Эй, бола, сен ботиний булиб, Бағдод халифа-сини ноҳаққа чиқарибсанми?

— Эй, султоним, мен ботиний эмасман, шиаман, яъни рофизийман, — дейди у.

— Ҳа, рофизийлар бундан кам эмаслар, гапирма!

Кейин калтакчиларга буюради, улар дабирни уриб, чалажон қилиб, саройдан ҳайдайдилар. Султон туркларнинг улувларига қараб, дейди:

— Айб бу одамда эмас, Ардамдадирки, у бир бадмазҳаб ва кофири хизматга олган. Мен бир марта эмас, юз маротаба сизларга айтганман, сизлар Хурсон ва Мовароуннахрнинглашкарисизлар, бу ўлкада бегонасизлар. Бу вилоятни қилич ва разаб кучи билан мағлуб қилгансизлар. Бизлар ҳаммамиз диёнатли мусулмонлармиз. Тангримиэнинг бугун туркларни азиз тутиб, уларга салтанат бергани туркларнинг тоза мусулмонликларидан ва бидъат-у хиёнатни билмасликлариданdir. Улар эса бадмазҳаб ва мубтадиль бўлиб, ожизликларидан итоатгўй ва бўйсунадиган кишилардир. Мазҳаб ёки вилоят ишларида кучсизлик юз берса, биз турклардан бир киши ҳам тирик қолмайди. Булар жуда ваҳший, дуст ва душманларини танимайдиганларданdir. Султон шундан кейин: «От қилидан бир олиб келсинлар», — деб буюради. Бир тор қилини Ардамга бериб, «буни узгин», — дейди. Ардам узади. Беш тор ва ўн тор қилини ҳам осонгина узиб ташлайди. Сунгра бир фаррошни чақириб, бу ҳамма қиллардан бир арқон эшмоқни буюради. Уч газ узунликдаги арқон эшади. Султон уни Ардамга беради. «Энди узгин», — дейди. Ардам қанча куч сарфласа ҳам, узолмайди. Султон айтади:

– Душман ҳам ана шундайдир. Агар бир-икки киши бўлса, уларни йўқ қилиш осон. Кўп бўлиб ҳаммалари бирлашсалар, улардан болиб чиқиш қийин. Бу эса сенинг қандай киши давлатга зарар етказади, деганинг жавобдир. Булар аста-секин турклар ўрталарига кириб олсалар, вазифа ва амалларни эгаллаб, улар ғофил қолган пайтда бирдан бош кутарадилар. Ироқда ҳам шундай дайламийлар ҳукуматга даъво қилганларида булар очиқ-ойдин дайламийлар билан бирлашиб, туркларни нобуд этишга ҳаракат қилдилар. Сен турксан ва Хуросон лашкарларига хужайин-у дабир, ишбоши олишинг керак. Шунда туркларнинг ишларига зиён етмайди. Агар сен ўз душманинг билан итифоқ тузсанг, ўзингга ва подшога хиёнат қиласан гулбасан. Ўзингга қарши нима хоҳласант қиласер, аммо подшоҳ эҳтиёткор ва ҳушёр бўлиб, хиёнатчиларга жазо бериши керак. Мен сизларни ҳимоя қилишим зарур, чунки Тангри мени сизларга бошлиқ қиласан, сизларни менга эмас. Шуни билиб кўйингларки, кимки подшоҳ душмани билан дўстлик қиласа, подшоҳнинг душманларидандир, ҳар ким фисқ-фасодчилар билан суҳбат қиласа, у ҳам шулар қаторига киради.

Султон бу сўзларни айтиётганида Хўжа Имом Мушаттаб ва қози Имом Абу Бакр ҳозир эдилар, Султон уларга қараб, дейди:

- Бу сўзларимга нима дейсизлар?
- Сен худо ва Пайғамбаримиз тилидан гапирдинг, жавоб беришади имомлар.

Мушаттаб дейди:

- Абдулло Аббос айтадики, бир куни «Пайғамбар салавоту алайҳи ва саломуху Али ибн Абу Талибга дейдилар: «Агарда рофизийлар бўлган гуруҳни учратсанг, билгинки, улар мусулмон эмас».

Абу Бакр дейди:

- Абу Имом шундай ривоят қиласидилар: «Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам деган эканлар

«Охир замонда бир тоифа пайдо бүлур. Уларни рофизийлар дерлар».

Мушаттаб дейди:

— Сафён ибн Абдулло рофизийларни кофир деб атади ва хужжат учун мана бу оятни келтирди: «Кимки Расулнинг ёрларига ёмонлик қиласа, шикаст етказса, у кофирдир». Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ таоло менга иноят этиб ёрлар ва вазирлар берди ва ким уларни сўкиб лаънатласа, Аллоҳ, Расул, фаришталар ва одамларнинг лаънатиги қолади. Аллоҳ таоло эса унинг бирор ишини қабул қиласайди, чунки у Аллоҳнинг душманидир».

Шу маънода Абу Бакр разийаллоҳу анхуга Аллоҳ айтади:

«...Агарда бирор бизни нусрат этмаса, сен, Абу Бакр хафа бўлмагин, чунки худойи таоло биз би ландир».

Қози ибн Омир ривоят қиласиди: «Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам дедилар: «Мендан кейинни бирор Пайғамбар раво бўлса, бу Умар ибн Хаттоб бўларди».

Мушаттаб дейди:

— Жобир ибн Абдулла разийаллоҳу анху айтадики, «Ҳазрати Расул олдидан бир тобутни олиб ўтадилор. Ул ҳазрат намоз ўқимадилар. Ундан сурадилар: «Е Расулуллоҳ, жанозада намоз ўқимаганингни энди кўряпмиз?!» Жавоб бердиларки, «бу киши Усмонни ўзига душман деб билади. Кимки Усмонни душман деб билса, худо уни душман тутади».

Қози Абу Бакр дейди:

— Абу Дардо ривоят қиласиди, Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб шаъннинг шундай деган эканлар: «Кимки бу ҳазратга душманлик қиласа, унга хорижий деб ном берадилар, чунки «ал-хорижу килабан-нори», яъни «хорижийлар дўзик итларидурлар».

Мушаттаб дейди:

– Ибни Аббос ривоят қилишича, Абдулло Умарга Пайғамбар алайҳи васаллам дедилар: «Қадарийлар широғизийларнинг исломда насибалари йўқдир».

Қози Абу Бакр дейди:

– И smoил буни Саъд Пайғамбар тилидан ривоят қиладиларки, Пайғамбар алайҳи васаллам: «Қадарийлар менинг умматим ичидаги мажусдирлар, касал бўлиб қолсалар, кўргани ва ўлсалар, жанозаларига борманглар», – дедилар.

Мушаттаб айтади:

– Ум Сулма Расул тилидан ривоят қилади: «Бир куни Расул алайҳи васаллам менинг ёнимда эдилар. Фотима Али билан бирга келиб, Пайғамбар аҳволини суроғчи бўлди. Расул алайҳи васаллам ва салавот дейди: «Ё Али, сен оиласиг билан жаннатга тушасан, иммо сендан кейин рофизийлар гуруҳи чиқади. Улар мушрик ва коғирдирлар». Али сўрайди: «Уларни қайси аломатларидан танийман?». Жавоб бўлди: «Улар намозга бормайдилар, жамоа билан намоз ўқимайдилар, салафларга таъна қиладилар».

Уларининг аломатлари ҳақида Куръон оятлари шиҳарларда кўп гапирилган. Агар ҳаммасини гиштрасам, алоҳида бир китоб бўлади. Рофизийларнинг аҳволлари шундай бўлиб, ботинийлар ҳоллари улардан ҳам оғирроқ. Агарда ботиний ва рофизийлар пайдо бўлсалар, подшоҳ энг аввало мамлакатни улардан тозалаши керакдир, шундагина ўркинилка мулк ва давлатларига эгалик қилиб, шинч яшайдилар. Яхудий, габр ва тарсолар ўрнига мусулмонларга амал бериш яхшироқдир.

Умар Ҳаттоб Мадинада бир масжидда ўтиради. Абу Мусо ал-Ашъарий унинг олдида Исфаҳон ҳисоботини берарди. Ҳисобот ҳаммага ёқиб қолган шиҳорийли бир хатда ёзилган эди. Абу Мусо сўрайди:

– Бу кимнинг ёзуви?

– Дабиримники.

- Чақир, кирсин, биз уни құрайлик-чи?
- У масжидга киролмайды.
- Нима, таҳорати йүкми?
- У тарсо (насоро), – деди Абу Мусо. Умар Хаттаб Абу Мусо тиззасига мушти билан уриб: «Сен Аллох айтган: «Эй, мусулмонлар! Яхудийлар ва насоралардан ўзларингга дүст олманглар, улар бир-бирига яқиндир», деган сўзларни унутдингми? – деб сўрайди.
- Мен унинг ҳақини бериб, ишдан бўшатдим! – дейди Абу Мусо.

Шеър:

*Аз душманони дүст ҳазар кардан равост,
Бо дўстони дүст туро дўсти накўст.
Чун нешу нўш ҳамебоядат буд,
Бо дўстони душману бо душманони дўст.*

Мазмуни:

*Дўст душманларидан ҳазар қилиш раводир,
Дўст дўстларини дўст тутиш раводир.
Икки тоифа одамларга ишонма:
Душманнинг дўстларига ва дўстларнинг
душманига.*

Шундан сўнг Султон Алпарслон анораллоҳу бурқонаху бир ойга яқин Ардам билан гаплашмади ва унга рўйхуш бермади. Факат улуг кишилар шафоат қилиб, ургага тушганларидан сўнг Ардамни кечирди.

Ўз мақсадимизга қайтсак. Қачон жоҳил ва бефазл кишиларга амал берсалар-у, доно ва асл кишиларни четда қолдирсалар, бир кишига беш-олти вазифа бериб, бошқаларни хор этсалар, айб вазирдадир. Душманликнинг энг ёмони шундаки, бир кишига ўнта вазифа бериб, баъзиларга бир амал ҳам бермайди. Шу мамлакатда одамлар маҳрум бўлиб, четда қолганлар кўпаяди.

Амал ва вазифаларни эса содиқ кишиларга бериш керак, токи мамлакатга завол етмасин.

Бу шундай масалга ўхшайды: бир киши мамлакат ишқирозини истаб, асл мақсадни яшириб, подшоҳни алдайди, дунё тинч, қаршилик кўрсатадиган душман ва сенга қаршилик қилювчи кишилар қолмади (бу пайтда подшоҳ етмиш минг аскар ўрнига тўрт юз минг отлиқ аскарни ушлаб турарди), зарур бўлган ҳолларда яна йиғиш мумкин деб, ортиқча аскарга мўлжалланган маблағ ва кийимлар хазинада қолади ва сенинг хазинанг ҳар йили кўпайиб, зарга тўлади, дейди.

Подшоҳим, Аллоҳ давлатини узайтирсин, менга бу ҳақда айтганида мен уни ким алдаганини билиб, у мамлакатинг вайрон булишини хоҳлабди, деб айтдим. Аммо бу подшоҳим иши эди. Агар хазинадан тўрт юз минг аскарга маош ва кийим ажратилса, унда Хурсон, Мовароуннаҳр, Қошғар-у Балософун, Хоразм ва Нимрӯз, Ироғ-у Форс, Мозандарон вилоятлари-ю Озарбайжон, Арманистон-у Антиохия ва Байт ул-муқаддас тобе бўлган бўларди. Мен эса подшоҳ турт юз минг ўрнига етти юз минг аскарга эга булишини хоҳлардим, чунки кўп бўлса, Газнин-у Синд ва Ҳинд ҳам подшоҳимни бўлиб, у Туркистон ва Чин-у Мочинни, ҳабаш ва барбарларни, Рум, Миср, Мағрибни ҳам ўз итоатида ушлай оларди. Чунки қайси подшоҳнинг лашкари кўп бўлса, тобе вилоятлари ҳам кўпаяди, шоҳнинг кўшини оз бўлса, мулки ҳам кам бўлади. Қачонки подшоҳ лашкаридан зиён курса, вилояти ҳам камаяди. Яна подшоҳга маълум бўлсинки, агарда тўрт юз минг аскардан етмиш мингини қолдирсалар, уч юз-у уттиз минг кишининг номини ўчиришлари лоэим. Ҳар йили яна шунча аскар кўпаяди. Ва агар улар бу давлатдан ноумид бўлсалар, ўзларига бошқа сардор қидириб топиб, уни ўзларига шоҳ қилиб кўтариб, шунча зарар етказишлари мумкинки, бир неча йиллик

хазина бойлигини сарфлаб ҳам уни тўғрилашнинг иложини топиб бўлмайди.

Мамлакатни кишилар билан, одамларни зар-у олтин билан итоатда тутса бўлади. Агар бирор шоҳга зар олиб, одамларни қўйиб юбор деса, у ҳақиқатан мулк душмани ва извогардир. Бу зарлар шу кишилар ёрдамида қўлга киритилган бўлиб, извогарлар сўзига қулоқ солиш керак эмас.

Маътал ва четда қолган амалдорлар ҳам шунга ўхшайди. Давлатнинг юқори лавозимида хизмат қилган, катта ишларни бажариб, хизмат кўрсатган кишилар ҳақини бермаслик тўғри эмас. Уларни насибасидан маҳрум этиб, амал бермаслик, мурувватдан бенасиб қолдириш ҳам саҳоватдан эмас, балки уларга амал бериб, майшатларини кераклигича таъмин этиш зарур. Шунда ҳуқуқлари ҳам оёқости бўлмай, давлатдан четда қолмайдилар. Илм ва фазилат аҳли, мурувват арблари ва шараф асҳобларининг ҳам байтулмолда насибалари бўлиб, эътиборга ва ёрдамга муҳтождирлар. Уларга бирор вазифа берадиган, кумаклашиб майшатларини таъминлайдиган киши йўқдир. Шундай кунлар бўладики, подшоҳ ходимлари ёмонлигидан бу нафақаҳўрлар аҳволи унга маълум бўлмайди ва бу мутасарифлар ишсиз қолади. Шундан кейин ушбу тоифа ноумид бўлиб, давлат душманига айланадилар, подшоҳ ва унинг яқинлари-ю омил ва дабирлар айбини фош этадилар. Бирорни ўзларига бошлиқ этиб сайлаб, подшоҳга қарши чиқадилар, мулкни талон-торож этиб, зиён ва зарар етказадилар. Фахр уд-давла замонида шундай булган эди.

Ҳикоят

Айтишларича, Рай шаҳрида Фахр уд-давла ва унинг вазири Соҳиб Аббод замонларида бир оташпаст киши бўлган экан. У ниҳоятда бадавлат бўлиб, оти Бузаржумид Райуф эди. У Табарак тогида ўзига бир

мақбара қурдирганди. Ҳозир сақланиб турған бу мақбараны «дийдаи сипоҳсолор» (лашкарбоши күзи) дейишади. У Фахр уд-давла гумбазидан тепароқда. Бузаржумид мақбараны қурдириш учун күп давлат сарф қылган экан.

Рай шаҳрида бир муҳтасиб булиб, унинг оти Носир Амон эди. Мақбара қуриб битирилган куни муҳтасиб бир баҳона билан тоққа чиқиб, аз он айтиб, намоз ўқииди. Бузаржумид ишлари йўққа чиқади. Шу воқеадан сўнг «дийдайи сипоҳсолор» деган ном пайдо бўлган.

Иттифоқо, Фахр уд-давлага «ўттиз-қирқ киши ҳар куни шаҳардан чиқиб кетиб, шу жойга боради ва кун ботгунча у ерда қолиб, кейин қайтади», деб хабар берадилар. Бирор улардан «дийдайи сипоҳсолор»га нима учун бориб, нима қилишларини сураса айтмайди.

Фахр уд-давла бориб, шу қавмни ушлаб, олдига олиб келишларини буюради. Саройдаги ходимларнинг бир гуруҳи тоққа бориб, нарвон билан ўша жойга чиқади. Ўша тоифа олдида шатранж, нард, қороз-у қалам ва сиёҳдон туаради. Бўйра устида дастурхон ва унда нон билан бир кўза сув бор эди. Уларни «Фахр уд-давла сизларни чақирайти», деб олиб келишади. Фахр уд-давла ҳузурида Соҳиб Аббод ҳам ўтирганди. Фахр уд-давла улардан сўрайди:

– Сизлар кимсизлар? Қачондан бўён ва нима учун ҳар куни бу дийдага борасизлар?

– Ростини айтиб, омонлик сўраймиз, чунки ҳаммага маълумки, биз ўғри, қотил эмасмиз. Бирорининг хотини ёки боласини ўтиргаганимиз йўқ. Агар малик бизни тирик қолдириб, бир қошиқ қонимиздан кечса, бизлар ким ва қандай одам эканлигимизни айтамиз, – деб жавоб қайтаришади.

Фахр уд-давла «Сизларнинг тан-у жонларингизни омон қолдирамиз», – деб қасам ичади, чунки уларнинг кўпчилигини танир экан.

Улар ҳам хотиржам бўлиб, бор гапни айтиб берадилар:

– Бизлар дабирлар ва мутасарифлар гуруҳиданмиз. Сенинг даврингда маътал ва маҳрум, давлатингдан бенасиб қолганларданмиз. Бирор биздан хабар ҳам олмайди, вазифа ва иш ҳам буюрмайди. Эшишишмча, Хурсонда Маҳмуд деган бир подшоҳ таҳтга чиқиби, у фаза-у дониш ва ҳунар аҳдини саройга чақириб, бекор қолдирмас экан. Биз унга кўнгил қўйиб, бу мамлакатдан умидимизни узганимиз. Ҳар куни шу дийдага бориб, бир-биримизга дардимизни айтамиз, Маҳмуд саройидаги дўстларимизга хатлар ёзиб, аҳволимизни маълум этиш орқали унинг сұхбатида бўлиш ниятида Хурсонга бормоқчимиз. Бизлар оиласи кишилармиз ва камбағалчиликдан мажбур бўлиб уй-жойларимизни ташлаб, иш қидириб кетмоқчимиз...

Биз аҳволимизни ошкор қилдик, энди бу ёгини шоҳимнинг ўзи билади.

Фаҳр уд-давла бу сузларни эшитганидан сўнг Соҳиб Аббодга қараб, дейди:

– Бунга нима дейсан, буларни нима қилдик?

Соҳиб Аббод жавоб беради:

– Маликим буларга омонлиқ берди. Булар қалам ва илм аҳларидандир. Ҳаммалари аслзодалар. Батзиларини мен танийман, уларнинг ишлари менги тааллуқли. Буларнинг ишларини менга топшир. Мен ўйлаган тадбир уларнинг мушкулларини осон қилади. Эртага шу ҳақда хабар бераман. Кейин ҳожибга: «Буларни Соҳиб саройига олиб боргин!» – деб фармон беради. Ҳожиб уларни саройда қолдириб, ўзи изига қайтади.

Бу одамлар ўз жонларидан хавфсираб, Соҳиб нима дер экан, деб қўрқардилар.

Соҳиб саройига қайтгач, уларга куз тапшлайди ви бир оздан сўнг бир фаррош келиб, ҳаммаларини бир ҳужрага олиб боради. Ҳужра жаннатга ўхшаб

безатилган, ерга гиламлар тўшалган эди. Хизматкор уларга таъзим қилиб, хоҳлаган жойларига бориб ўтиришларини айтади. Улар кириб ўтирадилар. Бир оздан кейин дастурхон ёзилиб, ҳар хил овқатлар, гулоб олиб кирилади. Овқатдан сўнг шароб базми бошланади. Улар мутриблар-у ҳофизлар билан хуршиндчилик қилишади. Шу уч фаррошдан бошқа бирор бу ҳужрага кирмасди. Ҳеч ким улар аҳволини билмасди. Шаҳар аҳолиси улар ҳолатидан бехабарлигидан қайгуарди. Оиласари ҳам хавотирда эди.

Уч кун ўтгандан кейин бир ҳожиб Соҳиб Аббод номидан келиб, шундай дейди: «Вазир айтиб юборибдики, менинг уйим зиндан эмас. Шу бутун кечаси меникида меҳмон бўлинглар. Агар бирор ғонолик тилаганимда, сизларни менинг уйимга юбормасдилар. Тинч бўлинглар, Соҳиб девондан қийитиб келганидан кейин ишларингизнинг иложиши қиласди». Дарров тикувчига буюриб, ўттиста зебо кийим тикириб, ўттиз отни эгар-жабдуқлари билан тийёрлашади. Эртаси куни қуёш чиққунча ҳамма ширса тахланади. Вазир уларни олдига чақириб, ҳир бирига сарпо ва от совға этиб, амал беради. Бильзиларига нафақа тайинлаб, уйларига ҳам совға ўти туҳфалар юбортади.

Эртасига улар Соҳиб олдига кўринишга келганлирида Соҳиб шундай дейди:

— Энди Маҳмудга хат ёзманлар, мамлакат ва милик заволини истаб, шикоят қилманлар.

Соҳиб Аббод Фахр уд-давла олдига келганида ундан бу жамоа ҳақида сўрайди.

— Эй, хожам, ҳар бирига биттадан от, сарпо бердим, нафақа тайинладим. Девонда кимнинг иккита имали бўлса, бирини олиб, уларнинг бальзиларига бердим. Ўзларига мос ишларга эга бўлдилар. Уйларига ҳам совғалар юбортидим.

Фахр уд-давла унинг ишини маъқуллаб, хурсанд бўлиди:

– Бошқача иш тутсанг, түғри келмасди ҳам. Бу ишларни бир-икки йил один қылганингда, улар қаршилик күрсатмасди.

Бир кишига икки амал бермаслик керак, чунки бир кишига бир амал түғри келади. Шунда ҳамма мутасарифлар вазифали бўлиб, ҳамма амаллар ривожланади. Яна икки-уч ишни бир кишига буюрма, зеро, мутасарифларнинг тирикчилиги қийин бўлади. Гийбатчилар: «Бизнинг шаҳримизда одам қолмабди, бир кишига икки амал беряптилар», деб овоза қиласидилар. Бизни иложсизликда айблайдилар. Буюк кишилар нима деганларини биласан: «Ликулли амалин рижолун» («Ҳар бир амалнинг ўз эгаси бор»). Мамлакатда амалларнинг катта-кичиги ва ўртачаси бор. Ҳар бир омил ва мутасарифга фазл-у дониш ва кифоятига қараб битта вазифа бер. Агар бирор ортиқча амал (ё мансаб) талаб қиласа, уни рад эт, токи мамлакатда бундай заарали расм ва қоида барҳам топсин. Ҳар бир мутасариф ўз ишини қиласа, мамлакат ва давлат обод бўлади. Яна бир ҳақиқат шуки, мулк ўз амалдорлари билан гўзал ва кучлидир.

Лашкар, омиллар ва мутасарифлар бошлиги вазирдир. Қачонки вазир бадхулқ, золим ва зуравон бўлса, умоллар ҳам унга үхшаб кетадилар. Агар бирор омил ўз тасарруфини яхши билса, аммо мазҳаби ва дини бошқа бўлса, яъни яҳудий, насроний ёки оташпараст эрса, ҳар хил баҳоналар билан мусулмонларга ранж-у азоб берадилар. Агарда мусулмонлар шундай ёмон ва бадмазҳаб киши устидан шикоят қиласалар, уни амалдан олиб, жазолаб, унга бошқа вазифа топширмаслик керак. Агар тарафдорлари уни жаҳонда энг яхши дабир, ҳисобдон омил деб мақтасалар ҳам, унинг амалдан олиниши ишларга зиён ва зарар етказади, десалар ҳам, ишониш керак эмас. Улар ёлғон гапирадилар.

Уларга кулоқ солмай, ўрнига бошқасини қўйиш ло-
зим. Амиралмўъминин Умар ибн Хаттобдан шундай
ҳикоя қилинади.

Ҳикоят

Амиралмўъминин Умар ибн Хаттоб, Аллоҳ ундан рози бўлсин, Бағдоддинг ҳисоб-китобини ҳазина ва омборлар идорасини, хирож олиш ишларини Хувистондан то Басра туманларигача Саъд Ваққосга берган эди. У эса шунча жой омиллиги ва мутасаррифлигини бир яхудийга топширганди. Юқорида тилга олинган ноҳиялар аҳолиси амиралмўъмининг ариза ёзиб, шу закотчи яхудий омил устидан шикоят қиласидилар: «У ҳар хил баҳона билан бизларни хафа қиласиди, қўрқитиб, зулм ўтказади. Тоқатимиз тоқ бўлди. Устимизга бирор мусулмонни омил қилиб куйгин. У Аллоҳ номи билан бизни хўрламаса керак! Агарда зулм кўрсак ҳам, мусулмоннинг кўлидан кўрганимиз яхшироқдир».

Умар аризани ўқиб: «Бу яхудийнинг ер юзида тирик юргани етарли эмасмидики, яна мусулмонларни хўрлаяпти», – деб зудик билан Саъд Ваққосга хат ёзиб, фармон етиб борган куни яхудийни ишидан олишни, ўрнига бир мусулмонни тайинлашни буоради. Саъд Ваққосга хатни олган заҳоти отлиқ юбориб, яхудий омилни қаердан бўлмасин топиб, Куфага олиб келишни топширади. Вошқа суворийларни тўрт томонга жўнатиб, Ажамдаги мусулмон омилларни даъват қиласиди. Яхудий ва омиллар келганларидан сунг араб ва Ажамдан яхудий бажарадиган ишдан хабардор одамни топмайди. Ҳеч ким муомала қилиш, хирож олиш, курилиш ишлари, одамлар билан ишлаш қоидаларини яхудийдек билмасди.

Саъд Ваққос зарурат юзасидан яхудийни ўз амали ва ишида қолдириб, амиралмўъмининг шундай

мазмунда хат ёзади: «Фармонни бажариш учун яхудийни чақириб, одамларни йиғдим, бироқ араб ва Ажамда ундан юксакроқ омилни топмадим. Ажам омилларидан сўрасам, бирортаси ҳам бу муомала ва харажатни яхши билмайди. Бу яхудий омилни иложсизликдан, ишлар издан чиқмасин, деб омиликка тайинладим».

Хат амиралмўъминин кўлига тегади. У ўқиб, раңжийди: «Ажабо! Менинг хоҳишимга ўз қарорини ва менинг туғри қароримга ўз қилмишини қарши қўйибди». У қалам билан хатнинг бир чеккасига ёзади: «Мота ал-яхудий», яъни «Яхудий ўлди» ва номани Саъд Вакқосга жўнатади. Бу яхудий ўлим туфайли амалдан тушди дегани эди. Билиб қўйки, агарда бирор омил ўлса ёки ишдан олинса, ишни сустлаштириб бўлмайди. Амални бошқа бировга бериш керак. Нима учун бу ишда ожиз қолдинг. Шундай тасаввур қиласи, шу яхудий омилинг ўлибди... Хат Саъд Вакқосга етиб боргандা, у Умарнинг тавқеъини ўқиб, ўша замони яхудийни ишдан олиб, бир мусулмонни унинг ўрнига қўяди. Бир йил шу мусулмон омил бўлгандан сўнг кўрибдиларки, унинг кўлидан ҳам иш келар экан. Хирож ҳам тўлиқ йигиб олинибди, иморатлар ҳам кўпайибди. Шундан сўнг Саъд Вакқос араб умароларига дейди: «Амиралмўъминин энг буюк шахсадир, биз яхудий ва вилоят омили мансаби ҳақида бир узун мактуб ёздик, у эса икки сўз билан жавоб қайтарди ва унинг айтгани бўлди».

Икки кишининг сўzlари маъқул тушиб, бу сўzlарни араб ва Ажам мусулмонлари қиёматгача масал тариқасида айтиб юрадилар. Бири – Умар айтган «Мота ал яхудий»дир.

Агарда бирор дабир ўз ишини яхши билса-ю, аммо золим, зўравон ёки бадмазҳаб бўлса, уни ишидан маъзул қилаётганда тарафдорлари уни мақтаб, яхши дабир, ишビルармон мутасариф десалар, урнини бошқа киши босолмаслигини пеш қилсалар, «Яхудий

ўлди», деб уларнинг сўзларини ботилга чиқарадилар. Иккинчи сўзлари эса қуидагича.

Пайғамбар алайҳиссалом оламдан утади. Унинг ёрларидан бирортаси: «Пайғамбар алайҳиссалом ўлди», деб айтолмасди. Абу Бакр, Аллоҳ ундан рози бўлсин, халифа ўтириб, минбарга чиқиб, хутбада айтади: «Эй, мусулмонлар, агарда Муҳаммадга сифинган бўлсангизлар, у ўлди, агарда Муҳаммад худосига ибодат қиласангизлар, у тирик ва тириклигича қолади ва ҳеч қачон ўлмайди». Мусулмонларга бу сўз ёкиб қолди ва уни мақолдек тақрорлаб юрадилар. Қачонки арабларда бошларига бирорта мусибат тушса ёки бирон буюк киши оламдан ўтса, шу аламни енгиллашибириш учун «Мота Муҳаммаду», яъни Муҳаммад алайҳиссалом ўлди, дейишади. Агар одамлардан бири тирик қолиши мумкин бўласа, Муҳаммад Расулуллоҳ қолиши вожиб бўларди, холос.

Энди ўз мақсадимизга қайтсак. Айтган эдикки, омиллар ва уларнинг ишлари вазирга тегишилидир ва яхши вазир подшоҳни ҳам некном ва нексийрат қиласди. Қайси подшоҳ буюк бўлиб, оламда ҳукмрон ва машхур бўлган эса ва қиёматгача номи яхшилик билан тилга олинса, бу яхши вазирлар орқали қўлга киритилган. Сураймон алайҳиссаломга Осаф Бархиё, Мусо алайҳиссаломга Ҳорун, Мустафо саллаллоҳи алайҳи васалламга Абу Бакри Сиддиқ вазир бўлганлар. Буюк подшоҳлардан Кайхусравга Гударс, Манучеҳрга Сом, Афросиёбга Пирони Виса, Гуштаспга Жомосп, Рустамга Завора, Баҳром Гўрга Хурапуз, Нўширавони одилга Бузургмеҳр, Бани Аббос халифаларига Оли Бармак, Сомонийларга Балъамийлар, Султон Маҳмудга Аҳмад Ҳасан ва Фахруддавлага Соҳиб Аббод, Султон Туғралга Абу Наср Кандурий, Султон Алпарслон ва Султон Малик, шоҳга Низомулмулк ал-Ҳасан вазирлик қилганлар. Буларга ўжшаганлар кўп.

Аммо вазир покдин, эътиқодли бўлиб, ҳанафий-мазҳаб ёки шофиъимазҳаб, соҳибқалам ва подшоҳсевар бўлмоги зарур. Агарда вазирзода бўлса, буюкроқ ва муборакроқдир. Ардашери Бобакон замонидан то шоҳ Яздигурдгача Ажам мулкларида шаҳзода шоҳ, вазирзода вазир бўлган. Ислом тарқатилгунига қадар Ажамда шундай эди. Ҳукумат Ажам маликлари қулидан чиқди-ю, вазорат ҳам вузаро авлодлари қўлидан кетди.

Ҳикоят

Ҳикоя қилишларича, бир куни Сулаймон ибн Абдумалик зиёфат беради. Унда давлат ашрофлари-ю надимлари ҳозир эдилар. Малик шундай сўз бошлиди:

– Менинг мол-мулким Сулаймон ибн Довудникидан кўп бўлмаса-да, кам ҳам эмас. Сулаймон фақат дев-у париларга, ҳайвонлар ва паррандаларга шоҳдир. Менда бор бўлган хазина ва бойликлар, зеб-зийнат, мамлакат ва лашкар, ер-мулк оламда яна кимда бор? Мендан кучлироқ кимса борми ва менинг шоҳдигимга нима етишмайди?!

Улуглардан бири маликка дейди:

– Мамлакат ва подшоҳга керак бўлган нарсалардан бири сизда йўқ.

– Менда йўқ у нарса нима экан? – сўрайди шоҳ.

– Сенда ҳамма ҳолатда ва ҳамиша зарур бўладиган вазир йўқ. Сен подшоҳ ва шаҳзодасан. Сенга шундай бир вазир керакки, у вазирзода бўлиб, етти пушти, авлоди вазир бўлиши керак.

– Жаҳонда шу сифатларга эга бирор вазир борми?

– Бор.

– Қаерда?

– Балхда.

– Ким экан у?

– У Жаъфардир, Бармакнинг ўғли. Унинг ота-боболари Ардашер Бобакон давригача вазир булиш-

ган. Балхдаги қадимдан қолган Навбаҳор оташ-кадаси уларнинг вақфи эди. Ислом пайдо бўлгач, давлат Ажам шоҳлари қўлидан кетди ва улар Балхга келиб яшай бошладилар. Вазирлик уларга ота касбдир. Уларда вазирлик сирлари ва қоидалари ҳақида китоблар бор. Уларнинг фарзандлари улғайиб хат-савод чиқаргач, шу китобларни ўқиб-ўрганиш учун берар эканлар. Ўфилларнинг сийрати оталарининг сифатларига ўхшаб кетаркан. Том маънода вазирлик уларга меросдир. Бани Уммия ва Бани Ҳорун ворисларидан бирор-бир подшоҳ Сулаймон иби Абдулмаликдан улууроқ ва қудратлироқ эмас.

Бу сўзларни эшитган шоҳ Жаъфар Бармак ўелини кўришни истаб, уни Балхдан олиб келишни буоради ва ўз вазирлигини унга бермоқчи бўлади. Аммо иккиланиб: «У оташпаст эди, мусулмон бўлганмикан?» – деб сўрайди. Ижобий жавоб эшитиб, хурсанд бўлади ва Балх волисийга хат ёзиб, Жаъфарни Дамашққа юборишни буоради. Ўз маоши ва харажатларига юз минг динор талаб қиласа ҳам, уни иззат-икром билан ҳазрат олдига юборишларини истайди. Балх волиysi фармонни олган заҳоти Жаъфарни Дамашққа юборади. Қайси шаҳарга келса, шаҳар улувлари уни кутиб олардилар. У шундай юксак ҳурмат куршовида Дамашққа етиб боради. Дамашқда Сулаймон иби Абдулмалик қушини ва давлат улувлари унга пешвоз чиқиб, катта эҳтиром билан шаҳарга олиб кириб, энг яхши қасрдан жой қилиб беришади. Уч кун ўтгач, уни Сулаймон иби Абдулмалик олдига бошлаб келадилар. Унга Сулаймоннинг назари тушиб, ёқтириб қолади. Жаъфар айвонга кирганда, ҳожиблар уни кутар-кўтар қилиб, тахтга яқинроқ олиб бориб ўтқазадилар. Жаъфар Сулаймонга тўғри қараб утирганида Сулаймон жаҳл билан унга тик боқиб, дейди:

– Менинг олдимдан туриб кетгин!

Ҳожиблар Жаъфарни қайтариб олиб чиқадилар. Нима бўлганини ҳеч ким тушунмайди.

Подшоҳ пешин намозидан кейин шароб мажлиси ташкил қиласи. Унда давлат улуғлари ҳозир буладилар. Надимлар ҳам ўтириб, шароб ичишини бошлигач, анчадан кейин Сулаймоннинг димоги чоғ булаганини қўриб, хос кишилардан бири сўрайди:

– Шоҳим, Жаъфар Бармакни катта ишга кўяман, деб Балхдан қанча иззат-икром билан олиб келдинг. Амиралмуъминин олдидаги ўтирганида эса, ҳеч гап булмаса ҳам ундан дарров кунглинг қолди? Бунинг сабаби нимада?

– Агарда у улуғзода узок йўлдан келмаганида, мен шу жойда унинг бошини олдирардим, чунки у заҳар олиб келган эди. Биринчи маротаба ҳузуримга келиб, заҳар совға қилди.

Улуғ кишилардан бири: «Менга буюринг, бориб унинг қилимишини аниқлаб келаман», – дейди.

– Бор олдига!

У киши жойидан туриб, Жаъфар ҳузурига бориб, ундан: «Бугун Сулаймон олдига борганингда сенда заҳар бормиди?» – деб сўрайди.

– Ҳа, бор эди. Ҳозир ҳам у узугимда. Ота-боболаримда ҳам шундай узуклар бўлган ва бу узук улардан эсдалик қолган. Отам ҳамиша шу заҳар билан юриб, одамлар у ёқда турсин, ҳатто чумолига ҳам озор бермаган. Улар заҳарни ҳар эҳтимолга қарши олиб юрганлар. Амир ва подшоҳлар мени кўп пайтларда мол ва бойлик учун чақириб, азоб берганлар. Сулаймон мени нима сабабдан чорлаганини билмасдим, у ҳам бойлигим, хазина ё бошқа нарсам учун чақираётир, деб ўйлагандим. Агарда унинг истагини бажаролмасам ёки азобларига тоқат қилолмасам, ўшандаги заҳарни ичиб, ҳамма азоб-уқубатдан халос бўлмокчи эдим.

Ҳалиги киши бу сўзларни эшитган заҳоти орқасига қайтиб, Сулаймонга узук ҳодисасини баён қиласи. Сулаймон Жаъфарнинг зийраклиги, эҳтиёткор

ишини маъқуллаб, уни кечиради. Шахсий отини улуғ кишилар орқали юбортириб, уни иззат-икром билан саройга олиб келишларини буоради. Бу амр бажо келтирилади.

Эртасига Сулаймон одига келган Жаъфарга қўл бериб, яхши гап билан ҳол-аҳвол сўраб, эъзозлайди. Унга дарров вазирлик тўнини кийгизишади. Одига қоғоз-қалам қўядилар. У Сулаймон ҳузурида бир нечта фармон ёзади. Шу куни Сулаймоннинг кайфияти кутарилади. Қабул маросимидан сўнг шароб мажлиси ва базм ташкил қиласидилар. Мажлисда чиройли гиламлар ва зар-у гавҳарлардан ясалган идишлар қўйилади. Дунёда ҳали ҳеч ким курмаган базм бўлиб ўтади. Зиёфат давомида Жаъфар Сулаймондан сўрайди: «Минглаб одамлар ичида менда заҳар борлигини малик қандай билиб қолди экан?»

Сулаймон дейди:

– Ҳамма нарсаларим ичида менинг учун энг азиз бўлган бир нарса бор. Уни ҳамиша ўзим билан олиб юраман. Бу иккита муҳр бўлиб, бир нарсага ўхшайди. Маликлар хазинасидан мерос қолган бу муҳрларни мен доимо белимга боғлаб юраман. Уларнинг хосиятлари шундаки, таом ё шаробдаги заҳарни ҳидидан сезиб, бекарорликдан ҳаракатга тушадилар. Шу зайлда йиғинларда кимда заҳар борлигини тезда билиб оламан. Сен менинг одимга кираёттанингда улар безовта бўлдилар. Яқинлашганингда эса кўпроқ ҳаракатга келишиб, рўпарамда ўтирганингда бир-бирига урилдилар. Сени олиб чиқиб кетганларидан сўнг эса тинчиб қолдилар. Сенда заҳар борлигини аниқ билдим. Ўрнингда бошқа киши бўлганида омон кўймасдим.

Сулаймон белидаги муҳрларни олиб кўрсатиб, дейди:

– Булардан ажиброқ нарса кўрганмисан?

Жаъфар ва бошқалар муҳрга қарайдилар. Жаъфар дейди:

– Мен ўз ҳаётимда иккита ажойиб нарсаны күрдим. Бири маликда күрганим мана шу нарса. Иккинчи ажойиботни Табаристон малики қулида күрганман.

– Нимани күргансан, айтиб бер, эшитайлик, – деб сүрайди Сулаймон.

Ҳикоят

Жаъфар сўз бошлиди.

Мени Дамашққа юбориш тўғрисида Балхга маликдан фармон етиб боргач, тайёргарлик куриб, шу буйруққа биноан чиқиб келдим. Нишопурдан Табаристонга келдим, чунки у ерда бойлигим бор эди. Бу юрт малики мени кутиб олиб, Омул шаҳридаги ўз саройидан жой берди. Ҳар куни зиёфатларда бўлиб, томошаларда қатнашардим. Бир куни хурсандчилик чоғида малик мендан: «Сен бирон марта дарё саёҳатига чиқсанмисан?» – деб сўраб қолди.

– Йўқ, – деб жавоб қиадим.

– Эртага дарё сайрига чиқамиз, – деди малик.

– Ихтиёриңгиз, – дедим мен.

Малик буйруғи билан эртасига кемачилар – малдоҳлар кемаларни тайёр қилиб кўядиган бўлдилар. Мени дарё соҳилига олиб боришиди. Кемага ўтиридик. Мутриблар базмни бошлаб юбордилар. Соқийлар шароб сузиб берардилар. Мен малик билан бирга эдим. Ёнимизда ҳеч ким йўқ. Маликнинг қўлида бир ёкут кўзли узук. Бундай узукни мен ҳеч кўрмагандим. Унинг гўзаллиги мени ўзига жалб этарди. Узугига қайта-қайта қараётганимни сезган малик уни бармоғидан чиқариб, оддимга қўйди. Мен таъзим қилиб, узукни олиб ўпдим ва қайтиб у томон суриб қўйдим. Малик яна оддимга қўйиб: «Бармоғимдан чиқариб олинган узук ато қилиш ва совға учундир ва мен уни қайтариб олмайман», – деди.

– Бу узук фақат сиздек шоҳ қўлига ярашади, – дедим мен.

Малик узукни яна олиб, олдимга қўйди. Узук ниҳоятда қимматбаҳо ва чиройли бўлганидан, «Уни мастилиги учун бераётир, ҳушёр тортгач, пушаймон еб, хафа бўлиши мумкин», деб ўйладим. Малик олдимдан узукни олди-да, дарёга ташлаб юборди. Мен эса ўзимча афсусланиб, «Малик чиндан ҳам узугини менга берганини билсан эди, дарров олган бўлардим, тунки бундай ёқутни мен ҳеч кимда кўрган эмасман», деб ўйладим. Малик деди:

– Бир неча маротаба ёқтирганингни сезиб, олдингга қўйдим. Узук менга ҳам чиройли куринарди, аммо сенга кўпроқ маъкул бўлганини сезиб, совға қилмоқчи эдим. Қабул қилмаганингга ўзинг айбдорсан. Энди дарёга ташлаганимдан афсуслана-япсан. Бир иложини қилиб, уни сенга олиб бераман.

Бир қулига буюрди: «Қайиқقا ўтириб, соҳилга чиққин-у, отга миниб, саройга хазиначи ҳузурига бориб: «Кумуш сандиқни малик сўраяпти», – деб олиб кел. Қул қайтиб келгунча маллоҳларга буюриб, лангар туширди. Кемани ўз жойида ушлаб туришларига фармон берди. Маллоҳлар айтилганидек иш тутдилар. Биз шароб ичиб ўтирадик. Ўша қул қайтиб келиб, сандиқни малик олдига қўйди. Малик ҳамёнидан кумуш калит олиб қулфни очди-да, сандиқдан бир тилла балиқни олиб, дарёга ташлади. Сувга шўнғиган балиқ сал ўтиб, шу узукни оғзида олиб чиқди. Бир маллоҳ унинг буйруғи билан қайиқقا ўтириб, балиқни узук билан олиб, малик олдига келди. Малик узукни балиқ оғзидан олиб, менинг олдимга қўйди. Мен тальзим бажо келтириш билан узукни олиб, бармоғимга кийдирдим. Малик балиқни сандиққа жойлаб, қулфлади. Калитини чўнтағига солиб, сандиқни қайта саройга юбортирди, биз ҳайратда қолдик.

– Мана ўша узук, – деди Жаъфар қулидан узукний чиқариб, Сулаймоннинг олдига қўяркан. Сулаймон узукни кўздан кечиргач, қайтариб деди:

– Шундай кишининг эсдалик совғасини қадрлаш керак!

Бу ёзмаларимдан мурод ҳикоят эмасди, аммо мувоғиқ тулғани учун бу ажойиб ҳикоятни эслаб ўтдик.

Ушбу бобни ёзишдан мақсад шуки, яхши кунлар келганда ёмон ва қора кунлар унтуилади. Бунинг нишонаси ўлароқ, яхши ва одил подшоҳ пайдо бўлиб, фасодчи ва исёнчилар йуқолади, унинг фикр-мулоҳазалари ҳаммага маъқул тушади. Унинг вазири ва ходимлари пок ниятли, одил, асл кишилардан иборат бўлади. Ҳар бир кишига бир амал берилади, бир кишига икки амал топширилмайди. Ёмон йулга киргандар қайтарилиб, дненатли кишиларга мартаба берилади. Золимлар жазоланиб, йуллар хавфсизлиқда тутилади. Кўшин ва раият подшоҳдан кўрқиши керак. Бефазл-у беасл кишиларга амал бермайдилар. Ёшларга ҳам кулоқ солинмай, оқсоқол ва донолар билан ишлаш иложи топилади. Лашкарбошиликни ёшларга эмас, балки ишбилармон қарияларга ишонадилар.

Мардни пул ва зар эмас, ҳунар ва илми кутариши керак. Динни ва имонни мол-дунёга сотмайдилар ва ҳамма ишларни ўз йўсинида олиб бориб, ҳар бир кишини ўзига мос ўлчов билан ўлчайдилар, токи дин ва дунё ишлари ўз низомида бўлсин. Ҳар қандай нарса шунга эид келса, подшоҳижозат бермаслиги ва ишларнинг кам-кўстини адл ва сиёсат билан тўғри юргизиши керак.

ҚИРҚ УЧИНЧИ ФАСЛ

ПАРДА ОРҚАСИДА ВА САРОЙ ҲАРАМИДА БЎЛГАН АЁЛЛАР ҲАМДА ҚҮЛ ОСТИДАГИЛАРНИНГ ҲАДЛАРИ ВА ИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Подшоҳнинг қўли остида бўлган кишилар ҳадларидан ошиб буйруқ берувчи бўлиб кетишлари мумкин эмас, чунки подшоҳликнинг буюклиги ва

шукуҳи йўқолади. Хусусан, аёллар парда ортидаги кишилар бўлиб, ақллари ноқисдир. Аёлларнинг асосий ишлари ва вазифалари насл-у авлодни сақлашдан иборат. Аёллардан қайсиниси асл бўлса, шуниси яхши ва қайси бирлари қаноатли бўлсалар, шулар мақтовга арзигуликдир. Қачонки подшоҳнинг аёллари фармон беришни бошласалар, бу гаразли кишилар таъсири ва маслаҳатидан бўлади, аммо эркаклар ички ва ташқи ҳодисаларни кўриб, иш тутадилар. Аёллар эса ичкаридан гапирадилар. Уларнинг ҳузурида ҳожиба ва ходимлар бўлиб, албатта, уларнинг маслаҳатлари ҳам ҳамиша тўғри келавермайди. Шунда фасод вужудга келиб, подшоҳлик ҳашаматига зиён етади, кишилар ранж-у азоб тортиб, мулк ва дин ишлари ёмоналашади, одамлар бойлиги нобуд бўлади, давлат улуғлари жабр кўрадилар. Ҳамма замонларда ҳам қайсиdir аёл киши подшоҳ устидан туриб фармон берса, расвогарчилик ва шарр-у фитнадан бошқа ҳеч нима ҳосил бўлмайди. Биз буларнинг купидан камроғи бўлса ҳам назарга илинсин, деган маънода эслатяпмиз.

Эркаклардан энг биринчи бўлиб хотини гапига кириб, жаннатдаги буғдойни еган киши Пайғамбар Одам алайҳиссалом эди. У Момо Ҳаво маслаҳатига кириб, буғдойни еди ва жаннатдан бадарға бўлди. Одам алайҳиссалом икки юз йил йирлаб юрганидан кейин Аллоҳ азза ва жалла уни кечириб, тавбасини қабул қилди.

Ҳикоят

Кайковуснинг хотини Судоба зрига хўжайнлик қиласади. Кайковус Рустамга одам юбориб, «Сен Сиёвушни катта қилиб, шоҳлик адабини ўргатдинг, энди уни менинг олдимга юбор. Судоба боласини кўриш орзусидадир», – деб буюради. Рустам Сиё-

вушни Кайковус ҳузурига жүнатади, Сиёвш жуда гүзәл йигит эди, Судоба уни парда орқасидан күриб, севиб қолади. У Кайковусга айтади:

– Сиёвшга буюр, ичкарига кирсин, сингиллари унинг дийдорини күрсин.

– Ичкарига кир, сингилларинг сени күришмоқчи, – дейди Кайковус Сиёвшга.

– Фармон шоҳимникидир, аммо улар ичкарида, мен эса шоҳ айвонида бўлсан яхшироқдир.

Сиёвш ичкарига кирганида Судоба унга қасд қилиб, шайтон йўлига киритмоқчи бўлади. Сиёвш жаҳд билан унинг қулидан чиқиб, ҳарамни тарк этиб, ўз саройига кетади. Ўзидан кўрқсан Судоба дарҳол Кайковус олдига бориб, дейди:

– Сиёвш қасд қилиб, менга ташланди, зурға қўлидан озод бўлиб қочдим.

Кайковус Сиёвшдан ғазабланиб, ундан кўнгли қолади. Воқеанинг оқибати шу бўладики, подшоҳ ундан хафа булиб қолмаслиги учун Сиёвшга олов билан онт ичишни маслаҳат берадилар. У ҳар қандай имтиҳонга тайёр эканлигини маълум қиласди. Шундан сўнг майдонда узунасига ва энига ярим фарсанг келадиган жойда ўтиналарни тахлаб, гулхан ёқишади. Олов баланд бўлиб ёнганида Сиёвшга синовдан ўтишни буорадилар. У оти Шабрангга ўтириб, Аллоҳ номини тилга олиб, гулхан ичига кириб кетади. Бир пайт соғ-саломат оловнинг бошқа томонидан чиқади. Унга ва отига заррача ҳам зиён етмайди. Одамлар ҳайратга тушадилар. Мубадлар шу оловдан оташхоналарига олиб кетишади ва у ҳозиргача ёниб туар ғана. Сиёвшнинг бегуноҳлиги шу тариқа маълум булади.

Кайковус Сиёвшга Балх ҳокимлигини беради. Аммо Судоба сабабли унинг кўнгли чўккан эди. Жуда азобда яшаётгани учун у Эронда қололмай, Хиндистон, Чин ёки Мочинга бормоқчи бўлади. Афросиёб вазири Пирони Виса Сиёвш дилидаги сирдан хабар-

дор булиб, ўз олдига даъват қилиб, Афросиёб номидан ваъдалар беради. Сиёвуш даъватни қабул қилиб: «Бари бир уй бир, икки авлод ҳам бирдир», – дейди. Афросиёб уни ўз фарзандларидан ҳам азиз тутишини ва хоҳдаган пайтда Эронзаминга қайтмоқчи бўлганида ўртага тушиб, Кайковус билан аҳд-у паймон қилиб, уни минг эъзоз ва ҳурмат билан отаси олдига юборишини билдиради. Сиёвуш Балхдан Туркистонга келади. Афросиёб ўз қизини Сиёвушга никоҳлаб беради. Уни фарзандларидан ҳам азиз тутади. Аммо Гарсеваз – Афросиёбнинг акаси Сиёвушни ёмонлаб, тужматлар тўқиб, уни Афросиёб олдида гуноҳкор этади. Гуноҳсиз Сиёвушни Туркистонда ўлдирадилар. Эронзамин мотамга тушиб, аза тутади, ботирлар зудлик билан жам булишади, Рустам ҳам Сийистондан пойтахтга қайтади. У ҳеч кимга ҳеч нима демай, Кайковус ҳарамига кириб, Судобани ушлаб, қилич билан чопиб ташлайди. Унинг яхши ё ёмон иш қиласини айтишга бироннинг юраги бетламайди. Рустам жанг қилиб, Сиёвушнинг қасдини олиш қарори билан Туркистонга келади. Бир неча йил уруш булиб, қанча одамлар ҳалок булади. Буларнинг ҳаммасига эрига хўжайин бўлган Судоба сабабчи эди.

Подшоҳлар ва улуғ кишилар ҳамиша ўз сирларини хотиналари ва яқин кишиларига айтмай яшаб, иш тутганлар. Искандар каби хотиналарининг сўзлари ва айтганларига қулоқ солмай, уларнинг макр-ҳийалаларини дарров сезиб, улар йуриигига юргаганлар.

Ҳикоят

Тарихда келтирилишича, Искандар Румдан қайтиб келиб, Ажам шоҳи Доро ибн Дорони мағлуб этади. Доро қочиб кетади, аммо у бир хизматкори қўлидан ўлим топади. Доронинг ғоят гўзал, парисифат, соҳибжамол қизи бор эди. Синглиси ҳам ҳуснда ундан қолишмасди. Ҳарамга шундай гулжамоллар

йигилган эди. Искандарга дейдилар: «Доро ҳарамига кирсанг, ой парилар каби аёлларни құрасан. Хусусан, Доро қизига бас келадиган соқибжамолни тополмайсан». Сүзловчилар «Искандар, Доро қизини күр, унга албатта уйлан», демоқчи буладилар.

Искандар дейди:

— Биз Доро Йигитларини мағлуб этдик, энди буларнинг аёллари бизни мағлуб қилишларига йўл бермаймиз.

Шу билан у маслаҳатни қабул қилмай, Доро ҳарамига бормайди.

Яна Хусрав-у Ширин ва Фарҳод Самарий воқеалари маълумдир. Хусрав Ширинни шундай севардики, унга ихтиёрини берар ва айтганларини қиласади. Охири Ширин шундай подшоҳ Хусравни қўйиб, жасорат кўрсатган Фарҳодга ошиқ бўлган.

Ҳикоят

Бузургмеҳрдан сўрадилар:

— Нега ал-Сасон салтанати барбод бўлди? Сен уларнинг тадбирли ва доно кишиси эдинг-ку? Бугунги кунда тадбиркорлигинг, яхшилигинг ва билимингта teng келадиган киши жаҳонда кўринмайди-ку!

— Икки сабаби бор. Бири шуки, ал-Сасон буюк ишларни майда ва нодон кишиларга буторади. Иккинчиси, илм аҳли ва хирадманд кишиларни хизматларига олмай, хотинлари ва ёш кишилар билан иш тутарди. Бу иккала гуруҳга ҳам ақл, билим ва тажриба етишмасди. Кимки хотинлар ва болаларга амал берса, кўлидан подшоҳлик кетади.

Хабар

Хотинлар бирор нимани маслаҳат берсалар, бунинг аксини қилиш керак, шунда тўғри бўлади. Ҳадисда шундай келтирилган: «Улар билан маслаҳат

қилиб, аксини қил». Агарда хотинлар ақли түкис бүлганида, Пайғамбар алайҳиссалом шундай демасди.

Ҳикоят

Ахборда шундай келтирилганки, Пайғамбар алайҳиссалом умрининг охирларида қаттиқ касал бўлиб қолади. Жума намозини ўқиш вақти келади ва масжидда саҳобалари Пайғамбарни кутиб туардилар. Фарз бўлган намозни жамоат билан ўқимоқчи эдилар. Ойиша ва Ҳафса, иккалаларидан Аллоҳ рози бўлсин, Пайғамбар бошида туардилар. Ойиша Пайғамбарга дейди: «Ё набиаллоҳ, намоз вақти бўлиб қолди, масжидга боришга эса мадоринг йўқ, буюргин, кимни имом қилиб, намоз ўқисинлар?»

— Абу Бакрни, — дейди у.

Иккинчи маротаба сураганларида яна: «Абу Бакрни», — деб жавоб беради набиаллоҳ. Ойиша Ҳафсага дейди: «Икки марта мен сўрадим, энди айтгин-чи, Абу Бакрнинг кўнгли бўш, сени қаттиқ севади, меҳробни кўриб, кўз ёш қилиши ва ўзини тутолмай, ўзи ва қавми намозларини бузиши мумкин. Умари Хаттоб кучли кишидир. Айт, уни буюриб, намозга имом қиласинлар».

Ҳафса шу мулоҳазаларни Пайғамбарга айтади. Пайғамбар алайҳиссалом шундай дейди:

— Сизларнинг сўзларингиз Юсуф ва Кирсиф ма-
салига ухшайди. Мен бундай сўзларга кириб, фар-
мон беролмайман. Яххиси, Абу Бакрга айтинглар,
одинга ўтсин ва жамоат намозини бошқарсин,
шундай савоб бўлади.

Пайғамбар алайҳиссалом Ойишнинг шу қадар олима ва порсолигига қарамай, унга қарши иш тулади. Шундан билингки, бошқа хотинларнинг фикр ва ақллари қанчалик бўлиши мумкин.

Юсуф ва Кирсиф ҳикояти ахборда қуйидагича келтирилган.

Ҳикоят

Нақл қиласыларки, Бани Исроил даврида шундай бўлардики, бирор қирқ йил гуноҳ қилмай, рўза тутиб, намозини ўз вақтида ўқиб, ҳеч кимга озор бермаса, Аллоҳ таоло унинг уч ҳожати, истагини бажаарди. Исроил фарзандлари ичида Юсуф номли бир диёнатли ва порсо бор эди. Мастура ва бокира хотинининг оти Кирсиф эди. Юсуф қирқ йил шундай тоат-ибодат қилиб, Аллоҳ таолога сифиниб келади. Шундан сўнг Тангридан бирор истагини бажаришни сўраш кераклигини ўйлади. «Бирор дўстим билан маслаҳатлашсан яхши бўларди», деган фикрга боради у, аммо бир мувофиқ кишини эсига келтиромайди. Ўига келиб, кўзи хотинига тушиб, ўйлади:

«Бу жаҳонда мени бундан кўра яхши кўриб, севадиган бошқа киши йўқ. Яхиси, у билан маслаҳатлашиб олай. У менинг жуфти ҳалолим ва болаларимнинг онаси. Унинг яхшилиги менга савоб тушар, аёлим билан маслаҳатлашай!»

Ва хотинига дейди:

– Биласанки, мен қирқ йил тоат бажо келтирдим, энди уч ҳожатимни тилаб олишим мумкин. Сен менинг яқин кишисан, Аллоҳдан нима сўрай?

Хотини шундай дейди:

– Мен учун ҳам оламда фақат сен борсан, мен сен билан тирикман. Хотинлар эрининг томошагоҳи ва экинзоридир, мендан доим хурсанд бўлай ва айш-у суҳбатимиз яхши ўтсин десанг, Аллоҳ азза ва жалладан сенинг жуфти ҳалолинг бўлганим учун менга шундай бир гўзал ҳусн-у жамол талаб қилгинки, бу нақаси бошқа бирор аёлга берилемаган бўлсин. Ҳар вақт эшикдан кирсанг, менинг ҳусн-у жамолимни кўриб, хуррам ва шод бўласан. Қолган умримизни хурсандчилик ва тинчликда ўтказамиш.

Хотиннинг бу сўзлари эрига маъқул тушиб, дуо қиласади.

– Ё Раббим, бу хотинга шундай ҳусн-у малоҳат ато этгинки, бундай ҳусн бошқа хотинларга берилмаган бўлсин.

Эзид таоло унинг дуосини ижобат қиласди:

Эртасига хотини уйқусидан турганида олдингидай эмасди. Бутун олам ҳали бундай гўзал аёлни кўрмаганди. Юсуф хотинига ҳайрат билан боқиб, хурсандчилигидан боши осмонга етади.

Кирсифнинг ҳусни ва гўзаллиги кундан-кунга зебо бўлиб борарди. Ҳафтанинг охирида ҳар бир кўрган киши унга мафтун бўларди. Унинг гўзаллиги жумлаи жаҳонга овоза бўлади. Шаҳар ва қишлоқлардан одамлар махсус уни кўришга келишарди.

Бир куни Кирсиф ўз ҳусн-у жамоли, қош-у лаблари, кўзларини кўриб, таажжубланиб, такаббурлик билан ўэича ўйлади: «Менинг ҳусн-у жамолимга teng келадиган аёл дунёда йўқ, мен эса бу қашшоқ кишига хотин бўлиб, қора нонини еб юрибман, эрим бу дунё бойлик ва неъматларидан маҳрум ва қийинчилик билан яшаётир. Мени подшоҳлар кўрганда эди, зар-зеб-у зийнат ва бойликка ботириб, ноз-у карашмаларим билан асраб, севарди».

Бу фикрларидан мағрурланиб кетган Кирсиф эри билан жанжаллашадиган бўлиб, ёмонликни ўзига касб этади. Эрининг сўзларига кирмай, уни хафа қилиб, азоблайди. Ҳар замонда эрига: «Сен менга teng эмассан, бир бурда нонга зор кишисан», – дерди. У тўртта ёш боласини ўз ҳолига ташлаб, уларга қарамай қўяди. Бу аҳвол Юсуфнинг жонига тегиб, иложсиз қолади ва осмонга қараб дейди:

– Ё худойим, бу аёлни айиққа айлантири!

Хотини бир зумда айиққа айланиб қолади. Бу айиқ уйдан узоққа бормай, шу атрофда айланиб юриб, кўзидан ёш тўкарди. Бола-чақалари ташвишида қийналган Юсуф оғир аҳволга тушиб, тоатибодат ва намоз ўқишга ҳам вақт тополмай қолади. Яна кўл кўтариб, осмонга нола қиласди:

— Худоё, айиққа айланган хотинимни олдинги шаклига келтир, бу болаларга ўзи оналик қиласин, мен эса сенинг тоат-ибодатинг билан машғул бўлай! Айиқ дарров хотинига айланиб, ўз болаларини ардоқдай бошлайди. Бу воқеаларни қачон сўрасалар, Кирсиф уларни тушида кўргандай бўларди. Қирқ йиллик тоат-ибодат чангдек тарқалиб, зое кетади. Шу аёл фикри ва топган тадбири оламда масал ва мақолларга сабаб бўлди. Шунинг учун эр хотини ва аёлнинг маслаҳати билан иш тутмаслиги керак.

Ҳикоят

Бир куни Маъмун халифа дейди:

— Подшоҳ ҳарам аҳли, кўшин ва хазина ишларига аралашиб гапиришларига, бирорни ҳимоя қилиб, бошқа кишини ҳайдаб, бирорга дўқ уриб, бошқага мол ва вазифа бериб, учинчи кишини ишдан олишларига ҳеч қачон йўл бермаслиги керак. Акс ҳолда одамлар мажбур булиб, шу хотинлар саройига бориб, ўз ҳожатларини ахтарадилар. Улар одамларнинг ўзларига бўлган рағбатини куриб, ҳар хил ишларга қўл урмоқчи бўладилар. Ёмон ва фосиқ кишилар уларга яқинлашиб оладилар, подшоҳнинг эса ҳашамати ва ҳурмати қолмай, сарой равнақи ва ривожи заифлашади, подшоҳнинг қудрати ҳам кетиб қолади. У ҳар томондан маломат эшитади, мамлакат аҳли изтиробга тушади, вазирда ҳам куч-қудрат қолмай, кўшин аҳволи оғирлашади. Шундай экан, бу қийинчилик давлат бошига тушмаслиги учун қандай илож қилинсин?

Подшоҳ шундай қоидани одат этсиňки, у подшоҳликни юксалтириб, фикрини ўткир қиласин. Аллоҳ таоло буюрган:

«Биз эркакларни хотинлардан устун қўйдик, токи аёллар уларнинг қарамогида бўлсинлар. Агарда аёл-

лар ўзлари ёлғиз яшай олганларида эди, биз эркак-ларни улардан устун қўймасдик. Ким хотинларни эркаклардан афзал деб қабул қиласа, хато қилади ва оқибатига ўзи жавоб беради. Қайси подшоҳ авлоди ва наели жойида булиб, давлати ва мамлакати бузилмаслигини, шукуҳ ва ҳашамати пасаймаслигини истаса, ҳарам аҳдининг подшоҳдик ишларига аралashiшига йўл бермасин ва кўл остидагилар ва хизматкорлари ҳақида гапирмасин».

Умар Хаттоб айтганки: «Парда аҳдининг сўзлари ўзларига үхшаб авратдир, ўзлари қанчалик ёпинган булсалар, сўзлари ҳам шундай ташқарига чиқмаслиги керак».

Шу ҳақда кўп гапирдик, етар! Сўзнинг кўплиги ўкувчига ёқмайди ва бизнинг холосамизга у рози булажак.

Кўл остидагилар ҳақида

Аллоҳ таоло подшоҳни одамлардан устун қилиб яратган ва одамлар унинг кўл остида булиб, шоҳ шарофатидан бир бурда нон топиб юксалиб келгандар. Қўли остидагиларни ва қўшин аҳлини ҳамиша шундай тутиши керакки, улар ўз ҳадларини билиб, бандалик ва садоқат ҳалқасини қулоқларидан олмай, итоатга бел боғлаб юрсинлар. Қачон бирорни бошқага яхши ё ёмон қилиб курсатсалар, индамай, улар хоҳлаган ишларига розилик бермай, ҳар бирининг ўлчовини билиб турсинлар, фармон чизигидан чиқиб кетмасликларини назорат қилсинар. Шу ҳақда ҳикоялар ҳам бор. Бузургмеҳр бир куни Нӯширавонга дейди:

– Вилоят маликникидир. Малик вилоятни қўшинига берди, ҳалқига эмас. Лашкар аҳди вилоят аҳолисидан устун қўйилган. Агарда қўшин малик мулкига меҳрибон бўлмаса, вилоят ҳалқига раҳм-у шафқат қилмаса, ҳамма ўз киссасини зар билан тул-

диришни уйлайди. Вилоятнинг обод ёки хароб бўлиб кетиши фамини емайди. Агарда қушин аҳли давлат бошқарувида ўзбошимчалик қиласа, бирорга жазо бераб, иккинчи кишини зинданбанд этса, бошқа бирорни ишдан олса, жиноят ва хиёнат купаяди. Шоҳ ва қўшин ўртасида фарқ қолмайди. Бу ишлар ҳамиша қўшиннинг эмас, маликнинг иши бўлган. Қўшиннинг шундай кучайиб, ўзбошимчалик қилишига ҳеч қачон имкон бермаслик керак. Барча замонда тилла эгар ва тилла рикоб, заррин тож-у тахт ишлари подшоҳ қулида бўлган. Агарда малик ҳамма шоҳлардан устун бўлишни хоҳласа, ўз ахлоқини яхши фазилат ва хислатлар билан безатиши ва ёмон хислатлардан узоқда булиши зарур. Сўрайдиларки, бу қайси хислатлар экан. Жавоб беради:

– Булар қўйидаги ёмон хислатлардир: ҳуқд (нафрат), ҳасад, разаб, шаҳват, ҳирс, амл (ёмон иш), лажожлик (эзмалик), ёлғон, бухл, бадфеълик, зулм, ўзибилаармонлик, шопшилиш, носипослик, енгилтаклик. Яхши ва нек хислатлар: ҳаё, яхши хулқ, ҳалимлик, кечириш, тавозе, саковат, сабр, сидқ, шукур, раҳмат, илм, ақл, адолат.

Агарда бу хислатларни тартиб билан ишга солсанг, ҳар қандай ишнинг иложини қиласан ва қўл остингдагиларни идора қилиб, давлат бошқарувида маслаҳатчиларга ҳеч қандай ҳожатинг тушмайди, ҳамма иш ўз қўлингдан келади.

ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ ФАСА

БАДМАЗҲАБЛАР АҲВОЛИНИ ФОШ ҚИЛИШ, МАЗДАК ВА МАЗДАКИЙЛАР ҲАҚИДА

Оламдагилар менинг бу давлатга бўлган меҳр-муҳаббатим ва салжуқийлар давлатига қанчалик ҳавас ва ҳимматим борлигини билсинлар деб, бу банда хорижийлар исёни ҳақида бир боб битмоқчи

бўлдим. Банда, айниқса, маликимга, Аллоҳ таоло унинг мулкини сақласин, фарзандлари ва оиласига ёмон кўз тегмасин, деб орзу қиласман.

Ҳамма замонларда хорижийлар (диндан қайтганлар) бўлган ва улар Одам алайҳиссалом давриданоқ пайғамбарлар ва шоҳларга қарши қўзғолон ва исёнлар кўтарганлар. Ҳар бир ўлкада бу қавмдан ёмони, шумроғи бўлмаган. Улар давлатга яширинча ёмонлик қилиб, ҳар бир овозага қулсоқ солиб, майда ишларга ҳам аралашиб юрадилар. Худо ўзи сақласин-у, мабодо давлатга бирор заар тегиб қолса, бу итлар яширган жойларидан чиқиб, давлатга қарши юриш қилиб, шиаликка даъват этадилар. Буларнинг куч-кувватлари асоси кўпингча рофизийлик ва хуррамдинлардан иборат бўлади. Улар кўлларидан келган ёмонлик ва бидъат ишларни қиладилар. Улар яна сўзда мусулмонликка даъвогардирлар, аммо ҳақиқатда кофирлар феъли ва ишларини қиладилар. Уларнинг ботинлари зоҳирларига қарши, сўзлари амалларига зиддир. Муҳаммад алайҳиссалом динида булардан ёмонроқ душман йўқ. Шоҳим мулкида ҳам бу қавмдан шумроқ душман мавжуд эмас. Бугун бу давлатда шундай кишилар борки, бу қавмга яқинлашиб шиалик мазҳабидан бош чиқарадилар. Улар шиа ҳам, рофизий ва ботиний ҳам эмаслар, аммо яширинча уларга ёрдам бериб, исёнга ва қаршиликка чақириб турадилар.

Оlam шоҳини Бани Аббос авлодидан халифаликни олиб ташлаш учун даъват этадилар. Агарда мен булар пиширган ошлар дамини бузсам эди, бу вазирларнинг кимлиги фош этилиб, расво бўларди. Аммо уларнинг ёмон феълларидан маликка мендан малол ҳосил бўлган, шу маънода менинг сўзларим фойдасиздир. Шоҳни улар мол-дунёга ҳорис қилганлар, мени фаразгўйликда айблайдилар ва насиҳатларим ёқмай қолади. Уларнинг ёмон феъллари

ва фасод ишларини малик билиб олган пайтида
банда оламдан ўтган бўлади ва у менинг садоқа-
тимни тушуниб, бу тоифадан ғофил эмаслигимни
билиб олади. Мен бу сўзларим ўтмаслигини билиб,
кўп вақтлар ҳеч нима демаганман. Аммо буларнинг
исён ва чиқнишлари ҳақида ушбу китобда қисқача
келтирдим, ботинийлар қанақа одамлар эканлиги,
қаерда бош кўтарганликлари, қачон, қаерда маргуб
бўлганликларини маликим билиб олсин-у, мендан
ўша дин ва мулк хўжайинига тазкира сифатида
эсдалик қолдирсан. Бу лаънати қавм Шом-у Яман ва
Андалусда бош кўтариб, урушлар қилган. Аммо бан-
да Ажам мулкида бўлган бу воқеаларни баён этаман.
Аммо ким буларнинг аҳволидан хабардор бўлмоқчи
бўлса ва Муҳаммад динига келтирган заарларини
бilmоқни хоҳласа, тарих китобларини олиб, мутола
этсин. Хусусан, «Исфаҳон тарихи»ни ўқисин. Ажам
заминида бўлган воқеалардан эса, шоҳим мулки
булгани учун, мен юздан бирини ёзиб бермоқчиман.

**Маздақ ва маздакийларнинг исёnlари,
унинг мазҳаби ва Ануширвон / Нушировони
одил қўлидан Маздакнинг ўлдирилиши ҳақида**

Ажам мулкида пайдо бўлиб, биринчи иллатли таъ-
лимотни олиб келган киши Маздаки Бомдодон эди.
Уни «мубадлар мубади» дердилар. Нуширавоннинг
отаси малик Кубод даврида у оташпарастликни
йўқ қилиб, янги таълимотни жорий этмоқчи булди.
Бунга асос шунда эдики, Маздак юлдузларни яхши
биларди. У юлдузлар ҳаракатидан чиқарган хуносаги
кура, шу замонда бир киши пайдо бўлиб, янги динни
асос солади ва оташпарастлик, бутпарастлик ва яху-
дийлар динини ботилга чиқаради. У зўрлик билан бу
динни одамлар орасида тарқатади. Бу дин қиёмат-
гача қолади. Маздак, «бу одам, ўзим бўлсам керак»,
деб ўйлайди. Ва халқни қандай даъват қилиб, янги

тиълимотини тарқатиш йўлини қидира бошлайди. Қираса, у подшоҳ олдида катта ҳурмат ва эътиборга ша булиб, унга сўзи утаяпти, ундан ҳеч қачон ёлғон шун эшитмаганлар. Пайғамбарликка даъво қилишдип олдин у ўз роҳибларига буюриб, узоқ жойда ер тагидан йўл қаздиради ва унинг охирини оташхона Үртасидан чиқартиради. Сўнгра у нубувватга даъво қилиб, дейди: «Мени ерга Зардушт динини тозалаш учун юборганлар, зеро, халқ «Занд-Авесто»нинг асл мілъоларини эсларидан чиқарган ва Аллоҳ айтганларини Зардушт талқинига мос амалга оширади. Буни Исроил ҳам Мусо алайҳиссаломга «Таврот»да келтирилган сузларга қарши иш тутганида Тангри бир пайғамбарини юборди. У «Таврот» ҳукми билан Буни Исроил ўрталаридағи низо ва қаршиликни ўқотиб, шу таълимотни енгиллатиб, халқни тўрри плўлга ҳидоят қилиши керак эди».

Бу сўзлар малик Қубод қулорига етиб боради. Ортаси куни у буюклар ва мубадларни олдига чиқиририб, мажлис қиласди. Маздакни даъват этиб, ҳамманинг олдида сўрайди:

– Сен пайғамбарликка даъво қиласанми?

– Ҳа, мен Зардушт динини муҳолифларимиз зинига келтирганлиги ва шубҳа остига кўйганлигидан унни ислоҳ қилиш учун келдим. «Занд-Авесто»нинг мілъноси бундай эмас, унинг ҳақиқий маъносини мен очиб бераман, – дейди.

– Сенинг мўъжизанг нимада?

– Сизлар меҳроб ва қиблага айлантирган оловни сўзга киритиб, Аллоҳ азза ва жалладан оловга фармон бериб, менинг пайғамбарлигим ҳақида гуноҳлик беришини сурайман. Шунда малик ва сен билан бўлганлар буни эшитасизлар.

Малик дейди:

– Эй, Эронзаминнинг улуғлари ва мўътабар мушилари, сизлар нима дейсизлар?

– Биринчидан, бу китобимиз ва динимизни таң олаяпти. Зардыштга ҳам қарши эмас. «Занд-Авесто»да шундай сўзлар борки, ўнгдан маънога эга. Ҳар бир мубад ва доно киши бу сузларни ўзича тушунтириб, тафсир қилиши мумкин. Бу шарҳ ва тафсирлар яхши ва тоза иборалар билан айтилиши ҳам мумкин. Аммо булар ибодат қиласиган оловни сўзга киритиши одам қудратидан йироқдадир. Биз шунга ҳайронмиз. Малик яхшироқ билади, – деб жавоб берадилар.

Малик Кубод Маздакка қараб, дейди:

– Агарда сен оловни сўзга киритсанг, мен гувоҳ булеманки, сен ҳақиқатдан ҳам пайғамбарсан.

Маздак дейди:

– Малик ваъда берсин ва шу билан мубадлар-у буюклар оташхонага келсинлар. Худо менинг дуоларим билан оловни сўзга киритади. Хоҳласанг, ҳозир юр!

– Эртага борамиз. Барча қўшин билан оташхонага йўл оламиз, – дейди Кубод.

Эртаси куни Маздак бир роҳибни чакиртириб, айтади:

– Шу тайёрланган ер ости йўлига кириб боргин. Қачон мен баланд овоз билан гапирсам, сен у ердан «Эрон худопарастларининг иложлари Маздак сўзларига қулоқ солишдадир», деб айтасан. Шунда улар икки жаҳонда ҳам хушбахт бўладилар.

Кубод аҳли рикоби ва мубадлари билан оташхонага келади. Маздак олов ёнадиган жойга яқин келиб туради. У баланд овоз билан худо номини тилга олиб, Зардыштга оғаринлар айтиб, жим бўлади. Оловдан, юқорида айтганимиздек, овоз чиқади. Малик билан бирга бўлганлар уни эшитаб, ҳайратта тушадилар. Кубод Маздакка ишониб, оташхонадан чиқади. Шундан кейин Маздакни ўзига яқин тутади. Маздак учун олтин ва гавҳарлар билан безатилган бир курси буюради. Уни таҳт турадиган саройга олиб кириб куядилар. Кубод таҳтига ўтирган вақтда

Маздак ҳам курсисига келиб ўтиради. У тахтдан ҳам юқори бўлган жойда ўтиради. Шаҳарликлар ва раият аҳли шоҳларига тақлид қилиб, Маздак динига кира бошлайдилар. Аммо улугларнинг кўплари Маздак таълимотини ёқтирмасдилар. Подшоҳ ҳашшаматидан кўриқсанларидан бирор гап айтолмасдилар. Мубадлардан ҳеч бири Маздак мазҳабига кирмади ва «Занд-Авесто»дан нимадир чиқишини кутарди.

Маздак подшоҳнинг ўз мазҳабига киришини ва ҳар томондан одамлар унинг даъватини қабул қилаётганликларини кўриб, жасурлашиб, дейди:

— Мол-бойликни ҳалқ ўртасида бўлиб бериш керак, чунки улар худо бандалари ва одамзот фарзандларидир. Улар бир-бирларининг молларини карж қилиб яшашлари лозим.

Маздак Қубод ва ҳаммазҳабларини бунга рози қиласи. Кейинроқ шундай дейди:

— Хотинларингиз ҳам умумий булишлари керак, ҳар бирингиз қайси хотинга рағбат қилсанглар, у билан бирга бўлаверинглар. Рашик ва ёмонлик динимизда йўқ. Ҳеч ким роҳат-у лаззатдан ва дунё шаҳватларидан бенасиб қолмоғи мумкин эмас. Орзулар ва комронлик эшиги ҳам ҳамма учун очиқдир.

Одамлар мол бирлиги ва хотинлар умумийлигидан Маздак мазҳабига рағбат билан кира бошлайдилар. Хусусан, уларнинг кўпи оддий ҳалқдан эди. Шундай одат пайдо бўладики, бирор йигирма кишини уйига меҳмондорчилликка чақириб зиёфат қилиб, ош-нон берганида хотинининг ҳам шу йигирма киши билан булиши уят ҳисобланмай қолади. Яна бирор киши бирор хотин билан бўлмоқчи бўлса, унинг уйи эшигига бош кийимини осиб қўйиб, ичкарига киаркан. Эшиқдаги белгини курган бошқалар бунинг маъносини тушуниб, рағбатларидан тушиб, қайтиб кетарканлар.

Нуширавон мубадларга яширинча одам юбориб, шундай дейди:

– Нега жим турибсизлар? Маздакнинг ишларига аралашмайсизларми? Отамга ҳам панд-у насиҳат бермаяпсизлар. У бирор фиригарнинг ёлғонига учиб қолгандир? Шу итнинг сўзи билан халқнинг мол-у мулки ва ҳарами умумий бўлиб қолди. Айтинглар-чи, у қайси ҳужжат билан бу ишларни қилаётир? Ким унга ижозат берган? Яна жим юраверсангиз, сизларнинг мол-мулк ва хотинларингиз ҳам умумий бўлади. Мулк-у давлат эса бизнинг хонадонимиздан кетади. Ҳаммангиз бирлашиб, отам олдига боринглар ва бу аҳволни айтиб, насиҳат қилинглар. Маздак билан баҳс қилиб кўринглар, қани нима далил келтираркан?

Нўширавон машҳур ва буюк кишиларга ҳам ушбу мазмунда хат ёзади: «Отам шу даражада ақддан озиб қолибди, маслаҳатни ифводан ажратолмаётир, унинг иложи ва тадбирини қилинглар, Маздак сўзларига кирсангиз ва унинг айтганини қиласангиз, отамга ўхшаб, ақдан озиб алданасизлар. Унинг сўзлари ёлғон ва ёлғоннинг умри қисқадир». Бу кишилар Нўширавон сиёсатидан қўрқиб қоладилар, чунки бальзилари Маздак мазҳабига кирмоқчи бўлиб турганди. Нўширавоннинг сўзлари уларни бу йўлдан қайтаради. Маздак ишларининг оқибатини кўрмоқчи бўладилар. Нўширавон бу вақтда ўн саккизга кирган эди. Улуғ кишилар ва мубадлар бирлашиб, Кубод олдига келиб, дейдилар:

– Биз тарих китобларини ўқиб, Маздак сўзлари ёлғон эканлигини билдик. Ҳеч бир замонда бунақаси бўлмаган экан. Шом мамлакатига келган пайтамбарлар бу маънода сўзламаганлар. Кубод дейди:

– Маздакка булярни айтинглар-чи, нима деркан?

Маздакни чақириб, айтадилар:

– Бу сўзларингга қандай ҳужжат ва далил бор?

У дейди:

– Зардушт шундай деган, «Занд-Авесто»да ёзилан. Одамлар унинг тафсирини билмайдилар. Ишон-

масанглар, оловдан сўранглар. Яна улар оташхонага борадилар. Оловдан сўраганларида оловдан: «Маздак айтгани түғри», деган овоз келади. Мубадлар хижил булиб қайтибдилар.

Эртаси куни улар Нуширавон билан учрашиб, булган воқеаларни маълум қиласдилар. Нуширавон дейди:

– Маздак ўз таълимотини габрлар мазҳаби деб даъво қиласди, аммо унинг сузларининг маъноси бошқа.

Шундай қилиб, орадан бир йил ўтади. Бир куни Кубод ва Маздак уртасида шундай воқеа руй беради.

– Одамлар шавқ-у завқ билан бу мазҳабга киряптилар, – деб гапириб қолади Кубод.

Маздак дейди:

– Агарда Нўширавон ҳам шу таълимотни қабул қилганида эди, одамлар бу мазҳабга тезроқ кирган бўлардилар.

Кубод дейди:

– У бизнинг мазҳабда эмасми?

– Йўқ, – деб жавоб беради Маздак.

– Нўширавонни чақиринглар, – дейди Кубод.

Кубод ўғлини кўриб, сўрайди:

– Эй, жони падар, сен бу мазҳабда эмасмисан?

– Йўқ.

– Нега?

– Чунки Маздак ёлғончи ва фирибгар.

– Қандай қилиб у ёлғончи булсин, у олов билан сўзлашади-ку!

– Тўрт нарса бир-бирига зиддир: сув, олов, тупроқ ва ҳаво. Айт-чи, у сув, олов, тупроқ ва ҳавони ҳам сўзга киритсин.

– У «Занд-Авесто» асосида гапиради.

– «Занд-Авесто»да мол ва хотинлар умумий бўлсин, деб айтилмаган. Шунча вақт бирорта доно бундай тавсиф қилмаганди. Дин ҳарам ва бойликни сақлаш учун керак. Агар шундай бўлмаса,

одамларнинг ҳайвонлардан нима фарқи қолади? Бу қоида ҳайвонларга түғри келади. Ҳайвонларнинг юриш-туришлари умумийдир. Ақли бор инсон бундай қилмайди.

Кубод дейди:

– Мен сенинг отанг бўламан, нега менинг сўзларимга кирмайсан?

– Мен сендан ўргандим. Менда бундай одат йўқ эди, сен ота-боболар русумига қарши борганингни кўриб, сенга қарши чиқяпман. Сен ўз йўлингдан қайт, мен ҳам қайтаман.

Кубод ва Маздак Нўширавонга айтадилар:

– Яххиси, сен бу мазҳабни инкор қиласидиган ва Маздак сўзларини ёлғонга чиқарадиган далил ва ҳужжат келтириб ёки шундай кишини топки, унинг ҳужжати Маздак далилларидан устун ва ишонарли бўлсин. Йўқ, десанг, сени қатл қилиб, бошқаларга ибрат тариқасида кўрсатамиз.

Нўширавон дейди:

– Менга қирқ кун муҳлат беринглар, токи бирор далил келтирай ёки бировни топиб келиб, Маздакка жавоб берай.

Шу қарорга келиб, Нўширавонга муҳлат берадилар. Нуширавон отаси олдидан чиқиб кетиб, шу куни Порс вилоятига хат ёзиб, одам юборади. Кувал шаҳрида қари ва жуда доно бир мубад яшарди. Унинг тез етиб келишини илтимос қилиб, Кубод ва Маздак билан бўлган воқеани ёзма маълум қиласиди. Қирқ кун уттач, Кубод саройда зиёфат беради. Ўзи тахтга чиқиб олади. Маздак ҳам келиб, ўз курсисига ўтиради. Нуширавонни олиб келадилар. Маздак Кубодга:

– Сўрагин-чи, бизнинг жавобимизни берармикан? – дейди.

Кубод ўғлидан сўрайди:

– Айтганимиз нима бўлди?

– Иложини қиласидиган, – деб жавоб беради у.

– Берган мұхлатимиз битди. Уни үлдир! – дейди Маздак.

Қубод жим бұлади. Маздак ишорат қилиб Нұширавонни құлға олишларини буюради. Ушламоқчи бұлғанларида Нұширавон айвон панжараларига ёпишиб, отасига қараб бақиради:

– Шошманглар! Менинг мұхлатим тутагани йүқ!
– Қандай қилиб? – дейди у.

– Мен роса қирқ кун сұрагандым. Бугун ҳам, эрта ҳам менини. Эртага жавоб бермасам, хоҳлаган ишларингни қилинглар.

Лашкарбоши ва мубадлар ҳам: «Ваъда қирқ кун зди, бир куни ҳали бор», – деб бақирадилар. Нұширавонни озод қилишади.

Нұширавон Маздак чангалидан озод бұлади. Қубод чиқиб кетади. Одамлар тарқаладилар. Нұширавон ҳам ўз саройига келади, у чақырган мубад сұраб-сурыштириб, унинг саройига келади, тұядан тушиб, тезда қасрга кириб, бир ходимга секин дейди: «Нұширавонга айт, Порсдан мубад келди ва сени күрмөкчи». Ходим хабарни хожасига етказади. Нұширавон хурсандчилігидан жойидан учыб кетгандай бұлып ташқарига чиқиб, мубадни бағрига босиб:

– Эй, мубад, мен бугун бошқатдан онадан туғилдим, – дейди-да, бұлған воқеани айтиб беради.

– Хотиржам бұл, сен айтгандек булади, – дейди Мубад. – Сен әңажсан, Маздак ноңақдир. Мен Маздакнинг жавобини бераман. Қубод эса қылған ишларидан пушаймон ейди, у хато йўлидан қайтади. Лекин сен мени Маздак келишимни билмасидан олдин Қубод ҳузурига олиб бор.

– Бу осон иш, – дейди Нұширавон, – шу кеча сен малик билан хилват жойда учрашасан.

Аср намози вактида Нұширавон отаси саройига келиб, қабул қилишини сұрайди. Отасини күриб, уига ҳамд-у санолар айтиб, дуо қилиб, дейди:

– Порс вилоятидан бир мубад келди. У Маздакка жавоб бермоқчи. Аммо мубад мендан сен уни шу кеча қабул қилишингни ва унинг сўзларини хилаватда эшлитиб, далилини инобатга олиб, нима вожиб бўлса, кейин буюришингни сўраттириб юборди.

Қубод кўниб, дейди:

– Ҳуазуримга олиб кел.

Нўширавон саройига қайтади.

Кечкурун мубад Қубод олдига келиб, унга офарин ва санолар айтиб, унинг ажододларини ҳам мақтаб дейди:

– Маздак хато қиласяпти. Бу унинг иши эмас, мен уни, билимининг қадрини ҳам яхши биламан. У юлдузлар илмидан бирмунча хабардор, лекин ўз қулосаларида хатога йўл қўяди. Шу ҳолосага кўра у далил келтирадики, бир киши пайдо бўлиб, пайғамбарликка даъво қиласди, китобини келтириб, мўъжизалар кўрсатади, ойни осмонда иккига бўлиб, халқни Аллоҳ тоатига чақиради, динни тозалаб, оташпарастлик ва бошқа мазҳабларни йўқقا чиқаради. Жаннатни ваъда қилиб, дўзах билан халқни қўрқитади. Бойликлар билан ҳарам аҳдини шариат билан мустаҳкамлаб, девлардан уларни ҳимоя қилиб, Сурушга яқинлашади. Оташхона на бутхоналарни бузиб, динини Ер юзига тарқатади ва қиёматгача қолади. Ер-у осмон унинг пайғамбарлигига гувоҳлик бёради. Маздак шу киши ўзим бўлсан керак, деб ўйлаяпти. Биринчидан, у киши ажамлик бўлмайди, Маздак эса ажамийдир. У халқни оташпарастликдан ман қилиб, Зардуштни инкор қиласди. Бироннинг ҳарамига боришни ман қиласди, ўзганинг молидан бир зарра ҳам олишга қўймайди. Бир тангага хиёнат қилган кишининг қўлини кестиради. Хотинлар-у мол-мулкни умумий қилган Маздак эса олов номидан гапиради. Маздак мазҳабида ҳақиқат йўқ. Эртага мен малик олдида унинг расвосини чиқараман ва ноҳақлигини қўр-

шотаман. У салтанатни сенинг авлодингдан олиб, бойлигингни йўқ қиласи, сени пастга тушириб, паслингни подшоҳликдан маҳрум этади. Ҳозир мен сенга буни тушунтириб шарҳлаб бераман.

Улар хилват қилиб ўтирган жойда сув учун зардан исалган бир хум турарди. Мубад буюради, Қубод билан Нўширавон бир қадаҳни сувга тўлдириб, хумга солиб қўядилар. Ўзи ҳам бир қадаҳни тўлдириб, хумга солади. Сўнгра уларга дейди:

- Ҳар бир киши ўз сувини қайтариб олиши керак!
- Малик Қубод ожиз бўлиб қолди.
- Ҳар ким ўз сувини олишининг имкони йўқ, – дейди.

– Шундай бўлса, бир неча киши бир аёлдан фарзанд кўрса, бола кимники булишини ким билади? Малик ҳарамига бегона кишита йўл очиқ булмаса, ҳар бир фарзандни биз маликники деб биламиз ва унга хизмат қилишни бурчимиз ҳисоблаймиз. Аммо бегона киши ҳарамга кирса, туғилган бола маликнинг боласи эканлигига ким ишонади? Агарда бола маликники бўлмаса, мулк ва подшоҳлик унга қандай тегади?

Маздакнинг мақсади малик хонадонидан шоҳликни тортиб олиб, мулкка завол етказишидир, шунда катта-кичиклик ҳам йўқолади.

Мен бу сўзларимни Маздакнинг хиёнатини кўрсатиш учун айтдим. Сен ўғлингга унинг ёшига қараб баҳо берма. Нўширавон нима деса, тўғридир. Қубодга мубад сўзлари ёқиб қолади. Эртаси куни Қубод саройга келади. Маздак ҳам ўз курсисига ўтиради. Нўширавон тахт олдида туради. Мубадлар ва буюк кишилар кириб келадилар. Шунда Нўширавон олиб келган мубад келиб, Маздакка дейди:

- Савол-жавобни сен бошлайсанми ёки менми?
- Мен, – дейди Маздак.
- Унда сен менинг жойимта кел, чунки сен сўрайсан, мен эса сенинг жойингта бораман! – дейди мубад.

Маздак хижил бўлиб, дейди:

— Менга бу жойни малик берган. Сен сұрагин, мен жавоб бераман.

Мубад сұрайди:

— Сен бу күпприклар, работлар ва қилинаётгап хайр-у садақалар умумий, дейсан. Булар нариги дунё учун эмасми?

— Шундай, — дейди Маздак.

— Унда бу моллар ўзаро умумий бўлса, қилинаётгап хайр-у садақа кимники бўлади?

Маздак жавоб беролмайди.

Яна сұрайди мубад:

— Сен хотинларни умумий, дейсан. Агарда йигирмата киши бир аёл билан бўлиб турса, боланинг отаси ким бўлади? Яна Маздак жавоб беролмайди.

— Сен ҳалқ насл-у насаби ва мол-мулкларини ҳам йўқ қилиш учун келибсан. Бу тахтга ўтирган малик подшоҳ Фирузнинг ўғлидир. Подшоҳлик отасидан мерос қолган. Малик Фируз ҳам уни отасидан мерос олган эди. Агарда малик хотини ўн киши билан яқинлик қиласа ва фарзанд туғилса, уни кимдан деб ҳисобласинлар? Насли йўқ бўлади-ку! Кейин шоҳлик ҳам бу жаҳондан ўтади. Катта ва кичиклар эса бойлик ва фақирлик билан боғлиқ. Дарвеш киши ўз тириклиги учун бойларга хизмат қиласи. Агарда бойлик умумий бўлса, мубоҳ ҳисобланса, катта-кичиклик йўқолади. Энг паст киши ўзини подшоҳ билан тенг санайди, подшоҳлик эса хор бўлади. Сен келиб, шоҳлик ва бойликни Ажам шоҳлари қўлидан олмоқчисан.

Маздак ҳеч жавоб беролмай, жим булиб қолади.

Кубод дейди:

— Сузига жавоб бер!

— Буюргин, бошини кесиб ташлашсин, — дейди Маздак.

— Асоссиз бироннинг бошини олиш мумкин эмас!

— Оловдан сұраш керак, қани нимани буюраркан, ахир мен бу гапларни ўзимдан чиқариб айтмаяпман-ку!

Нұширавон тақдиридан ташвишга түшгән одам-лар қаттық хафа булиб турардилар. Бу гапларни эшигіб, хурсанд бұладилар. Нұширавон үлімдан қолади шы Маздак үзіча ўйлайды: «Менинг тарафдорларим құпшын ичіда ва халқ үртасида күп. Яхшиси, аввал Кубодни ўртадан йүқотиш керак, кейин Нұширавон шы қолған душманларимни ҳам».

Эртаси куни ҳаммалари оташхонага бориб, олов шыма дейишини әшитмоқчи бұладилар. Ҳамма тарқалиб кетади.

Кечаси Маздак иккита бадмазжаб роҳибни чақыртириб, тилла танга бериб, иккалаларини лашкар-шошиликка күтаришни вайда қиласы. Бу сұзларни ғыровга айтмаслик учун онт ичдириб, уларға иккита қилич бериб, дейди:

— Эртага Кубод ўз яқынлари ва мубадлари билан оташхонага келади. Агарда олов Кубодни ўлдиришти буюрса, сизлар дарров уни шу қиличлар билан ўлдириңгелар. Қилич билан бошқа ҳеч ким оташхонага кирмайды. «Фармон бажарилади», — дейишади улар.

Эртасига улуғ кишилар ва мубадлар оташхонага келадилар. Кубод ҳам боради. Порсдан келган мубад Нұширавонға: «Үз хос кишиларингдан ўнтасига айт, қиличларини кийимлари остига яшириб оташхонага кирсиналар. Маздак яна бирор ҳийлани тошламасин», — деб маслаҳат беради. Нұширавон бу шыларни бажарыб, оташхонага келади.

Маздак оташхонага борищдан один ер ости иули-шынг оғзіда турадиган кишига нима айтишни ту-шунтиради-да, оташхонага кириб, мубаддан аввал олов билан сүзлашишини сұрайди, мубад оловға яқынлашиб қанча гапирса ҳам, у ердан овоз чиқмайды. Шундан сүнг Маздак оловға дейди:

— Бизга гувоқлик бер, ҳукм чиқарғин!

Олов ичидан бир овоз чиқади:

– Мен анчадан буён заифлашаяпман. Аввал мен-га куч беринглар. Кубоднинг дил-жигарини менга беринглар, шунда нима қилишларингни айтаман.

Маздак дейди:

– Оловга куч беринглар!

Унинг кишиларидан иккаласи Кубодни ўлдир-моққа шайланадилар. Мубад Нўширавонга буоради:

– Отангни муҳофаза эт!

Нўширавон ун нафар кишиси билан иккала роҳиб олдига туриб олиб, Кубодни ўлдиришга йўл бермайди. Маздак бақираверади: «Олов худо номидан сўраётгир!» Одамлар иккига булинниб кетадилар. Баъзилари Кубодни тириклайн оловга ташламоқчи буладилар, баъзилари бу ишга андиша қилиб, шошилмасликни айтадилар. Шу куни улар ортга қайтишади.

Кубод ўзича ўйлади: «Бирор гуноҳ қилдиммикан, олов мени хоҳлаб қолибди, мен бу жаҳон оловида ёниб кетаманми? Яхиси, нариги дунё оловида ёна қолай!»

Эртасига мубад Кубодга хилват қилиб, ўтган шоҳдар ва мубадлардан сўз очиб, далил ва хужжатлар келтиради. Маздак пайрамбар эмас, балки маликнинг душманидир, дейди. Бир далил шуки, у аввал Нўширавонга қасд қилди, унга кучи етмай, сенга қасд қилди. Бугун мен оддиндан тадбир топиб қўймаганимда, сен ҳалок бўлардинг. Сен яна унга меҳр қўйгансан. Олов ҳеч қачон сўзламайди-ку! У бирор ҳийла ишлатган. Мен иложини қилиб, унинг найрангини топиб, маликка маълум қиласман. Олов номидан бирор гапирайти. У шундай қилибдики, малик Кубод ўз қилмишларидан пушаймон булади. У маликка дейди:

– Сен Нўширавонни ёш демагин, у дунёning ҳамма ишларини билади. Хонадонингдан подшоҳлик кетмасин десанг, у нима маслаҳат берса, шуни қилгил. Кўнглингдаги сирларни Маздакка очма, унга яқинлашма. Кейин Нўширавонга дейди:

– Иложини қилиб, Маздак хизматкорларидан бирини қўлга олгин, уни пул-мол билан кўндири,

білки у олов воқеасини бизга маълум этар. Шунда отингнинг шубҳаси ҳам бирдан йўқолиши мумкин.

Нўширавон бир одамига Маздак кишиларидан бирортаси билан яқин бўлишни буюради. У одам бир кишини Нўширавон олдига олиб келади. Нўширавон хилватда у билан ўтириб, минг динор пулни олдига қўйиб, дейди:

– Энди сен менинг дўстим ва биродаримсан. Сенинг ғамингни мен ейман... Ҳозир бир нарсани сендан сурайман, тўғрисини айтсанг, шу минг динор сеники бўлади, ўзинг эса менинг яқинларимдан бўласан ва сенга мартабалар бераман. Агар ростини пійтмасанг, бошингни оламан. У қўрқиб кетади:

– Рост гапирсам, ваъдаларингга вафо қиласанми?
– Ҳа, – дейди Нўширавон ва сўрайди: – Маздак қандай қилиб олов билан сўзлашади?

У киши жавоб беради:

– Айтган сўзларимни Маздакка айтмайсанми?
– Айтмайман, – дейди Нўширавон.
– Оташхонага яқин жойда бир парча ер бор. Уни Маздак сотиб олган. Атрофини девор билан ўраб, шу жойдан оташхонанинг олов ёқиладиган жойигача ер остидан йўл қазилган. Олов олдида бир кичкина ковак бор. Ҳар вақт бир рожибни шу ерга қўйиб, шимадир айтишни ўргатади. Эшитган киши оловдан овоз чиқаяпти деб, ўйлади.

Нўширавои унинг гаплари тўғрилигига ишониб, курсанд бўлиб, минг динорни унга совға қиласади. Кечаси уни отаси олдига олиб бориб, яна бу сўзларини тисдиқдатади. Кубод Маздак қилмишидан ҳайрон бўлиб, унга ишончи қолмайди. Дарров мубадни олиб ксладилар. Кубод унга шукурлар айтиб, воқеани баён қиласади... Мубад дейди:

– Мен маликка унинг фирибгар ва каззоблигини пійтган эдим.
– Бу ёри маълум бўлди. Энди уни йўқ қилиш чораси нимада экан?

– Албатта, Маздак сен унинг мазҳабидан қайтганингни ва унинг найрангидан хабардорлигингни биламаслиги керак. Яна бир марта одамларни жамлагин. Мен у билан мунозара қилиб, унга ожизлигини охир-оқибат маълум қиласман-да, қайтиб Порсга кетаман. Кейин Нўширавон нима деса, шуни қиласизлар. Шунда бу фитнага чек қўйилади.

Эртаси куни Кубод улуг кишилари ва мубаддрига келиб, Порс мубади билан бирлашиб, Маздак билан мунозара қилишни ва унинг даъватига жиддийроқ қарашни буюради. Ҳамма йигилади, Кубод тахтга, Маздак эса ўз жойига утиради. Мубадлар бир-бир сузлай бошлайдилар. Порс вилоятидан келган мубад дейди:

– Оловдан овоз чиқишидан мен ажабланаяпман.

Маздак дейди:

– Оллоҳ куч-кудратига ажабланиб бўлмайди. Мусо алайҳиссалом бир пора чўпдан аждарҳо ясаганлар. Бир тошлок жойда ўн иккита булоқдан сув чиқариб, дарё сувини иккига булғанлар. Фиръавнни ҳамма лашкари билан чўктириг деганида, сувда чўктириди ва Ер юзини унинг итоатига киргизди. Корунни ҳам ер остига тиқдирди. Исо алайҳиссалом худо кучи билан үликларга жон баришларди. Ҳаммаси худо азза ва жалланинг қудратидан. У мени юбориб, оловни итоатимга киритган. Менинг сўзларимга ва олов фармонига итоат қиласангизлар, најот топасизлар, агарда менга бўйсунмасангизлар, Тангри азобига гирифтор бўласизлар.

Порс мубади жойидан туриб, дейди:

– Худо тилидан сўзлайдиган ва оловни ўз итоатига киритган кишига мен жавоб беролмайман. Мен таслим бўлиб ожизлигимни тан оламан. Бу ёри ўзингизга ҳавола, мен кетдим.

У Порс вилояти томон йўл олади.

Кубод ҳам чиқиб кетади, мубадлар ҳам тарқаладилар. Маздак эса хурсанд бўлиб, оташхонага

кириб, етти кун оловга ибодат қилмоқчи бўлади. Одамлар ўз уйларига қайтадилар. Маздак мазҳабиди бўлганиларнинг эътиқодлари яна ҳам мустаҳкамлиниб, шод-хуррам бўладилар.

Кечқурун Қубод Нўширавонга дейди:

– Мубад мени сенга ташлаб кетди, сен бу мазҳабиди йўқ қилишни билар экансан. Бу ишнинг иложи шиммада?

Нўширавон жавоб беради:

– Агарда отам бу ишни менга буюрса ва бу сўзларни ҳеч кимга айтмаса, мен иложини қилиб, Маздик ва унинг тарафдорларига қирон келтираман.

Қубод дейди:

– Ҳеч ким билмайди, бу сўзлар ўртамиизда қолади. Вилиб кўй, мубад ўз ожизлигини очиқ-ойдин билдириб, Порсга кетди. Маздак ва маздакийлар жуда ҳим шодланибдилар. Ҳозир биз Маздакка қасд қилиш, уни ўлдириш ҳеч гап эмас, аммо унинг тарафдорлари кўп булиб, тарқалиб кетишлари мумкин. Улар куч йиғиб, жойларни кўлларига оладилар, бизни ва давлатимизга зиён етказадилар. Биз шундай қилишимиз керакки, бу мазҳабдан бир нафар киши ҳим тирик қолмасин ва қилишимиз зарбидан озод бўлмасин. Ҳаммаларини нобуд қилишимиз шарт.

Қубод дейди:

– Нима маслаҳат берасан?

– Иложи шуки, Маздак оташхонасидан чиқиб, мислик одига келса, унинг мартаба ва унвонлариди янада кўтариб, олдингидан ҳам купроқ ҳурмат қиласин. Сўз орасида: «Мубад кетгач, Нўширавон ўз ожизлигини тан олганидан сўнг пушаймон еб, мисҳабимизга кирмоқчи», – деб айтсин.

Етти кундан кейин маздак Қубод одига келади, мислик уни ҳурмат қилиб, иззатини жойига кўйиб, Нўширавон суzlарини айтиб беради. Маздак дейди:

– Нўширавонга кўп одамлар қулоқ солади. Агар Нўширавон бизнинг мазҳабимизга ўтса, бутун олам

бу мазҳабга ўтади. Мен оловдан шафоат тилаб, Тангридан мадад сўрайман, токи у мазҳабимизга имон келтирсинг.

— Яхши қиласан, у менинг валиаҳдимдир. Қўшин ва раият ҳам уни қаттиқ яхши кўради. У мазҳабга кирса, қолганлар ҳам баҳона топмай, таълимотингни қабул қиласидар. Агар Нўширавон бизнинг мазҳабга кирса, мен худодан кўмак сураб, унинг шарафига Дажла соҳилида бир минора қуриб, устида бир заррин қаср соламан. Гуштасп ўз даврида Зардушт шарафига Кашмирда тошдан минора қурган экан.

Маздак рози булади:

— Сен унга насиҳат айла, мен эса дуо қиласан, умидимиз шуки, мақсадларимиз мустажоб булар, — дейди.

Кечаси Кубод булган воқеани Нўширавонга айтиб беради. Нўширавон эшитиб, дейди:

— Кейинги ҳафта Маздакни чақириб, шундай деб айтасан: Нўширавон кечаси бир туш кўриб кўркиб кетибди. У эрталаб олдимга келиб тушини айтиб берди: «Тушимда баланд олов менга қасд қиласди. Тұсатдан чиройли бир киши пайдо булиб қолди. Мен ундан: «Олов мендан нима истайди?» — деб сўрадим. У: «Олов сендан ғазабланган. Сен уни ёлғончиликда айблабсан», — деди. Мен: «Буни қаердан биласан?» — деб сўрадим. У: «Сурушга ҳаммаси маълумдир», — дебди.

Шу тушдан сўнг у оташхонага бориб, қанча уд, мушк ва анбарни оловга беради ва уч кеча-кундуз оловга сажда қиласди.

Кубод Нўширавон сўзларини Маздакка айтиб беради. У жуда ҳам хурсанд бўлиб кетади. Бир ҳафтадан кейин Нўширавон тузалиб, бу мазҳаб ҳақ ва Маздак пайғамбардир, деб тан олади. Аммо у шундай хаёл қиласди: кўп одамлар ҳали шу мазҳабга қарайди. Мабодо улар бош кўтарсалар, бизни мағлуб этиб, мулкни қўнимиздан тортиб оладилар.

Нүширавон шу мазҳабда қанча одам ва кучлар борлигини билмоқчи, агарда кучли бўлсалар яхши, кучни ва оз бўлсалар, сабр қилишсин, токи куч йифиб, кўп бўлсинлар. Куч, курол ва яроғдан нимаики кеприк бўлса, у бермоқчи. Кейин шу кучларни одамлар ўртасига тарқатмоқчи. Маздакнинг кучлари кўп бўлса, айт, бир қоғозга номларини ёзиб берсин. Мен уни хотиржам қиласай. Баҳона изламай, шу иш билан шуғуланиб, маздакийлар сонини аниқдаб, кимлар шу мазҳабга кирганлигини ойдинлаштириб берсин.

Кубод Нүширавон сўзларини Маздакка ҳикоя қиласади. Маздак хурсанд булиб:

— Кўп ҳалқ, бу мазҳабга кирган, — дейди.

— Даили ва қоғоз келтир. Ва айтганиларимни бажо қил.

Маздак шундай қилиб, Кубод олдига рўйхатни кўяди. Унга нима ваъда берганини айтади. Нўширавон хурсандчилигидан ногора уриб, карнай чалишларини буюради. Отасига дейди: «Эртага Маздакни курсанг, унга «Нўширавон мазҳабимизга кирди, деб айтгин. Сабаби шуки, у ҳаммаслакларимиз сонини кўриб, шод бўлди. Беш минг киши бўлганларида ҳам етарли эди. Ўн икки минг киши эканмиз, энди бутун олам менга қарши чиқса ҳам парвойим йўқ. Ўртамиизда нима гап бўлса фақат сен, Нўширавон ва мен билишим керак», — дегин. Кейин одам юбориб, мени чақиртириб.

Ярим кечаси Маздак ногора ва карнай овозини эшитиб, Нўширавон мазҳабни қабул қиласди, деб ўйлади ва эртасига саройга келади. Кубод ўғлининг сўзларини Маздакка айтади. Маздак шод бўлади. Кубод маросимидан сўнг Кубод ва Маздак бир хилват жойга ўтирадилар, Нўширавонга одам юборадилар. У келиб олдиларига киради. Маздак унга дарров дур-у гавҳарлар совфа қиласди, бир-бирларида узр сўрайдилар. Ўзаро тил бириктириб, охири бир қарорга келганларида Нўширавон Кубодга дейди:

– Сен подшоқсан, Маздак Тангрининг пайғамбари, менга лашкарбошилик мансабини бер. Мен шундай қиласманки, оламдаги бирор киши бизнинг мазҳабимиздан ташқарида қолмайди. Ҳаммалари шавқ билан уни қабул қиладилар.

– Ихтиёриңг ўзингда, – жавоб қилади Қубод.

Нўширавон Қубодга дейди:

– Энди Маздак ҳамма жойларга кишилар юбориб, қишлоқ ва шаҳарлардан ўз одамларини саройга чаҳиртиради. Уларга уч ойдан кейин фалон ҳафта ва фалон куни ҳозир булишларини буюради. Биз эса аниқ бўлган кунгача шунча одамнинг ғамини еб, улар учун курол-аслаҳа тайёрлаймиз. Керак бўлган нарсаларни ҳеч кимга билдирамай тўтрилаймиз. Ваъда қилинган кун бир дастурхон безатиб, уларнинг ҳаммаларини таклиф этамиз. Зиёфатдан сўнг шароб мажлисига ҳозир бўлиб, шароб ичадилар. Кейин йитирма-ўттиз кишидан уларнинг ҳаммаларига сарпо берамиз. Кечаси уларга қўрхонани очиб, курол-аслаҳа берамиз ва шу кечаси бош қўтгарамиз ва мақсадимизни очиқ эълон қиласмиз. Мазҳабимизга киргланларга омонлик бериб, қарши чиққанларни ўлдирамиз.

Қубод ва Маздак бу сўзларни қабул қилиб, иттифоқ тузадилар. Маздак тўрут томонга хат ва мактуб йуллаб, узоқ-яқинларига маълум қилдиради: «Уч ойдан сўнг фалон ҳафта ва фалон кун қуролланиб, пойтахтга, шоҳ ҳузурига келасизлар. Бизнинг ишнимиз тараққий топаётир. Бизга шоҳнинг ўзи бошdir».

Ваъда қилинган кун ўша ўн икки минг киши ҳозир бўлади, подшоқ саройига кириб келиб, бе-затилган дастурхонни кўрадилар. Қубод тахтига, Маздак ўз курсисига ўтиради. Нўширавон мезбон сифатида хизматда турарди. Маздак шодлигидан терисига сифмасди. Нўширавон одамларни мартаба ва қадрига қараб дастурхон атрофига ўтқизади. Овқат ейдилар. Кейин ҳаммаларини бошқа саройга

олиб ўтишади. Шароб мажлисини куриб, хурсанд бўладилар. Кубод Маздак билан кириб, ўз жойларига ўтиргач, мутриблар-у навозандалар базми бошланади. Соқийлар шароб тутадилар. Бир неча нақтдан сўнг икки юз фулом ва фаррош қўлларига зебо кийимлар ва қимматбаҳо зарбофдан тикилган тўнлар олиб кириб, чеккада турадилар.

Нуширавон дейди:

– Бу кийимларни бошқа уйга олиб утинглар, бу ерда одам кўп, йигирма-ўттиз кишидан чиқиб, сарполарини кийиб олсинлар. Бу уйдан кейин чавгон ўйини майдонига ўтсинлар.

Ҳамма совғаларини кийиб олганларидан кейин малик Маздак билан майдонга келиб, уларни назаридан ўтказиб, текшириб, шундан кейин кўрхона эшигини очиб, уларга қурол-аслаҳа берадилар.

Бундан олдинроқ Нўширавон яқин қишлоқлардан уч юз кишини белкурак ва кетмонлар билан бое-у майдон ва сарой ерларини хашакдан тозаламоққа чақириради. Улар келгач, ҳаммаларини чавгон майдонига олиб бориб, эшикларини ёпиб, шундай дейди: «Кечаси бу майдонда ўн икки минг чукур қазиб, энини ярим газ, чукурлигини бир газ қилиб тупроғини ёнига тўплаб қўйинглар. Чукурлар қазилгандан кейин уларни бир кичик саройга киритиб, устидан ёпиб қўйишларини соқчисига буюради ва бирор киши кетиб қолмаслигини тайинлади. Турт юз ботирни қуроллантириб, шу майдондаги саройга қўйган эди. Уларга, йигирма-ўттиз кишини биз мажлисдан бошқа саройга юборамиз, сизлар уларни ушлаб олиб, бу кичик сарой тарафига олиб чиқасизлар. Ҳаммаларини ечинтириб, яланғоч қилиб, бошларини чукурга тушириб, белларигача қўмиб қўясизлар», – деб амр қиласди.

Сарполарни олиб киргандаридан сўнг яна белбоғли, қилич ва қалпоқли икки юз киши эгарлари зар

ва кумуш билан безатилган отларни етаклаб олиб келадиilar. Нұширавон буларни ҳам бошқа саройғы олиб кетишни буоради. У Маздакийларни гурух-гурұх қилиб чиқариб, бошқа саройга юборади. Уларни майдондаги саройға олиб бориб, айттылганидек, чукурларга оёқларини осмонга қилиб күмиб құядилар. Ҳаммаларини олиб чиққандан сүнг мажлисда Нұширавон, Қубод ва Маздак қолишади. Нұширавон дейди:

– Ҳаммаларига түн кийдирдик. Улар майдонда чиройли бўлиб кутиб турибдилар.

Учаласи майдонга чиқишади. Маздак диққат билан майдонга назар ташлаб, фақат осмонға қаратылған оёқларни күради. Нұширавон Маздакқа қарата дейди:

– Сендеқ пешвоси бор лашкарға бундан яхшироқ сарпо бериш мүмкінми? Сен келиб, одамларнинг мол-мулки, хотинларини йүқ қылмоқчисан, подшохликни бизнинг хонадонимиздан олмоқчисан. Бўл энди, сенга ҳам сарпо берайлик!

Майдонда бир баландлик ясад, унда ҳам бир чукурлик ковлаб, Маздакни күкрагигача гаж қўйиб қўмадилар. «Энди сенга эътиқод қўйғанларга бир қара!» – деб Нұширавон яна отасидан: «Фарзанднинг маслаҳатини кўрдингми? – деб сурайди. – Энди қўшин ва одамлар тинчигунларича сен бир муддат уйда ўтириб тургин. Сенинг ақлдан заифлигини оқибатида бу аҳволга тушдик».

У отасини уйга қамаб қўйиб, чукур қазишга келган қишлоқдикларга жавоб бериб юборади. Майдон эшикларини очади. Шаҳарликлар ва қўшин аҳли кириб, майдондаги аҳволни кўриб, Маздакнинг юзига уриб, соч ва соқолларидан тортиб ўлдирадилар. Нұширавон отасининг қулларига кишан солиб, удуф кишиларни даъват этади ва қонуний равишиллар подшохликка ўтиради. Қулини адолат ва саховат учун дуога очади. Ундан бу ҳикоят аҳли подшоҳлар уқиб-ўрганишлари учун эсдалик қолди.

**СИНДБОДИ ГАБРНИНГ МУСУЛМОНЛАРГА
ҚАРШИ НИШОПУРДАН РАЙГА КЕЛГАНИ ВА
ФИТНАСИ ҲАҚИДА**

Шундан сўнг Ҳорун ар-Рашид даврига қадар бундай одамлар чиқмади. Маздакнинг хотини Хуррама бинт Фода Мадоиндан икки киши билан Рай қишлоқларига келиб, одамларни эри мазҳабига даъват қилиб курди. Яна кўп халқ бу мазҳабга кирди. Буларни «хуррамдин» дердилар. Аммо улар яширин юриб, о’ниқ чиқишдан кўрқардилар. Улар ҳамиша баҳона қидириб, бош кўтармоқчи бўлардилар. Абу Жаъфар Мансур Бағдодда Абу Муслим соҳибуддавлатни ҳижрий бир юз-у ўттиз еттинчи йили ўлдирган эди.

Нишопурда Синдбоди Габр исмли бир раис бўлиб, у Абу Муслимнинг эски суҳбатдоши эди. Абу Муслим уши юксалтириб, лашкарбоши қилиб тайинлаганди. Абу Муслим қатлидан сўнг у бош кўтариб, Нишопурдан қўшин билан Райга келади. Рай ва Табаристон оташпарастларини чақириб, масалани билиб олади, Қўҳистон ва Ироқ халқининг ярми рофизий, мазлакий ва мушаббиҳийлардир. Энг аввал у Мансур томонидан Райдага омил бўлган Моҳасанни ўлдиради. Куч йигиб, Абу Муслим қасдини олмоқчи бўлиб, ўзини Ироқ халқига Абу Муслимнинг гайғамбари деб ёълон қиласди, зеро, улар Абу Муслимни ўлдирган имасдилар. Мансур Синдбодни ўлдиришга қарор қиласди. Синдбод Аллоҳ номини тилга олиб, уларга шундай дейди:

— Абу Муслим оқ капитарга айланиб, учиб кетди ва у мисдан қурилган бир қалъада Маҳдий ва Маздак билан биргадир. Энди учалалари биргаликда келибдилар. Аввал Абу Муслим, кейин эса унинг вазири Маздак. Менга эса расуллик нозил бўлган. Рофизий-

лар (үн икинчи имом) Маҳдий номини, маздакийлар Маздак номини эшитиб, хурсанд бўлишади. Кўп ҳалқ йифилади. Одамлар сони тобора кўпайиб, пиёда-ю суворий юз минг кишидан ортиб кетади. Хилватда у габрлар билан суҳбат қуриб, шундай дейди: «Араблар даври тамом булди. Буни сосонийларнинг бир китобида ўқиганман. Мен Каъбани бузиб ташла-магунимча йўлимдан қайтмайман, Каъбани қуёш ўрнига сириниш учун қурғанлар. Биз қуёшни қайта, одингидек қалбимиз каъбасига айлантирамиз».

Хуррамдинларга бўлса, шундай дейди: «Маздак шиадир, у сизларга, шиаларга: «Қўл бериб, бирлашинглар ва Абу Муслим учун қасос олинглар», деб буюарди. Габрларга эса шиа ва хуррамдинлар билан бирлашинглар, деб айтган. Шундай қилиб, учала гурӯҳни ҳам итоатида ушлаб туради. Мансурнинг бир неча лашкарбошиларини мағлуб этиб ўлдирган».

Етти йилдан сўнг Мансур Жамҳур Ижлини унга қарши юборади. Жамҳур Поре ва Хузистон лашкарини йигиб олиб, Исфаҳонга келади. Исфаҳон ва Қум лашкари ҳамда ўз тарафдорларини олиб, Рай дарвозасидан кириб келади ва уч кун Синдбод билан қаттиқ уруш олиб боради. Тўртинчи куни Синдбодни Жамҳур қули билан ўлдиртиради. Унинг тарафдорлари тарқалиб кетиб, ўз уйларига қайтадилар. Хуррамдинлар оташпарастлар ва шиалар билан аралашиб кетади. Шундан сўнг улар бир-бirlари билан махфий равишда учрашиб юрадилар. Уларнинг дини кун сайин тартибга кириб боради. Охири шундай бўлдики, уларни хуррамдин габрлар ва мусулмонлар деб атайдиган бўлишади. Жамҳур Синдбодни қатл этиб, Райга кириб қолган габрларни тутиб олиб ўлдиришади, уйларини талон-торож қилиб, хотинлари ва бола-чақаларини қулликка сотиб юборадилар.

ҚИРҚ ОЛТИНЧИ ФАСЛ

КЎҲИСТОН, ИРОҚ ВА ХУРОСОНДА БОТИНИЙЛАР ВА ҚАРМАТИЙЛАРНИНГ ЧИҚИШЛАРИ ҲАҚИДА

Буларнинг бош кўтаришларига сабаб шунда эдик, Жаъфари Содиқнинг, Аллоҳ ундан рози бўлсин, бир ўғли бўлиб, исми Исмоил эди. У отасидан олдин оламдан ўтди. Исмоилдан Муҳаммад исмли бир ўғил қолди. У Ҳорун ар-Рашидга: «Жаъфар бош кўтармоқчи ва яширинча бунга даъват қилаётир ва хилофатни талаб қилмоқда», – деб хабар беради. Ҳорун ар-Рашид Жаъфарни Мадинадан Бағдодга алдаб олиб келиб, ҳузурида ушлаб турди. Кейин Жаъфар ҳам ўлиб, уни Қурайш қабристонига дафн этадилар. Муҳаммаднинг Муборак исмли ҳижоззик бир қули бўлиб, у энг нозик ёзиладиган хат-муқармат деганини жуда ҳам чиройли битарди. Шунинг учун унга «муқарматуя» деб лақаб қўйгандилар. Ахвоз шаҳридан Абдуллоҳ Маймун деган бир киши шу Муборак билан дўст эди. Бир куни у хиљватда Муборак билан ўтириб, унга шундай деди: «Муҳаммад ибн Исройл менга дуст эди ва ўз сирларини айтиб берарди». Муборак унга ишониб, ўша сирларини билмоқчи бўлди. Абдуллоҳ Маймун Муборакдан менинг айтганларимни ўзингдан яқин кишига айтмайсан деб сўз оладики, у хуруфи мўъжам ҳақида имомлар тилидан, файласуфлар сўзларидан аралаштириб гапириб бериб, кўпроқ расуллар, пайғамбарлар ва малоиклар ҳақида, қалам аҳли, арш ва курси ҳақида ҳикоя қилди. Кейин улар ажралиб кетишли. Муборак Куфа томонга, Абдуллоҳ эса, Кўҳистон ва Ироқ тарафга йўл олди. Шу ҳолда у шиа аҳдини даъват, қила бошлади. Мусо ибн Жаъфар алайҳиссалом эса ҳали қамоқда эди. Муборак ўз тарғиб-ташвиқотини яширин ҳолатда Куфа атрофида жорий этди.

Унинг даъватини қабул қилганлар суннийлар эди. Баъзи одамлар уларни «муборакатия», баъзилари «қарматия» дердилар. Абдуллоҳ Маймун ҳам Тоғли Ироқда одамларни шу мазҳабга даъват этарди. У сеҳр-у жодуда жуда уста ва моҳир бўлиб, афсунгарлик қиласиди. Муҳаммад Закариё ўзининг «Мухориқ ул-анбиё» асарида унинг номини буюк сеҳргарлар жумласида зикр этган.

Абдуллоҳ Маймун кейинроқ ўз халифалигини Халаф деган кишига бериб, шундай деди:

– Рай тарафга борасан. Рай, Оба, Кум, Кошон, Табаристон ва Мозандарон вилоятларида кўп одамлар рофизий ва шиаликка даъво қилаяптилар. Сенинг ишларинг у ерда ривожланиб кетади, чунки улар сенинг ташвиқотларингни қабул қиласидилар. Унинг ўзи бўлса Басра томон йўл олди.

Халаф Райга келди. Нишобия деган ноҳияда Гулбун деган қишлоқ бор эди. У шу қишлоқда яшай бошлади. Қишлоқда бир тикувчи уста бўлиб, Халаф унинг уйида яшарди. У ўз мазҳаби ҳақида бирор кишига гапиролмасди. Охири минг ҳийла билан бир кишини қўлга олиб, унга таълимотини ўргатиб, деди:

– Бу мазҳаб аҳди байт, яъни расул авлодларини кидир. Шунинг учун уни Маҳдий келгунича маҳфий тутиш керак, агар очиқ айтилса, мальум булиб қолади. Маҳдийнинг келиши яқин. У келгунича бу мазҳабни ўрганиш керак. Қишлоқ аҳолиси яширинча бу мазҳабга ўтди. Бир куни Гулбун оқсоқоли қишлоқдаги эски бир масжид олдидан ўтаётганида овоз эшитиб, масjidга кирди. Кулок солиб утириб, Халафни қуриб қолади, у бир кишини ўз мазҳабига даъват қилаётгани эди. У қишлоққа қайтиб одамларга дейди:

– Эй, одамлар, унинг сўзларига ишонмангалар. Ҳеч бирларинг унга яқин юрмангалар. Уни тинглаб, бу қишлоқнинг омон қолишига мен ишонмайман.

Бу Халафнинг тили дудук эди, масалан, «ҳай» иш «тай»ни айттолмасди. Халаф одамлар унинг ҳолидан

хабардор бұлғанларини билиб, Рай шаҳрига келиб, кейинроқ вафот қылди. Қишлоқ аҳлидан баъзи кишиларни у ўз мазҳабига киритган эди. Унинг ўғли Аҳмади Халаф, отаси ўрнига ўтириб, унинг ишини давом эттиради. Рай шаҳрида ҳеч кимнинг бундан хабари йўқ эди. Аҳмади Халаф Гулбун қишлоғида Гиёс деган кишини ўз мазҳабига киритганди. Бу Гиёс дегани наҳв имини жуда яхши биларди. Уни ўзи бошлаган ишга ҳалифа этиб тайинлади. Шундай қилиб, Гиёс улар мазҳабини Қуръон оятлари, Расули акрам ҳадислари билан, араб мақолалари ва шеър-у ҳикоялари, шариат қоидалари билан безатиб араб тилида ёзди, токи суннат аҳли тушунмасин деган пият билан «Китобул-баён» деган асар ёзип, унда намоз, рўза, таҳорат, закот, шариат қоидалари аҳамиятини абжад ҳисоби билан шарҳлайди. У суннат аҳли билан мунозаралар қилиб, одамларни ўз мазҳабига чақиради.

Кум ва Кошонда шундай хабар тарқалади: Гулбун қишлоғида шундай киши пайдо бўлди, унинг оти Гиёс бўлиб, ҳадислар айтиб, одамларни аҳли байт мазҳабига чақирираётir.

Шу шаҳарлар аҳолиси Гиёс чақириғига итоат қилиб, унинг мазҳабига ўтди. Абдуллоҳ Заъфароний хабар топиб, бу мазҳаб бидъат эканлигини тушунди. Рай аҳолисини кўтариб, уларга қасд қилиб, уларни тарқатиб юборди. Гиёс Хурросонга қочди. Суннат аҳли Рай шаҳрида бу мазҳабга киргандарнинг баъзиларини «халифий», баъзиларини «ботиний» дерди. Ҳижрий икки юз саксонинчи йилда бу мазҳаб очиқ бўлиб қоади. Шу йили Шомдан Соҳиб ул-ҳол деган киши чиқди. У бош кўтариб, Шомнинг кўп жойлашини ўз тасарруфига киргизди. Гиёс Райдан қочиб Марварудга келди ва амир Ҳусайнини Алини ўз мазҳабига даъват этиб, мақсадига эришди. Ҳусайнининг Хурросонда, аниқроғи, Толиқонда, Маймана, Ҳирот, Ғуржистон ва Фурда салтанати бор эди. Ҳусайн

ушбу мазҳабга кирганида ўша ноҳиялардан ҳам кўп халқ шу мазҳабга ўтган эди. Фиёс одамларга далолат қилиш учун бир кишини Марварудга халифа этиб тайинлагач, ўзи қайта Райга бориб, яна тарғибот ишлари билан машғул бўлди. Нишопур чегараларидан Абу Хотам деган кишини ўзига халифа этиб тайинлади. У арабча шеър ва гаройиб ҳадисларни яхши биларди. Улар яқин вақтларда Хурсонда Маҳдий пайдо бўлади, деб ваъда бергандилар. Бунга ишонган қарматийлар айтилган воқеанинг содир бўлишини кутиб юрардилар. Суннат аҳди Фиёс қайтиб келиб, яна халқни ўз мазҳабига даъват этаётганини эшитиб қолди. Ниҳоят, Маҳдийнинг ўша айтилган чиқиб келиш вақти етиб, улар ёлғончи бўлиб қолдилар. Кўп шиалар унинг мазҳабидан қайтишиди. Шу сабабдан одамлар у билан алоқаларини узиб, суннат аҳди эса, уни ўлдиришни талаб қилди. Фиёс қочиб, фойиб бўлди.

Шундан сўнг Рай жамоаси Халаф неваралиридан бирининг атрофида йиғилиб, у билан кун ўтказардилар. Ўлеми яқинашганда у ўғлини ўз ўрнига халифа этиб тайинлади. Уни Абу Жаъфари Кабир дердилар. Абу Жаъфар хасталигида Абу Хотам Ботинийни ўз жойига ўтқазиб қўйди. У Абу Хотам кучайиб кетганидан хабарсиз қолди. Тузалиб, жойини қайта талаб қилинганида Абу Хотам рад қилди. Шундай қилиб, Халаф авлодидан бошчилик кетган эди. Абу Хотам ўз тарғиботчи доиларини Рай атрофи, Табаристон ва Гургангача юбориб, одамларини ўз мазҳабига чорлади. Рай амири Аҳмад ибн Али унинг даъватини қабул қилиб, ботиний бўлди.

Пайти келиб, дайламийлар Табаристон алавийларига ҳужум қилдилар. Улар: «Сизлар бизнинг мазҳабимиз тўри дейсизлар, мусулмонлар эса: «Буларнинг сўзларига ишонманг, булар коғирдирлар», деб бизга ёзадилар. Сизлар даъво қилаяпсизларки,

илем бир оила намояндасидан кетади ва мерос бўлмайди. Илем сиз ўргансангиз, сизга, бошқа ўрганса, бошқага ўтади. Илем мерос бўлмайди. Аллоҳ азза ва жалла пайғамбарни ҳамма ҳалқларга юборган. У бир қавмни хос ва бир қавмни ом қилмаган ва биррига бу пайғамбарни, бошқасига яна бир расулни юбормаган. Бизга маълум бўлишича, сизлар кўп слон гапирапкансиз».

Табаристон амири шиа эди ва у алавийларга ёрдам берарди. Унга ҳам қарши чиқиб, дейдилар:

– Бу мазҳаб тўғри ва расул томонидан асос солинганилигига Бағдод ва Хуросон шаҳарларидан фатво олиб келинглар. Шунда биз уни қабул қилиб, сизнинг мазҳабингизга кирамиз. Акс ҳолда ўргамиздан қилич ўтади. Биз төр ва урмон кишиларимиз на шариат йўлидан ҳеч қайтмаймиз. Абу Ҳотам келиб дайламийлар билан бирлашди. Дайламийлар сардори Саршер ибн Варовандай ҳузурига келиб, у билан аҳдлашгач, алавийлар изига тушиб, уларни ёмонладилар. Алавийлар динсиз, имонлари йўқ, деб тасдиқлади. Дайламийларга яқин муддатда бир имом пайдо бўлади, мен унинг таълимоти ва мазҳабини биламан, деб хабар берди. Дайламийлар ва гilonийлар рағбат қилиб, бу сўзларни қабул қилдилар. Саршер ва Мардовиж замонларида дайламийлар ёмғирдан қочиб, қорга тутилган эдилар. Бир муддат шу билан вақтларини ўтказадилар. Имомнинг чиқиб келиш вақти ўтиб кетди, улар: «Бу ҳам ноҳақ, мазҳаби бидъат, ўзи эса фирибгар киши экан», – деб бирдан ундан юз ўтирилар. Ҳаммалари расул аҳли байтига меҳр қўйдилар ва Абу Ҳотамни ўлдиришга қасд қилдилар. Абу Ҳотам қочиб қолиб, кейинроқ оламдан ўтди. Шиа мазҳабига мансубларнинг ишлари ёмонлашиб, кўп одамлар шу мазҳабдан қайтадилар ва тавба қилиб, суннат аҳлига қўшилдилар. Шиаликлар тушкунликка тушиб,

махфий равища иттифоқлар тузадилар. Охири бу мазҳаб икки киши номига алоқадор бўлиб қолди. Бирин Абдумалик Кавкабий, иккинчиси Рай шаҳрида яшайдиган Ислоҳ эди.

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ХУРОСОН ВА МОВАРОУННАҲРДА БОТИНИЙЛАРНИНГ ЧИҚИШЛАРИ ҲАҚИДА

Наср ибн Аҳмад Хуросон амири эди. Ҳусайн ибн Али Марварудий Хуросонда Фиёс томонидан ботиний мазҳаб бўлган эди. Улемидан олдин бу ишини Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабийга бериб, уни ноиб этиб тайинлади. У эса Хуросон файласуфлари жумласидан бўлиб, мутакаллим эди. Унга Ҳусайн ибн Али шундай васият қилади: «Ноибликда жаҳд қилиб, ўзи Жайхундан ўтиб, Бухоро ва Самарқандга борсин ва шу ердаги халқни мазҳабига чорласин. Ҳаракат қилиб, Хуросон амири ҳазрат Наср ибн Аҳмад аъён ашрофларини бу мазҳабга киритсан, шунда ишлари ривожланади».

Ҳусайн ибн Али Марварудий оламдан ўтганидан сўнг Муҳаммад Нахшабий унга ноиб бўлиб, Хуросон халқларидан кўпларини бу мазҳабга даъват этади ва улар бу даъватни қабул қиласидилар. Ботиний бошлиқларидан бўлган Савода исмли киши Райдан суннийлар қўлидан қочиб, Хуросонга Ҳусайн ибн Али Марварудий олдига келган эди. Муҳаммад Нахшабий уни Марварудга, ўзига халифа этиб тайинлаганди.

Аҳмад Нахшабий сувдан ўтиб, Бухорога келади. Аммо унинг ишлари ҳеч ривожланмайди. У ердан Нахшабга келиб, Хуросон амирининг ноиби Макдодни ўз мазҳабига киритади. У амир қариндошлидан эди. Кейин хос дабири Ашъясни ўз мазҳабига

үтказади. Унинг ихтиёрида надимлар кўп бўлиб, улар билан яқин эди. Ориз Абу Мансур Чароний Лашъаснинг синглисига уйланган бўлиб, уни ҳам бу мазҳабга даъват этганиларида қабул қиласанди. Ойтой хос ҳожиб ҳам улар билан дўст эди. У ҳам шу мазҳабга киради. Бу одамлар кейин Муҳаммад Нахшабга: «Сенинг Нахшабда қолишингга ҳеч ҳожат йўқ. Бухорога ҳазрат олдига келгин, биз сенга мадад берамиз. Ҳамма улуғларни бу мазҳабга киритамиз», деб аҳд қиласидилар. У Нахшабдан Бухорога келади. Юқорида зикр этилган жамоа билан бирга одамларни мазҳабига чорлайди. Унинг таълимотини қабул қиласанди кишиларга: «Мен үзим айтмагунимча, сизлар мазҳабларингизни яшириб юринглар», деб таъкидлайди. У одамларни аввал шиа мазҳабига даъват қиласиди. Сўнгра аста-секин уларни ботинийлар мазҳабига тортади. Бухоро радиси, соҳибхирожи, дехқони ва бозор аҳлини, подшоҳ хосларидан Илок волийси Ҳасан Маликни ва хос вакили Али Зарродни шу мазҳабга киритади. Бу тилга олганларимиздан кўплари подшоҳнинг яқин ва ишончли кишилари эдилар. Шундан сўнг у подшоҳни нишонга олади. У шоҳнинг мастр ва ҳушёrlиги ҳакида ўзига айтиб туришларини подшоҳ яқинларига буюради. Улар Наср ибн Аҳмадга кўп гапиришлари оқибатида унинг рағбати пайдо бўлиб, Муҳаммад Нахшабни оддига чақиради. Уни Ҳурносон амири ҳузурига олиб келадилар ва жуда ўукко деб мақтайдилар. Ҳурносон амири уни ўзига яқин тутарди. Муҳаммад Нахшабий ҳам ўз сўзини унга ўтказарди. Шоҳ яқинлари ва надимлари ҳам шу мазҳабда бўлганликлари учун унинг сўзларини қўллаб-қувватлаб, ростлигини тасдиқлардилар. Наср ибн Аҳмад уни ҳурматлар, бир лаҳза ҳам усиз туролмасди. Охири Муҳаммад Нахшабий Наср ибн Аҳмадни мазҳабига даъват этади. Ўзи вазирликка

күтарилади. Подшоҳ ҳам унинг айтганини қиларди. Энди у ўз даъватини очиқ-ойдин бажаарарди. Таълимоти ҳам ошкор бўлиб қолганди. Подшоҳ яқинлари унга кўмаклашардилар. Мазҳаб очиқ бўлиб, шоҳ ҳам шиаликка ўтди. Шоҳ қарматий бўлишидан қўшин бошлиқлари ва турклар норози бўладилар. Шу даврдан бошлаб бу мазҳабда бўлганларни қарматийлар деб атайдиган бўлдилар.

Шаҳар ва қишлоқдарнинг қози ва омилари бирлашиб, ҳаммалари қўшин лашкарбошиси одига келиб айтадилар:

– Билиб қўйинг, энди Мовароуннаҳрдан мусулмонлик кетди. Бу Нахшабий дегани шоҳни йўлдан уриб, қарматий қилди. Энди у очиқчасига даъват этаётир. Биз ортиқ жим туролмаймиз.

Лашкарбоши шундай дейди:

– Сизларни тушундим. Тинчланинглар. Худо хоҳласа, ҳаммасини ўз жойига қўяди.

Эртаси куни у Наср ибн Аҳмадга гапиради, лекин ҳеч фойда чиқмайди. Лашкарбоши қўшин бошлиқларига маслаҳат солиб, дейди:

– Подшоҳга ихтиёр бермаймиз.

Қўшин бошлиқлари бир-бирлари билан хабарлашиб, бу ишлар иложини махфиёна қидира бошлийдилар. Ўзаро муносабатлари орқали қўшин бошлиқлари подшоҳ айтганларига рози эмасликларини билдирадилар. Бунга фақат шу мазҳабга кирган икки турк лашкарбошиси қарши чиқади. Қолган ҳамма лашкар бошлиқлари: «Бу кофир подшоҳни хоҳламаймиз ва у билан бўлмаймиз, уни таҳтдан тушириб, турк лашкарбошиларидан бирини шоҳ қиламиз, сўзимиз қатъий, ундан қайтиш йўқ», – дейишади. Лашкарбошилар подшоҳни таҳтдан туширишга розилик берадилар ва улуғ лашкарбошига айтадилар: «Сен – энг улуғ лашкарбошисан. Шоҳ ўрнига ўтири, бизлар эса сенга итоатда бўламиш».

Лашкарбоши ҳам динини тамага аралаштириб, розилик бериб, дейди:

– Аввал кўшин бошлиқлари ҳаммамиз бир жойда ўтириб тил бириктириб, шоҳга билдирамасдан, ишни қандай бажариш йулини қидиришимиз керак.

Лашкар бошлиқлари ичida Тўлан Лавкон исмали бир қари киши бор эди.

У шундай дейди:

– Бу ишнинг иложи шундай: сен лашкарбошисан. Подшоҳга: «Кўшин бошлиқлари мендан бир зиёфат талаб қилаяптилар», – деб айтгин. У ҳеч қачон: «Йўқ, қилмагин», демайди, балки «қўлингдан келса қил», дейди. Сен эса унга: «Менинг еб-ичишимдан камчилигим йўқ, аммо мажлис асбоб-анжомлари, гилам, тилла ва кумушдан ясалган чиройли нарсаларим етарли эмас», – деб айт. Подшоҳ буларни хазина, фаррошхона ва шаробхонадан олишни буюради. Сен: «Мен бу зиёфатни кўшин беклари еб-ичганларидан кейин Боласогунга, кофирларга қарши fazotga кетишлари учун қилаяпман, турк кофирлари бу вилоятни босиб олибди ва ҳалқ азоби ҳаддан ошибди», – дегин. У сенга ишониб: «Меҳмондорчиликка тайёрлан», – дейди. Лашкарга кунини тайинлаб, хазина, шаробхона ва фаррошхоналардан топилган тилла ва кумуш буюмлар, гилам ва бошқа нарсаларни ўз саройингга олиб бор.

Кейин Тўланга кўшин бошлиқлари шундай дейдилар:

– Зиёфат куни ҳамма кўшин бошлиқларини ўз саройингга бошлаб борасан ва дарвозангни бир баҳона билан ёпиб олиб, уларни гулоб ичишга даъват этасан-да, бу мақсадни матълум қилиб, биз сен билан бўлганимизни айтасан. Улар буни эшитиб, бизга қўшиладилар. Бизлар тил бириктириб, сени ўзимизга подшоҳ қилиб, қасамёд этамиз, уйдан чиқиб, овқатдан кейин дастурхон атрофида шароб

мажлисига ўтира
турхонда бор ҳам
шин бошлиқлари
шоҳ саройга бор
қатал этами. Ошх
қилиб, сенинг тахтга
ки, шаҳар қиши
тутиб ўди. Синилар
этсинилар. Лашкар

– Бу ишинг ил
Эртаси куни у
– Лашкар бошли
яптилар, – дейди.
– Күнингдан ке
қилади у.

Шунда у айтади:
– Ебичимокдан
гилам ва мажлис
кумуш буюшмарга
– Мехмоңдорч
булмаса килемаган
керак бўлса а, фар
кет! – дейди шоҳ.

У таъзим қилиб
ма лашкарни уй
хазинаси, шароб
ган нарсалабарни уй
эшитмаган да дараж
лашкар бошлиларни
билан чакидиради.
бориб, дарвоҷолар
онт ичдиради. Уй
ўтирадилар. Қар
бориб, Нух ибн На
тайёрланаштирилар
ров югуриб.

Уч-турт қадаҳ ичилгач, дас-
ла ва кумуш буюмларни қў-
ға қиласиз. Тез чиқиб, под-
ва уни тахтидан тушириб,
а уй-жойларни талон-торож
замиз. Лашкарга буюрамиз-
даги ҳамма қарматийларни
ол-мулкларини талон-торож
дейди:
шудир.

ибн Аҳмад одига келиб:
и мендан зиёфат талаб қил-

! Кечга қолдирма! – жавоб

анинг камчилиги йўқ, аммо
ати учун керакли тилла ва
масман.

ни яхшилаб қилиш керак,
кул. Айтганларингдан нима
она ва шаробхонадан олиб

б кетади. Эртаси куни ҳам-
акиради. Наср ибн Аҳмад
и ва фаррошхонасида бўл-
либ келиб, кўз кўриб, қулоқ
астурхон ёзади. Ҳамма буюк
лашкарлари ва яқинлари
келган заҳоти саройга олиб
иб, уларга мақсадини айтиб,
чиқиб, дастурхон атрофига
бири томга чиқиб, саройга
қўшин бошлиқлари нимага
ни хабар беради. Нух дар-
а келиб, дейди:

– Нега, ўтирибсан?

– Шу соат сипоқ бошлиқлари лашкарбошига қасамёд қилиб ўтирадилар. Зиёфатдан кейин улар шароб мажлисига бориб, май ичганларидан сүнг хазинадан келган зар-у сиймларни ўзларига олиб, саройга чиқиб келадилар. «Бизни ҳаммамизни ўлдирадилар. Бу меҳмондорчиликдан мақсад, бизни ҳалок қилишдир!» деб ўйлашади улар. Наср ибн Ахмад Нуҳга дейди:

– Бу ишнинг чораси қандай?

– Энди икки нафар хос ходимингни улар дастурхондан туриб, ҳали шароб мажлисига бориб улгурмаслариданоқ дарров юборгин. Улар бориб, лашкарбошига секин шундай десинлар: «Малик айтаяптики, у сенинг катта зиёфатингни ва кўп меҳмонларингни чақириб, қийналиб қолганингни эшиштан. Менда бир зардан безатилган қадаҳ бор. Бунақаси бирор подшоҳда йўқ. Уни хазинада эмас, бошқа жойда яшириб қўйгандим. Ёдимдан кутарилибди. Келиб, уни ҳам олиб боргин. Ундан мажлисингга нур киради, чунки унинг қиммати минг-минг динордир. Тез келгин, уни фақат сенинг қўлингга бераман». Меҳмонлар шароб мажлисига боришдан олдин шу мол-у бойлик ҳаваси билан ҳузурингга келишади. Бошини оласан, кейин нима қилишингни айтаман.

Наср икки нафар хос ходимини юбориб, шу сўзларни айтдиради. Улар ҳали дастурхон атрофида овқатланиб ўтирадилар. Лашкарбоши икки-уч кишига подшоқ сўзларини гапиради. Улар бориб, қадаҳни ҳам олиб келишни сўрайдилар. У тез малик саройига келади. Уни бир ҳужрага чақириб, қулларига буюриб, бошини олдиради. Бошни бир халтага солиб, Нуҳ отасига дейди:

– Иккаламиз бу халтани олиб, лашкарбоши саройига борайлик. Сен қушин бошлиқлари олдида

мажлисига ўтирамиз. Уч-тұрт қадақ ичилгач, дастурхонда бор ҳамма тилла ва кумуш буюмларни құшын бошлиқларига совға қиласыз. Тез чиқиб, подшоҳ саройига борамиз ва уни тахтидан тушириб, қатал этамиз. Ошхона ва уй-жойларни талон-торож қилиб, сени тахтта утқазамиз. Лашкарға буюрамиз-ки, шаҳар-у қышлоқтардаги ҳамма қарматийларни тутиб үлдирсінлар ва мол-мулкларини талон-торож этсінлар. Лашкарбоши дейди:

– Бу ишнинг иложи шудир.

Эртаси куни у Наср ибн Аҳмад олдига келиб:

– Лашкар бошлиқдари мендан зиёфат талаб қыл-яптилар, – дейди.

– Қулингдан келса қил! Кечга қолдирма! – жавоб қилади у.

Шунда у айтади:

– Еб-ичмоқдан банданинг камчилиги йүк, аммо гилам ва мажлис зийнати учун керакли тилла ва кумуш буюмларга әга әмасман.

– Мәжмандорчиликни яхшилаб қилиш керак, бұлмаса қымаган маъкул. Айтганиларингдан нима керак бўлса, фаррошхона ва шаробхонадан олиб кет! – дейди шоҳ.

У таъзим қилиб чиқиб кетади. Эртаси куни ҳамма лашкарни уйига чақиради. Наср ибн Аҳмад хазинаси, шаробхонаси ва фаррошхонасида бўлган нарсаларни уйига олиб келиб, кўз куриб, қулоқ эшитмаган даражада дастурхон ёзади. Ҳамма буюк лашкарбошиларни ўз лашкарлари ва яқинлари билан чақиради. Улар келган заҳоти саройга олиб бориб, дарвозаларни ёпиб, уларга мақсадини айтиб, онт ичдиради. Уйдан чиқиб, дастурхон атрофига ўтирадилар. Улардан бири томга чиқиб, саройги бориб, Нуҳ ибн Насрга құшин бошлиқлари нимага тайёрланаётганларини хабар беради. Нуҳ дарров югуриб отаси олдига келиб, дейди:

– Нега, ўтирибсан?

– Шу соат сипоҳ бошлиқлари лашкарбошига қасамёд қилиб ўтирадилар. Зиёфатдан кейин улар шароб мажлисига бориб, май ичганларидан сұнг хазинадан келган зар-у сиймларни ўзларига олиб, саройга чиқиб келадилар. «Бизни ҳаммамизни ўлдирадилар. Бу меҳмондорчиликдан мақсад, бизни ҳалок қилишдир!» деб ўйлашади улар. Наср ибн Аҳмад Нуҳга дейди:

– Бу ишнинг чораси қандай?

– Энди икки нафар хос ходимингни улар дастурхондан туриб, ҳали шароб мажлисига бориб улгурмаслариданоқ дарров юборгин. Улар бориб, лашкарбошига секин шундай десинлар: «Малик айтаяптики, у сенинг катта зиёфатингни ва кўп меҳмонларингни чақириб, қийналиб қолганингни эшитган. Менда бир зардан безатилган қадаҳ бор. Бунақаси бирор подшоҳда йўқ. Уни хазинада эмас, бошқа жойда яшириб қўйгандим. Ёдимдан кўтарилибди. Келиб, уни ҳам олиб боргин. Ундан мажлисингга нур киради, чунки унинг қиммати минг-минг динордир. Тез келгин, уни фақат сенинг қўлингга бераман». Меҳмонлар шароб мажлисига борищдан олдин шу мол-у бойлик ҳаваси билан ҳузурингга келишади. Бошини оласан, кейин нима қилишингни айтаман.

Наср икки нафар хос ходимини юбориб, шу сўзларни айтдиради. Улар ҳали дастурхон атрофида овқатланиб ўтирадилар. Лашкарбоши икки-уч кишига подшоҳ сўзларини гапиради. Улар бориб, қадаҳни ҳам олиб келишни сўрайдилар. У тез малик саройига келади. Уни бир ҳужрага чақириб, қулларига буюриб, бошини олдиради. Бошни бир халтага солиб, Нуҳ отасига дейди:

– Иккаламиз бу халтани олиб, лашкарбоши саройига борайлик. Сен қўшин бошлиқлари олдида

подшоҳликдан кўл тортиб, мени валиаҳд қилгин. Мен уларнинг жавобини бераман, шунда шоҳлик бизнинг авлодимиизда қолади. Бу қўшин сен билан келишмайди.

Кейин иккаласи отларига миниб, лашкарбоши саройига боришади. Шоҳ ўғли билан саройга келганини кўрган қўшин улуғлари нима гап эканлигини тушунмай ҳайрон буладилар. Улар: «Шоҳнинг бу зиёфатга рағбати тушибди-да», деб ўйлашади. Наср ибн Аҳмад бориб, ўз жойига ўтиради. Куролланган ходимлари унинг атрофида турадилар. Нуҳ отасининг ўнг томонида туриб олади. Тамадди қилиб бўлганларидан кейин Наср ибн Аҳмад шундай дейди:

– Билиб кўйинглар, мен ҳақимда нима ўйлаганингиздан хабардорман. Сизлар менга қасд қилдингизлар. Сизлар менга, мен эса сизларга ёмон бўлиб қолдим. Ўртамииздан ишонч кўтарилиди. Суннат йулидан чиқиб, хато мазҳабга кирганим учун сизлар мендан хафа бўлдингизлар. Менинг ўрлим Нуҳда бирор айб борми?

– Йўқ, – дедилар қўшин бошлиқлари.

– Бўлмаса, мен уни ўзимга валиаҳд қилдим. Энди у сизларга подшоҳдир. Хато қилган бўлсам ҳам, савоб иш қилган бўлсам ҳам, энди узр ва тавба қилиш билан машгул бўламан, Аллоҳдан мағфират тилайман. У тавбаларимни қабул қиласа керак, чунки у – Faффордир. Сизларни бу ишга жалб қилган киши ўз жазосини топди. Шоҳ буюриб, халтадан бошлиқлар калласини чиқаради-да, одиларига ташлайди. Ўзи тахтдан тушиб, намоз ўқиши учун жойнамозга ўтиради. Нуҳ тахтга, отаси ўрнига ўтиради. Лашкарбошлиари буни эшитиб, ҳайрон бўлишади. Ҳеч баҳона ва узр келтиролмай, ҳаммалари ерга тиз чўкиб, Нуҳга таъзим қилиб, уни қутлайдилар.

– Барчасига лашкарбоши айбдор, – дейишади улар. – Биз бандалармиз, фармон бажарувчи, холос.

Шунда Нуҳ дейди:

– Мен том маънода Нуҳман, Наср эмасман. Бўлар иш бўлди. Мен сизларни кечирдим. Сизларниң мурод-мақсадларинг мендан ҳосил булгай. Менинг фармонларимни бажариб, ўз айбларинг билан машғул бўлинглар.

Кейин занжир сўраб, отаси оёқларига бойлатади. Уни дарров кўҳандизга олиб бориб, қамоқقا ташлайдилар.

– Энди туринглар, – дейди у, – шароб мажлисига борамиз.

Ҳар бир киши уч қадаҳдан май ичади.

Нуҳ яна дейди:

– Мақсадларингизга кура, уч қадаҳ шаробдан сунг мажлис олат-асбобларидан ҳар бир киши уч нарса олиши керак эди. Бўлишиб олинглар, токи ҳаммага етсин. Мажлисда ҳозир булганлар қиммат-баҳо нарсаларни олиб, халталарига солиб, муҳрлаб, ишонарли кишиларига топширадилар.

Нуҳ дейди:

– Бизнинг ҳақимиизга хиёнат қилган лашкарбоши ўз жазосини топди. Тўгри йўлдан, суннат йўлидан чиққан отам ҳам ўз жазосини кўради. Сизлар тил бириктириб, зиёфатдан кейин Боласоунга, коғир газоти ўз уйимиз эшиги олдидадир. Ҳозир шу газот билан машғул бўламиз. Мовароуннаҳр ва Хурсонда шу мазҳабга кириб, отамга ўхшаб мулҳид булганиларни тутиб олиб, ҳаммаларини ўлдиринглар. Уларнинг моллари, йиққан бойликлари сизницидир. Бу мажлисдаги отамнинг мақсадларини ҳам, хазинадаги бойликларини ҳам сизларга совға қилдим. Аммо ботинийлар нарсаларини тортиб олишдан бошқа илож йўқ. Бу муҳим ишлардан кейин коғир туркларга қарши борамиз. Муҳаммад Нахшабийни ва отамни яқин кишилари билан бирга олиб келинглар.

Ҳасан, Мансур Чагоний ва Ашъясни бир неча бошқа ботиний амирлар билан қатл қилишади. Шаҳарларга ўтиб, ботинийларни топиб, ўлдирадилар. Шу куни бир амирга лашкар билан Жайхундан ўтиб, Марварудга бориб, Саводани ҳам ушлаб ўлдиришни буюрадилар. Бутун күшин қилич күтариб, раият ва лашкар ичидаги шу мазҳабда бўлганларни топиб ўлдиради. Адашиб мусулмонларга заар етказмасликни Нуҳ махсус буюрган эди. Етти кеча-кундуз Бухоро ва унинг ноҳияларида юриб, ботинийларни ўлдириб, молларини талон-торож қилишади. Мовароуннаҳр ва Хуросонда улардан ҳеч ким қолмайди. Қолгани ҳам яшириниб, халос бўлади. Хуросонда бу мазҳаб илдизлари барҳам топади.

Ботинийларнинг шом ва мағриб ерларида бош кўтарганлари ҳақида

Энди Шомда бўлган воқеалар ҳақида. Абдуллоҳ ибн Маймуннинг ўғли Аҳмад эди. Унинг отаси Басрага бориб, одамларни сирли равишда тариқатига даъват қилиб, шу ерда қолиб, кейинчалик вафот этди. Аҳмад Шомга келди ва у ердан Мағрибга борди. Уни яхши қарши олиб, таълимотини қабул қилдилар. У Шомга қайтиб келиб, Саламият шаҳрида яшаб қолди. Шу ерда ўғил кўрди, унинг оти Мұҳаммад ибн Аҳмад эди. У оламдан ўтганида ўғли ёш эди. Акаси Саид унинг ўрнига ўтириб, Мағриб томонга кетди. Ўз номини Абдуллоҳ ибн ал-Хусайнга алмаштириди. Аҳмад ўз тарафдорларидан Абу Мұҳтасибни ноиб этиб тайинлаб, Бани Ағлаб қабиласига юборди. Абу Абдуллоҳ улар яшаётган ноҳияга бориб, ўз мазҳабига тарғиб этди. Бани Ағлаб ҳалқи асосан кўчманчи бўлиб, саҳрода яшарди. Шу қавмдан бўлганлар сафи кўпайиб кетди. Шундан сунг уларга бу мазҳабни куч билан жорий этишни буюриб, кўп ҳаракат қилди. Бани Ағлаб ҳалқи йиғилиб, бошқа шаҳар ва ноҳияларга қасд қилиб, та-

лон-торож этиш билан машғул бўлиб, кўп одамларни ўлдирдилар. Мағриб диёрининг кўп жойларини ўз тасарруфларига киритдилар. Али Ваҳсадон деган бир сунний киши бўлиб, у Сайднинг лашкарбошиси эди. Абу Абдуллоҳ уни Шом кўшини билан мухтасибга қарши юборди. Абу Абдуллоҳ қочиб кетди. Бани Ағлабдан кўп кишиларни ўлдирдилар. Қолганлари қочиб кутудилар. Абдуллоҳ бир шаҳарга бориб, елкасига тайласон ташлаб, диёнатли кишига ўхшаб яшаб юрди. Одамлар ҳам уни ҳурмат қиласидилар.

Шу йил Шомда Закравейҳ Соҳиб ул-ҳол бош кўтариб, Шомнинг кўп жойларини оди ва Бани Ағлаб яшайдиган бир оролга бориб, уни ўзига ватан қилди. Бани Ағлаб унга закот юбориб турди. У ўлгандан кейин ўғли отаси ўрнига ўтирди ва шу ерда бу қоида бўлиб қолди.

Ғур ва Ҳирот ҳудудларида қарматий ва маздакийларнинг чиқишлари

Хижрий икки юз-у тўқсон бешинчи йили Ҳирот волийси Муҳаммад Ҳарсума амири одил Исмоил ибн Аҳмад Сомонийга Ғур ва Гуржистон төғларида Абу Билол деган бир киши бош кўтарибди, деб хабар беради. Унинг атрофида ҳар хил одам жамланибди. У ўзини «Дор уд-ада» («Адолат хонаси») деб номлаб олган эмиш. Ҳирот қишлоқдари ва ноҳияларида кўп одамлар унинг ҳузурига келиб, садоқатларини баён қилибдилар. Улар сони ўн минг кишидан ортибди. Агар унинг ишига зътиборсизлик қисак, зарарларига дуч келиб, ишимиз мураккаблашади. Яъкуб Лайснинг надими бўлмиш Абу Билол хорижийлар мазҳабига чақириб, ноибликни даъво қилаётир.

Амири одил бу ҳолдан огоҳ бўлиб, шундай дейди:

— Менимча, Абу Билолнинг қони қайнаб кетибди.

У ҳожиб Закарийга буюради: «Беш юз нафар жасур турк кулларини олиб, уларга Баришни кў-

Шинбекликка тайинағын. Айтгінки, унға ўн иккі минг дирҳам берсінлар. Эртага улар сен билан Жүйи Мулиёнга келишсін. Мен уларни бир күрай, кейин чиқиб кетсінлар». Ҳожиб Закариә шундай ҳам қилади.

Амир Абу Али Марвазийга хат ёзиб, хабар беради: «Бизнинг құлларимиз Ҳиротта келиб, шаҳарға кирмасларидан один ўз одамларингга дирҳамлар беріб, шаҳар ташқарисига чиқ».

Мұхаммад Ҳарсумга бошқа бир хат йұллайды: «Сен ҳам тайёр булыб, шаҳардан чиқиб тур. Абу Али ва Багиш сенға құшиладилар». Багишга шундай дейди:

– Агар ғолиб чиқсанғ, сенға вилоят бераман.

Құлларига дейди:

– Бу Али Шарвин ёки Умар Лайс, ё Мұхаммад Ҳиравийнинг уруши эмас. Илгариги ҳолатда құшин ва құрол-аслаға күп эди. Мен бу ишни сизларға ишон-япман. Булар Ҳирот тоғларыда бөш күтаришиб, одамларни хорижий ва қарматий мазҳабларига очиқасига дағыват қилаяптилар. Уларнинг аксари чүпон ва дәжқонлар, улар устидан ғалаба қылсанғизлар, ҳамманғизга сарпо ва совғалар инъом этаман.

Шу билан ишбилармон бир дабирни уларға бошлиқ этиб тайинлайды. Марварудға кириб борғанларыда Абу Али ўз одамлари билан дарров уларға құшилиб, йұлларині босиб олади. Ҳиротта этиб борғанларыда Мұхаммад Ҳарсума құшини билан чиқиб, бошқа йұлларини тұсади. Абу Билолнинг эса ҳеч нарасадан хабари бұлмайды. Уч кунда тоғ ва довонларни ошиб үтиб, құзғолончилар жойига этиб борғанларыда тұсатдан уларни тұрт томондан үраб олишиб, ҳаммаларини қиличдан үтказишиади. Абу Билол ҳамда Ҳамдонни яна ўн нафар бошқа катталари билан құлға оладилар. Етмиш күн дегандა қайтиб келиб, Абу Билолни құхандыз зинденінеге олиб

боришади. У ўша ерда ўлади. Қолганларни бошқа шаҳарларга олиб бориб осадилар. Гур ва Гуржистонда уларнинг илдизлари йўқ қилиб ташланади. Шу йили амири Одил оламдан ўтади. Ўзали Насри Аҳмад унинг ўрнига шоҳ бўлиб кўтарилади. У билан боғлиқ воқеани биз юқорида баён этиб ўтдик.

Али иби Мұҳаммад Бурқайининг Хузистон ва Басрада зангилар дашкари билан чиқиши ҳақидаги фасл

Ҳижрий икки юз эллик бешинчи йили Али Мұхаммад Бурқайи Ахвозда кўзгролон кутаради. У Хузистон ва Басра занги-қоратанли(кул)ларини анча вақт алдаб, ваъдалар бериб исенга бошлайди. Шу ўлка зангилари бирлашиб, аввал Ахвозни, кейин Басрани ва Хузистонни оладилар. Зангилар ўз хўжайнларини ўлдириб, мол-мулк ва хотинларини ҳам қулга киритиб, бир неча маротаба Мўътамад кўшинини мағлуб қиласилар. Мұхаммад Бурқайи ўн тўрт йил-у тўрт ойу олти кун Басра ва Хузистонда подшоҳлик қилиб, охири Мўътамаднинг акаси Муваффақ кўлига тушади. Шундан кейин ҳамма зангиларни ўлдириб, Али иби Мұхаммад Бурқайини Багдодда дорга тортадилар. Унинг мазҳаби Маздак, Бобак, Абу Закариё ва хуррамдин ва қарматийларникига ўхшаб кетарди.

Баҳрайн ва Лаҳсада Ҳасан Жанибий ва унинг угли Абу Тоҳирининг чиқишилари ҳақидаги фасл

Мўътазид даврида ҳам Абу Саид ал-Ҳасан иби Баҳром ал-Жанибий Баҳрайн ва Лаҳсада бош кўтарган эди. У одамларни ботиний мазҳабига даъват этиб, ақддан оздиради. Шу тариқа ишини мустаҳкамлаб, одамларни йўлдан чиқаради, кўп

ноҳияларни талон-торож қилади. Мол-мулкларини умумий қилиб қўяди. Бу ҳол анча вақтгача давом этди. Охири унинг бир ходими ўлдирилади. Шундан сўнг Баҳрайнда хизматкорларга ишонмайдиган бўладилар. Ўғли Абу Тоҳир унинг ўрнига ўтиради. У бир муддат яхши ишлар қилади. Ботинийлар таълимотини кам биларди, ўзини ёмон ишлардан сақларди. Охири доийларга одам юбориб, уларнинг китоблари «Балоғат ус-собеъ» («Еттинчи даъват»)ни сўраб олади. Шу китобни ўқиб, итга айланади-қўяди. У Баҳрайн ва Лаҳсада бўлган ёшларга мурожаат қилиб, дейди:

— Мен сизларни бир жойга олиб бораман.

Ҳаж вақти яқин эди. Кўп кишилар унинг атрофидага тўпланадилар. Уларни Маккага олиб боради. Ҳаж мавсумида Маккага кўп ҳожиблар келган эдилар.

Абу Тоҳир одамларига буюради:

— Қилични олиб, учраган одамни ўлдираверинглар. Кўпроқ Макка ва унинг яқинида яшайдиганларни ўлдиринглар.

Улар тўсатдан қурол кўтариб, қатлни бошлаб юборадилар. Бу аҳволни кўрган ҳожиларнинг кўплари Ҳарамга қочиб кириб, Қуръонни оддиларига кўядилар. Маккадагилар ҳам қуролланиб, урушга чиқишиади.

Абу Тоҳир буни кўриб, бир элчини ўртага солиб, дейди:

— Биз ҳажга келдик, урушга эмас. Айб сизларда, бизлардан бир кишини гуноҳсиз ўлдиредингизлар. Шунинг учун биз қуролга қўл урдик. Ҳарам аҳди ва ҳожиларга ҳеч ким тегмайди. Бу ишдан Ҳарам йўли ёпилади ва ёмонотликқа чиқасизлар. Бизга халал берманглар, қўйинглар, тавофи Ҳарам қиласайлик.

Маккадагилар уни рост гапиряпти, деб ишонадилар. Бирордан хато ўтиб, улар урушга қўл урган булсалар керак, деб ўйлашади. Улар бир қарорга келиб, икки томон ҳам қуролларини қўйиб: «Бошқа

уришмаймиз», – деб Қуръон билан қасам ичадилар. Маккадагилар орқага қайтиб, сандиқларини Ҳарамга олиб кириб, Каъбани тинч зиёрат қўлмоқчи бўладилар. Ҳожилар ҳам қуролларини ташлаб қасам ичиб, қайтиб Каъба тавофига машгул бўладилар.

Абу Тоҳир Маккадаги қуролланганлар ва ҳожиларнинг тарқаб кетганикларини кўриб, ўз дўстларига дейди:

– Энди қиличларингизни олиб, Ҳарамнинг ичи ва ташқарисида учраган одамларни ўлдиринглар. Бу малъунлар тўсатдан Ҳарамга жужум қилиб, учраган кишини чопиб ташлайверадилар. Ҳамма ҳажга келганларни қатл қилишади. Одамлар ўлим ваҳимасидан ўзларини сув кудуқларига ташлайдилар, баъзилар тоғларга қочиб кутулади. Улар қора тошни жойидан тортиб олиб, томга чиқиб, новадонни ҳам бузишади. «Худоларинг осмонга чиқиб кетса, унга ердаги уй керак бўлмайди», дейдилар. Уйни талон-торож қилиб, бузиб ташлайдилар. Унинг пардасини йиртиб, истеҳзо билан шундай дейдилар: «Худойингиз бўлганида, сизларни бизнинг қиличларимиз зарбидан кутқаарди».

Маккадагиларнинг хотин ва фарзандларини кул қилиб оладилар. Кудуқларга чукиб ўлганлардан ташқари йигирма минг киши ўлганлиги маълум бўлади. Тирик қолганларни ҳам кудуқларга ташлашади. Сон-саноғи бўлмаган тилла ва зардан ясалган нарсалар ва бойликларни олиб, бу бойликлардан доийларга юборишади. Муқтадир замонида мусулмонлар бошига шундай воқеа тушибди ва бу ҳижрий уч юз-у ўн еттинчи йили эди. Абу Тоҳир Мағрибга Абу Саидга ҳам совға юборади. Бу Абдуллоҳ Маймуннинг Қаддоқ исмли катта ўғли бор эди. уни тарбиялаб, ўз ишига манфаатдорлик фазилатини ўргатадилар. Сўнгра у ҳам Мағрибга бориб, Сижилмоса шаҳрида яшайди. Иши яхши

бұлиб кетади. Одамларни ўз мазҳабига ўргатиб, баъзиларни зўрлик билан, баъзиларни яхшилик билан шу мазҳабга даъват этади.

«Мен Маҳдий ва алаййман», деб одамларга катта хирожлар солади. Май ичишга ижозат беріб, опа-сингил ва қизларни ҳалол деб эълон қиласи. Марвонийлар ва аббосийларга очиқдан-очиқ лаънатлар юборади. У тўккан қонлар ва жорий этган ёмон расм-у русумларни қисқача қилиб айтиб булмайди. Тарихларда ёзилишича, Мисрда ўтирган киши унинг фарзандлари дидир. Абу Тоҳир ва Саид Лаҳсога келганида топилган Қуръон, Таврот ва Инжилларни йўқ қилишади. Улар айтган эдиларки, оламда одамларни уч тоифа хароб қиласи. Булар чупон, табиб ва туюбокарлардир. Энг ёмони туюбокарлардир. Улар оналари, опа-сингиллари ва қизларини ҳам умумий қилишади. Маздак тариқатини тарқатишади. Қора тошни иккига бўлиб, ҳаложога қўйишади. Чуқурга ўтирганда оёқларини унинг устига қўярдилар. Пайғамбарларга ҳам очиқ лаънатлар ўқишаради. Арабларни мажбур қилиб, оналари ва сингиллари билан булишларини буорардилар. Оналари ва опа-сингиллари билан бирга булмаслик учун арабларнинг кўпчилиги зарних ва олтингугурт ичиб, ўзларини ҳалок қиласи. Жоҳил Мағриб аҳолиси эса бу русумни журсанчилик билан қабул қиласи. Улар ҳажга борадиганлар карвонига яна бир марта алдов йўли билан ташланиб, кўп одамларни ҳалок этдилар. Хурсон ва Ироқ мусулмонлари ҳар хил усулларни ишлатиб, уларга қарши бормоқчи булишади. Улар кўрқиб, қора тошни қайтариб, Куфанинг жоме масжидига ташлайдилар, Масжидга келган одамлар қора тошнинг ерда ётганини кўриб, уни темир мих билан қадоқлаб, Маккага олиб бориб, ўз жойига қўйишади. Абу Тоҳир Габрни Исфаҳонда Ааҳсога олиб бориб, яширинча подшоҳликка кўтаради. У эса

кучайиб кетиб, Абу Тоҳир тарафдорларидан етги юз кишини қатл этади ва Абу Тоҳирни ҳам акаси билан бирга йўқ қилмоқчи бўлади. Бундан хабардор бўлган Абу Тоҳир ҳийла ишлатиб, уни үлдириб, яна ҳоким бўлиб олади. Агар бу итнинг ислом динига келтирган ҳамма зиёnlарини, тўккан қонларини ҳисобласак, китобга сизмайди. Бу фасодлар Розий давригача давом этган. Розий замонида эса дайламийлар пайдо бўлади.

Буларни эслашимиз сабаби шундаки, олам подшоҳи уларнинг мазҳаби нима эканлигини, сўзларига ишонч йўқдигини билиб олсин. Қачонки, ботинийлар ислом мулкида ғолиб келган бўлсалар, албатта мусулмонларга зарар етказгандар. Уларнинг қанчалик шум ва душман эканлиги маълум бўлсин.

Муқаннаъ Марвазий ҳам шу йили Мовароуннаҳрда бош кўтариб, шариатни ўз қавмидан йўқотади. У ботиний Абу Саид Жаннобий, Абу Саид Мағрибий, Али Муҳаммад Алавий Бурқайи ва бошқа доийларга ўхшаб даъволар қиласарди. Муқанна ва Абу Саид бир вақтларда яшаганлар. Уларнинг ўзаро дўстлик алоқалари бўлган Мовароуннаҳрда Муқанна жоду қилиб, кечалари бир төвдан ойга ўхшашиб бир нарсани чиқартиарди. Бу ой ҳар куни кечаси айни бир вақтда одамларга кўринарди. Маълум муддат ўтиб, шу вилоят аҳолиси шариат ва мусулмонлик чизиридан чиққанларидан сўнг, у худоликка даъво қилди. Унинг замонида кўп ноҳақ қон тўкилди. Тўрт томондан унга қўшиналар қарши чиқиб, урушлар бўлди. Узоқ йиллар у подшоҳ бўлиб, даврон сурди. Ҳаммасини ёд этсак, қисса узайиб кетади. Бу итлар ҳақида ёзилган хабарларни йигсак, ҳар бири катта китоб бўларди. Ботинийлар бош кўтарган даврда уларга ҳар ерда, ҳар хил ном берилди. Аммо ҳаммасининг маъноси бирдир. Уларни Ҳалаб ва Мисрда «исмоилий», Қум, Кошон, Табаристон Сабзвор, Мовароуннаҳр, Казнин ва Бағдодда «қарматий», Куфа-

да «муборакий», Басрада «равандий» ва «бурқайи», Райды «халафий» ва Жузжонда «мухамира», Шомда «мубайиза», Магрибда «саидий», Лаҳсо ва Баҳрайнда «жаннобий», Исфаҳонда «ботиний» дердилар. Улар ўзларини «таълимий» ва «рафик» деб аташарди. Мақсадлари қандай қилиб бўлса ҳам мусулмончиликни йуқ қилиш бўлган. Улар ислом ва Расули акрам аҳли байтининг душманлари бўлганлар. Халқни йўлдан урадилар. Мусулмонлардан қайси бири уларга раҳм қиласа ва уларни китоб аҳли деб билса, Аллоҳ, фаришталар ва халқ лаънатига дуч келади. Қиёмат куни эса улар ўз жазоларини тортадилар.

Озарбайжон ва Исфаҳонда хуррамдинларниңг чиқчилари ҳақидаги фасл

Энди бу банда олам подшоҳи булар ҳақида ҳам билиб олсин, деб хуррамдинлар ҳақида ҳам бир оз гапиради.

Хуррамдинлар ҳар замонда бош кўтарардилар. Улар ботинийлар билан бир бўлганлар ва аслида бу икки мазҳаб бирдир. Ҳижрий бир юз-у олтмиш иккинчи йили халифа Маҳдий замонида «қизил байроқ» номли ботинийлар, хуррамдинлар билан бирлашиб, шундай дегандилар:

— Абу Муслим тирик, биз ҳокимиятни қўлга оламиз.

Унинг ўғли Абдуғаррони ўзларига бошлиқ этиб тайинлаб, Райгача келдилар. Ҳалол ва ҳаромни араплаштириб юбориб, хотинларни умумий қиласидилар.

Халифа Маҳдий ҳар томонга хатлар ёзади. Амру ибн ал-Ало Табаристон волийсига буюради: «Бошқалар билан бирлашиб, хуррамийларга қарши урушга боринглар». Улар бориб, бу жамиятни тарқатиб юборадилар. Яна Ҳорун ар-Рашид Хуросонга келган вақтида хуррамдинлар қўзғолон кўтаргандилар. Исфаҳон ноҳияларидан бошлаб Тармидон, Копила, Фобак ҳамда Рай, Ҳамадон қишлоқларигача одам-

лар гуруұлашиб, шу қавмға құшиладилар. Уларнинг сонлари юз мингдан ошиб кетади. Ҳорун Хурсондан Абдуллоҳ ибн Муборакни йигирма минг отлиқ билан қарши юборади. Ҳуррамийлар құрқиб, ўз жойларига қайтадилар. Абдуллоҳ Муборак хат йуллайди: «Бизга Абу Дулаф керак». Халифа хатта жа-вобан: «Жуда ҳам савоб иш булур», – деб ёзади. Улар иккаласи бирлашадилар. Ҳуррамийлар ботинийлар билан құшилиб, күпайиб кетадилар, талон-торожга ва фасод ишларга құл урадилар. Абу Дулаф Ижли ва Абдуллоҳ Муборак тұсатдан уларға хужум қилиб, саноқсиз одамларни үлдирадилар. Бола-чақаларини эса Бағдодға олиб бориб сотадилар.

Бобак құзғолони қаңидагы фасад

Шундай қилиб, орадан тұққыз йил ўтгач, Озарбайжонда Бобак бош күтариб, ботанийларга құшилмоқчи булади. Аммо құшин улар йулини тұсганини әшитиб, қайтиб кетади. Икки юз ўн иккінчи йили, Маъмун даврида ҳуррамдинлар Исфақонда бош күтарғанларида Исфақоннинг Ванда ва Кобула ботинийлари Бобак билан бирлашадилар. Улар күп фасод ишларни қилиб, Озарбайжонга келадилар. Маъмун уларға қарши Мұхаммад ибн Ҳамид ат-Тойни юборади. У ҳуррамдинлар билан жаңғ қиласы. Аввал уни Зурайк ибн Садақага қарши юборади. Зурайк Төгли Ироқда бош күтариб, одамларни талон-торож қилиб, карвонларга хужум қиласы. Мұхаммад ибн Ҳамид тезда йұлға чиқади, аммо құшинига Маъмун хазинасидан эмас, ўз хазинасидан мол бериб, Зурайкни мағлуб этиб, лашкари билан нобуд қиласы. Қазвин, Мароға ва Озарбайжоннинг күп қисмини Маъмун үнга инъом этади. Шундан сүнг у Бобак урушига боради. У билан Бобак ўртасида олти мағротаба оғир урушлар бўлиб үтади. Ахийри Мұхаммад ибн Ҳамид ҳалок бўлади. Бобакнинг иши авж

олади. Хуррамдинлар Исфаҳонга қайтиб келадилар. Мұхаммад ўлемидан қаттық хафа бұлған Маъмун дарров Хурсон волийси Абдуллоҳ Тоҳирни Бобак жангига юборади. Үнгі Төғли Ироқ, Озарбайжон ва босиб оладиган янги ерларини беради. Абдуллоҳ Озарбайжонга келади. Үнгі қаршилик қылолмаган Бобак бир дарага қочиб боради. Үнинг құшини ва ҳамма хуррамдинлар ҳам қочиб кетадилар. Иккі юз-у ўн саккизинчи йил кириб келганида хуррамдинлар Исфаҳон, Порс, Озарбайжон ва бутун Төғли Ироқда яна бир бор құзғолон күтәрадилар, Маъмун эса Румга кетган эди. Улар тил бириктириб, ҳамма вилоят ва шаҳарларда бир кечада құзғолон күтәриб, талон-торожта құл урадилар. Порс вилоятіда күп мусулмонларни үлдириб, фарзандларини кулликка олиб кетадилар. Исфаҳонда уларға Али Маздак бошчilik қыларди. У шаҳар дарвозаси олдида йигирма минглик құшин турганини күриб, Күхга юриш қиласы. Аммо акаси Мұттал Күхда беш юзлик құшини билан қаршилик күрсатолмай, Бағдодға келади. Али Маздак Күхни құлға киритиб, уни талон-торож килиб, учраган мусулмонни үлдиради. Қайтиб Озарбайжонда Бобак билан бирлашмоқчи бўлади. Хуррамдинлар ҳам Бобак томонига ўтадилар. Аввал ўн минг нафар бўлған улар сони кейинроқ йигирма беш мингга етади. Төғли жойда Шаҳристона номли бир шаҳар бор эди, Бобак шу ерда уларға келиб қўшилади. Мұтасим қирқ минг кишилик құшин билан Исҳоқни уларға қарши жангга юборади. Исҳоқ тўсатдан уларға ҳужум бошлиайди. Биринчи жангда хуррамдинлардан юз минг киши ўлдирилади. Бир гуруҳ Исфаҳонга бормоқчи бўлади. Ўн минг киши Али Маздакнинг акаси бошчилигида Исфаҳон атрофидаги қишлоқларга бостириб бориб, аёллар ва болаларни қулликка олиб кетадилар.

Исфаҳон амири Али ибн Исҳоқ жойида йўқ эди. Қози ва улуғ кишилар жангта кириб, уларни ҳар

томондан қуршаб олиб, марлуб этадилар. Кўпларини ўлдириб, хотинлари ва фарзандларини қул қиласидилар. Шундан кейин Мұтасим олти йил мобайнида хуррамдинларнинг ишлари билан машғул бўлади. Афшинни Бобак урушига номзод қиласиди. Афшин қўшин олиб, урушга кетади. Қолган хуррамдинлар ва ботинийлар Бобакка ёрдамга келадилар. Афшин ва Бобак ўртасидаги уруш икки йил давом этади. Шу давр ичидаги икки томондан ҳам кўп одамлар нобуд бўлади. Бобакни йўқ қилолмаган Афшин охири ҳийла йўлига ўтади: бир кечаси қўшинини олиб, ўн фарсанг орқароққа чекинади. Бобакка одам йўллаб, бир оқил кишини олдига юборишини ва у билан маслаҳат қилишини маълум қиласиди. Бобак бир кишини жўнатади. Афшин унга дейди:

— Бобакка айтгин: ҳар бир ишнинг охири бор. Одамнинг боши пиёз боши эмас, қайта усмайди. Менинг кўп аскарларим ўлиб кетди. Сенда ҳам шундай. Кел, сулҳ тузайлик! Сен бу вилоят билан қаноатланиб, тинч ўтири. Мен амиралмўмининдан шу ҳақда ҳужжат олиб, сенга юбораман. Менинг сўзларимни қабул қилмасанг, бу ерга кел, охирги маротаба жангга кирайлик. Худо кимга мададкор бўлса, баҳтимиздан.

Элчи чиқиб кетади.

Афшин икки минг отлиқ ва беш минг пиёдани борлар ва тоғларга яшириб, пистирмада ўтиришларини буоради. Элчи Бобак олдига келиб, Афшиннинг қўшини кам қолганини айтиб беради, Бобак жосуслари ҳам шундай хабар олиб келадилар. Бобак уч кундан кейин қаттиқ урушга киришга қарор қиласиди.

Афшин қўшинига: «Уч кундан кейин кечаси чиқиб, чап ва ўнг томондан ярим фарсанг масофада яшириниб туринглар, — деб хабар юборади. — Мен қочмоқчи бўлиб орқага қайтганимда, сизлар уларнинг орқа йўлларини тўсасизлар. Шундан улар бу

водийга бошқа киролмайдилар. Мен қайтиб келиб, зарур бўлган ишни қиласман.

Белгиланган куни Бобак лашкари билан дарадан чиқади. Улар юз минг отлиқ ва пиёдадан иборат бўлиб, Афшин лашкари кўзларига кам ва заиф кўринади. Улар жангга киришадилар. Бу қаттиқ урушда кўп кишилар ҳалок бўлади. Афшин қочишга қарор қилиб, кўнган жойидан бир фарсанг орқага чекинади. Сўнг түғчига байроқни туширишни буюради. Отини тўхтатиб, етиб келаётганларни атрофига йигади. Шу пайт Бобак улар ортидан қувивиб келарди. У Афшинни ушламагунингизча ўлжа олиш билан машғул бўлманглар, деб буюрган эди. Бобак билан бирга унинг ҳамма отлиқлари Афшин орқасидан от сурадилар, пиёдалар эса талончилик билан машғул бўлишади. Шу пайт йигирма минг кўшин төғ-у адирлардан тушиб, хуррамдинларнинг орқага қайтиш йўлларини тўсади. Бу ҳолни кўриб, улар қиличга кўл урадилар. Афшин ҳам қайтиб келади. Бобакийларни ўраб олишади. Бобак қамалга тушиб қолади. Уни қўлга олиб, қўшинидан саксон минг кишини шу куниёқ тигдан ўтказадилар. Афшин бир қулини уч минг кишилик қўшини билан шу ерда қолдириб, ўзи Бобакни бошқа асирлар билан Бағдодга олиб боради. Кўзи Бобакка тушган Мұтасим шундай дейди:

– Эй, ит, нима учун оламга фитна солдинг?

У жавоб бермайди. Унинг қўл ва оёқларини кесишини буюради. Бир қўли кесилгач, Бобак соғкули билан қонини юзларига суртади. Унинг қонга буйлган юзини кўрган Мұтасим сўрайди:

– Эй, ит, бу нима амал?

– Бунда шундай ҳикмат борки, сизлар менинг кўл-оёқларимни кесмоқчисизлар. Одамнинг юзи қондан қизаради. Жисмимни қон тарк этса, одамнинг юзи сарғайиб кетади. Қонимни юзимга сур-

танимнинг сабаби шуки, танамдан ҳамма қоним чиқиб кетганда одамлар мени кўриб: «Кўркувдан юзи сарғайиб кетди», – демасинлар.

Мұтасим бир мол терисини шохлари билан бирга олиб келишни буюради, Бобакни тери ичига солиб, терини тикадилар. Шохи унинг кулоқларига тўғри келади. Қуриёттан терини дорга осиб, Бобакни азоб бериб ўлдиришади.

Бобак қўзғолонининг бошидан охиригача маълумот берувчи кўп китоблар ёзилган. Бобак жаллодларидан бири асир тушган эди. Ундан, сен қанча одамни ўлдиргансан, деб сўрашади. «Унинг жаллодлари кўп бўлган. Менга келганда, ўзим ўтиз олти минг мусулмонни ўлдирганман. Бу бошқа жаллодларнинг ўлдирганлари ва урушларда ўлдирганларимдан ташқари», деб жавоб беради у.

Мұтасим учта катта галабани кўлга киритганки, уларнинг учаласи ҳам исломга куч берган. Буларнинг биринчиси Румни босиб олиши, иккинчиси Бобак устидан зафар қозониши ва учинчиси Табаристонда Мозёри Габр устидан ғолиб чиққани бўлди. Шу учала галабадан биттаси бўлмаганида ҳам ислом дини ривожланмасди.

Ҳикоят

Бир куни Мұтасим шароб мажлисидан туриб чиқиб, бир ҳужрага кириб ўтиради. Бир оздан кейин шароб сураб ичиб, бошқа ҳужрага ўтади. Яна чиқиб шароб ичади-да, учинчи бир ҳужрага киради. Кейин ҳаммомда фусл қилгач, келиб жойнамозга ўтириб, икки ракаат намоз ўқийди. Шароб мажлисига қайтиб келгач, қози Яҳёдан сўрайди:

- Бу қандай намоз эканини биласанми?
- Йўқ.
- Бу Аллоҳ таоло бугун менга насиб эттирган неъматларига шукrona намозидир. Бугун уч нафар

дұшманим қызларининг бокиралигини йүқ қылдым. Бири Рум подшохининг қизи, иккінчиси Бобакнинг қизи ва учинчиси Мозәр Габрнинг қизи эди.

Восиқ даврида яна бир бор күзғолон бұлиб ўтади. Исфақонда хуррамдинлар бош күтариб, фасод ишларга құл уриб, уч юзинчи йилгача чиқишлиар қыладилар. Улар Исфақон төгларида яшаб, қишлоқтарни талон-торож этадилар. Ёш-у қари, хотинлар-у бола-чақаларни үлдириб, уч йил құзғолон күтариб юрадилар. Бирор қүшин уларға қаршилик күрсатмайды. Улар мустақам қалъаларга кириб олғандилар. Охири уларни құлға тушириб, Исфақонда дорга осадилар. Ислом мұлкларига хат ёзіб, бу ғалабани маълум қилишади.

Буларнинг ҳаммаси түғрисида ёзадиган бўлсак, кўпайиб кетади. Аммо ким ботинийлар ҳақида ўқимоқчи бўлса, «Тарихи Табарий» ва «Исфақон тарихи»дан ўқиб билиб олиши мумкин. Бу мазҳабдагиларнинг қоидалари шуки, таналарини азоблаб ўтирмаи, шариатдан чиқиб, намоз, рўза, ҳаж ва закотни тарк этадилар. Улар шароб, мол-мулк, хотинларини ҳалол ва умумий деб зълон қылганлар. Фарз бўлган ҳар бир нарсадан воз кечганлар. Йигинларида биргаликда ўтириб, аввало, Абу Муслим ўлимига афсусланиб, унинг қотилига лаънат ўқийдилар Улар Маҳдий, Фируз, Ҳорун, Абу Муслим қизи Фотима ва унинг наслига салавотлар айтиб, Фотимани ғоят доно, арабчасига «ал-фата ал-олима» деб атайдилар. Шундан маълум бўладики, Маздак, хуррамдин ва ботинийлар мазҳабларининг асл илдизи бирдир. Улар ҳамиша одамларни алдаб қўлга олиш учун ўзларини түғри ва диёнатли тутиб, Расул авлодига салавот айтиб, дўст қилиб кўрсатадилар. Улар кучга кирганларидан кейин исломни қулга олиб, Мұхаммад алайҳиссалом уммати аҳволини хароб қыладилар, динига зарар етказадилар. Мусулмонлар учун коғирлар бу тоифадан афзалроқдирлар.

Уларга яширинча ёрдам ва мадад берадиганларга ва даъватларини қабул қиласиганларга жазо бермоқ лозим. Улар мол-мулк йиғишга олам худовандининг кўзини очганлар ва мустаҳиқлар ҳақларини оладилар. Аммо этакдан қирқиб енгига тикканда ҳам барибир кийим дуруст бўлмайди. Ушбу мазҳабни шунинг учун ҳам эсладикки, бу жамоатнинг ҳаромзодалиги ҳаммага маълум бўлсин. Ҳақ субҳонаху ва таоло қолган мусулмонларни буларнинг офатлари ва шумлигидан узоқлаштиурсин ва ҳаммани буларнинг ёмон сұхбатларидан сақлаб, ўз паноҳига олсин ва ҳимоя этсин.

*Дар олам суди бе зиён кам дидам,
Бе кина ҳарифи меҳрибон кам дидам.
Як дўст, ки душман нашавад охири кор,
Бисёр бижустам ба жаҳону кам дидам.*

*(Оламда зиёnsиз фойда кам кўрдим,
Кинасиз меҳрибон дўстни кам кўрдим.
Охири бориб ёт бўлмаган дўстни,
Бисёр қидирдим-у, оламда кам кўрдим.)*

ҚИРҚ САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ХАЗИНА ТЎПЛАШ ВА УНИ САҚЛАШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ҲАҚИДА

Шоҳларда ҳамиша иккитадан хазина бўлган, уларнинг бири асосий, иккинчиси харж ва харажат хазинаси эди. Қўлга киритилган мол-у бойлик, асосан, биринчи хазинага тўланарди ва бу хазинадан заруратсиз бир дирҳам ҳам харж этмасдилар. Агар бирор нарса олсалар ҳам, қарз сифатида олиб, тез жойига қайтарардилар. Ҳар бир келадиган нарсанинг харажатга сарфланиши

мумкин эмас, албатта. Мабодо, бирон иарсага ёки молга ҳожат тушса-ю, топилмаса, бу муҳим иш зиёни бўларди. Хазинага қўйилган ҳар бир нарса вилоятлардан келиб, ҳар бирининг ўз жойи бўларди ва уларни алмаштиришга йўл қўйилмасди. Ҳар бир нарса ўз вақти ва ўз жойида харж бўлиши керак эди. Шундагина совға қилиш, садақа ва мол бериш ишларига халал ёки камчилик етмайди. Хазина ҳамиша обод бўлиб, одамларро ҳотатда яшайди, бирор киши мол-мулки жиҳатидан азоб чекмайди.

Ҳикоят

Эшитишимча, амин Олтунтош, султон Маҳмуд Фозийнинг улуғ амир-ҳожиби, хоразмшоҳлар ўрнига номзод бўлганди. У Хоразмга боради. Хоразм хирожи олтмиш минг динор булиб, Олтунтошнинг йиллик харажати бир юз-у йигирма минг эди. Олтунтош Хоразмга келиб, бир ойдан сўнг ишонарли кишисини юбориб, қолган олтмиш минг динорни девондан олиб бериб юборишларини илтимос қилиб, Хоразм хирожи унинг харажатига етмаслигини маълум қиласди. Шу замонда Шамс ул-кифот Аҳмади Ҳасан Маймандий вазир эди. У Олтунтошнинг хатини ўқиб, шундай жавоб ёзади: «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм! Олтунтош, Аллоҳ унинг давлатини узайтирсин, шуни билиб қўйисинки, у Маҳмуд бўлолмайди. Ҳеч қачон хирож сифатида олиши аниқ булган мол ва хирож унга қолдирилмайди. Уни йиғиб олиб, Султон хазинаси юборсин, ундан ҳужжат олиб, кейин ўз ҳақини талаб қиласин. Шунда унга қўшини учун Буст ва Сийстондан барот ёзиб берадилар. Бориб, эвазига шу ердан хирож олиб, Хоразмга кетасизлар. Маҳмуд ва Олтунтош ўргаларида фарқ бўлиши керак, чунки подшоҳ ўз ишини қанчалик билса, қўшин аҳволини ҳам ана шундай билади. Хоразмшоҳнинг сўзлари рост бўлиши керак. Унинг илтимоси шундан

далолат берадики, у ё Султонни писанд қымайди, ё Аҳмади Ҳасанни бир юфил ва жоҳил деб билади. Биз Хоразмшоҳнинг ақли ва жасоратидан ажабландик. У қылган иши учун узр сўраши лозим. Банданинг ўз хўжайини билан яқинлашуви катта хатарга олиб боради. Ва ассалом!

Бу хатни бир аскарга бериб, ўн нафар гулом билан Хоразмга юбортиради, олтмиш минг динор олиб келиб, хазинага топширади. Унинг эвазига Фазнин девонидан барот ёздириб олиб, Буст ва Сийстондан анор пўстлоғи, қора ёнғоқ, пахта ва шунга ўхшаш нарсалар олиб келадилар.

Мулк тартиби шундай бўлсинки, мамлакат ишлари бир-биридан узилиб қолмасин, раият тинчлиги ва хазина ободонлиги ўз ҳолида қолсин-у, беҳуда тама ва ғаразлар султон моллари ва раият бойликларидан йўқолсин. Шунда ҳар бир амир ўз жойида қолиб, мамлакатга ортиқча тама қымайди. Султон ҳам амирлар аҳволини билиб, уларни ўз жойларида ушлаб туриб, бош кўтариб қаршилик қилишларига йўл бермайди.

Хазина тўплаш ва сақлаш аҳволи мана шундайдир.

ҚИРҚ ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

ШИКОЯТГА КЕЛГАНЛАР ЖАВОБИНИ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАРИНИ ИНСОФ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Зулм кўрган кишилардан кўпин саройидан адолат истаб, муқим бўлиб қоладилар. Улар ўз ариза ва шикоятларига жавоб олсалар ҳам, баъзан кетмайдилар. Четдан кузатган бирор киши ё элчи уларни кўриб, дод-фарёдларини эшитиб, бу саройидан одамларга қаттиқ зулм ва ситам тегаркан, деб ўйладиди. Шунинг учун уларга инсоф эшигини очиб кўйиш керак. Фариван шаҳарлик кишиларнинг ҳо-

жатларини йигиб, бир жойда ёзиб құядилар. Ходим беш кишиникидан ортиқ аризаларни күтариб, сарайга кирмасин. Ҳожатлари чиққандан сүнг бехуда дод-фарёд күттармасдан қайтиб кетишлари лозим. Шунда ишлар тез ҳал бўлиб, раият ҳам роҳатда бўлиб, олам обод, бирор бирорга бедодлик ва ҳақсизлик қилмайдиган бўлади.

Ҳикоят

Ажам мулкининг охирги шаҳриёри Яздигурд амиралмўъминин Умарга элчи юбортириб, шундай дейди:

– Бугун оламда бизнинг саройимизга тенг келадиган бошиқа одами кўп сарой йўқ, бизнинг хазинамиз энг обод ва қўшинимиз ҳам оламдаги энг жасурлашкарлардандир. Биздаги мол-мулк ва нарсалар ўчеч кимда йўқ. Амиралмўъминин жавоб қайтариб, дейди:

– Ҳа, сизларнинг саройларинг серодам, аммо улар зулм кўрганлардандир, хазиналаринг обод, аммо бу етимлар моли эвазига, қўшилларинг буйсунмаслик ва исён кўтаришда жасурдир. Давлат қуладан кетса, шунча бойлика ҳожат қолмайди. Бу ҳам сизларнинг давлатсизликларингдан дарак беради.

Амиралмўъминин шундай жавоб қайтаради:

– Лекин энг аввал шоҳинг ўзи инсофли булиши керак, шунда унинг одамлари ҳам одил булиб, ёмонлик ва нотуғри ишлардан қўл тортадилар. Султон Маҳмуд Фозий, Аллоҳ унга раҳмат қиласин, шундай қилган эди.

Ҳикоят

Накл қилишларича, бир савдогар Султон Маҳмуд олдига угли Масъуд устидан, унинг зулмидан шикоят қилиб келади.

– Мен, – дейди у, – анча вақтдан буён бу шаҳарда қолиб кетиб, ватанимга боролмаяпман. Ўғлинг мендан олтмиш минг динорга мол олиб, пулини

бермаяпти. Амир Масъудни мен билан қози олдига юборишиңгни хоҳлайман.

Султон Маҳмуд савдогар сұзларидан жуда хафа бұлиб, үғлиға қаттық сиёсат қылади ва савдогарнинг пулини дарров қайтариб беришини ёки тезда қозихонага боришини буюради. Савдогар қозихонага боради. Элчи эса амир Масъуд ҳузурига бориб, отаси сұзларини етказади. Қийин ақволга тушиб қолган Масъуд бир хизматчисига бориб, хазинадағи бор нақд пулни санаб олиб келишини буюради. Хазиначи бориб, санаб келиб, йигирма минг динор нақдина пул борлигини айттанида, у: «Дарров олиб, савдогарга бериб кел ва қолганини тұлаш учун уч күн мұжлат сұрагин», – деб топшириқ бергач, Султон әзчисига қарата дейди: «Бориб, Султонга маълум қылғин, ҳозир йигирма минг динор тұланди, қолган ҳамма маблағ уч күн ичіда берилади». Мен кийимларимни кийиб, белімни боғлаб, этигимни кийиб турибман. Қозихонага борайми ёки қолган маблағни тұлайми? Султон нима фармон бераркан? Масъуд сұзларини Султон Маҳмудга етказади.

– Аниқ билиб қуйки, шу савдогарнинг пулини охиригача бермасанғ, менга рұпара келма! – деб жавоб қылади Султон.

Масъуд ҳеч нима айтолмайды. У ҳар томонға одам юбориб, қарз сұрайди. Пешин намозигача савдогарга олтмиш минг динор келиб тушади. Бу хабар бутун оламга тарқалади. Савдогарлар бир-бирларига бу воқеани айтиб берардилар. Чин, Хутан, Миср, Адан ва Басрадан Фазнинг мол олиб кела бошлайдилар. Фазнин бозори ҳар хил қимматбақо ва ажойиб нарсаларга тұлиб кетади.

Ҳозирги замонда эса бирор фаррош ёки рикоб аҳдіни Исфаҳон амири, ёки Хуресон раиси билан қозихонага борғин, десалар ҳам бүйсунмай, буйруқни ижро этмайди.

Ҳикоят

Амиралмұғынин Умар, Аллоқ ундан рози бұлсин, саид ал-мурсалин ва имом ал-муттақин Абдулқосим Мұхаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам олдида ўтирган эди. Пайғамбар ҳар бобдан судбат қилиб, адл ва инсоф ҳақида сұзлашпарди. Умар розийаллоҳу аңху дейди:

– Ёшлигимда тижорат қилиб, дунёning түрт томонига қатнардим. Аңұширвони одил даврида Мадойин шахрига бориб, юкларни тушириб, савдога киришдим. Туяларимни сарбон билан ўтлатгани саҳрода юбордим. Кечаси сарбон ўзи қайтиб келиб, «Аңұширвон ўғланинг хожасаройи туяларни олиб кетди», – деб айтди. Бу хабарни эшитиб, тинчлигимни йүқтотдим. Биз құнған хонанинг әгаси буни эшита туриб, Аңұширвон олдига шикоятта боришимни маслаҳат берди. «Шунда у туяларингни қайтариб беради», – деди.

Эртаси вақтә бориб, инсоф занжирига құлurdим. Мени Аңұширвон ҳұзурига олиб кирдилар. Ҳожиб мени сүроқ қылди. Мен бұлған воқеани айттыб бердим. У шоҳнинг ўғлайдан құрішиб, ҳодисани бошқача баён қылди. Аңұширвон буюргач, менга минг динор бердилар. Мен хурсанд бұлып уйга қайтдим. Уй әгаси мени күриб, «Шоҳга сенинг ақволинг маълум бұлмабди. Қайтиб бориб, ҳолингни маълум этгин», – деди. Эртасига бориб, ҳолимни яна ҳожибга айттыб бердим. У яна бошқача қилиб шоҳта арз қылди. Шоҳ буйруғи билан менга яна минг динор бердилар. Уйга қайтганимда уй соҳиби: «Ҳолинг шоҳга маълум бұлмабди, яна қайта боргин», – деди. Тұртінчи ма-ротаба борганимда, шоҳ эъзозлаб, бошқа тилмочини чақириб, ақволимни сұради. Ҳақиқатни билиб олғач, жаҳди чиқди, лекин менга ҳеч нима демади. Мени бир ишончли кишига топшириб, кундалик харажатимни беришни буюрди. Қирқ кун шу ақвозда күним ўтди. Кейин бир куни мени олдига чақыртирди.

Кечкурун ишончли бир ходими мени Ануширвони одил ҳузурига олиб борди. Шоҳ мени кўриб, навозиши қилиб узр сўради. Мен бу ишлардан ҳайрон эдим. Кейин бир хос ходимига буюрди, у усти ёпилган бир товоқ олиб кирди. Шоҳ унинг устини очдирди. Мен товоқда кесилган бир қўлни кўрдим ва ҳайратим ошиб кетди. «Бу кимнинг қўли экан?» деб уйладим. Шунда Ануширвон сўради:

– Биласанми, бу кимнинг қўли?

– Йўқ!

– Бу ўғлимнинг қўлидир. Унинг ходими сенинг туяларингни олиб кетиб, сенга қарши бедодлик кўрсатган. Қирқ кундан буён мен онасига сенинг ҳикоятингни айтиб бериб, унинг розилигини сурадим, зеро, ўғли ситам қилиб, қилмишига яраша жазосини олиши даркор эди. Бу кеча у розилик берди. Мен бир қўлини кестирдим, токи бошқа бирор бундай бедодлик қиласин-у, оламда бедодлик ва золимлик деган ном қолдирмасин. Қиёматда ҳам шарманда ва хижил бўлиб турмайин, жаннатдан ҳайдалган кишилар сафига кирмайин.

Кейин олдига ҳожибни олиб келдилар, Султон ундан сўради:

– Нима учун менга ростини айтмадинг. Мен гап нимадалигини билмай, савдогарни ноумид қўлдим, туялар нобуд бўлардилар, номим золим ва бедодликка чиқибди-ю, мен бехабар эканман!

– Ўғлингдан қўрқдим, – деди ҳожиб.

– Мендан қўрқмадингми?

Дарров буюриб, унинг жазосини ҳам бердилар. Туяларимни қайтардилар. Уйга қайтганимда уй эгаси:

– Энди шоҳга аҳволинг маълум булибди, – деди.

Эртасига туриб, уч минг динорни олиб, Ануширвон жизматига бордим. Зар ҳамёнини олдига қўйдим. Ануширвон шундай деди:

– Бу зарлар сеники.

Яна шунча қўшиб берди. Мени хурсанд қилиб кузатиб қўйдилар. Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам бу сўзларни эшитиб, ажабланиб, деди:

– Бир коғир шунчаadolat қилибди!

Ҳозир замон шундай бўлганки, агар юз нафар мусулмон қонини тўксалар ҳам, бирор бир тариққа тенг жазо кўрмайди. Зар ва динор олсалар ҳам, ҳожатларини чиқармайдилар. Ажабо, бундан кейин нима бўлар экан?

Ҳикоят

Хумс шаҳрининг омили Умари Абдулазизга шундай деб ёзади: «Хуме шаҳрининг девори бузилиб ҳароб бўлибди, уни қайта тиклаш керак». Жавоб келадики: «Хумс шаҳрига адл-у инсофдан девор қуриш керак, йўлларни зулм ва хавф-хатардан тозалагин, шунда гиля, фишт, тош-у гажта ҳожат қолмайди!»

Ҳақ субҳонаҳу таоло Довуд алайҳиссаломга буюрибди: «Эй, Довуд! Биз сени ерда ўзимизга ҳалифа қилдик, сен одамларга ҳақиқатла ҳукм сургин, бандаларимнинг бир-бирларига зулм қилишларига йўл берма, ростлик билан сўзлаб, иш тутгин». Аллоҳ унга дейди: «Аллоҳ ўз бандасидан розими?» Расул саллаллоҳи алайҳи ва олиҳи буюрганки: «Аллоҳ амирига юксалиш бу Аллоҳ яратганларига шафқат қилишдир». Яна у буюрганки: «Диёнатли, порсо, сомонли, кишиларни тайинлаш керак, токи Аллоҳ таоло хафа бўлмасин-у, улар бандалар фамини есин». Агарда шундай қилмасалар ва бундай кишиларни амалдор этсалар, бу худога, расулига, мўъминларга қилган хиёнатта ўхшайди. Улар яхши бўлсалар, яхшилик билан эслайдилар.

ЭЛЛИГИНЧИ ФАСЛ

ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА УНИ КЕРАКЛИ ДАРАЖАДА ОЛИВ БОРИШ ҲАҚИДА

Вилоятларнинг хирожлари ёзиб борилади, шунда харажатнинг ҳисоб-китоби аниқ бўлади. Бу ишнинг фойдаси шундаки, харажатларни оғзаки айтиб бериш расмидир. Бергандан сўнг уни умумий ҳисобдан чиқарадилар. Бермасалар, ёзмайдилар. Агарда берадиган киши китобида камомад қиласа бўлса, уни текшириб, кейин талаб қилиб оладилар. Бўлмаса шу хирож моллари йўқ булиб кетиб, хирож ишларида камчилик юз беради. Шундай қилинса, бошқа бирор нарса яширинмайди.

Аммо подшоҳ дунё моли ва ишларига инсоф билан аралашиб, подшоҳларнинг эски урф-одатларига риоя қилиб, ёмонликка ва ноҳақ қон тукилишига йўл бермаслиги лозим. Амалдорларнинг ишлари, даромадлари, бойлик сақдаш, душманларни даф этишда зарур бўладиган захиралар ва хазина тутиш подшоҳ учун муқаддас фарздир. Бекуда харжга ҳам, исроф ва ифротга ҳам йўл бермаслик керак, одамлар иқтисодни тежамсизлик деб билласин.

Саховат ҳам кишига мос булсин, казинадан нафака оладиганларга ҳақ берсин: кўп оладиганга кўп, кам оладиганга кам. Шунда ҳар бир одам ўз қадрини тушунади.

Подшоҳ душманлари билан шундай уришсинки, ярашиб сулҳ тузишга ҳам имкон қолмасин. Дўст-душман билан шундай муносабатда бўлсинки, яқин бўлганда узиш ва узилганда яқин бўлиш осон кечсин.

Шароб ичганда бир хуштаъб ҳам бир ёмон киши билан ўтириб бўлмайди. Агар дунё ишлари ва томошалари билан машғул бўлиб овга чиқса, шароб

ичса, нафсга берилиб кетса ҳам, баъзи-баъзида шукур айтиб, хайр-у садақа билан машғул бўлсин, намоз ўқиб, рўза тутсин, Қуръон ўқисин ва хайр-у садақа берсин. Ҳамма ишнинг ўртаси яхшидир, чунки Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам айтган: «Ишларнинг яхшиси ўртачасидир». Ҳамма ишларда Аллоҳ таолони ёдидан чиқармасин, токи ишлари ўнгидан келсин, ҳаром-ҳалолни тўлиқ билсин. Қилган ишлари подшоҳдан эсдалик қолсин. Дунёнинг ранж-азоблари яхши ном қолдириш учун қилинади. Подшоҳ дин ишларида ҳам тиришқоқ бўлиши даркор, шунда Аллоҳ дин ва дунё ишларига мададкор бўлиб, икки оламда муродини ҳосил этади, ҳар қуни ризқини ато қиласди. Иншооллоҳ, биргина У азиздир.

Битганимиз «Сияр ул-мулук» китоби шудир. Оlam подшоҳи, Аллоҳ унинг давлатини узайтирсин, менга шу маънода бир китоб ёзгин, деб буюрган эди, бу фармонга биноан мен ўттиз тўққиз фаслдан иборат асар ёзиб, мажлиси олийга олиб кирдим, маъқул тушди. Лекин қисқа бўлгани учун фароғат пайтларида керакли бобларига яна фасллар ва сўзлар қушиб, эркин ва осон сўзлар билан шарҳ бердим. Китобни тўрт юз-у саксон бешинчи йили Бағдод сари кетаётган вақтимда хос китобларни кўчирувчи хаттот Муҳаммад Носих Мағрибийга бериб, уни чиройли хатда кўчиришини буюрдим. Агар банда тасодифан қайтиб келмасам, бу дафтарни шоҳи олам олдига олиб киришини истадим, токи у китобни ўқиб, муҳлис банданинг эътиқодидан ва садоқатидан хабардор бўлсин, сўзларимга қулоқ солсин. Бу китобни ўқиш унга малол тушмасин, чунки китобда панд-у ҳикмат, масаллар, Қуръон тафсири, ҳазрат Расул саллаллоҳи алайҳи васалламнинг ҳадислари, анбиёлар қиссаси, одил подшоҳлар фазл-у сийратлари ҳақида ҳикоятлар келтирилган, бўлган ва

булмаганлар ҳақида ҳам хабарлар бор. Шунча узун бұлса ҳам, бу китоб мухтасар бўлиб, одил подшоҳга арзийдиган асардир. Ким бу асарни ўқиб, ундаги-дек иш тутса, олам подшоҳидир, ким буни қилмаса, билгинки, у Аллоҳ даргоҳидан узоқдир.

«Сияр ул-мулук» ёки «Сиёсатнома» китобати Малики маъбуд-Аллоҳ инояти билан ҳижрий 970 йили муборак муҳаррам ойининг ўртасида тамом бўлди.

МАРОҚЛИ ВА ИБРАТЛИ АСАР

(Сұнгсұз үрнида)

Жағон адабиетида деярли минг йилдан бери яшаб келаётган бу китоб бутун-бутун авлодларни халқпарварлық, адолатпарварлық ружида тарбиялаб келмоқда. Уни яратған буюк олим ва давлат арбоби бутун Шарқда Низомулмұлк номи билан машхур.

Бу ўлмас асарнинг ўзбекча таржимаси (асли форс тилида ёзилған) биринчи бор 1997 йили Тошкентда нашр этилди. Үшанды босилған «Сиёсатнома» таржимасининг 10000 нұсқасидан бирор-бир нұсхани ҳозирда ҳатто ноёб китоблар дўконларидан ҳам топмайсиз. Демак, китобхонлар оммасининг бу асарга қызықиши кучли бўлган. Шунинг учун унинг тўлдирилган ва қайта ишланган нашри қувончли ҳодисадир.

«Сиёсатнома» жамият ҳаётининг турли жиҳатлари учун ибрат ва намуна бўладиган воқеалар тўғрисида ҳикоя қиласи. Ундан оқилона ва фойдали хуносалар чиқариб, одамларга ўғитлар беради. Асадаги панд-у насиҳатли якунлар подшоҳлардан тортиб гуломларгача даҳлдордир.

«Сиёсатнома» муаллифи жамият аъзоларини садоқат, ҳаққоният, адолат йулида қойим турмоққа ундейди, ақл ва жасорат билан иш тутмоқ йўлларини кўрсатади.

Жумладан, Алптегин сомонийлар қўлидаги қуллардан бири бўлса-да, ўзининг жангларда кўрсатган мардлиги, жасорати, турмуш воқеаларида ақлидрок билан иш тутгани туфайли ўттиз беш ёшида Хуросон ўлкасининг лашкарбошиси, сомонийлар давлатидаги энг кучли ва юксак эътиборга сазовор бир арбоб даражасига етди.

Бир куни у ўттиз нафар турк қулини сотиб олди. Сабуктегин ҳам шулар ичида. Алптегин бу ёш қул-

нинг ақл-фаросати, жасурлиги ва мардоналигини юксак баҳолади. Сабуктегин ўз ҳомийси раҳбарлигига ўзгалар етти йиллик хизматдан кейингина эришмоғи мумкин бўлган вусоқбоши лавозимига кўтарилиди. У жанг-у жадалларда, ҳал қилиниши мураккаб бўлган сиёсий, ҳарбий муаммоларни ечишда ўз маҳоратини кўрсата борди. Алптегин Фазни шаҳрини марказ этиб, у ерда ўз ҳокимиятини урнатди. Кўп ҳарбий юришларга бошчилик қилди.

Ниҳоят, Алптегин вафот этгач, барча амирлар Сабуктегинни унинг ўрнига ҳокимиятга кўтардилар. «Сиёсатнома» муаллифи Низомулмулк кейинги воқеаларни бундай тасвирлайди:

«Сабуктегиннинг ҳар бир иши ва юриши мақсадга мувоғиқ эди. У Зобулистон раисининг қизини ўз никоҳига олди. Маҳмуд шу аёлдан оламга келди... Сабуктегин вафотидан кейин Султон Маҳмуд отаси ўрнига тахтга ўтирди. У факат яхши ишлар қиласди, буни эса отасидан ўрганганди. Кўп подшоҳдар ҳақидаги гапларни эшлитиб, билимли ва донишманд кишиларнинг қадрига етарди».

Маҳмуд Сабуктегин ўғли – машҳур Султон Маҳмуд Фазнавийдир. Дарҳақиқат, Фазни XI асрнинг биринчи чорагида энг катта давлатнинг пойтахти, йирик сиёсий ва маданий марказга айланган. Султон Маҳмуд қошида Үнсурий, Фаррухий каби шоирлар яшаб ижод этганлар. Абулқосим Фирдавсий Султон Маҳмуднинг таклифи билан ўзининг ўлмас асари «Шоҳнома»ни яратган.

«Сиёсатнома» асарида тилга олинган тарихий шахслар қаторидаги Султон Маҳмуд Фазнавийнинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий фаолиятига оид тури воқеий ҳикоялар мазмундор ва ибратли. Улар ҳам, маси адл-инсоф, лутғ-марҳамат, эзгулик ғояларини тарғиб этмоққа хизмат қиласди. Бундан ташқари, асарда биз салжуқийлар даври тарихи маданий ва

маънавий ҳолати ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларга эга бўламиз. «Сиёсатнома» асаридағи яна бир диққатга лойиқ маълумотлар қатламини муаллиф давригача содир бўлган турли диний ва ижтимоий ҳаракатлар тарихига тегишли бўлган воқеалар тафсилотлари ташкил қиласди. Улар орасида Маздак ва маздакийлар ҳаракатига доир воқеаларни алоҳида тилга олиш мумкин. Асарда ислом тарихида алоҳида ўрин олган Муқанна ҳаракати, Бобак қўзғолони, хуррамийлар, қарматия ҳаракати ҳақида ҳам қизиқарли маълумот ва мушоҳадалар мавжуд. Мазкур манбада биз давлат бошқаруви, ҳар хил унвон ва мансаблар, уларнинг даражалари, ҳокимиятнинг турли босқичларидаги салоҳияти, раҳбарликнинг қоида ва тартиблари, оддий аҳоли ва сарой аҳлиниң урф-одатлари, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги муносабатлар ҳақида кенг ва мазмунли маълумот оламиз.

Асарда бундай тарихий лавҳалар ва маълумотлар кўп. Улар бадиий жиҳатдан етук, мароқди, тил жиҳатидан енгил ўқиладиган, қизиқарли равишда баён этилган ва ибратлидир. Асарнинг янги нашрини кенг жамоатчилик катта қизиқиши билан кутиб олишига аминман, уни алоҳида тадқиқот объекти қилиб олиш ҳам муҳим илмий мавзу ва йўналиш саналади.

«Сиёсатнома»нинг янги нашри узбек тарихий манбашунослигига қўшилган муҳим бир ҳиссадир. Бу таржимани рӯёбга чиқарган олим ва мураббийлар Шодмон Воҳид Ҳусайнзода ва Афтондил Эркиновларнинг меҳнати таҳсинга сазовордир.

Азиз ҚАЮМОВ, академик.
Тошкент, 2008 йил, 13 сентябрь.

ИЗОҲДАР

Аббосийлар – бу сулолага Абу-л-Аббос ас-Сафоҳ Абдуллоҳ ибн Мұҳаммад ибн Али Абдуллоҳ ибни Аббос ассоғ соглан. Ҳижрий 132 (милодий 749 – 750) йилдан ҳижрий 656 (милодий 1258) йилгача бу сулола намояндадари халифалик қилган.

Абдуллоҳ ибн Маймун – Аҳвозда таваллуд топиб, ҳижрий 261 (милодий 874 – 875) йили вафот этган.

Абдуллоҳ ибн Умар ал-Хаттоб – фозил киши ва Расули акрамнинг саҳобаларидан. Ҳижрий 73 (милодий 692 – 693) йили 84 ёшда оламдан ўтган.

Абдуллоҳ ибн Тоғир – Хурросон волийси, милодий 829 йили Бобакка қарши юришга сафарбар этилган.

Абдуллоҳ ибн Муборак – Ҳорун ар-Рашиднинг лашкарбошиси бўлган.

Абдуллоҳ ибн Аббос – Мұҳаммад расулуллоҳнинг жияни булиб, ҳижрий 68 йили қазо қилган.

Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Мұҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб – шиаларнинг олтинчи имоми. Ҳижрий 83 (милодий 702 – 73) йили таваллуд топиб, ҳижрий 148 (милодий 765 – 766) йили калифа Мансур томонидан ўлдирилган.

Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Нажшабий – фотимийлар мазҳабининг тарғиботчиси (доий), милодий 942 йили Нуҳ ибн Наср Сомоний томонидан қата этилган.

Абу Абдуллоҳ Мұҳтасиб – асли яманлик булиб, биринчи фотимиийлар халифаси Абдуллоҳ ибн ал-Ҳусайнни Убайдуллоҳ (милодий 909 – 934 йиллари) замонида унинг муҳтасиби ва Шимолий Африкада тарғиботчиси бўлган.

Абу Али (Бу Али) Даққоқ – суфий, Абу Саид Абдулхайрнинг (1014 йили вафот этган) катта ёшдаги замондоши бўлган.

Абу Али Мұҳаммад ибн Илёс – сомонийларга қариндош эди. Кирмон вилоятининг мустақил ҳокими. Бухорода милодий 968 йили вафот этган.

Абу Бакр ибн Адмад ибн Али ибн Собит – фикъ олими, ҳижрий 460 (милодий 1067) йили вафот этган.

Абу Бакр Мұхаммад ибн Закариё Розий – табиб, олим ва буюк файласуф. Рай шаҳрида туғилған, милодий 865 – 925 йиллари яшаган.

Абу Бакри Сиддиқ – биринчи халифа. Милодий 632 – 634 йиллари халифалик қылған.

Абу Дулаф – лашқарбоши ва шоир. Ҳорун ар-Рашид саройида хизмат қылған.

Абу Билол Ҳамдон (Дор ул-ада) – хорижий мазҳабида булиб, милодий 272 – 273 йили Нишопурда Ѓекуб ибн Лайс томонига ўтган.

Абу Жаъфар ибн Мансур – Нуҳ ибн Мансур Сомонийнинг акаси.

Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Наср Сомоний – амир Абдумалик на Мансурнинг амакилари. 962 йили жангда Алптегин Фазнавийга асир тушади.

Абу Исқоқ Мұхаммад ал Мұтасимбіллоқ – қаранг: Мұтасим.

Абу Исқоқ Мұхаммад ибн Ҳорун ар-Рашид – аббосий халифаларнинг саккизинчиси. Ҳижрий 218 (милодий 833) йили халифа бўлиб, 8 йил-у 8 сайдан сўнг вафот этган.

Абу Исқоқ Саъд ибн Абу Ваққос – Мұхаммад пайғамбар саҳобаларидан, ҳижрий 58 (милодий 677 – 678) йили вафот этган.

Абу-л-Аббос Абдуллоқ ибн Тоҳир ибн ал-Ҳусайн – аббосийларнинг Хурсон волийси – тоҳирийлар сулоласининг асосчиси, милодий 844 йили вафот этган.

Абу Закариё (Бу Закариё) – И smoil ибн Аҳмад Сомонийнинг акаси Яҳёнинг ўғли, Самарқанд юриши вақтида Бухорода ҳокимлик қылған.

Абу Мусо Абдуллоқ ибн Қайс ал-Ашъарий – Мұхаммад пайғамбар саҳобаларидан. Ҳижрий 52 (милодий 672) йили вафот этган.

Абу-л-Аҳмад ал Муваффақ биллоқи – халифа булған.

Абу-л-Фазл Наср ибн Халиф (Сагзий) – Сийистон ҳокими. Ҳижрий 465 (милодий 1072 – 1073) йили вафот этган.

Абу-л-Фазл Мұхаммад ибн Убайдуллоқ Балъамий – сомонийлар вазири. Милодий 918 – 938 йилларда вазирлик қилиб, 940 йили тұсатдан вафот этган.

Абу-л-Қосым Убайдуллоқ ибн Ақмад ибн Хордац-бәқ – араб саёжатчиси, «Китоб ул-масолик ва-л-мамолик» асарининг муаллифи.

Абу Мансур Чагоний (Абу Мансур) ибн Абу Али – Саганиён ва Тоҳаристон ҳокими.

Абу Мусалим – араб халифаларига қарши чиқиб, милодий 775 йили январь ойида аббосийларнинг иккінчи халифаларида бұлмиш ал-Мансур (милодий 754 – 775 йиллари) томонидан үлдирилган.

Абу Наср Мұхаммад ибн Мансур ибн Мұхаммад ибн Мұхаммад Амид ал-мулк ал-Қундурий ат-Тусий – милодий 1019 йили туғилған, 1055 – 1064 йиллари салжуқтар вазири Алпарслон Салжуқ үлдирилғач, қата этилған.

Абу Саид ал-Ҳасан ибн Баҳром ал-Жуниобий – тегирмончи бұлған, халифаларга қарши ҳаракаттарға бошчылық қылған. Ҳижрий 285 (милодий 898) йили Баҳрайннинг күп қисмини үз тасарруфига киритған. Ҳижрий 301 (милодий 913) йили славян бир қуали құлдан үлім топған.

Абу Саид Ҳасан Басрий – факиҳ ва файласуф олим, милодий 72 йили вафот этган.

Абу Тоқир – ҳижрий 332 (милодий 943) йили вафот этган. Ҳижрий 317 (милодий 930) йили зулхижжа ойининг 8-куни (12 январда) Маккан мұаzzамага хужум қылған.

Абу Тоқир Судаймон ибн Абу Саид Жуниобий – қаранг: Абу Тоқир.

Абу Ҳанифа – Нуғаймон ибн Собит ибн Завтий – исломнинг буюк пешволаридан. Милодий 656 – 767 йиллари яшаб, Ҳанафия мазҳабига асос солған.

Абу Ҳотим Ботиний ал-Варсадовий – Рай шаҳрида исмоилий қарматия жамоасига бопшиқ бўлган.

Ажамийлар – араб булмаган халқлар.

Азад ул-давла Абушужоъ ибн Руки ул-давла – Кирмон ва Ирокда хукм сурган, 48 ёшида ҳижрий 372 (милодий 982 – 83) йили вафот этган.

Алавийлар – Али ибн Абу Толиб авлодлари.

Али ибн Шарвии – Амр ибн Аайс Саффорнинг лашкарбошиси. Исмоил ибн Аҳмад Сомонийга қарши юборилган эди. Милодий 898 йили қўшини мағлуб бўлиб, ўзи асир тушади.

Али ибн Абу Толиб – тўртинчи халифа ва расул Муҳаммаднинг куёви, ҳижрий 41(милодий 661 – 662) йили ўлдирилган.

Али ибн Муҳаммад Бурқайи – зангиilar қўзғолонинг бошлиғи, қудорчиликка қарши 14 йил (милодий 869 – 883) жант қиласан.

Алтегин – сомонийлар лашкарбошиларидан, разнавийлар суоласининг асосчиси, Сабуктегиннинг қайнотаси. Милодий 963 йили вафот этган.

Ал-Қодирбиддоҳ – Аҳмад ибн Исҳоқ Аббосий. Милодий 991 – 1031 йиллари халифалик қиласан.

Амид – маҳалла, қишлоқ оқсоқоли, арбоби.

Амр ибн Лайс – Хурисон ҳокимлигини халифадан куч билан тортиб олган. Милодий 879 йилдан 900 йилгача ҳоким бўлиб, охир-оқибатда халифа иғвоси билан Исмоил Сомонийга қарши чиқиб, асир тушган.

Алпарслон – салжуқийлар суоласининг энг улуғ шоҳдаридан, милодий 1063 – 1072 йиллари подшоҳ бўлган.

Ахбор – хабарлар, ривоятлар тўплами.

Анӯширвони одиқ – Хусрав I нинг лақаби, сосонийларнинг йигирма биринчи шоҳи, милодий 531 – 579 йиллари шоҳдик қиласан.

Аристотелис (Арасту, Аристотель) – юнон файласуфи, милоддан аввалги 384 – 322 йиллари ҳаёт кечирган.

Ардашери Бобаков – сомонийлар суоласининг асосчиси, милодий 226 – 242 йиллари шоҳдик қиласан.

Афросиёб – Туронзамин шоҳларидан, унинг таърифи Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида келтирилган.

Афшин – маҳаллий ҳукмдорлар унвони (Хайдар билан Ковус) – милодий 836 йили амир Бобакка қарши юришга юбориаган.

Аҳмад иби Али – Рай ҳокими. Милодий 924 йили ўлдирилиб, боши халифага юбориаган.

Аҳмад иби Испоён – сомонийларнинг иккинчи шоҳи, милодий 908 – 914 йиллари ҳукм сурган.

Аҳмад иби Ҳасан – лақаби Шамс ул-Кифот булиб, ҳижрий 401 – 406 (милодий 1010 – 1025) йиллари Султон Маҳмуднинг вазири бўлган. Милодий 1082 йили вафот этган.

Ашъас – Ҳамдон ул-Ашъас – Хузистондан. Ҳижрий 293/905 – 906 йили қатл этилган. Ашъас иби Муҳаммад сомонийларниг амирларидан, милодий 961 йили Алттегинга қарши жангда бошчилик қиласан.

Бани Марвон (Абдумалик иби Марвон) умавия халифаларидан, милодий 685 – 705 йиллари халифа булган.

Барид – почта хизматчиси, хабар етказувчи.

Барот – ҳужжат.

Байтулмол – хазина. 1. Бидъат келтирган ва динга қарши чиқишаар қиласан ҳамда ғайримусулмон кишиларнинг мусодара қилинган моллари сақланадиган жой. 2. Мусулмон жамоасининг камбағал аъзоларига шу хазинадан моддий ёрдам берилади.

Барқаёрүқ (Руҳи ул-дин Абу-л-Музаффар) – салжуқий, милодий 1094 – 1104 йиллари шоҳ бўлган. Баҳром Гур Яздигурд I нинг ўрли, милодий 421 – 438 йиллари шоҳлик қиласан.

Баҳром Чубин – Ҳурмуз IV Сосонийнинг энг маҳоратли лашкарбошиларидан. Туронийлар Ҳурмуз IV билан жанг қиласанларида у кўп жасорат кўрсатади, аммо ғалабадан сунг шоҳ уни хафа қиласади. Шунда Баҳром исён кўтариб, милодий 590 йили ўзи тахтга ўтиради. Ҳусрав Парвиҳ унга қарши чиққанида Баҳром Туронга қочиб кетади.

Бистагоний – аскарлар оладиган бир ойлик маоп.
Бобак – йигирма йил, яъни милодий 817 – 838 йиллар Озарбайжонда халифа Маъмун ва Мұтасимга қарши жанглар олиб борган.

Борбад – Хусрав Парвиз Сосоний саройида энг буюк мусиқачилардан.

Ботиния (ботинлар) – шиа мазҳабида бир жараён.

Бузургмеҳр (Бузаржмеҳр) – Нўширавони одил даврида вазир бўлган.

Вакил – ишончли, эътиимодли киши. Сомонийлар давридаги олий унвон.

Вақф – мулкдорчиликнинг бир шакли.

Висоқ – уй, капа, чодир, ўтов.

Висоқбоши – бир даста ёки гуруҳнинг бошлиғи.

Восиқ – аббосий халифалардан, милодий 842 – 847 йиллари ҳукм сурган.

Габр – насроний динида бўлган киши, ғайримусулмон.

Гударз – Рустами достон даврида яшаган. Унинг васфи «Шоҳнома»да бор.

Газ – ўлчов бирлиги.

Гулоб (жулоб) – шарбатнинг бир нави.

Гуштасп – каёний шоҳларидан, милоддан аввалги 520 йили шоҳ бўлган.

Дабир – саройнинг котиби, муншийси.

Деҳхудо - қишлоқ оқсоқоли.

Деҳқон – қишлоқда энг катта заминдor.

Дииор – пул бирлиги.

Дирҷам (дирам) – пул бирлиги.

Довуд – Бани Исроил шоҳларидан. Милоддан олдин 1010 – 970 йиллари шоҳлик қиласан.

Донӣ – даъват этувчи, исмоилия мазҳабининг тарғиботчилари.

Доро (ибн Доро ибн Доро) – Доро III, Эронзамин шоҳларидан, милоддан аввалги 342 – 330 йиллари шоҳ бўлган, уни Искандар Зулқарнайн мағлуб этган.

Жаъфар Бармакий ибн Яхъё ибн Ҳомид ибн Бармак – Сулаймон ибн Абдумаликнинг вазири, 38 ёшида милодий 803 йили қатл этилган.

Жобир ибн Абдулло ибн Амр Аисорий – ҳижрий 78 йида вафот этган муҳандис.

Жомосп – табиб, Гуштасп Каёний даврида яшаб, гўёки зардуштлик мазҳабини қабул этган.

Жубб – салла, бош кийим.

Жумҳур Ижлий (Жумҳур Ижлий ибн Марор ал-Ижлий) – Синдбодга қарши юборилган амирлашкар. Ҳамадон ва Рай ўртасида Синдбод қўшинини мағлуб қилган.

Жуғро – Тувралбекнинг акаси, шоҳ Алпарслоннинг отаси.

Зайд ибн Аслам – Халифа Умар яқинларидан.

Закариё (Абу Закариё) – Исмоил ибн Аҳмаднинг жияни, яъни акаси Яхёнинг ўғли.

Закравейҳ ибн Макравейҳ Соҳиб ул-ҳол – Сурияда милодий 905 – 906 йили халифага қарши қўзғолон кўтарған.

Занданачи – Бухоро шаҳри яқинида Зандана қишлоғида тўқилган, Шарқ мамлакатларида ғоят машҳур бўлган матонинг номи.

Зардушт – каёнилар шоҳи Гуштаси ибн Луҳрасп даврида «Занд-Авесто» китоби билан янги динга асос соглан пайғамбар.

Зобулистон – Балх ва Тоҳаристоннинг жануби.

Зубайда – Ҳорун ар-Рашиднинг хотини ва амакисининг қизи.

Иброҳим ибн Масъуд – Захир уд-давла Иброҳим ибн Масъуд ибн Маҳмуд Фазнавий (милодий 1058 – 1099 йиллари) сulton бўлган.

Иброҳим Ҳалиллулоҳ (Оллоҳнинг дўсти) – Пайғамбар, ривоятларга қараганда, 175 йил яшаган. Момо Соранинг эри.

Искандар (Сикандар) – Файлақус (Филипп II)нинг ўғли. Милоддан оддин 356 – 323 йиллари яшаган.

Исмоил – Жаъфар ус-Содиқнинг катта ўғли. У отасидан оддин оламдан ўтади. Ундан Муҳаммад исмли ўғли қолган бўлса ҳам, Исмоилнинг укаси Мусо имомлик қиласи. Шиалар бунга рози бўлмай, Муҳаммад ибн Исмоилни еттинчи имом деб эълон қилиб, ўзларини

исмоилий деб атаганлар. И smoилия мазҳаби шундан келиб чиққан.

И smoил ибн Аҳмад Сомоний – сомоний сулоласининг асосчиси, милодий 874 – 907 йиллари шоҳлик қиалган.

Исҳоқ – Исҳоқ ибни Иброҳим, халифа Мұтасимнинг амирлашкари.

Иқтоғ – ер парчаси, чек, ҳоким ўз тобелигига бўлган юқори мансабдаги ҳарбийларга хизмат звазига берган ер улуши. Шундай ер эгалари иқтоъдорлар деб аталган.

Иқтоъдор – иқтоғ (чек) соҳиби.

Ишраф – мушриф вазифасини бажарувчи.

Калхудо – бу асарда шоҳдининг унвони. Иккинчи маънода қүшиннинг молия ва хўжалик ишларини олиб борувчи амалдор, хўжайин ва оқсоқол маъносида ҳам келган.

Кайковус – каёний шоҳдарининг иккинчиси. «Шоҳнома»да у ҳақда кўп маълумотлар берилган.

Калимуллоҳ – Аллоҳнинг суҳбатдоши. Мусо пайғамбарнинг лақаби.

Қўҷандиз – эски қалъа дегани. Шаҳарнинг энг мустаҳкам жойи.

Маздак – Кубод даврида қўзғолон кўтариб, тенглик ва бирлик шиорларини қўллаган. Милодий 529 йили тарафдорлари билан бирга ўлдирилган.

Мажд уд-давла (Абу Толиб Рустам ибн Фахр уд-давла Али ибн Руҳи уд-давла ибн Бўя) – Оли Бўя сулоласининг саккизинчи шоҳдаридан, милодий 997 йили таҳтга чиқиб, 1029 йили Султон Маҳмуд томонидан мавлуб этилгач, шоҳлик бу сулола қўлидан кетади.

Мажд ул-мулк – Абу-л-Фазл Асад ибн Муҳаммад ал-Кумий Маликшоҳ даврида давлат арконларидан. Низомулмулк вазифасидан олингач, Шарафулмулк унинг ўрнини эгаллади. У Низомулмулкнинг ўғли Муазизулмулкка очиқласига душманлик қилиб, Барқи-әруқ даврида ўлдирилди.

Маликшоҳ (Абу-л-Фатҳ Жалолуддин Маликшоҳ) – салжуқийлардан учинчи шоҳ, милодий 1072 йили таҳтга чиқиб, 1092 йили вафот қилган.

Ман – оғирлик ўлчови.

Мансур ибн Нуҳ Сомоний – милодий 962 – 977 йиллари шоҳ булган.

Манучедр – Эронзаминнинг қадимий шоҳларидан бўлиб, тавсифи «Шоҳнома»да учрайди.

Марвон – халифа, умавийларнинг учинчи маликларидан, 624 – 685 йиллари яшаган. Ўн ой халифалик қилиб вафот этган.

Мардовиж ибн Заёр – Табаристон ҳокими. Бағдод юриши вақтида ҳижрий 323 (милодий 934 – 935) йили ўлдирилган.

Масая – бу асарда кичик ибратли ҳикоя маъносида.

Маъсуд ибн Маҳмуд Фазнавий – ҳижрий 425 (милодий 1033 – 1034) йили таҳт соҳиби бўлди.

Маҳдий – халифа, аббосий, ҳижрий 158 – 165 (милодий 775 – 785) йиллари халифа бўлган.

Маҳдий (Абу-л-Қосим Мұҳаммад ибн ал-Ҳасан) – ўн иккинчи имом. Ҳижрий 255 (милодий 868 – 869) йили туғилган ва номаълум сабабларга қўра ёйиб бўлган.

Маҳдий – Фируз ибн Фотима бинт Абу Муслим.

Маҳмуд Фозий – қаранг: Султон Маҳмуд Фазнавий.

Маъмун – аббосий, еттинчи халифа. Милодий 813 – 833 йиллари ҳукм сурган.

Меҳржон ва Наврӯз – Эронзамин ва Туронзамин халқларининг байрамлари. Меҳржон (Меҳргон) Михра ойининг б-куни.

Мозёр Габр – Табаристон қалъасининг ҳокими. Бобак билан бирга қатла этилган.

Муовия ибн Абу Сүфён – муовийлар суоласининг асосчиси, милодий 659 – 679 йиллари халифа бўлган.

Мурассасъ – олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган буюм.

Мутакаллим – чиройли сузловчи илми қалом ослимлари. Улар ақл кучи ва далил-у исботлар билан ҳақиқатни шарҳлаб беришган.

Мутасариф – молия ва пул ҳисоб-китобини олиб борадиган мансабдор.

Муфрад – танлаб олинган шахсий посбонлар, гвардия, соқчилар.

Мусо ибн Жаъфар ал-Козим – шиаларнинг еттинчи имоми, милодий 726 йили туғилиб, 780 йили улдирилган.

Муставфий – соҳиб, хирож, хирож олиш ва ҳисоб-китоб билан шугууланадиган катта амалдор.

Ал-Муқтадо – аббосийларнинг йигирма еттинчи халифаси, ҳижрий 448 – 487 (милодий 1056 – 1094) йиллари яшаган.

Муқтадир – халифа, милодий 908 – 932 йиллари ҳукм сурган.

Муқаттиъ – иқтаъ (чек, мулк) соҳиби.

Муқтаъ – қитъа соҳиби.

Мўътазид – ҳижрий 279 – 289 (милодий 892 – 902) йиллари ҳукм сурган халифа.

Мўътамил – аббосийларнинг ўн бешинчи халифаси. Милодий 843 йили таваллуд топган, 869 йили халифа бўлиб, 23 йил ҳукм сурди.

Мұътасим – милодий 833 – 842 йиллари халифа будган.

Мушаттаб (Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абд ул-Жаббор) – олим, фақиҳ ва муҳаддис.

Мушаттаб ибн Муҳаммад (Фарғоний) – олим ва фақиҳ Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Али ибн Собит (милодий 1007 йилда вафот этган) шогирдларидан.

Мушриф – шоҳ девонида амалдор ҳисобчи.

Мұдтасиб – бозорда савдо-сотиқ ишларини шариатга асосан текширадиган амалдор. Сомонийлар даврида алоҳида девон соҳиби.

Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабий – Нуҳ ибн Наср томонидан 942 йили қатла этилган.

Муҳаммади Мустафо – Пайғамбар Муҳаммад.

Муҳаммад ибн Ҳарсум – Рафиъ ибн Ҳарсумнинг акаси. Амр ибн Лайс Исмоил ибн Аҳмад томонидан мағлуб этилганидан кейин (милодий 896 йили) Ҳиротда ҳоким бўлган.

Мұхаммад ибн Ҳорун – И smoил ибн Аҳмад уни милодий 902 йили Рай шаҳри олдида мағлуб қилиб, асир олади. У кейинчалик Бухоро зинданда ўлади.

Мұхаммад ибн Аҳмад – Абу Али Мұхаммад ибни Аҳмад Балхий, ҳижрий IV асрда яшаган, насрый «Шоҳнома» асарининг муаллифи ҳисобланади.

Мұхаммад ибн Исмоил Жаъфар ус-Содиқ – халифа Ҳорун ар-Рашид замонида зинданда ўлдирилди.

Мұхаммад ибн Ҳамид ут-Той (Тусий) – Бобак томонидан милодий 829 йили жангда ўлдирилган.

Мубал – зардуптійлар руҳонийсінинг номи.

Мубадлар мубади – зардұштий динида руҳоний-ларнинг бошлиғи. Дастаннинг мувини.

Надим – хизматкор.

Нақб – ер остидан ўтказылған йүл.

Нақиб – хос хизматчи.

Наср ибн Аҳмад Сомоний – милодий 914 – 943 йиллари ҳукм сурган.

Нимрӯз (Намруд) – асарда ўша замондаги Сийистон ва Балужистон назарда тутилған.

Нұширавон – қаранг: Анұширвони одил.

Нұх ибн Наср Сомоний – милодий 943 – 955 йиллари шоқыл қылған.

Ноқид – пул, олтінларни текшириб, тортиб берувчи.

Оли Бармак (бармакийлар) – Эронзамиң суоласидан бўлиб, аббосийларга мўътабар вазирларни берган. Ҳорун ар-Рашид даврида улардан Холид (Абу Муслим ҳаракатларида фаол қатнашган, халифа ал-Мансур саройида юқори амалларга кутарилған), Файз, Жаъфар ва айниқса Яҳе ибн Холид ибн Бармак (милодий 805 йили бутун уруғ-авлоди билан йўқ қилинганди) энг буюк вазир номи билан машҳур бўлди.

Оли Сосон – бу суолола милодий 226 йилдан 652 йилгача шоҳлик таҳтида бўлган.

Одтунтош – милодий 1017 йили Маҳмуд томонидан Ҳоразм таҳтига кўтарилди. Масъуд ибн Маҳмуд даврида ҳам Ҳоразмшоҳ эди.

Омил – амалдор, закотчи, хирож оладиган амалдор.

Ориз – аскарлар ва мансабдорларга маош улашиш ишларини бошқарадиган киши, хазиначи.

Оташкада, оташхона – оташпаратлар ибодатхоналари.

Осаф иби Бархиё – ривоятларга кўра, Сулаймон ибн Довуднинг вазири.

Ойиша – Абу Бакр қизи ва Мұҳаммад Расулуллоҳ нинг завжаси. Милодий 613 – 678 йиллари яшаган.

Оқба иби Амир – фақиҳ, ҳижрий 57/676 – 677 иили улган.

Пирони Виса – Афросиёб данрида Туронзаминнинг машҳур вазири.

Ранс – шаҳар ва туман бошлиғи.

Ривоят – нақл, ҳикоя.

Рикоб – рикоб аҳли, шоҳ билан юрадиган кишилар, узангисининг аҳли дегани.

Розий – аббосий халифаларидан, милодий 934 – 940 йиллари ҳукм сурган.

Рофизийлар (рофизий) – шиа мазҳабида бир жараён, рад этиш маъносини беради. Улар биринчи уч халифалардан бўлмиш Абу Бакр, Умар ва Усмонни тан олмай, инкор этар, пайғамбар халифаси деб фақат Али ва унинг авлодларини билар эдилар. Улар Зайд ибн Алини қўллаганлар.

Руки ул-давла – Абу Али Ҳасан – вазир, милодий 932 – 976 йилларда яшаган.

Рустам – Зол ибн Сом ибн Наримоннинг ўғли. Эрон ва Туроннинг севимли халқ қаҳрамони.

Сабуктегин – Мансур ибн Нуҳ амирларидан, разнавийлар сулоласининг асосчиси. Милодий 977 иили Фазнинда ҳоким бўлиб, шу йили вафот этган.

Садақа иби Али ибн Садақа Зурайк – халифа Маъмун уни ҳижрий 209 (милодий 824 – 825) иили Арманистон ва Озарбайжонга ҳоким этиб тайинлади. Шу мансабда у Бобак билан натижасиз жанглар олиб борди.

Салжуқийлар – бу уруғга Туғралбек ибн Микоил ибн Салжук асос солиб, Нишопурни ўзига марказ қи-

либ олган. Уларнинг салтанати милодий 1193 йилгача давом этган.

Сардоба – 1. Таҳхона. 2. Қудук устига қурилган гумбаз.

Саъд Баққос – Абу Исҳоқ Саъд ибн Аби Баққос, Расул саҳобаларидан. Ҳижрий 58/677 – 678 йили вафот этган.

Синдбод (Синдбоди Габр) – Абу Муслим дўстларидан бўлиб, унинг қони учун қасос олиш мақсадида 755 йили Шимолий Эронда кўзғолон кўтаради. Кўзғолон 70 кун давом этгандан кейин бостирилади. Рай шаҳрида қатл этилади.

Сом – Наримоннинг ўми. Рустами достоннинг бобоси.

Сомонийлар – бу сулоданинг асосчиси И smoил ибн Аҳмад ибн Асъад ибн Сомонхудот бўлиб, милодий 875 йили Бухоро ҳукуматини қулга олган. Бу сулоланинг охирги шоҳи Абдумалик II ибн Нуҳ эди.

Соҳиб Аббод – Абу-л-Қосим И smoил ибн Аби-л-Ҳасан ал-Толконий Оли Бўя сулоласининг вазирлари бўлган, шоир ва адаби. Муаййид уд-давла ва Фахр уд-давла замонларида милодий 970 – 995 йиллари вазирлик қилган.

Сиёвуш – Кайковуснинг ўми, тавсифи Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида келтирилади.

Соҳиб барид – почта хизматининг бошлиғи.

Соҳиб хабар – ахборотлар бошлиғи (жосус).

Соҳиб ҳаррос, раиси ҳаррос – зинданлар амири, бошлиғи.

Соҳиб ул-жол – Закаруя – IX асрда халифаларга қарши бош кутарган.

Судоба – Кайковуснинг хотини, «Сиёвуш» достонида Фирдавсий унинг қиссасини келтирган.

Сулаймон иби Абдумалик – икки йил, яъни милодий 715 – 717 йиллари халифа бўлган.

Султон Барқаёриқ – милодий 1092 – 1102 йиллари ҳукм сурган.

Султон Тугралбек – салжуқийлар сулоласининг асосчиси, милодий 1038 – 1063 йиллари шоҳ бўлган.

Султон Маҳмуд Фазнавий – милодий 997 – 1030 йиллари салтанат соҳиби бўлган. Фазнавийлар сулласининг подшоҳи, шу суоланинг асосчиси бўлмиш Сабуктегиннинг ўғли. Ҳиндистонни забт этгач, унга Суриш – Фозий номи берилган, зардуштия асостирила-рида күшхабар олиб келувчи фариштанинг номи.

Суфён иби Убайда (Ойана) – факиҳ, милодий 812 – 813 йили вафот этган.

Суфён Сурий /Саврий – Абу Абдулло Суфён Сурий, милодий 713 – 777 йилари ҳаёт кечирган.

Тажаммуд – безатилган, гўзал.

Тайласон – араблар бошларига ташлаб юрадиган мато. Ўрта асрларда факиҳ ва қозийлар қора ранг мато ёпинардилар.

Тарихи Табарий – Муҳаммад иби Жарир ат-Табарийнинг машҳур асари. Уни Абу Али Балъамий тожик тилига ўтирган.

Тарғу – қимматбаҳо қизил толадан тўқилган Чин матоси.

Тож ул-мулк Абулғаноим ал-Марзбон иби Ҳусра-ни Фируз – муставфий. Маликшоҳ хотини Турконхуннинг яқинларидан. Низомулмулк ўлимидан кейин вазир этиб тайинланади. Ҳижрий 486 (милодий 1093) йилда қатл қилинди.

Тұғон – Шараф уд-давла, элихонларнинг тўртинчиси, ҳижрий 403 – 408 йилари ҳукм сурган.

Тұграпал – қаранг: Султон Тұграпбек.

Тұгроний (муҳр, хат тури) – салжуқийлар саройида давлат девонининг болилиги.

Умар иби Абдулазиз – умавия халифаларидан. Ҳижрий 99 – 101 (милодий 717 – 719) йилари халифа бўлган.

Ум-Салма – расулимизнинг хотини, ҳижрий 679 йили қазо қиласкан.

Умар – иккинчи халифа, милодий 634 – 644 йилари халифалик қиласкан.

Унесурий (Абулқосим Ҳасан иби Аҳмад) – шоир, милодий 1039 йили вафот этган.

Фазл ибн Саҳа ибн Абдуллоҳ ас-Саражсий – қалифа Маъмуннинг вазири. Ҳижрий 202 (милодий 817 – 818 йили) вафот этган.

Фарсанг, фарсаҳ – ўул ўлчови, 1 фарсанг 6-7км. га тенгдир.

Фаррош (боший) – саройда шоҳ мажлисларида хизмат қилувчилар бошлири.

Фаҳр ул-давла (Абу-л-Ҳасан Али ибн Рукн ул-давла Ҳасан ибн Бўя) – Ҳамадон ҳокими. Ҳижрий 341 (милодий 952) йили таваллуд топган. Милодий 997 йили Исфаҳонда вафот этган.

Фиръави – қадим Misрда ҳукм сурган шоҳлар номи.

Фитрок – эгар қошида бойлаб қуйиладиган тасма.

Фузайл ибн Аёс (Абу Али Фузайл ибн Ноз ал-Фундини ал-Толиконий) – суфий. Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг замондоши. Ҳижрий 187 (милодий 803) йили вафот этган.

Халлаҗ/Ҳаллож – қабила, «Ҳудуд ул-олам» асарида уларнинг яшаш ҳудудлари Балх, Тоҳаристон, Турғон эканлиги кўрсатилган.

Хайлбоши – бир даста отлиқ аскарлар бошлифи.

Халифа – 1. Унвон. 2. Ботинийлар гуруҳининг бошлифи.

Харвор/харбор – бир улов (эшак) кўтарадиган юк ўлчови, тахминий ўртача ҳисоби 200 кг.

Худованл – 1. Аллоҳ, Ҳудо, Парвардигор. 2. Ҳожа, хўжайин, ҳукмдор.

Хурдодбек – Ибн Ҳурдодбек, 820 – 913 йилларда яшаган араб тарихчиси ва сайёҳи.

Хусрав II Парвиз – сосонийлар шаҳаншоҳи, милодий 590 – 623 йиллари шоҳ бўлган.

Шамъун – Марямнинг отаси. Марям эса, ривоятларга қараганда, Иброҳимнинг онаси экан.

Шараф ул-мулк (Абу Саид Муҳаммад ибн Мансур ибн Муҳаммад ал-Хоразмий) – муставфий (соҳиб хиҷорж). Низомулмulkнинг яқинларидан бўлиб, милодий 1100 йили ўлган.

Шаҳна / шиҳна – шаҳарда тартиб сақдаш ишлари билан шуғулланувчи ҳарбий мансабдор.

Шофиъий – Мұхаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофиъий, Абу Абдуллоҳ кунияси билан машхур. Суннат аҳли томонидан тан олинган түрт имомдан бири. Милодий 767 – 830 йиллари яшаб, шофиъия мазҳабига асос солған.

Қадарийлар – исломнинг бу жараёнида инсоннинг тақдирин үз қулида эканлиги тасдиқланади.

Қарматий (қарматийлар, қароматия) – бу сўзнинг лугавий маъноси хатни майда, бир-бирига яқин ёзиш демакдир. Ҳамдон ул-Ашъас – бу ҳаракатнинг асосчиси ҳам калта оёқди, «қарматий» эканалигидан ҳам бу ҳаракат шу номни олганига тахмин бор. Бошқа фикрга қараганда, бу хатни машхур хаттот Мұхаммад Варроқ ихтиро қылган. Қарматиянинг истилоҳий маъноси расмий исломга қарши чиқишиларга тоя ва асос бўлди.

Қарочўрий – қиличнинг бир нави.

Қорун – бу бой шундай хасис ва баҳил эканки, ер уни ҳамма бойликлари билан ютиб юборган.

Қубод Сосоний – милодий 488 – 531 йиллари шоҳ бўлган.

Қурчи – қуролбардор, хос соқчи.

Чигилдий – туркларнинг бир қабиласи.

Чоум – ҳоким ҳузурида маҳкама ва миршаблик вазифаларини бажарадиган турк аскари.

Чубдор – калтак билан қуролланган соқчи.

Ғазна – Сабуктегин асос солған разнавийлар давлатининг маркази.

Ғазни – қаранг: Ғазна.

Ғазнин – қаранг: Ғазна.

Ғудом – қул, хизматчи ва сарбоз маъносида ҳам келган.

Ғиёс ул-дунё ва-д-дин – Мұхаммад ибн Малик-шоҳнинг лақаби.

Ҳамза – Мұхаммад пайғамбарнинг лашкарбошлиридан булиб, ҳижрий учинчи йили қатл этилган.

Ҳайдар ибн Ковус – қаранг: Афшин Ҳайдар ибни Ковус.

Ҳарфи мўъжам – нуқтали араб ҳарфлари.

Ҳасан ибн Али – қаранг: 46 ёшида милодий 669 йили ўлдирилган.

Ҳафса – Умарнинг қизи, биринчи эри Ҳунайс улимидан олти ой ўтгандан сўнг Расули акрамга хотин бўлди.

Ҳорун ар-Рашид – аббосийларнинг бешинчи халифаси. Милодий 765 йили оламга келиб, 809 йили вафот этган.

Ҳожиб – сарой ва қўшинда маҳсус вазифаларни бажарадиган мансабдор.

Ҳожиб ул-боб – эшикоғаси.

Ҳожиби бузург (улуг ҳожиб) – ноҳияларда ҳоким этиб тайинланиши мумкин эди.

Ҳотами Той – саковатда машҳур булган араб давлатманди.

Ҳошим ибн Ҳаким – Муқанна номи билан машҳур булиб, араблар ҳукмронлигига қарши уришган. Милодий 776 йили қўзғолон кутарган. 783 йили ўзини оловга ташлаб ўлдирган.

Ҳошимий (Бани Ҳошим) – араб қабилаларининг бири.

Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб ва Фотима бинт Мұхаммад – 680 йили мұхаррам ойининг 10-куни қата этилган.

Ҳусайн ибн Али Марварудий – қарматия тарғиботчилари ва лашкарбошиларидан. Милодий 918 йили сомонийлар томонидан ҳибсга олинади ва 930 йили зинданда вафот этади.

Ҳижрий 137 йил - милодий 754 – 755 йилларга teng.

Ҳижрий 162 йил - милодий 778 – 779 йилларга teng.

Ҳижрий 212 йил - милодий 827 – 828 йилларга teng.

Ҳижрий 218 йил - милодий 833 йилга teng.

Ҳижрий 255 йил - милодий 868 – 869 йилларга teng.

Ҳижрий 280 йил - милодий 893 – 894 йилларга teng.

Ҳижрий 295 йил - милодий 907 – 908 йилларга teng.

Хижрий 317 йил – милодий 929 – 930 йилларга тенг.
Хижрий 485 йил – милодий 1092 – 1093 йилларга тенг.

Яэдигурд I – сосоний, милодий 399 – 420 йиллари шоҳ бўлган.

Яэдигурд III – сосонийларнинг охирги шоҳи. Марв яқинида милодий 651 йили араблар томонидан жангда улдирилган.

Яздон – ислом тарқалишидан оддинги Эронда худономларидан бири. Яна Худойгон, Ҳурмуз, Эзид деган номлари бўлган.

Яхё ибн Ақсом ат-Тамимиј – қози, Бобакка қарши Исҳоқ ибн Иброҳим билан Абдулло ибн Тоҳирга мадад бериш учун юборилган эди. Ҳижрий 242 (милодий 856 – 857) йили вафот этган.

Яъкуб иби Лайс Саффорий, мисгар – 873 йили Нишопурни босиб олиб, тоҳирийлар давлатини мағлуб этиб, кўп йиллар халифаликка қарши уришган. 879 йили Жунди Шопур деган қалъада ҳалок бўлган.

МУНДАРИЖА

Улуг зотлар меҳри тушган «қилич ва қалам соҳиби»	3
Низомулмулк ва унинг «Сиёсатнома» асари	6
Биринчи фасл. Замона одамларининг аҳволлари ва султони одил, шаҳаншоҳи аъзам ҳаладаллоҳу мулкахунинг мадҳи ҳақида	19
Иккинчи фасл. Подшоҳлар томонидан Аллоҳ таоло неъматлари қадрини билиш ҳақида	22
Учинчى фасл. Подшоҳнинг мазлумларни қабул қилиши, одил ва яхши жулқли бўлиши ҳақида	24
Тўртинчи фасл. Амалдор, вазир ва муншийлар аҳволини билиш ҳақида	33
Бешинчи фасл. Иқтаълар эгалари ва раият аҳволи қандайлигини билиш ҳақида	45
Олтинчи фасл. Қозилар, хатиблар ва муҳташаблар орасидаги муомала ва улар ишларининг ривожи ҳақида	55
Еттинчи фасл. Омил-у қози ва раис ҳоллари ва сиёсат шартлари ҳақида	61
Саккизинчи фасл. Дин, шариат ва унга ушшаган ишларни таҳқиқ қилиш ва бажо келтириш ҳақида	76
Тўқдизинчи фасл. Давлат мушрифлари ва уларнинг масшлари ҳақида	80
Үнинчи фасл. Соҳибхабар ва жарчилар ва уларнинг иш тадбирлари ҳақида	80
Ўн биринчи фасл. Саройдан юбориладиган олий фармон, бўйруқлар ҳамда уларнинг ижро этилиши хусусида	90
Ўн иккинчи фасл. Зарур бўлганда саройдан хизматкор юбориш ҳақида	92
Ўн учинчى фасл. Жосуслар ва уларнинг мулк ва раият тинчлиги йўлидаги иш тадбирлари ҳақида	93
Ўн тўртинчи фасл. Қосидаар ва чопарлар аҳволи ҳақида	110
Ўн бешинчи фасл. Мастлик ва ҳушёрликда битикларни эҳтиёт қилиш ҳақида	110
Ўн олтинчи фасл. Шахсий вакил ва унинг ишининг ривожи ҳақида	110
Ўн еттинчи фасл. Подшоҳ ҳазратларининг надимлари ва яқин кипилари ҳақида	111

Үн саккизинчи фасл. Подшоҳларнинг донолар ва оқсоқоллар билан кенгац қилипти ҳақида.....	114
Үн тўқизинчи фасл. Шахсий соқчилар ва уларнинг маошлари, аҳвол ва ишларининг тартиби ҳақида	116
Йигирманчи фасл. Мурассаъ қуролларини ясаш ва уларни зийнатлаш ҳақида.....	116
Йигирма биринчи фасл. Элчилар ва уларнинг иш тартиби	117
Йигирма иккинчи фасл. Манзилларда ем-хашнак тайёрлаб қўйиш ҳақида	121
Йигирма учунчи фасл. Лашкар ишларининг аниқданиши ҳақида	122
Йигирма тўртинчи фасл. Турли хил лашкар сақдаш ҳақида	123
Йигирма бешинчи фасл. Саройда гаровга олинганилар ва турли қабила қўшинларини сақдаш ҳақида	124
Йигирма олтинчи фасл. Туркманлар ва турклардан ғуломлар ўрнида фойдаланиш ҳақида	124
Йигирма еттинчи фасл. Уларга хизмат вактидан ташқарида азоб бермаслик ва тарбиялаш тартиби ҳақида	125
Йигирма саккизинчи фасл. Хос ва авомни қабул қилиш тартиби	126
Йигирма тўқизинчи фасл. Улуғлар ва кичикларни қабул қилиш тартиби ҳақида.....	143
Ўттиз биринчи фасл. Шароб ичиш тартиби ва қоидалари ҳақида	144
Ўттиз тартиби ҳақида	145
Ўттиз иккинчи фасл. Лашкар, хизматчилар ва яқин кишиларнинг ҳожат ва илтимосларини билдириш тартиби	146
Ўттиз учунчи фасл. Қурол-яроғ ва уруш асбобларини ясаш ва зийнатлаш тартиби ҳақида	146
Ўттиз тўртинчи фасл. Юқори лавозимдаги кишиларга хато ва гуноҳ қилганларида огоҳлантириш ҳақида	147

Үттиз бешинчи фаса. Посбонлар, навбатчилар ва қоровуллар ишларининг тартиби ҳақида.....	148
Үттиз одтинчи фаса. Тўкин-сочин дастурхон ясатиш ва зиёфат бериш тартиби ҳақида	149
Үттиз еттинчи фаса. Қадрлашга лойик қуллар ва хизматкорлар ҳақида	152
Үттиз саккизинчи фаса. Иқтоъ, уларнинг эгалари ва ҳалқ аҳволини асраш ҳақида	154
Үттиз тўқизинчи фаса. Подшоҳлик ишларида шошилмаслик ҳақида	154
Қирқинчи фаса. Амири ҳаррос ва калтакчилар ҳақида	156
Қирқ биринчи фаса. Подшоҳниң ҳалқа қиласиган садақалари ва ҳар ишда тартиб-қоида булиши ҳақида	162
Қирқ иккинчи фаса. Бир кишига икки амал бермаслик ва амалларни лойик ва покдил кишиларга бериш ҳақида	183
Қирқ учинчи фаса. Парда орқасида ва сарой ҳарамида бўлган аёллар ҳамда кўл остидагиларнинг ҳадлари ва иш тартиби ҳақида.....	206
Қирқ тўртинчи фаса. Бадмазҳаблар аҳволини фош қилиш, маздак ва маздакийлар ҳақида	216
Қирқ бешинчи фаса. Синдбоди Габрининг мусулмонларга қарши Нишопурдан Райга келгани ва фитнаси ҳақида	239
Қирқ одтинчи фаса. Кўхистон, Ироқ ва Хурсонда ботинийлар ва қарматийларнинг чиқишилари ҳақида	241
Қирқ еттинчи фаса. Хурсон ва Мовароуиннаҳрда ботинийларнинг чиқишилари ҳақида.....	246
Қирқ саккизинчи фаса. Хазина туплаш ва уни сақлаш тартиб-қоидалари ҳақида.....	269
Қирқ тўқизинчи фаса. Шикоятга келганлар жавобини бериш ва уларнинг ишларини инсоф билан ҳал қилиш ҳақида	271
Эллигинчи фаса. Ҳисоб-китоб тартиби ва уни керакли даражада олиб бориш ҳақида	277
Мароқли ва ибратли асар (сўнгсўз ўрнида).....	280
Изоҳлар	283

Адабий-бадиий нашр
НИЗОМУЛМУЛК
СИЁСАТНОМА (СИЯР УЛ-МУЛУК)

Мұхаррир
Маъмура ҚУТАЛИЕВА

Мусаққиқ
Сайёра МЕЛИҚҮЗИЕВА

Бадиий мұхаррир
Үйғун СОЛИХОВ

Техник мұхаррир
Умидбек Яхшимов

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖҮРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босиши 2017 йил 24 январда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табғы 9,5. Шарталы босма табоги 15,96

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қороз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 200.

Бағоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланды.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күласи, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр булими – 278-30-52;

Маркетинг булими – 128-78-43; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru





Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018 – 1092)

Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг 1091 йили ёзилган «Сиёсатнома» (ёки «Сияр ул-мулук») асари билан ўчмас из қолдирган.

1018 йилда Туснинг Родкон вилоятидаги Навғон қишлоғида дунёга келган Абу Али Ҳасан бошлангич таҳсилни шу ерда олади, кейин Нишопур ва Марвда үқиб, вояга етгач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматига киради. Дабирлик мансабидан салжуқийлар (1037–1194) шоҳи Алпарслон (1063–1072 йиллар) саройида вазирлик мансабигача кутарилади ва «Низомулмулк», яъни мулкнинг низоми, тартиби маъносини англатувчи номи билан шухрат қозонади.

1091 йили Низомулмулк ёзган 39 бобдан иборат «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулук» («Подшоҳлар турмуши») номли асар шоҳга манзур бўлади. Сунгра Низомулмулк асарини қайта ишлаб, уни янги боб ва қисмлар билан бойитади. 1092 йили уни кучириб, Султон Маликшоҳга топшириб, узи Бағдод сафарига йул олади.

«Сиёсатнома» асари яратилган даврдан бошлаб олимлар, тарихчилар, адиллар, энг асосийси, шоҳу ҳокимлар диккатини ўзига тортиб келади. «Сиёсатнома» Шарқ маданиятини, салжуқийлар тарихи ва сиёсий ҳаётини ўрганишда энг ишончли манба булиши билан бирга форс адабиётининг дастлабки бадиий асарларидан саналади.

ISBN 978-9943-27-635-2

